



СИА

БІЛУЧІСТЫЙ ОУНІСІ

Ёвдат Илесов





«ЖАҲОН АДАБИЁТИ» КУТУБХОНАСИ

Ёвлат Илёсов



# ОЛАЧИПОР АЖАЛ

ТОШКЕНТ  
«O'ZBEKISTON»  
2015

821.512 .145  
уўқ 821.511.133-3  
КБК 84(5У)6  
И 88


Tarjimon

Таржимон  
Шомуҳиддин МАНСУРОВ

ISBN 978-9943-01-883-9

© Ёвдат Илёсов, 2015

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2015



## ♦♦♦ ЁВДАТ ИЛЁСОВ — ТАРИХНАВИС ЁЗУВЧИ ♦♦♦

Ёвдат Ҳасанович Илёсов (1929—1982) — носир, шоир, таржимон, мусаввир. Ўн ёшлигидан бадиий ижод билан шугуллана бошлаган. Жами тўқиз роман ва қисса, тўрт сценарий, юзлаб шеърлар, мақолалар муаллифи ва кўплаб асарлар таржимони. Ижодий камолот ёшига етганда — 53 ёшида ёргуғ оламни тарк этган Ёвдат Илёсовнинг ижодий фаолияти якуни шундай.

Ё. Илёсовнинг шеър ва ҳикоялари 1949 йилдан чоп этила бошланган. 1956 йили «Звезда Востока» журналида илк қиссаси — «Фазаб сўқомги»<sup>1</sup> олам юзини курган. Сўнг «Судиёна»<sup>2</sup>, «Олачипор ажал»<sup>3</sup>, «Ўқ ва қўёш»<sup>4</sup>, «Қора бева»<sup>5</sup>, «Олтин санам»<sup>6</sup>, «Илон авровчи»<sup>7</sup>, «Анахита қасоси»<sup>8</sup> сингари роман ва қиссалари, «Майра қўшиғи», «Тракторчилар», «Машақатли йўл» ҳикоялари нашр этилган.

Ё. Илёсовнинг китоблари нодир асарлар қаторидан ўрин олиб, Ўзбекистонда бир неча маротаба кўп нусхада босилган. Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта асрлар тарихи мавзусидаги бадиий асарлар муаллифи сифатида танилган ёзувчининг айрим асарлари Россияда, Тоҷикистонда, Литвада, Словакияда ва бошқа мам-

<sup>1</sup> Я. Ильясов. Тропа гнева: повесть. — Т.: Гослитиздат, 1957. — С. 277.

<sup>2</sup> Я. Ильясов. Согдиана: роман и повесть. — Душанбе: Адиб, 1987. — С. 688; Илёсов Я. Судиёна. Тарихий роман / Русчадан Мъяруф Жалил тарж. — Т.: «Ёш гвардия», 1981—240-бет; Илёсов Я. Судиёна: Тарихий роман / Русчадан М. Жалил таржимаси. — Т.: «Шарқ», 1994. — 286-бет.

<sup>3</sup> Я. Ильясов. Пятнистая смерть. — Т.: Гослитиздат, 1963.

<sup>4</sup> Я. Ильясов. Стрела и солнце: роман. — Т.: Гослитиздат, 1964. — С. 213.

<sup>5</sup> Я. Ильясов. Черная вдова: повесть. — Т.: «Ташкент», 1966. — С. 280; Я. Ильясов. Согдиана: роман и повесть. — Душанбе: Адиб, 1987. — С. 688; Ильясов Я. Черная вдова. Месть Анахиты. Повести. — Т.: Изд-во Г. Гуляма. — 1991. — С. 448.

<sup>6</sup> Я. Ильясов. Золотой истукан: повесть. — Т.: Изд-во лит-ры и искусства им. Гафура Гуляма, 1973. — С. 277.

<sup>7</sup> Я. Ильясов. Заклинатель змей: повесть. — Т.: Изд-во лит-ры и искусства им. Гафура Гуляма, 1979. — С. 486.

<sup>8</sup> Я. Ильясов. Месть Анахиты: повесть. — Т.: Изд-во лит-ры и искусства им. Гафура Гуляма, 1984. — С. 237.

лакатларда ҳам нашр қилинган. Унинг асарларининг умумий тиражи 23 миллион нусхадан зиёддир.<sup>1</sup>

Ё. Илёсов номи бугунги кунда ёш китобхонларга нотаниш, бироқ XX асрнинг 60—80-йилларида у Ўзбекистоннинг деярли ҳар бир саводхон аҳолисига ва ундан ташқаридаги кўплаб кишиларга маълум эди.

Ёвдат Илёсов ҳаётининг тафсилотлари унинг асарларига ёзилган сўз бошиларда<sup>2</sup>, унга бағишланган журналистлар мақолаларида ҳамда тадқиқот ишларида кўп тилга олинган, бироқ айrim қизиқ фактлар кенг оммага маълум эмас.

Чунончи, ёзувчи нозик ҳис этиб, маҳорат билан асарларини ёзган рус тили унинг учун она тили бўлмаган. Бошқирдистон Республикаси Ермекеев районидаги Исломбахти қишлоғида таваллуд топган Ёвдат Илёсов беш ёшгача фақат татар тилида гапирган. Бошқирдистондан онаси билан Тошкент вилояти Оққурғон туманидаги совхозга кўчиб келиб, жойлашгач, дастлаб ўзбек тилини, сўнг рус тилини ўрганган.

Ё. Илёсов бадий асарларини рус тилида, публицистик асарларини бошқирд, рус, татар, ўзбек тилларида битган. Ё. Илёсов, рус тилидан ташқари, бошқирд, ўзбек, қрим-татар, қорақалпоқ ва корейс тилларини ҳам билган. Бадий таржима соҳасида унумли меҳнат қилиб, ўзбек, татар, қорақалпоқ ёзувчи ва шоирлари асарларини рус тилига ўтирган.Faфур Фулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, М. Суматах, Маҳмуд Тарзий, Файз Аҳмад Файз, Угай-Дегун, Хо Цзанларнинг ва бошқа кўплаб таниқли ёзувчиларнинг асарларини рус тилига таржима қилган.

<sup>1</sup> Ильясова Илона. Интервью с отцом (Памяти Явдата Ильясова) // Звезда Востока, 2012, №4. — С. 67—73.

<sup>2</sup> Қаранг: Ш. Шомухамедов. Новая повесть об Омаре Хайяме // Ильясов Явдат. Заклинатель змей: Повесть о трудной судьбе, удачах и неудачах беспутного шейха, поэта, ученого, несравненного Абуль-Фатхя Омара Хайяма Нишопурского, да не коснется его злословия недругов и друзей (Послесловие Ш.М. Шамухамедова. — Т.: Изд. лит. и искусства, 1979. — С. 411—415; Ш.М. Шамухамедов. Достойный памятник // Ильясов Я. Заклинатель змей; Башня молчания: Повести. — Т.: Изд-во лит. и искусства. 1986. — С. 488—494; Н. Красильников. Заглянувший в тайны веков // Ильясов Явдат. Черная вдова. Месть Анахиты. Повести. — Т.: Изд.-полиграф. об-ние им. Г. Гуляма, 1991. — С. 438—446; Маъруф Жалил. Қаҳрамонлик достони // Илёсов Ёвдат. Суғдиёна: Тарихий роман (Русчадан М.Жалил таржимаси). — Т.: Шарқ, 1994. — 281—286-бетлар; Қ. Ражабов. Унугтилган адабнинг... унуттилмас асари // Илёсов Ёвдат. Илон авровчи: қисса / Рус тилидан Ҳ. Мансурова, Ш. Мансуров таржимаси; сўнгсўз Қ. Ражабовники. — Т.: O'zbekiston, 2011. — 384—387-бетлар; Сайдов А. Буюк зотта кўйилган ҳайкал (Ё. Илёсовнинг «Илон авровчи» романига такриз) // Китоб дунёси, 2012йил 1 июнь.

Тарих ва адабиётдан, археология ва этнографиядан пухта хабардор бўлган бу адебнинг маълумоти юқори бўлмаган — уруш унга, ҳатто, мактабни тугатишига ҳам имкон бермаган. Ёши катта бўлганда Белорецк шаҳридаги педагогика техникумига ўқишга кирган, бироқ оила-рўзгор ташвиши уни ўқишни ташлаб, ишлашга мажбур қилган.

Ё. Илёсов чўпонлик қилган, тракторчи бўлган, чилангар, новвой, чизмакаш, безакчи рассом, клуб, кутубхона мудири бўлиб ишлаган, бадиий ҳаваскорларга раҳбарлик қилган. У мактабда ўзбек тили, расм, чизмачиликдан дарс берган. «Ташкентская правда», «Комсомолец Узбекистана» (ҳозирги «Молодежь Узбекистана»), «Физкультурник Узбекистана» газеталарида ишлаган, «Звезда Востока» журналида шеърият бўлимига мудирлик қилган.

Барча туфма истеъодд эгалари сингари, Ё. Илёсовга ҳам ҳаётнинг ўзи, билимга чанқоқлик, адабий фаолиятга интилиш, бекиёс иш қобилияти «дорилфунун» бўлган. Тарихий ҳақиқатни тиклашга интилиш, реал персонажлар ва воқеаларни, шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини, турмуш тарзини, моддий маданиятни пухта тасвирлаш учун кенг ва чуқур билимга эга бўлиш керак эдики, бу билимни у ўқув дастурларисиз ва бирон кимсанинг раҳнамолигисиз, фақат фидойилиги билан эгаллаган.

Қадимги юонон тарихчилари: **Геродот** (мил.авв. 484—425) ва **Плутарх** (мил.авв. 45—120), византиялик тарихчи **Феофан** (VI асрнинг иккинчи ярми), Шарқ донишмандлари ва шоирлари **Умар Хайём** (1048—1131), Абулқосим **Фирдавсий** (940—1020), буюк қомусий олимлар **Абу Райҳон Беруний** (973—1048) ва **Абу Али ибн Сино** (980—1037) ва бошқа қадимги забардаст олимлар унинг устози бўлғанлар. Қадимги халқларнинг келиб чиқиши, кўчиб юриши, урушлари, қўшилиб кетиши тарихи ҳақидаги узуқ-юлуқ ва баъзан афсонага айлануб кетган маълумотлар, уларнинг адабий асрлари Ё. Илёсов учун муҳим манба бўлиб хизмат қилганки, улардан фойдаланиб ҳамда ўз билим ва ҳёлотини ишга солиб, ишонарли тарихий тафсилотларни яратган.

Ёвдат Илёсов тарихнавис ёзувчи сифатида ўз вазифасини «Сурдиёна» қиссасида милоддан аввалги IV асрда **Искандар Зулқарнайн** (македониялик Александр)га қарши қўзғолонга раҳнамолик қилган Спантамаъно (Спитамен) айтган гаплар билан ифодалаган: «...минг йилдан кейин, икки, уч минг йилдан кейин тафаккур қанотида зулматли асрлар қаърини ёриб кириб, мени қандай

**бўлсам шундайлигимча идрок этадиган ва ўз замондошларига мен ҳақимда тирик одамдек ҳикоя қилиб берадиган бир дўсти азиз топилгай...».**

Ёвдат Илёсов тилининг ифодалилиги ҳамда шоироналиги унинг ижодининг муҳим жиҳатлариданdir: «Жўчининг кўзлари ёндиргувчи эди» («Қора бева»). Унинг тили соддалиги ва аниқлиги билан тавсифдан кўра, шу тасвир воситасида юзага келадиган «манзара» муҳим бўлган киносценарий тилига яқин. «Кумтепа ўркачидан узун гулдор жубба кийган суворий кўринди. Массагетларнинг ранги қув учди — ёт суворийнинг тунд ангоридан ёввойи ва шафқатсиз жануб иси уфуриб турарди. Форс эгарда ўтирганча ўгирилиб, найзасини силкитди-да, жанговар наъра тортди. Дўнглик ортидан жангчилар тўдаси чиқиб келди. Улар тўппа-тўғри массагетлар турган дўнгликка қараб от суришди» («Fазаб сўқмоғи»).

Наср назмга, назм насрга равон ўтадиган баён тўқимаси шу қадар енгил ва нафиски, гўё у адабий заҳматнинг маҳсули эмас, балки фикрни ифодалашнинг табиий, ягона усулидек туюлади: «Лангар ташланди. Арқон соҳилдаги қозиққа боғланди. Кўприкча тўшалди. Эшқакчилар бошлиғи эшқакчилар ҳаракатини бир маромга соладиган шақилдоғини чеккага кўйди; унинг ёрдамчиси найни яширди. Октавиан Август ҳукмроғлигининг ўнинчи йилида Брундизий бандаргоҳига ажабтовор кема сузиб кириб келди» («Анахита қасоси»).

Ё. Илёсов илк болаликдан бошлаб, сўнгти кунларигача ҳаётий ва адабий зарбаларни гоҳ қабул қилишига, гоҳ даф этишига тўғри келган. Бироқ на тортган мاشаққатлари, на ихлоси қайтиши унинг истеъдодига путур етказа олган, адабий заҳматга фидокорлигини сўндира олган. Унинг ҳаётий мақсади: «Ҳар нарсадан қатъи назар ва ҳеч нарсага қарамай!» — деган сўзларда ифодаланган. Ёвдат Илёсовнинг кундалик иш тартиби, турмуш зиддиятларига қарамай, кўп йиллар давомида ўзгармаган: у ҳар куни субҳи қозибда уйқудан уйғониб, кўчадан эшитилаётган трамвайлар жиринглаши ва моторларнинг ўкириши ёзувчининг хаёлот оламини бузмагунича, 5—6 соат давомида ёзган.

Умар Хайём ҳақидаги «Илон авровчи» қиссасининг давоми, тугалланмаган «Сукут минораси» қиссасининг қўллэзмасини ёзув столи устида қолдириб, уйдан чиқиб кетган, умрининг сўнгги тонги ҳам шу тарика ўтганди. Яна бир қанча асаллари қўллэзмаси, кўплаб мусаввадалар тугалланмай қолган.

Беназир олим, нозим, шайх Абулфатҳ Умар Хайём Нишопурининг оғир қисмати, иқболиу толесизлиги ҳақидаги тарихий қиссалар Ёвдат Илёсов ижодида алоҳида ўрин тутади. Адаб даврни, одобу одатларни ва тарихий шахсларни аниқ тасвирлаш учун кўплаб илмий, адабий ва бадиий асарларни ўрганиб чиқсан. Ушбу олим ва шоир шахсиятининг ёзувчи томонидан талқини Умар Хайёмнинг нафақат у яшаган давр — XI аср охири XII аср боши учун, балки қайсиидир мъянода бизнинг давримиз учун ҳам жасоратли ва ошкора бўлган асарлари асосида ишончли даражада таассурот ўйғотади<sup>1</sup>.

Ушбу асар ўзбек тилига Ҳ. Мансурова ва Ш. Мансуровлар томонидан ўзбек тилига моҳирона таржима қилинди ва «Ўзбекистон» нашриёти томонидан «Жаҳон адабиёти» кутубхонасида чоп этилди<sup>2</sup>.

Умар Хайём ижодига чуқур кириб борган, унинг ҳаётини, теварак-атрофини, тарихий шароитни имкон қадар ўрганган Ё. Илёсов уни қалбан ўзига яқин олган, ўзи билан айнанлаштирган. Бу китобларда, кўпинча, Ё. Илёсовнинг ўзини кўриш мумкин бўлгани учун ҳам уларни автобиографик асарлар, дейиш мумкин. Хайём ўз даври — ўрта асрлар даврига сифмаганидек, Илёсов ҳам «ривожланган социализм» даврига сифмаган ва ҳар иккиси ҳам ҳақиқатни ёзишган.

Умар Хайём «Алжабр» асарида: «Биз олимлар ҳалокатининг гувоҳи бўлганимиз, ҳозир улардан бир ҳовуч жафокашларгина қолган. Ушбу даврлардаги қазову қадар уларга ўзларини комилликка эришишга буткул бағишлиш ва илмини чукурлаштиришга тўсқинлик қилди. Ҳозирги кунда ўзини олим кўрсатаётганларнинг кўпчилиги илмда соҳтакорлик ҳамда мунофиқлик доирасидан ташқари чиқмай, ҳақиқатга ёлғонни либос қилишмоқда. Башарти ҳақиқатни изловчилиги ва ҳақиқатни севгувчилиги билан фарқланувчи кишини учратиб қолишса, ёлғонни ва мунофиқликни рад этишга ҳамда мақтанчоқлик ва ёлғондан воз кечишга интилевчи кишини учратиб қолишса, уни нафрат ва кулгига нишон қилишади», — каби аччиқ-тизиқ гапларни ёзган.

<sup>1</sup> Қаранг: Ақмал Саидов. Буюк зотга қўйилган ҳайкал. «Китоб дунёси» газетаси, 2012 йил 1 июнь.

<sup>2</sup> Илёсов Ёвдат. Илон авровчи. Қисса. Рус тилидан Ҳ. Мансурова, Ш. Мансуров таржимаси; сўнгсўз Қ. Ражабовники. — Т.: O’zbekiston, 2011. — 388-бет.

Бунинг учун Ё. Илёсов эзопона тилга муҳтоҷ бўлмаган: тарихий асар имконияти унга кўпгина шароит яратиб берган. Масалан: «Ватанга муҳаббат — ягона ва абадийдур. Ҳукмдорлар кўп, бирининг ўрнини бошқаси тез-тез олур, кейин келганларининг ҳаммаси аввалгилари қарор топтирган нарсаларни бекор қилурлар. Мен бўлиб ўтган ва бор гапни ошкора ҳам ҳалол айтмоқни истардим. Менинг бу китобимни, қачон бўлса ҳам, кимдир ўқидир» («Илон авровчи»).

Ёвдат Илёсов, ҳатто, исканжага олинган шароитда ҳам «социалистик курилиш эҳтиёжи» йўлида ижод қилмаган, замонасозлик билан яратилган нўноқ асарларни таржима қилмаган, оғзи катталарапнинг муруватига кўз тикмаган ва ўзини «соцреализм»нинг хушахлоқ классиги сифатида кўрсатмаган. Ё. Илёсов адабиётда — воқеалар тарихий шахслар ҳамда ҳодисалар иштирокида тасвириланадиган — тарихий роман жанрини ривожлантиришга, мамлакат нуфузини юксалтиришга катта ҳисса қўшганига қарамай, мукофот ҳам, унвон ҳам олмагани, юқори лавозимларни эгалламагани, муваффақиятнинг моддий нишоналарига эга бўлмагани ажабланарли хол эмас. Ёзувчи «муносиб кўрилган» ягона нарса — бу ҳам ёруғ оламни тарк этганидан кейин — Тошкентнинг Чилонзор мавзеси, Муқимий кўчасидағи умрининг сўнғги 14 йилини яшаган оддий уй деворига ўрнатилган хотира тахтаси бўлди.

Ёвдат Илёсов асарларини такрор-такрор ўқиб, унинг даври энди келганини таъкидлаш лозим. Унинг асарлари ўзбек тилига ҳамда «миллатларро муомала тиллари» — инглиз, хитой, испан тилларига таржима қилинмоқда.

Дарвоқе, бундай бўлмаган тақдирда ҳам, Ёвдат Илёсов асосий мукофотга — китобхонлар меҳри ва миннатдорлигига — ҳаётлигига даёқ сазовор бўлган. Буни англаган ҳолда, у «Илон авровчи» қиссасида Умар Хайём тилидан: «Мен — китобларимни ўқийдирганларга, яъни ҳалқقا мансубдирман», — деб ёзган.

Ёвдат Илёсов истеъодининг муҳиблари ҳозирги дунёни қайта тузиш билан боғлиқ деярли йигирма йиллик танаффусдан сўнг адабнинг асарларига эҳтиёж қайта туғилганидан ва улар китобхонларнинг ёш авлоди учун қизиқарли эканлигидан бафоят хушнуддирлар. «Қўлёзмалар ўтда ёнмас» экан, нашр этилиб, давлат кутубхоналарида ҳамда бир қанча мамлакатлардаги хусусий кутубхоналарда сақланаётган китблар ҳақида нима дейиш мумкин?

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози авж олган даврда Ёвдат Илёсовнинг асарлари Москва шаҳрида нашр этилаётгани ҳолатини шарҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Москвадаги «Вече» нашриёти 2008 йилдан 2011 йилгача бўлган даврда унинг беш номдаги китобини чоп этди. Булар: «Тарихий саргузаштлар» («Исторические приключения») туркумида: «Месть Анахиты» («Анахита қасоси», 2008), «Золотой истукан» («Олтин санам», 2009), «Тарихий романлар тўплами» («Коллекция исторических романов») туркумида «Согдиана» («Суғдиёна», 2009) асарларидир. Шулардан «Суғдиёна» билан «Анахита қасоси» икки марта (2010, 2011) битта китобда нашр қилинди.

Таассуфлар бўлсинки, Ватанимиз тарихи ва буюк аждодларимиз жасоратини мадҳ этган муаллиф академик услубда тайёрланган, чиройли безатилган, муқоваси олтин ҳал билан нақш этилган, адабиётга меҳр, ёзувчига эса эҳтиром билан нашр этилган бу китобларни қўлига олиб кўра олмайди. Бу китоблар туркуми вафотининг 30 йиллиги 2012 йил июнда хотирланган Ёвдат Илёсовга муносиб ҳайкал бўлди, деб ҳисоблаш мумкин.

Ёвдат Илёсов ўз ижодини мутлақо Ўрта Осиёнинг бой тарихини бадиий тасвиirlашга бағишилаб ўтган.

Унинг асарларида тарихий ҳақиқат билан жозибадор саргузашт жанри мақбул тарзда қовушиб кетади. «Фазаб сўқмоғи»да кўчманчи қабилаларнинг форс шоҳи Дорога қарши кураши ҳақида ҳикоя қилинса, «Суғдиёна»да Искандар Зулқарнайн (Македониялик Александр)нинг Шарққа қилган кўп йиллик юриши ва Суғдиёна ҳалқи баҳодир йўлбошли Спантамано атрофига уюшиб, Ватан озодлиги учун чет эл босқинчиларига қарши олиб борган қаҳрамонларча кураши кенг кўламда тасвиirlанади.

Ватан. Ҳаётни Ватанга бахшида этмоқ. Бу улуғвор тушунчаларни инсон жуда қадим замонлардаёқ анлаганди... Жафокаш Туров заминида (Ўрта Осиё қадимда шундай номланганди) шарқдан ҳам, гарбдан ҳам келган кўплаб шафқатсиз зобитларнинг йўли туташганди. Шулардан бирида камбағал чўпон Широқ ўзини қочқин қилиб кўрсатиб, ахоманий шоҳ Доронинг кутурган қўшинини қип-қизил чўлга бошлаб кетади. Суғдарнинг шавкатли бошлиғи Спантамаъно македониялик Александр лашкарига қарши сўнгги томчи қони қолгунича жанг қилади. Асрлар қаърида қолиб кетган шиддатли воқеаларни, олис аждодларимиз жасоратини, уларнинг душманга қарши курашдаги тийик билмас қатъиятини Ё. Илёсов «Фазаб сўқмоғи» ва «Суғдиёна» қиссаларида тасвиirlайди.

«Анахита қасоси» асарининг қисқача мазмуни қўйидагича: Марк Лициний Красс 55 ёшга етганда ҳокимият чўққисига чиқиб, катта шуҳрат ва бойлик соҳибига айланган. У Юлий Цезарь ва Гней Помпей билан бирга триумвират аъзоси бўлган, яъни Рим республикасининг амалдаги ҳукмдорига айланган. Унинг бойлиги боқий шаҳар ҳазинаси билан қиёслагулик даражада катта бўлган. Бироқ Крассни бу бойлик қониқтиргмаган. Суря консули бўлиб олгач, ўша пайтда Рим билан дўстлик тўғрисида шартнома тузган Парфияга қарши урушга чоғдана бошлаган. Красс Месопотамияга хиёнаткорона босиб кириб, бир қанча шаҳарларни забт этган ва талон-торож қилган.

Мамлакатимиз тарихига меҳр қўйган ёзувчи Ё. Илёсов «Олтин санам» асари устида иш олиб борганида ҳам айни шу кенг қамровли ва аниқ таърифни дастуриламал қилиб олган.

«Нечун қадимиятни титкилайверасиз, кимга керак бу?» — деган саволни Ёвdat Илёсовга оғзаки равишда ҳам, босма нашрлар саҳифасида ҳам, танқидий мулоҳазаларда ҳам бот-бот бериб туришган. Ваҳдоланки, бундай саволга Farb мутафаккирларидан бири аллақачонлар жуда яхши жавоб бериб қўйган: «Қадимият ҳар қандай вазиятда ҳам барча келажак авлодлар учун бағоят қизиқарли давр бўлади, чунки унинг ибтидоси инсоннинг ҳайвондан ажралиб чиқишига бориб тақалади, мазмуни эса (шароитга) мослашган келажак кишилари ҳеч қачон дуч келмайдиган қийинчиликларни енгишдан иборатдир».

«Үқ ва қуёш» романининг бош мавзуси муҳаббат ва фуқаролик бурчи. Китобда деярли икки минг йиллик воқеалар ҳақида ҳикоя қилинса-да, ғоявий-бадиий йўналишига кўра у замон билан чамбарчас боғлиқдир.

«Үқ ва қуёш»: Гикия ҳайкал ёнида аччиқ кулимсираб турарди. Қора уртуги жувоннинг бошидан сирғалиб тушган, денгиз шабадаси бир кечада оқарган соч кокилини ўйнарди.

Бу даҳшатли тун эди...

Боспорнинг құдратли шоҳи Тавриданинг жануби-ғарбий чеккасида жойлашган Херсонес демократик республикасини забт этишини кўпдан бўён кўзлаб юрган. Бироқ ўз эрки ва мустақиллигини ҳимоя қилган балиқчилар ҳамда дәҳқонлар иродасини ҳеч қандай куч синдира олмаган.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида жойлашган қадимги Суғдиёна форслар салтанати таркибида бўлган. Бу салтанат таркибига мажбуран киритилгани учун ҳам мағрур ва эркесвар сүфд кўчманчиларининг боши урушдан чиқмаган.

Энди «Олачипор ажал» қиссаси ҳақида.

Замондошларида кўркінч, даҳшат ёки ҳайрат ҳиссини уйғотган машҳур кишилар ҳаёти кўпинча ақл бовар қилмайдиган ҳикоялар — афсоналар, асотирлар, сагаларга йўғрилган бўлади.

Чунончи, форслар шоҳи, ахоманийлар сулоласидан Кир (қадимги форсийда — Куруш, Ўрта Осиёда баъзан — Кирёвуш)-нинг туғилганидан бошлаб фожиали ўлимигача бўлган бутун ҳаёти унинг тарихнавислари томонидан мафтункор ривоятларга чулғаб тасвириланади. Туғилган куниёқ ўлимга маҳкум қилинган Кир бобоси, Лидия шоҳи Астиаг (Иштувегу) томонидан кўрилган кароматли туш оқибатида гаройиб тарзда тирик қолади, сўнг Астиаг саройига қайтиб келади ва кейинчалик уни тахтидан ағдариб, кудратли салтанатини вайрон қилиб, унинг ўрнида янада қудратли бошқа салтанатни барпо этади. Бу салтанат Ўрта дengизнинг шарқий соҳилидан бошланиб, бутун Фарбий Осиё узра ўтиб, Ҳинд дарёсигача давом этар, ҳудуди ҳамда қудратига кўра ўзигача хукм сурган барча давлатлардан зиёда бўлиб, ўша давр маданий ҳалқларидан тортиб, ёввойи кўчманчилар ўрдасигача ўз қаламравига олганди.

Бу қадар улкан давлатни бунёд этиш, ўта хилма-хил қисмларни бир бутун қилиб бирлаштириш, қадимгилар назарида, оддий кишининг қўлидан келмайдиган фоят катта файритабии иш эди. Бу форс шоҳи ҳаёти билан боғлиқ воқеалар нечун файритабии туюлган-у, Геродотдан тортиб, бошқа қадимият солномачиларигача, жумладан, Курушнинг ҳаётини «Киропедия» асари учун ибратли роман предмети қилиб олган Ксенофонт, форсларнинг мил.авв. 399 йилгача бўлган тарихини ёзган Ктесий (мил.авв. V аср иккинчи ярми — IV аср боши) ва бошқалар Кир хукмронлиги тарихини ёзишар экан, нега ҳақиқатни ривоят билан аралаштириб юборишган?

Бир нарса, у ҳам бўлса, Куруш ўзининг барча замондошларидан юқори турган шуҳратпараст ва мутакаббир, зобитлик эҳтироси билан ёнган ва бу эҳтиросни улкан куч-куват ҳамда давлатни бошқара билиш истеъдоди билан қўша олган гаройиб киши бўлганлиги баҳс талаб қилмайди. Фоят даражада юксак қудратга эришиб, ўз режа ва мақсадларини рўёбга чиқариш учун минглаб кишилар ҳаётини курбон қилган Куруш кутилмагандан шу кунгача ўзига ёр бўлиб келган тақдирида ўзгариш сезиб, муваффақиятсизликка учраб, мағлуб бўлган ҳамда тўсатдан ҳалок бўлган.

Сернеъмат жанубни итоатга келтирган Куруш Ўрта Осиёнинг шимолий қисмida, Каспий денгизининг икки томонида кўчиб юрган эркин қабилаларни ҳам бўйсундиришни режалаштирган. У куролини, энг аввало, массагетларга — Яксарт (Сирдарёning қадимги номи) ортида яшаган камбағал, бироқ мағрур ва жанговар халқа қарши қаратган. Куруш массагетлар маликаси (яни қабилалар иттифоқининг аёл бошлиғи) Тўмарисга юборган совчилар рад жавобини олиб келгани ушбу урушнинг сабаби қилиб кўрсатилади. Куруш Яксартни кечиб ўтиб, массагетлар қўшинини тузоққа туширган ва бир неча минг кишини ўлдириб, янада кўпрогини асир олиб, уларга қаттиқ зарба берган. Асиirlар орасида Тўмариснинг ўғли Спаргала ҳам бўлган. Номусга чидай олмаган Спаргапа шоҳдан кишанларни ечишни сўраган. Кишанлар ечилиши биланоқ, у ўз жонига қасд қилган. Ўғлидан жудо бўлган Тўмарис халқига ва бошқа скифларга мурожаат қилиб, катта қўшин тўплаб, Курушга қарши жангта отланган.

Жанг милоддан аввалги 530 йилда бўлиб ўтган. **Цицерон** таъбири билан айтганда, «тарих отаси» Геродотнинг ҳикоя қилишибча, «бу жанг варварлар ўртасидаги барча жанглардан ҳам даҳшатли бўлган. Аввал ҳар иккала қўшин бир-бирини узоқ масофада туриб, камондан ўққа тутган. Камон ўқлари тугагач, улар найза ва қилич билан жанг қилганлар. Муҳораба узоқ вақт давом этган. Кўп қон тўкилган. Ниҳоят, массагетлар галаба қозонганлар. Форс қўшинларининг асосий қисми, жумладан, Кирнинг ўзи ҳам жанг майдонида ҳалок бўлган. У тўлиқ 29 йил шоҳлик қилган эди. Кир жасади топилгач, малика (Тўмарис)нинг буйруфи билан унинг кесилган боши инсон қони билан тўлғазилган мешга солинган».

Юонон тарихчиларининг гувоҳлик беришибча, Куруш массагетларга қарши биринчи ҳужумда галаба қозонган. Унинг маслаҳатчилари ўзларини таъқиб этаётган массагет қўшинини гаройиб тузоққа туширишни таклиф қилишган: форслар ўзлари тарк этган лашкаргоҳда шароб тўла ҳумларни қолдиришган. Массагетлар шароб нималигини билишмас, банг сифатида, эҳтимол, наша ва ферментланган эчки сутини истеъмол қилишган бўлса керакки, оқибатда шаробдан қаттиқ маст бўлишган. Маст массагетлар жангга ярамайдиган ҳолга тушишгач, форслар лашкаргоҳга ҳужум қилиб, уларни яксон этишган ва Тўмариснинг ўғли, массагетлар қўшини бошлиғи Спаргапани асир олишган. Жангга кирган массагетларнинг тахминан учдан бир қисми асир олиниб, сўнг ўлди-

рилган. Геродотнинг хабар беришича, Спаргапа Курушни кишанларни ечишга кўндирган, бу эса форслар асири ўзини ўзи ўлдиришига имкон берган. Шундан сўнг Тўмарис Курушга мактуб жўнатиб, хиёнаткорлигини қоралаган ва уни иккинчи жангга жон-жаҳди билан чорлаган. Геродотнинг хабар беришича, шундан кейин бўлиб ўтган жангда Тўмарис форсларга қаттиқ талафот етказиб, ғалаба қозонган. Куруш ўлдирилган, Тўмарис унинг калласини олиб, танасини устунга чормих қилган. Калласини одам қони тўлдирилган мешга ташлаган-да: «Сен очкўзни қонга тўйдирман, деб вайда берган эдим, тўйиб ич!» — деган.

Тўмариснинг жасорати ва ҳарбий-сиёсий фаолияти тўғрисида ҳалқ достонлари яратилган, жангнома ва ривоятлар тўқилган. Эргаш Жуманбулбул ўғлидан Ҳоди Зарифов ёзиб олган «Ойсулув» достонида Турон мамлакатининг подшоси Ойсулув образида Тўмарис фаолияти ўзининг бадиий талқинини топган<sup>1</sup>. Ёзувчи Миркарим Осим «Тўмарис»<sup>2</sup> қиссасида унинг жасоратини улуғланган. Иброҳим Юсупов «Тўмарис»<sup>3</sup> (1974) достонини ёзган, композитор Улугбек Мусаев<sup>4</sup> шу номли балетни саҳналаштирган.

Тўмарис воқеаси Фарб санъати анъаналари асосида тасвиirlанди. Мусавиirlардан Питер Пауль Рубенс, Алессио Аллегрини, Лука Феррари, Маттиа Прети, Гюстав Моро ва ҳайкалтарош Северо Кальзетта да Равенне Тўмарис ҳаётида содир бўлган воқеалар ҳамда унинг Кир ва форс кўшини устидан қозонган ғалабасини тасвиirlаган жаҳондаги қўплаб санъат арбоблари жумласидандир.

Мана шу тарихий воқеа Ё. Илёсовнинг «Олачипор ажал» қиссасига асос қилиб олинган.

<sup>1</sup> Қаранг: Ойсулув // Эргаш Жуманбулбул ўғлининг достон ва термалари: беш томлик / Нашрга тайёрловчи Ҳоди Зариф; Масъул муҳаррир Тўра Мирзаев. — Т.: «Фан», 1971. 39—64-бетлар.

<sup>2</sup> Миркарим Осим. Тўмарис // Осим, Мирзакарим. Широқ; Тарихий қиссалар. — Т.: Ёзувчи. 1995. — 3—18-бетлар.

<sup>3</sup> Юсупов И. Тўмарис (Достон). Ҳамид Ғулом таржимаси // Юсупов И. Чўл тўрғайи: шеърлар ва достон. — Т.: Faafur Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. — 155—180-бетлар; Юсупов И. «Тўмарис»: Массагетская поэма. // Перевод Г. Ярославцева // Юсупов И. Глаза ящерицы: стихи и поэма: — М., Сов. писатель, 1973. — С. 65—100.

<sup>4</sup> Мусаев У. Томарис. Балет в 3-х действиях 7-ми картинах. Либретто О. Узакова по повести Я. Ильясова «Пятнистая смерть». — Фрунзе: Изд-во ЦК Компартии Киргизии, 1984. С. — 10.

Туроннинг кўхна аҳолиси, кўчманчи сакларнинг оқсоқоли овда ҳалок бўлади. Саклар ҳалок бўлган оқсоқолнинг хотинини — мағурр ва доно Тўмруз (Тўмарис)ни ўзларига сардор этиб сайлашади. Ўрта Осиёни забт этишини кўпдан буён кўнглига тугиб юрган форслар шоҳи Куруш (Кир) Тўмрузга ўзига турмушга чиқишини таклиф этади. Саклар форс шоҳининг айёrona ниятини пайқашади — шарқликларнинг қадимий одатига кўра, чет эллик шоҳ маҳаллий сардорга уйлангач, ўз-ўзидан мамлакат эгасига айланарди. Тўмруз Курушга турмушга чиқишдан бош тортади. Шунда қаҳрланган Куруш кучли қўшинни бошлаб, Амударё томон от суради. Саклар кеккайган Куруш жангчиларини ўзларига эргаштириб, Қизилқум қўйнига чекинишади. Форслар қамалга тушиб қолишади. Шиддатли қирғин бошланади. Бу жанг сак қабилаларининг ҳам, Курушнинг ўзининг ҳам тақдирини ҳал этмоғи лозим эди. Ушбу асар уруш ва тинчлик, дўстлик ва душманлик, муҳаббат ва садоқат ҳақидадир.

Ҳикматона фасиҳ тил, қизиқарли тарихий сюжетлар ва пухта ишланган кучли характерларни ёзувчининг адабий ютуғи дейиш мумкин. Адибнинг маҳоратига холис баҳо бериладиган бўлса, уни ўз жанрида жуда яхши, ижод қиласиганлар қаторига киритиш лозим.

Ё. Илёсов тарихга меҳр қўйибгина қолмай, уни яхши билган ҳам. Айрим китобхонлар тарихий мавзуда асар ёзиш осон, қани, шундай бўлганми-бўлмаганми, бориб текшириб кўр-чи, деб ўйлаши мумкин. Йўқ, асло. Бу мавзуда асар ёзиш ҳам қийин, ҳам ўта масъулиятили. Ўнлаб, юзлаб қадимги манба ва рисолаларда сочилиб ётган тафсилотларни заррама-зарра тўплаб, улар асосида аллақачонлар йўқ бўлиб кетган кишиларнинг жонли турмушини, фикрлаш тарзини тиклаш, осон эмас. Ёзувчи кўплаб сафарларга чиқиши, ўтган даврлар қолдирган изларни: тўғонлар, кенг каналлар қолдигини, кўхна қальдалар харобаларини ўз кўзи билан кўриши, уларни ҳозирги ҳолатидагина эмас, балки ўз даврида қандай бўлганлигини кўз олдига келтира билиши даркор. Буларнинг барини китоб саҳифаларида гавдалантириш учун эса катта иқтидор ва кучли тасаввур қувватига эга бўлиш керак.

Ё. Илёсов Кир билан Тўмарис ўртасидаги ўзаро муносабатлар тарихини, ўша тарихий даврни, қадимги ҳалқларнинг турмуши ва ҳаёти хусусиятларини ўрганиш бўйича улкан иш қиласиган. Шу боис китоб билим берадиган даражада қизиқарли бўлиб, у ҳам оммавий китобхонга, ҳам бу масалалардан хабардор ки-

тобхонга ёки тарихчи мутахассисга, шарқшунос филологга фойдалидир.

Китоб истеъдод билан, фасиҳ тилда, лозим даражада шарқоналик или ёзилган, адаб гаройиботларга берилмаган, бироқ баёнда шарқоналиктан етарлича ҳамда меъёрида фойдаланган. Ёзувчи Шарқ ва Farb муаллифларининг турли тарихий ҳамда илмий асарларидан олинган иқтибосларни зарур жойларда меъёрида келтирган.

Ё. Илёсов «Олачипор ажал» қиссадида олис ўтмиш ҳақида ҳикоя қилас экан, ўз ҳалқи, ўз Ватани баҳт-саодати йўлида жасорат кўрсатишга шай турган кучли, вижданли одамлар образини яратган. У ўзининг тарихий қиссалари ҳамда романлари билан ўзига ҳайкал қўйиб кетди.

Ё. Илёсовнинг тарихий роман ва қиссалари «фақат узоқ ўтмиш тарихимизни тирилтиргани, қизиқарли ёзилгани учун эмас, кўксимишни фуур ва сурурга тўлдиргани учун ҳам, гофил бўлмасликка, ҳушерликка чақиргани, кўзимишни очгани учун ҳам мўътабар ва азиздир»<sup>1</sup>.

Ижодкор, ақли теран, кўзи ўткир, инсофли, вижданни уйғоқ Ё. Илёсов ўзининг ноёб истеъдодини нафс ёки мартаба учун курбон қилмаган. Муҳтоҷлиқда яшаса-да, ёруғлик кўрмаса-да, абадият учун ижод қилган. У нима ўткинчи-ю, нима абадийлигини яхши билган.

**Биринчидан**, кудратли «коммунистик мафкура» байналмилал тарбия ниқоби остида миллий ўзликни, миллий ифтихор ва миллат туйгусини йўқотиш, миллий тилларни ўлдириб, «ягона совет ҳалқи»ни шаклантириш учун ҳамма имкониятларни ишга солган пайтда Ё. Илёсов ўз тарихий асарларида озодлик учун курашни, босқинчилар дўст бўлмаслигини, ҳеч қачон ҳеч бир ҳалқни баҳтиёр қилмаслигини, қирғин ва кулфатлар келтиришини, мазлум элларни талаш ҳисобига яшашини ўта таъсирчан ифодалаган.

**Иккинчидан**, Ё. Илёсов кўп минг йиллик бой ва қадимий тарихимиз ва маданиятимиз борлигини, ҳалқимиз истеъдодли ва яратувчан эканлигини, меҳнаткаш, мард ва саховатли, ориятли ва эркесварлигини, ҳеч қачон баҳтсизлик ва зулмга кўнишиб кетмаслигини буюк аждодларимиз сиймосида ишонарли ва моҳирона тасвирлаган.

<sup>1</sup> Маъруф Жалил. Қаҳрамонлик достони // Ёвдат Илёсов. Суғдиёна: Тарихий роман. — Т.: «Шарқ». 1994. — 283-бет.

**Учинчидан,** Ё. Илёсов бутун орзу-умидларини, истеъододини, ёзувчилик маҳоратини, ҳаётини тарих зарвараклари ҳақида китоблар ёзиш, халқимиз ҳамиятини қўзғатишга бағишилаган. У ўз асарлари билан мустақиллик учун хизмат қилди, дейиш мумкин.

Ё. Илёсов ўз китоблари ўзбек тилида чоп этилишини, уларни ўзбек китобхони ўқишини, қаҳрамон аждодлари билан фахрланишини, улардан ўrnak олишини жуда истаган. Бу ҳақда Марьруф Жалил гувоҳлик бериб ёзган<sup>1</sup>.

Истиқдол шарофати ўлароқ, мустабид тузум даврида халқимиз кўксини кўтариш, миллий ғуур кўзини очиш учун бутун истеъододини бағишилаган ёзувчи қадрига етиш имкониятига эга бўлдик.

«Узоқ асрлар қаърила унтутилиб, алғов-далғов замонлар қуюнлари чангиди кўмилнб кетган тарихимизни мавҳумлик оламидан қатра-қатра териб, чанг-ғубордан тозалаб, бизга етук бадиий асарлар шаклида тухфа қылган бетакрор санъаткор Ёвdat Илёсов олдида қарзимиз катта»<sup>2</sup>.

Ёвdat Илёсовнинг кишида ғуур ва олийжаноб, мардлик туйгуларини ўйғотувчи, дилга таскин ва далда берувчи, ватанпарварлик руҳида тарбияловчи тарихий роман ва қиссалари ўзбек китобхонлари учун очилмаган қўриқ бўлиб қолмоқда. Ўз ўқувчисини муштоқу интизор бўлиб кутмоқда.

Ё. Илёсовнинг китобларини ўзбек тилига таржима қилиш ва чоп этиш йўлида **Х. Мансурова** ва **Ш. Мансуровларнинг саъйхаракатлари** таҳсинга сазовордир<sup>2</sup>.

Тарихий-саргузашт жанрининг таниқли устаси Ёвdat Илёсовнинг машҳур асарларини ўқинг, дўстлар!

**Акмал САИДОВ,  
профессор**

<sup>1</sup> *Маръуф Жалил. Қаҳрамонлик достони // Ёвdat Илёсов. Суғдиёна: Тарихий роман. — Т.: «Шарқ». 1994. — 284-бет.*

<sup>2</sup> *Қаранг: Сайдов А. Буюк зотга қўйилган ҳайкал (Ё. Илёсов. «Илон авровчи»: қисса / таржимонлар: Х. Мансурова, Ш. Мансуров. — Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2011. «Китоб дунёси», 2012 йил 1 июнь).*

## ИНСОН ВА ДАРРАНДА

Суворий отини елдириб борарди. Бир маромда эшилган чинқириқ овози қамишзордаги ботқоқлик узра тараптады.

Ич-ичидан чиққандек бўғиқ товуш билан қоришиб кетган, кулоқни қоматта келтирувчи чинқириқ даставвал йўлидан адашган аёл фарёдидек эшилди. Сўнг майинлашиб, дардли йифини эслатувчи нотаниш, газабнок ҳайқириққа айланди. Даҳшатдан суворийнинг эти жунжикди.

Ё Анахита!<sup>1</sup> Бу ерга аёл киши қаердан келиб қолди экан? Ёки катта чиябўрининг наърасими? Эҳтимол, нимқонги чакалакзорлар соҳиби, бир қўзли жин қайир тубида ўлгудек зерикканидан увлаб юборгандир? Уни оқсоқ ва букири дейишади. Жуни сувўти каби ўсиқ, панжалари чангак, думи ҳурпайган, тиши метин эмиш.

Суворий отини қичаб борарди. Яшагиси келарди. Пойгада сўнгги бор уринаётгандек, от жон-жаҳди билан қобонларнинг шилта сўқмоги бўйлаб учиб борарди.

Олдинда қора қайраоч кўзга ташланди. У қариган, эгри-бугри, шоҳлари синган, бесўнақай ёнбошлаб қолганди. Довул унинг қаддини букиб, дағал баргли шоҳ-бутогини қайриб ташлаганди.

Маъбудага ҳамдлар бўлсинким, йўлдан адашганларнинг муҳофизи бўлган Мухтарам посбон олдидан чиқди.

Суворий отини елдириб борарди... Ҳой, эҳтиёт бўл! Зим-зиё сирли чангалзордан кутулиб чиқдинг, энди фалокат ушбу машъум йўл адогида сени ёвузларча кутиб турган бўлмасин??

Суворий қайраоч ёнига етиб келгач, найзасини беларволик билан туширди. Чакмонидан бир парча йиртиб олди, сўнг дуо ўқиб, зангори латтани қуриган шоҳга боғлади. Бу — йўловчини

<sup>1</sup> Анахита — зардуштийлик динида ободонлик ва фаровоилик маъбуласи. (Бу ва бошқа изоҳлар таржимонники — Ш.М.)

бадбўй ботқоқликдан, қўланса кўлмаклардан, ботқоқликнинг инсу жинидан паноҳига олгани учун арзимас назр эди.

... Суворийнинг боши узра нимадир оҳиста шитирлади.

У дарҳол бошини кўтарди-ю, кимнингдир ғалати гулли пахмоқ кийиминигина кўришга улгурди, холос. Терига ўралган чўқмор унинг бош суягини қоқ иккига ёриб юборди. Қайрилган тирноклар кўксини титраб турган юрагигача поралаб ташлади.

Ёнбошидан яраланган зулукдек қора от сўқмоқ бўйлаб қалдирғоч мисол учеб кетди. Суворий эса, қонга бўялганича, қайрагоч остида ётарди.

Олачипор ажал суворийнинг бошини еди.

\* \* \*

Тонг. Ҳаво очик, тиниқ ва беғубор. Туртиб чиққан дунгликларда жаҳлдор жинлару ювош тошбақалар баданини офтобга тоблаб ётарди. Митрага<sup>1</sup> ҳамдлар бўлсин — об-ҳаво зўр эди! Эй, отни келтиринг!

Кўчманчилар сардори эски қўргонтепада нур маъбудига муножот қиласади.

У шарқ томон нигоҳини тикди. Даشتу биёбон. Қум денгизи тўлқини ўркач-ўркач бўлиб ётибди. Барханлар устига тушган соядан тўқ-кўкимтири туслага кирган минглаб ўркачлар ўроғи пастга қайрилган ҳилолдек ялт-юлт этарди.

Сардор фарбга кўз ташлади. Чангальзор яқинида олачипор дарранда, кўк парранда макони яшми сабз<sup>2</sup> палахсалари қалаб кўтарилиган кунгурадор девор каби ястаниб ётарди.

Ўтиб бўлмас ботқоқ чангальзорлар ортида, теракзордан нарида дарё жўш уриб оқарди. Пахмоқ чангальзор узра дарё тасмадек ялтираб кўринар, бир-бирига чалкашиб кетган шох-шабба оша кутуриб оқаётган сув шовқини эшитиларди.

Сардор шимолга боқди. Чангальзор билан даشت орасида хушбўй ўтлоқ икки салтанат — ўта қайноқ ҳаёт билан сукунат ўртасидағи чегара мисол илонизи бўлиб ётарди. Сувилоннинг пўсти каби нақшин яйловларда, гулхайри ҳамда беданинг қитиқловчи бўйидан маст бўлиб, хушдан айрилиш мумкин бўлган далаларда қишозиқсизлигидан сўнг, мол-холга эт битмоқда эди.

<sup>1</sup> *Mitrap* — ёруғлик, покизалик ва ҳақиқат маъбуди.

<sup>2</sup> *Яшми сабз* — нефрит.

Сакларда от кўп. Бу отлар — сакларнинг ўзи каби бўйдор, чайир ва хушбичим, учар юлдуздек шиддаткор, шоир қалбидек чидамли. Думи ва ёли қора, зулукдек қора, тўриқ, ола тўриқ, малла тўриқ, қора тўриқ, жийрон, чавкар, ола чавкар, оқ саман, саман, бўз, бурул от.

Ҳам одамларнинг, ҳам ҳайвонларнинг қонини жўш урдирувчи баҳор келиб, қизғиши-нимранг ёвшанлар гуллай бошлагач, йилқибонлар сурувни сара байталлардан иборат уюрларга ажратишади. Улар сотилмайди, туҳфа қилинмайди, сўйилмайди, соғилмайди, териси жабдуқ учун ҳам ишлатилмайди: уларнинг вазифаси — соғлом, бақувват қулун бериш. Ўттизта, қирқта наслдор байталга хушқад, бақувват, зотдор айғирни кўйишиади. Бия билан яйлайдиган қулундан ташқари, той, гўон, дўнонларни катта ёшли отлардан айри боқишиади.

Үюр. Талай от. Минг ёлли, минг туёқли ҳайвон. Фазабнок у. Хавфли. Зилзила, қор бўрони, дашт ёнгини каби даҳшатли. Табиий оғат каби кўзи кўр, қулоги кар. Бебош ва бефаҳм.

Инсон тўрт оёқли ҳайвонларни парваришлабгина, боқибгина, кўрибгина қолмайди. Улар билан курашади ҳам. Баъзан ҳолдан тойгунча, шиддат билан, қаҳр билан курашади. Ҳорийди ҳам, оғрийди ҳам, сўқади ҳам...

\* \* \*

— Мусибат! Бошимизга кулфат тушди!

Фатила-фатила жингалак сочи елкасига тушган, гирдигумдан келган ўспирин тўриқ отида қўрғонтепа атрофида айланарди. Силлиқ юзи қўёшда пишган сополдек қуруқ. Чавандоз, гўё юзидан оққан тер кўзига тушиб ачиштираётгандек, титраб-қақшаб дам-бадам юзини артарди.

Кўзининг кўзи каби оч жигарранг кўzlари олачиғи, гўё тўсатдан заҳарли илонни кўргандек, кенгайганди.

Бу — сардорнинг ўғли Спаргапа эди.

Ота ва ўғил беун ёнма-ён йўртиб боришарди.

Оқ ота қараса, ўтлоқда иш чиндан ҳам кўнгилдагидек эмас: чўпонлар чангалзор чеккасидан айланиб, молни кўриш ўрнига, отдан тушиб, тўпланиб, қайғу билан қўлларини ёйганча ўтириб, ёнбошига шапатилашарди.

— Хўш?

Йилқичилар йўл беришиди.

Оқ отанинг кўзи жули йиртилган қорабайирга тушди. Кўпиреб кетган зулукдек қора от эчкилар кемирган мажнунтол ёнида беҳол, боши эгик турарди. Аргумоқнинг оёғи билинар-билинмас титрар, осилган лабларини кўпик босганди.

Биқинини тилиб ўтган жароҳатдан кўм-кўк майсага қон томчиларди.

— Навтарнинг оти. — Тулкитумоқ кийган, ўттиз ёшлардаги Хугаванинг овози эди бу. — Тонгда дўнонлар уюри чангалзорда кўздан фойиб бўлди. Улар узоққа кетмаган эди. Ҳаммасини қайтариб келдик, биронтаси ҳам йўқолмади. Ўтлоққа чиққанимизда Навтар кўринмади. Изладик, бақириб-чақирдик — жавоб бермади. Оти ёлғиз қайтиб келди. Ўзи қаерда экан?

Хугава чангалзорга кўз қирини ташлади. Сукут сақлаб, куруқшаган лабларини ялади-да, ҳансираф, бўғиқ овозда такрорлади:

— Оти... қайтиб келди, ўзи қаерда экан?

Сукунат. Сўник кўзларда, бамисоли тунда бойўғлининг чангалидан қочаётган сичқон мисол, мусибат йилт этиб кўринди.

Мўйсафидга отдан тушишга кўмаклашишиди.

У шошмасдан Навтарнинг оти томон юрди, бироз қисиқ кўзлари билан жароҳатни текширди. Хугаванинг титроқ овози эши-тилди:

— Бутоқ пораладимикан?

Оқ ота соқолини ўйчан силади. Йўқ дегандек, тилини такиллатди. Шунда Хугава деярли сассиз сўради:

— Олачипор... ажалмикан?

Навтар Хугаванинг дўсти эди.

Сардор қорамағиз кафтини отнинг терлаган ягринига босди. От зўр-базўр бошини кўтарди-да, алам билан босиқ кишина, нам лабларини мўйсафиднинг кўксига ночор тиради.

— Ярани бия сути билан чайинг, сўнг қариқиз баргини боғланг. Қорнига тегмабди. Тузалиб кетади.

Сўнг Оқ ота ўғлига мурожаат қилди. — Мен билан борасан.

Ана холос!

Кекса сардор ўғлини унча аяб ўтирасди. «Менда бу — ўзими-ники, бу — бегона, деган гап йўқ. Барча эркаклару аёллар — менинг фарзандларим, мен учун бари бирдек». Спаргапа ҳам ҳамма каби яшарди, дунёга келиб ултурмаёқ, эгарга минди, мол боқди, далада гулхан тутунини ютди.

... Спаргапанинг кўзлари ёнди — содда нигоҳида қувонч барқ урарди. Қандай мазза! Тарқалинг! Спаргапа бежирим бурнини кўтариб, Хугавани нари сурди-да, отни виқор билан оқсоқол

томон етаклади. Шоҳга хушомад қилаётган калондимоф форс сат-  
рапнинг ўзи эди у.

Отаси бу овсар болани эски наматнинг чангини қоқиш учун  
уйга олиб кетаётган бўлса-чи?.. Хугава кулимсиради. Буни қара-я?  
Ёш-да, ёш!

Кекса сардор, ҳар галгидек, шошмасдан манзилга қайти.

— Тўмруз!

Йўл-йўл чодирнинг этаги кўтариб қўйилган эди. Майсазорга  
офтобда қорайган, бодомқовоқ, лаблари ғунча жувон — Спар-  
гапанинг онаси чиқди.

— Навтар ҳалок бўлибди. Бас! Қачонгача чидаймиз?

Мусибат бир келса, кетма-кет келавераркан.

Тўмруз Спаргапага хавотирланиб кўз ташлади. Спаргапа ҳам  
Тўмрузга ўшандай қараб турарди. Сўнг иккиси ҳам, ниманидир  
куттандек, Оқ отага тикилишди. Муҳаббатли қалблардан узилган  
хавотир кўзгуда акс этгандек, уларнинг кўзида аксланди.

— Олачипор ажал билан учрашишни истайман. — Сардор  
қинидан пичноқни чиқариб, қўлинин унинг мис қотишмали тифи  
устидан юргизди.

Тўмруз чодир томон тисланди. Сўнг дабдурустдан кафтини  
тепага кўтарди.

— Шумхабар!

Аёлнинг кўллари гўё ота ва бола назарини кўринмас иплар  
билан тортгандек, иккови самога ҳайрон кўз тикишди.

Ўтлоқ устида, баландда, сардорнинг сўл томонида калхат  
доира ясад парвоз қиларди. Ота-боланинг шахти пасайди. Спар-  
гапанинг боши ҳам бўлди. Саклар сардори қовоқ уйди.

Шумхабар!

Чангалзорда калхатлар сон-саноқсиз. Улар манзилгоҳ атро-  
фида доим учиб юришади, емиш излаб, ўзларини чапдан ҳам,  
ўнгдан ҳам уришади. Қабилада тинчлик, чодирларда хотиржам-  
лик ҳукм сурар экан, ҳеч ким уларга эътибор бермайди. Бирон  
кориҳол бўлдими, бас, калхатга ҳамманинг кўзи тушади, сак-  
лар бошига тушган мусибатга калхат айбдор бўлади.

Сўлдан келган калхат — ўлим даракчиси.

Кекса сардор бармоғини тиф устида юргизди-да, пичноқни  
пастга туширди.

— Начора! Инсон қадрдон хонадонига, жондош уругига ва  
қабиласига нафақат ҳаёти билан, балки ўлими билан ҳам хиз-  
мат қилиши шарт. Спаргапа! Одамларни тўпла.

Оқ ота қүлини бир силтаб, узун пичоқни чарм қинга тиқди.

Қалбіда отасига нисбатан болаларча раҳм-шафқат сув билан оловдек олишаёттан ўспирин чангалзорда бўлажак жангу жадал шавқи билан тойчоқдек дикиллаб ўрнидан турди.

Тўмруз кафтларини бўзарган юзига босганича, пайҳон қилинган майса устида ўтиради.

— Тўмruz, — аста чақирди мўйсафи.

У ўгирилиб, эрининг тиззаларини қучди-да, қайғудан кўр бўлаёзган кўзларини унинг ялтираб турган кўзига тиқди. Аёлнинг қийшайган оғзи беун фарёд соларди.

— Куйинма, Тўмruz, бундай қилма.

— Қанча ёшлар бор-ку, шуларни жўнатсангиз бўлмайдими?..

— Ёшларнинг иши — яшамоқ, ўлмоқ — кексалар юмуши.

Сардор чўк тушди. Хотинининг қўлини авайлаб ушлаб, ўзининг жундор кўкрагига босди-да, қийшиқ маташган тишлари орасидан сўзсиз куйлади, сассиз увлади.

Тўмruz паст овозда йигларди.

Яйлов узра баландда парвоз қилаётган калхат Оқ отанинг сўл томонида янгидан доира ясамоқда эди.

\* \* \*

Овчилар тўқай ичкарисига кириб кетиши. Чангалзорда таҳдидли сукунат ҳукмрон эди. Ичкарида, ўтиб бўлмас жойларда Олачипор ажал дайдиб юарди.

Кучли ва толмас, айёр ва қўлга тушмас бу ажал қайирдаги барчани даҳшатда тутарди. Олачипор ажал ҳар кимни кўз очиб-юмгунча ҳалок этарди. Ёвуз йиртқич бир сакраганда тахминан ўттиз қадамга сакарди. Жуссаси шер ва йўлбарсдан кичикроқ бўлса-да, шиддат ва fazабда бунисидан, ақдлилик ва чаққонликда унисидан ўтарди.

Баъзан кишилар йўқолган сигирни анча баландда, шох-бутоқларга илиниб қолган ҳолда учратишарди. Бу қадар оғир жоноворни куюн қандай кўтариб, шумтол ёки қайраоч устига улоқтиаркин?

Уларни дараҳт устига Олачипор ажал тортиб чиқаради.

Олачипор ажал юзма-юз келишдан ўзини олиб қочарди. Махлук тиканли буталар орасидан сирғалиб ўтиб бораради: маккорлик билан изини чалқаштириб, ғалати ҳалқалар ясар, ўлжасини таъқиб қилиб олдидан чиқиб қолар, қайтиб, курбонига орқадан ёки ёнбошдан тўсатдан ҳамла қиласарди.

У ўлжасини ҳеч қачон охиригача еб тутатмасди. Олачипор ажал қон ичарди ва шу қайноқ қон деб кунига ўнлаб ҳайвонларни ғажиб кетарди. Унинг олдида сўйлоқтиш қобон ҳам, шоҳдор кийик ҳам ип эшолмасди. Эрмак учун болаларни ўтиргар, катта ёшдаги одамларни қираради.

Баъзилар кўрқани, бошқалар ишнинг кўзини билмай, шошқалоқлик билан ёки якка ўзи ҳаракат қилгани учун бу лъянати йиртқич ҳозиргача ҳам кўлга тушмаётган эди.

... Кекса сардор ўйга толган. Мушкул йўлга отланди. Бироқ қалбида таскин хукм сурар эди... Ўлимми? У ҳам, ҳаёт каби, дам яхши, дам ёмон бўлади. Яшамоқни билдингми, ўлмоқни ҳам билмоғинг даркор. Ҳақ иш йўлида курашиб ҳалок бўлган инсон ўлимдан устун туради.

Шу боис овчилар ўнг кафтлари билан яланғоч чап елкалари-га шаппатилар эканлар, фонийлик гирясини эмас, Яратган маъбуда ҳаққига мадҳия айтиб боришарди:

— Ё, подаларга баракот бергувчи ҳаётбахш Анахита! Эркак билан аёлни қовуштиргувчи сенсан. Ҳомила туғдиргувчи сенсан. Оналар сийнасини сутга тўлдиргувчи сенсан. Донишманд бошинг узра юз юлдуздан ясалган тожинг бор. Белингни маҳкам боялагансан, ўттиз қундуз терисидан тикилган либосга, ялтироқ мўйнага ўрангансан...

Овчилар итларини базур тутиб туришарди. Чангалзорга кириб қолган тозилар яқин орадаги паррандалар исини олганидан оёғи қичиб, тиши такилларди.

Нам чангалзордан уфуриб турган ҳар хил ҳидлардан тузук-куруқ ис ололмай, қутурган тозилар уришишга ҷоғланарди. Етиб олиб, босмоқ даркор! Олға! Бирон-бир жонлиқ тишга илинар.

Чангалзорнинг дим ҳавоси Спаргапанинг ҳам қонини қайнатиб юборди. Ўсмирнинг бошида оғриқ турди. Ҳаяжондан қизариб, маст одамдек беўхшов ва бемаъни куларди. Агар Спаргала отасидан бунчалик кўрқмаганда, ўзини тўқайга ҳар қандай тозидан чаққонроқ урган бўларди.

— Қаранглар! — ҳайқирди Хугава.

Емишдан оғирлашган қузгуналар галаси қанотларини бесўнақай қоқиб, қора қайрағоч устидан кўтарилди. Жундор сариқ маҳлуқлар ўзларини сўқмоқдан нарига олди. Чаканда буталари остида тун парчасидек осилган совуқ сояда ўлаксага ўч чиябўриларнинг кўзи яшил чироқдек чақнади.

... Парча-буриш қилингандай гўшт бўлаклари, ичак-човоқ, тозалаб ғажилган пушти ранг суюкларгина қолган эди Навтардан.

— Бечора Навтар! — Кекса сардор қўлини олдинга чўзиб, бармоқларини чалиштириди. — Итларга ем қилиб ташланган муртад форснинг куни тушибди бошига. Ҳайвонлар ва қушларнинг меъдасида бўлак-бўлак бўлиб кетган киши у дунёга қандай етиб оларкин?

Саклар Навтарнинг хокини сўқмоқ ёқасига дафн этишиди.

Оқ ота муқаддас дараҳтга қараб, газаб билан деди:

— Сен Навтарни ҳимоя қилмадинг — энди муҳтарам посбон эмассан. Лъянатлар бўлсин сенга!

Шундай деб, дараҳтнинг қингир-қийшиқ танасига камондан ўқ отди. Қолган овчилар ҳам шундай қилишиди. Ўқлар қадалган қора қайраоч тиканли жайрага ўхшаб қолди.

Сардор сурни чўзиб-чўзиб чалди-да, тўқай томонга қараб, қаттиқ қичқирди:

— Олачипор ажал! Ҳой, Олачипор ажал! Яккама-якка курашга чиқ. Сенинг паймонангни тўлдирмоқ истайман.

Кулоқ тутди, бироқ чангалзордан садо чиқмади.

— Кўркяпсанми? Биздан яшириниб қолмоқчимисан? Ҳеч қаёққа кетмайсан! Ҳой, Олачипор ажал, менинг қабиламга озмунча заҳмат етказдингми? Бари учун сени жазоламоқ даркор. Қонга — қон. Қорнингни ёргум, эй, Олачипор ажал!

Чангалзордан садо чиқмади. Оқ ота энг яхши тозининг тасмасини силтади-да, у билан муртад манотнинг<sup>1</sup> атрофини айланади. Този гоҳ дим ҳавони шовқин билан тортиб, гоҳ пишиллаб, акса уриб, пишқириб, титроқ тумшуғи билан қиёқни шоша-пиша тита бошлади.

Бирдан у ўзини орқага олди ва, ана шу кескин ҳаракатданими, бўйнидаги жуни ҳурпайди.

Ит қулоғини шалпайтириб ва думини қисиб, ириллаб юборди. У даҳшат солищдан кўра кўпроқ қўрқувдан ириллаганди: сийрак ўт остидаги тоза қумда катта думалоқ панжা изи қўринарди. Бу издан итлар тоқат қила олмайдиган мушук иси келарди.

— Бу ёққа!

Сардор итларнинг биринчи тўдасини бўшатиб, қўйиб юборди. Саклар отларни ниқташди. Спаргапа ҳам олдинга қараб ўқдек учди, бироқ уни отасининг дағал ҳайқириғи тўхтатиб қолди:

— Ҳой! Қаёққа?

Ўспирин тўхтади. Ажабланди ҳам, алам ҳам қилди. Мўйса-фид майна қилиб деди:

<sup>1</sup> Қора қайраоч назарда тутилмоқда.

— Олачипор ажал ана у бута остида сени кутиб ўтирибди. Чаққонлигини қаранг-а. Сал бўлмаса бошингдан жудо бўлувдинг. Мендан нари кетма.

Спаргапа йиглаб юбормаслик учун лабини қаттиқ тишлаб, нам кўзларини аста четга бурди. Кўзини олиб қочганида сардор унга ачиниш ила назар ташлади.

Ўғли отасига яна ўгирилиб қараши билан у қартайган калхатдек хўмрайиб олди.

— Шошмай бораверамиз, — гўлдиради сардор. — Барибир бугун Олачипор ажални қувиб етолмаймиз.

... Йиртқичнинг йўли сариқ гуллари димогни қитиқловчи ҳил таратаётган кўкиш-яшил жийдалар ҳосил қилган сертикан девор оралаб таралган, чўртан тишлари каби ўткир тиканли маймунжон новдалари ҳосил қилган зич тўсиқ орқали ўтарди.

Күёш куни кечагина Ҳамал буржига кирганди.

Дарё ҳали тошиб улгурмаган. Ботқоқлик қўйнида, яқиндагина севалаб ёғиб ўтган ёмғир суви аралашган кўлмак сарғайиб кўринарди.

Дарахтлар, буталар, майсалар гуркираб, япроқ ёзаётган бўлишига қарамай, ўтган йилдан қолган чирик ўтлардан ҳосил бўлган сарғиши доғларни яшириб улгурмаганди.

Олисдан қорайиб кўриниб турган чангалзор ичи ҳар доим шу мавсумга ҳос тарзда ола-була, хол-хол тусга кирганди.

Сасиган сувдан, янги ўсиб чиққан қамишлар билан ёнма-ён, ўтган йилги ҳазон бўлган қамишнинг қуриган, синган поялари найзадек чиқиб туар, улар шу кунларда озмунча ит ёки отнинг қорнини ёхуд кўксини ёрмаганди.

Қуйруғи узун қирғовуллар баланд ва бўғиқ овозда чиғиллаб, оёқ остидан пар-р этиб учиб чиқарди.

Нимадир қарсиллади. Қанотлар патиллади. Манжаниқдан отилган тошдай, осмонга учган қирғовул бир дам муаллақ турди-да, ўгирилди-ю, паства ўқдек учиб тушди.

— Нарини отиб туширмоқчи бўлсанг, худди мана шу онни пойла, — насиҳатомуз деди отаси Спаргапага. — Қийин. Маҳорат керак.

Ўспирин Спаргапанинг қони қайнади! Камон иплари таранг тортилди, кетма-кет ўқлар уча бошлади. Лекин қирғовул бир томонда қолиб, ўқ бориб бошқа томонга тушарди.

— Балки мен уddyаларман? — Хугава икки қатли камон чилласини таранг тортид, бошини орқага ташлаб, мергандарча кўзини қисди. Буталар орасидан йирик нар қирғовул патиллаб учиб чи-

қиши билан от сағрисига деярли ётиб олган Хугава қисқа нафас чиқарди-да, чиллани қўйиб юборди.

— Оҳ-ҳо! — Спаргапа аламдан дод деб юборди. — Шўрим курсин...

Чўпон итлар кўмагида қирғовулни топиб келди-да, уни танасини тешиб ўтган ўқ билан оқсоқолга тутди.

— Яхши қирғовул экан! — Оқ ота маъқуллаб, тилини такиллатди.

Бу тил такиллатишда маъно кўп эди. Битта такиллаттани инкор қилгани. Тез-тез икки марта такиллатса — тақиқлагани бўлади. Уч марта секин такиллатса — афсус, ҳайрат ёки ажабсинишни англатади...

Кекса сардор ўқ тутган қўлини кўтарди-да, қирғовулнинг зумраддек яшил бошини, қордек оппоқ бўйини силаб, қуриган қамиш поясидек оч сариқ тумшуғига чертди, кўксидаги ҳозиргина тўкилган, учқун сочиғандек қизғиши-заррин патларини титди, куз сувидек бўғиқ-мовий қанотларини силади, рангдор қуйругини ёйди-да, ўлжани авайлаб, хуржунига солди.

— Ноёб қуш экан! Раҳмат, Хугава.

Чўпон уялинқираб илжайди. Спаргапа тўриқ отининг устида маъюс буқчайди.

\* \* \*

... Олачипор ажал чангалзорда изини чалкаштириб кетганди.

Тозилар ёйилиб чопмоқда. Улар йиртқични очиқ ёвонда овлашга ўрганган эди, чангалзор эса уларни чалғитарди. Қотилга тўда бўлиб, биргаликда қувиб етиш ўрнига, улар гўёки чопиш мусобақаси ўтказишаётганга ўхшарди.

Махлук эса, аслида, итлардан қочмаётганди, аксинча, қуюқ ўт-ўлан орасида пусиб, уларни пойлаб ётганди.

Қуюшқондан чиққан битта-яримта този шерикларидан ўзиб, кўзига ҳеч нарса кўринмай югуриб ўтар экан, пусиб ётган йиртқич чўқмордай панжаси билан бир уриб, уни улоқтириб юборарди.

Олачипор ажал шу тариқа икки гала итдан кўпини саранжомлади.

Қолган тозилар қонга боттан ва итлар ингроги босган қайирга етиб келганда, эси оғиб, чирмовуқ босган бутазорга ўзини урап, талвасага тушиб, ботқоқлиқдаги ҳар қандай инс-жинни парчалаб ташлашга тайёрдек, тикан ва шоҳ-шаббага урилиб-туртилиб, тор-танқис бўрсиқ ва бўри уяларининг исини олиб юарди.

Шундай ҳам ярим ёввойи бу кўппаклар ўткир ҳид таратаётган кўлмак сувини ичиб олиб, бамисоли дунёга келганидан буён чангалзорда кун кечириб келаётган ёввойи ҳайвонга айланишган, инсон қудратидан, одамзот қўли билан ёқилган гулхандан куч олмайдигандай эди гўё.

Мана, энди инсонга хос шафқатни ҳам, марҳаматни ҳам билмайдиган чангалзор ёрқин алангага, болалар табассумига ўргангандитларнинг кўзига зулмат бўлиб боқаётганди. У чақирилмаган меҳмонларни ғажирди, парчаларди, тишлаб, тепкиларди, терисини шиларди.

Итлар бирданига бўшашиб, туриб қолди.

Вангиллаб, думини қисиб, ҳимоя истаб, дўсти — инсонлар томонга, оқсоқолнинг буйруги билан саклар ёқсан нажотбахш гулхан томонга қараб учиб кетди. Олачипор ажалга олқишиланган уч гала итдан бор-йўғи қонга беланган, даҳшатдан қалтираган олти кўппаккина омон қайтди.

Чангалзор бунёд бўлибдики, бу каби тунни кўрмаганди!

Кенг ва дўнг майдон узра бош кўтараётган қуёш мисоли улкан гулхан кўкка устундек ўрлади. Кўзни қамаштирувчи ёлқин ирмоқлар ва кўлмаклар узра товланиб, сув устини қоплаб олган ва ҳайратдан тонг қотган буталарни кўз ўрганмаган зангори-қизғиши рангта бўярди.

Гулхан алангаси кучайгани сари жонбахш доира ҳам кенгайиб борар, рутубатли зулмат ва тун даҳшати чулғаб олган чангалзор нари чекинарди.

Овчилар овози баралла жаранглай бошлади.

Мағрибда, яшил нур таратаётган Ҳамал оралаб, ўз фарзанди бўлмиш сакларни қутлагандай, Момо Анахита — Зухро ярқ этиб кўринди.

Кишиларни ҳорғинлик, очлик қийнарди.

Гулхан чеккасида, ҳозиргина кесиб олинган таёқлардан тайёрланган чорпояда кийик, така, чўчқа болаларининг таналари осилиб турарди. Шоҳ-шабба чарс-чурс қилиб ёнар, уларнинг чарсиллаши тоғдан тўкилаётган шағалнинг шақирлашини эслатарди. Эриган мой оловга оқиб тушар, писта кўмирга томган ёғини бузилган юзлаб илондек вишилларди. Қизиган ёғиси иштаҳани қитиқлаб, майдон узра тараларди.

Оқ ота ўғлидан Хугава отиб келган қирғовулнинг патини юлишни илтимос қилди. Бир тутам энг чиройли патларни ёнига қўйиб, тозаланган хўрозни ёғоч сиҳдан ўтказди-да, алангага тутди.

— Ота, патларни менга беринг, — ботинмайроқ деди Спаргапа.

Отаси унга синчков бокди:

— Нима қиласан?

— Керак-да, — қисинибрөқ минфириллади йигитча.

— Ҳа-а, — тушунгандек бош иргади сардор. — Ана... унга... ми? Ислим нимайди? — Сүнг ошкора ачиниб, бош чайқади. — Бўлмайди, ўғлим.

— Нега? — тумтайди Спаргапа.

Кирғовул қизариб пишди. Кекса сардор елкаси оша чақириди:

— Ҳой, Хугава! Қаердасан? Қалпоғингни бер.

Хугава ҳайрон бўлиб Спаргапага қаради-да, титилиб кетган тумоғини қарияга узатди. Сардор гулхан ёлқинида товланиб турган зангори, яшил, қизил патларни бир тутам қилди, бамисоли бир ҳовуч қимматбаҳо тош бераётгандай, уни тантана билан йилқибоннинг тумоғига солди.

— Кўзинг — лочин кўзилик, кўлинг қалтирамайди, отган ўқинг беҳуда кетмайди, — деди у эҳтиром билан. — Бу патларни хотинингга олиб бор. Бош кийимига қадасин. Буни эса, — мўйсағиди пишган қирғовулни Хугавага тутди, — ўзинг тановул қил.

— Эҳ! — садо эшитилди саклар узра. Бундай эҳтиромга ҳар ким ҳам ноил бўлавермасди. Ичи куйганидан Спаргапанинг оғзи қуруқшаб қолди. Йигитчанинг кўзида ёнган оловнинг тоби ҳам, ёлқини ҳам сайёдлар ўраб ўтирган гулхан аллангасидан кам эмасди.

— Худо хайрингизни берсин, сардор, — тутила-тутила деди ўзини йўқотган йилқибон. — Бироқ мен бунга арзимайман...

— ...арзийсан! Арзийсан. Кел, ёнимга ўтири. Мана бу йигитни кўраяпсанми? — Сардор кўлини Спаргапанинг чайир елкасига кўйди. — Ўзинг ўқни қандай бехато отсанг, унга ҳам шундай бехато отишни ўргата оласанми?

— Бажони дил, Оқ ота!

— Сен, — ўғлининг юзига жiddий тикилди сардор, — Хугава сингари отишни истайсанми?

— Менми? — Спаргапа чўф босгандек сакраб тушди. — Бўлмасам-чи! Албатта, истайман. Мен ҳам сен каби учеб бораётган қирғовулни отиб туширишнинг улласидан чиқа олармиканман? — умид билан йилқибондан сўради.

— Уддалайсан.

— Зўр-ку! — Спаргапа жингалак сочли бошидан қалпогини шартта олди-да, завқ билан тиззасига урди. Атрофни қувноқ қаҳ-қаҳа тутди. Сардор эгилиб, ўғлининг қулогига шивирлади:

— Эрталаб яйловда Хугавани хафа қилиб қўйдинг. Унинг учун ўч олдим. Бу — бир. Иккинчиси — пат совға қилишдан олдин уни топа билишни ўрган. Тушундингми?

Хугава қирғовулни қоқ иккига бўлди-да, бир бўлагини Спаргапага илинди.

— Менгами?

— Сенга.

Йигитча туҳфани эҳтиром билан олди-да, Хугавага миннатдор боқди. Сўнг астойдил деди:

— Бундан буён менинг энг яхши дўстимсан! Маъқулми?

— Маъқул! — жиддий деди мерган.

— Дато! Ҳо, Дато! — қичқирди Оқ ота. — Саримсоқ олганмидинг, биродар!

— Олгандим, — жавоб берди узоқдан Дато. У саклар орасида сардордан кейинги энг кекса оқсоқол эди.

Оқ ота овозини пасайтириб деди:

— Биродар, уни майдонга соч, гулханга ташла, токи чангальзор жинлари тунда бизга азоб беришмасин. Ёввойи саримсоқ — муқаддас гиёҳ. Жинлар саримсоқ ҳидини ёқтирумайди.

— Бу ерда улар кўп бўлса керак? — чўчинқираб шивирлади Спаргапа.

— Уларни кимдир кўрибдими? — шубҳа билан сўради Хугава.

— Кўрибди. — Сардор чап ёноғидаги ғадир-будур чандиқни қашлади. — Бир кун, Спаргала ҳали туғилмаганди, мен Навтар сингари чангальзорда адашиб қолдим.

— Хўш? — қизиқсинди Спаргапа.

— Қарасам — тун. Нима қилиш керак? Қайрагочга чиқиб олдим, шоҳлар орасида пусиб ўтирибман. Бир вақт кўзим илинибди. Гумбурлаган шовқиндан уйғониб кетдим — ҳа, росмана чилдирма гижбанг қиласарди. Ҳм?.. Барглар орасидан мўралаб қарасам, майдон тўла жин!

— Хўш?

— Айтишни унутибман — чап ёноғимда шиш бор эди. Мана, ўрни қолган. — Сардор яна чандиқни силади. — Катта эди. Муштдай келарди ўзи ҳам. — Мўйсафид чақалоқнинг бошидек келадиган муштини аланга томон чўзди.

— Хўш?

— Кўрқиб кетдим. Биқиниб олдим. Юрагим тарс ёрилай деди. Бир вақт жинлар ўйин туша бошлади. Ҳар қайсиси билганича рақс туша кетди. Чўлоқ оёқларини у ёқ-бу ёққа ташлаб, ўйнатар эдилар. Қандай рақс тушишни жинлар қаердан ҳам билсин?

— Хўш?

— Хўш, мен шунақанги рақсни қойил қиласдимки. Зўр эдим. ёшлигимдан кечалари гулхан атрофида ўйнардим. Завқим келиб кетди. Чидай олмадим — дараҳтдан сакраб тушдим-да: «Шармандалиқни бас қилинг! Рақсга тушиш қанақа бўлишини, мана, мендан кўринг...», — дедим. Сўнг майдонда чир айланиб рақс туша кетдим. «Қандай чиройли!» — дўриллади Яккақўз. «Қандай яхши! — букри қариндошлари қўшилишди унга. — Қойил қилас экан. Биз билан қол, қария, бутунлай қолсанг ҳам майли. Ботқоқ аҳлининг кўнглини овлаб юрасан». Бунисини кўринг энди! Қаёқдан ҳам дуч келдим жинларга.

— Хўш?

— «Қололмайман, дўстларим. Манзилимга кетишим керак», — ёлвордим мен. «Тўхта! Қочиб қолмоқчимисан? — шанғиллашди жинлар. — Кўйиб юбормаймиз». «Нега энди қочиб кетар экаман? Кампирим кутиб қолди. Эрталабгача уйга етиб бормасам, калламни узади. Йўлимдан қолдирманглар, дўстларим. Янаги тун ўзим келаман». «Аҳмоғингни топибсан! — ғазабга минди Яккақўз. — Ишониб кўя қолдик гапингга. Келинглар, ҳамма энг яхши кўрган нарсасини олиб қоламиз, шунда кийикдек учиб келади». «Нимангни ҳамма нарсадан яхши кўрасан?» — ёпишиб олишди жинлар. Каллам ишлаб кетди. «Ҳамма нарсамни олинг, — дедим, — кўйлагимни ҳам, иштонимни ҳам, камонимни ҳам, ўқимни ҳам, бурнимни ҳам олинг. Фақат шишимга тегманг...». «Ха!» — хурсанд бўлди бош жин ва кўз очиб-юмгунча шипиллатиб шиши суфуриб олди. Шунақанги чаққонлик билан суфуриб олдики, оғриқни сезмадим ҳам.

— Хўш?

— Хўш, сўнгра манзилим сари йўл олдим. Ҳайвонлар ҳужум қиласин, деб жинлар кузатиб қўйицди. Уйга келсам, шовқин-сурон авжида. «Қаерда қолиб кетдинг? Шишинг қани?» — дея усти-устига савол ёғдиришар эди. Бўлган воқеани миридан сиригача айтиб бердим. Дарё ортидаги саклардан бўлган қария келиб қолди. Унинг ҳам шиши бор эди, фақат ўнг ёноғида эди. Унга йўл кўрсатиб юбордим. Шўрлик чангальзор томон йўргалаб кетди. Бориб дараҳтга чиқиб, ўтириб олиб, кута бошлабди. Бир вақт жинлар ҳам етиб келибди.

— Хўш?

— Жинлар яна рақс туша бошлабди. «Қария, шу ердамисан?» — қичқирибди Яккақўз. «Шу ердаман». «Тушгин, сенсиз зерикиб қолдик». Дарё ортилиқ рақс туша бошлабди. Дарё ортидагилардан

дурустроқ раққос чиққанми ўзи? Энсиз ирмоққа тушиб қолган гүладек ўзини у ёқ-бу ёққа урибди. Хуллас, Яккакўзниң чакка-сига тегибди. «Бугун ўшшата олмаяпсиз, бобой. Ярамай қолиб-сиз-ку, — дебди. — Жонингиз борида бу ердан туёғингизни шиқиллатинг. — Шишингизни унугманг». Шундай деб, менинг шишимни унинг чап ёногига ёпиштириб қўйибди. Битта шиш иккита бўлибди.

— Хўш? — Спаргала анграйиб отасига қараб, давомини кутарди.

— Бўлгани шу. — Оқ ота чидай олмай, қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Ўнлаб кишилар унга қўшилишди. Ёш Спаргала майна қилишаётганини шундагина англади. Англади-ю, жаҳлини култ этиб ичига ютди.

\* \* \*

Тун. Сайёдлар қоровул қўйиб, гулхан атрофига от ёпқичларини тўшаб, ётиб олишди, айримлари ўт-ўлан устига ёнбошлишди.

Гулхан алангаси аста пасайиб, ер бағирлади. Ёлқин сўнгач, майдон намхуш зулмат қўйнида қолди. Зим-зиё тун бир ҳовуч оловни ҳар томондан сиқиб келиб, ўз комига тортмоқда эди.

Одамларнинг овози тиниб-тинмаёқ чангалзор эгаларининг шовқин-сурони, йиғи-сифиси эшитила бошлади. Укки мунгли сайрашга тушди. Унинг йиғламсирашига лаққа тушманг — бу мунг ортида шафқатсизлик яширин. Қамишзор мушуги — хаус бўғиқ миёвлади. Сўниб битаётган гулхан устида кўршапалаклар ҳайвонот салтанатининг айғоқчилари мисол фувиллаб учар эди. Олисда йўлбарс қисқа ва босиқ наъра тортди, қаттиқ яраланган қобон аянчли ва мудҳиш чийиллади.

Шафқатли Анахита кўздан фойиб бўлди. Жануби-шарқда, кўйида, Жадий яқинида фалокат даракчиси — ёвуз Кайвон<sup>1</sup> ваҳимали ялтиради.

Хозиргина ловуллаб турган гулхан атрофида беташвиш кулиб ўтирган сайёдлар қалбини подачи чодирига ўрмалаб кираётган қора илон мисол, кўркув аёвсиз босиб кела бошлади.

Ё алҳазар! Зим-зиё тун қўйнида қалин булутларни тешиб ўтган нур мисоли, хушёрлик ўзини намоён этди. Йиртқич ҳайвонлар. Тавба, улар қаердан келиб қолди? Кимга керак бўлиб қолди-ю, ким чақирди?

<sup>1</sup> Кайвон — Сатурн сайёраси.

Қоровулларнинг дам униси, дам буниси ўрнидан турар, гулханга шоҳ-шабба ташлаб, унинг алангаси ёруғида пинакка кетгандарнинг қотиб қолган юзига тикиларди. Сак ҳамма билан бирга эканлигига, ташлаб кетилмаганига ишонч ҳосил қилгач, тинчиб, хушбўй ёвсан устига чўзиларди.

Сабр қилингиз. Бўронда қолган йўлчилар мисол бир-бирингизни сусансиз, бир ёқадан бош чиқарсангиз, қозиқ тишини иржайтириб, чангалзордан қаттолларча тикилиб турган Олачипор ажалга қарши туриш учун вужудингиз кучга тўлгай.

... Яна тонг отди.

Белигача яланғоч бўлиб олган саклар чўк тушиб, қўёшга қарашди, қўёш эса раҳмдиллик билан уларнинг бошига илиқ нурларини сочди. Қурдатли шамол ер бағирлаб ўсган дараҳт бутоқларини бир томонга қараб тортқиласан мисол, ўнлаб қўллар бараварига илтижо ила кўтарилиди. Фира-ширадаги кўкиштоб чангалзор машриқдан шитоб билан ёйилиб келаётган шуъланинг шўх-пушти оғушида яққол ажralиб турарди.

Мис занг товуши қаттиқ жаранглади-да, дириллаб, аста-секин сўнди. Ортидан коҳиннинг бўрон гувуллашидек хирқироқ, бўғиқ овози уфқ узра таралди.

«Шарафлар бўлсин сенга, Митра! Бошимиз узра доимгидек чараклаб ёйилдинг. Навтарни фақат Олачипор ажал ҳалок этиши мумкин.

Юзта, мингта Навтарни ўлдира олади у. Бироқ маъбуд Митрани, нурафшон ховарни ким ҳам ўлдира оларди? Қуёш сўнмас экан, сакларнинг уруғи куримайди!»

Оқ ота ўғлини буга ортига чақириб олди.

— Сени нега ўзим билан олиб келдим, биласанми? Шуни тушуниб ол. Тушуниб олмасанг, хароб бўласан. Сўнгги гапим шу: Тўмрузнинг айтганини қил, Хугаванинг айтганига кулоқ сол. Англадингми? Алвидо.

Кекса сардор ўғлини бир зум бағрига босди, сўнг ўзидан нари сурди-да, йигитлардай чаққонлик билан иргиб, отга минди. Шунақа эди Оқ ота.

Омон қолган олти този, ҳартугул, йиртқичнинг ҳийла-найрангини тушуниб етганди. Маймунжон босиб ётган дўнглик яқинида итлар Олачипор ажал устига ёппасига ташланди. Босқинчи олти қозиқтишдан иборат қопқонга тушди.

Қопқонга тушди, дейсизми? Қаёқда!

Олачипор ажал наъра тортиб, беш қулоч баландга иргиди, чийиллаб, тепадан пастга, майдонга ўзини отди. Орқаси билан

тушиб, итларни янчиди ташлади. Тозиларнинг жағлари очилиб қолди. Олачипор ажал қаттиқ сакраб, тик дүнглик ортига ўтдида, зумда кўздан гойиб бўлди.

Йиртқични кўлдан чиқармаслик учун тозилар дўнгликни икки томондан айланаб ўтар экан, йиртқич ҳайратомуз тарзда ортта сакради, тозиларни ҳанг-манг қилганча, ўзини ирмоқ томон урди.

Олачипор ажал ҳолдан тойганди, чунки бугун қайноқ қон ичиди, ҳузур қила олмади. Буталар орасига яшириниб, шоша-пиша тўшини ва биқинини ялай бошлади.

Тозилар яқинлашиб келарди. У итларнинг тўхтаб-тўхтаб ҳурганини ва тобора бўғиқ чиқаётган чийиллашини эшишиб туарди. Итлар ҳам роса ҳолдан тойганди. Энди маҳлуқ тозилардан кўрқмай кўйганди — озгина ҳордик билан анча кучга кириб олганди.

Бироқ Олачипор ажалнинг қулоғига ҳар тарафдан бўлакча, анча даҳшатли товушлар чалина бошлади: одамлар тапир-тупур қилиб, шовқин солиб, газаб билан гапириб келишәётганди. Уни исканжага олишганди. Нима қилиш керак? Итларни йўқотиш даркор. Уларсиз кишилар ҳеч нима қила олишмайди.

Бир неча қунлик масофага чўзилиб ётган ботқоқ чангальзордан унинг соҳибини топиб кўр-чи. Бундан кўра, туяга тушган бургани топиш осонроқ.

Олачипор ажал таҳдидли ангиллаб, ўзини ўнглаб олди.

Олачипор ажал мушакларини ток зангидан-да тарангроқ қилиб тортиди.

Олачипор ажал қушдай қанот қоқиб, шумтол устига енгил учеби чиқди.

Тозилар бир-бирини сиқиб-сурисиб дарахтга яқинлашиди. Олачипор ажал кўз кўриб, қулоқ эшифтмаган улкан малаҳдай ўзини уларнинг устига ташлади. Ола-була чақмоқ эди у гўё!

Умуртқаси синган иккита този бир жойда чирр айланаб қолди. Учинчисининг қорни бўйнидан бутигача ёриб ташланганди. Бўғизлаб ташланган тўртинчиси эса бошсиз товуқдай яшил қиёқ устида тиришиб-тортишиб, ўмбалоқ ошарди. Қолган иккитаси лойқа кўлмакка шалоплаб тушди.

Шу топда Олачипор ажалнинг ўнг биқинига патли ўқ келиб қадалди, ўқ унинг қовургасини тешиб ўтганди.

Одамми?

Йиртқич ингроқ ила аламли наъра тортди, сўнг шу қадар шитоб билан ўтирилди, гўё у қимирамагандек, аввал ҳам тирандозга тумшуғини қаратиб тургандек туюлди.

Иккинчи пайкон қотилнинг чап елкасини тешиб ўтди. Фазабдан Олачипор ажалнинг вужудини титроқ босди. Кузги япроқлар қоплаган сув юзини жимирлатиб муздек шамол эсиб ўтгандай бўлди.

Босқинчи ғазабли йилтиллаган кўзини сайёддан узмаган кўйи, думини икки биқинига бир-бир уриб, ерга бўйнини чўзди, белини букиб, ўт-ўланга қапишиб олди.

Ўйнаётган мушук боласи мисол, тирноқларини яшириб, титроқ панжаларини қаттиқ-қаттиқ ерга босиб, майда қадамлар билан олға юра бошлади.

Одам уч қатли ёйини бир четга улоқтирди, ерга санчилган найзани суғуриб олди.

Найзанинг кетини орқага ташлаган ўнг оёғи товонига тиради, дастасини маҳкам чангаллади-да, ишончлироқ бўлсин, деб уни олдинга ташлаган сўл оёғи тиззасига босди.

Қаддини қаттиқ букиб олган бу одам тўғри шох ўрни туртиб чиққан яланғоч тўнкага ўхшаб қолди.

Икки ғазабнок нигоҳ оловдек чақнаганча бир-бирига сассиз тикилиб турарди.

Ҳой, эҳтиёт бўл!

Олачипор ажал ўқилондай отилиб, нам майсазор устида ётган лаққа чўғ каби ўзини одамнинг устига ташлади.

## ШОХ ВА АНДАЛИБ

Милоддан аввалги беш юз йигирма түққизинчи йил. Етти дүнглик устида барпо этилган Рим ҳали этрусклар<sup>1</sup> зулми остида эзилиб ётар, буюк ғалабаларни орзу қилишга ҳам ҳадди сифмасди. Сармаст мустабид Искандар Зулқарнайн<sup>2</sup> Сүфдиёнани икки юз йилдан кейингина бўйсундиради. Аттила<sup>3</sup> хуннларининг овозаси ҳали чиқмаган, Чингизхон юришларигача эса ҳали бир неча юз йиллар бор бўлиб, тарихнинг бу қадар чукур қаърига боқишга кишининг юраги дов бермасди.

Бироқ бу даврга келиб уч минг йиллар давомида қад ростлаб турган Миср эхромларининг ялтироқ қопламаси аллақачоноқ тўқилиб туша бошлаган, фиръавн Хуфу<sup>4</sup> даври эртаклардаги-дек, ақл бовар қиммас даражада қадим туюларди. Очкўзлик, шафқатсизлик, бошбошдоқлик аллақачон илдиз отиб бўлганди. Аслзодалар қирғин-барот урушлар олиб бориш ва талон-торожлар ҳадисини олганди. Кишан ҳам, дарра ҳам ҳеч кимни ҳайратга солмай қўйганди.

Фақат зўравонликина ҳукм суреб қолмай, балки унинг зидди ҳам зимдан куч йигиб келаётганди. Ақл-идрок яшаб қолган эди. Меҳнат ва меҳнаткаш эл мавжуд эди. Энг яхши луқма учун кураш борарди. Лагаш<sup>5</sup> ҳалқи ўз шоҳи Лугальъандани таҳтдан ағдарганди.

Исёнчилардан мағораларга яширинган акобир Ипусер шошиб-пишиб: «Амалдорлар чиндан ҳам ўлдирилди. Миср дондуни ҳамманинг бойлигига айланди. Маҳкама идораси қонунлари ўрамлари майдонга улоқтирилди», — деб ёзганди.

<sup>1</sup> Этрусклар — мил.ав. I минг йилликда Апеннин яриморолининг шимоли-ғарбидаги, қадимги Этрурия (ҳоз. Тоспана) деб аталган вилоятда яшаган қадимги қабилалар.

<sup>2</sup> Искандар Зулқарнайн — македониялик саркарда ва давлат арбоби Александр (мил.ав. 356 — 323).

<sup>3</sup> Аттила — хуннлар подшоҳи (ваф. мил. 453). Лақаби — «Худонинг фазаби».

<sup>4</sup> Хуфу — Хеопс, Миср фиръавни (мил.ав. XXVII аср боши).

<sup>5</sup> Лагаш — Шумердаги қадимий давлат (ҳоз. Ироқ ҳудудида).

«Куллар бош күтариши, уйларни вайрон эта бошлаши, ўз хўжаларини сота бошлаши, уларнинг қонини тўка бошлаши», — деб иддао қилганди хетт<sup>1</sup> ҳукмдори Телепин.

Чжоу давлатида<sup>2</sup> Ли Ван ҳукмронлиги даврида фуқаро дорус-салтанани кўлга олди.

Оғилхонада туғилган қашшоқ ҳинд Макҳали Госала дунёда биринчи бўлиб: «Илоҳ ҳам, илоҳий руҳлар ҳам йўқ. Бу ҳақда гапирувчилар — алдамчилар», — деганди.

Беш юз йигирма тўққизинчи йил. Бир қараганда, асрлар сил-силасида ҳеч нарсаси билан кўзга ташланмайдиган, оддий йилга ўхшайди. Шунга қарамай, ўзича алоҳида, жуда муҳим йил эди.

Инсон инсон бўлибдики, меҳнат қилишдан, ҳурлик учун курашишдан бир кун ҳам тўхтамаган. Демак, ҳар бир йил тер ва қон билан сугорилган. Бекор, бефойда ўтган йил йўқ. У йилларнинг бари аҳамиятли, ибратли эди. Башарият учун яшаб ўтган ҳар бир йил, қанчалик олислаб кетмасин, қадрлидир.

Бу — унинг ҳаёт йўлидаги даврлардан бири. Истиқбол томон ташланган қадам.

Орийлар<sup>3</sup> қабилалари иттифоқи қачон — беш минг йилми ёки олти минг йилми илгари, қаерда — Яксарт<sup>4</sup> дарёси ортида-ми, Помирдами вужудга келганини ҳеч ким айтиб беролмайди, бу ҳеч кимга аниқ маълум эмас.

Бунинг сабаби ҳам маълум эмас: одамлар жуда урчиб кеттаганидан жой етишмай қолганми ёки айримлари кучайиб, бошқаларига зулм ўтказа бошлаганми; эҳтимол, машриқлик қисиқ кўзли жангчилар ҳужуми остида бу иттифоқ, бўрон учириб, тарқатиб юборган қуш галасидек, потраб кетгандир.

Орийлар қабилалари Ўрта Осиё ялангликларида даставвал пайдо бўлишганида, уларнинг бир қисми бу ерда қадимдан умргузаронлик қилиб келган фракияларни<sup>5</sup> қувиб чиқарди, бошқа қисми улар билан қўшилиб-чатишиб кетди, яна бир қисми дарёлар ёқаларида турғун бўлиб қолди, қолганлари чўлу биёбонларни макон тутди.

<sup>1</sup> Хетт — Кичик Осиёда қадимда яшаган халқ.

<sup>2</sup> Чжоу давлати — қадимги хитой сулоласи (мил.ав. 1027 — 256 ёки 249).

<sup>3</sup> Орийлар — қадимги эронзабон қабилаларнинг номи бўлиб, дастлаб «келгинди», «бегона», «бошқа ерлик» маъноларини билдирган, кейинчалик «хўжайн», «аслзода» маъносини англатган.

Яксарт — ҳозирги Сирдарё.

<sup>5</sup> Фракия — Болқон яриморолининг шарқий қисмида, Эгей, Қора ва Мармар денгизлари ўртасида жойлашган тарихий вилоят.

Иккинчи бор ёпирилиб келишганда Хазар дengизидан<sup>1</sup> жа-  
нубда ва Араб дengизидан шимолда ястаниб ётган серкүёш ўлка-  
ни эгаллаб олишди, касситлар<sup>2</sup> ва эламийларни<sup>3</sup> тор-мор қилиб,  
кўпларини қириб юбориши, кўплари билан кўшилиб кетишиди.

Учинчи босқинда уларнинг қадами жанубдаги жазирама мам-  
лақатларгача етиб борди, Дакконни босиб олишди, Ганг дарёси  
куйиладиган жойгача эгаллашди. Орийларнинг тўққиз қабиласи  
тўққизта йўлдан кетди. Уларга бхаратлар етакчилек қилишиди.  
қорамагиз дравидлар тўдалари ўрмонлар ва тоғлар томон йўл  
олди. «Маъбуд Индр уларни, азалдан шу ерда истиқомат қилиб  
келганларни ўлдирди, экинзорларни оқ танли иттифоқчилар  
ўртасида тақсимлади».

Орий қабилалар тўртинчи босқинда Қора дengизгача етиб  
бориши, Танаис<sup>4</sup> соҳилларини киммерийлар<sup>5</sup> қони билан ювиш-  
ди, Таврида<sup>6</sup> ўтлоқларида яйрашиди.

Иллар, асрлар, минг иллар ўтди. Фолиблар билан мағлуб-  
лар қони кўшилиб кетди, оқибатда тоғлар ва водийларда ўхшаш  
бўлса-да, алоҳида лаҳжада гаплашадиган йирик қабилалар ҳамда  
элатлар юзага келди.

Шимоли-шарқда — саклар ва массагетлар, сугдлар ва хувар-  
лар, парканлар ҳамда бақтрлар<sup>7</sup> қарор топишиди.

Шимоли-гарбда — скифлар ҳамда сарматлар<sup>8</sup> умргузаронлик  
қилишиди.

Жануби-гарбда — мадлар ва форслар истиқомат қилишиди.

Жануби-шарқда эса ҳиндлар илдиз отишиди.

Уларнинг ўртасида ва уларнинг орасида эса варканлар ҳамда  
карманлар, марғлар ва сатталар, партлар ва сагартлар, тоҳар-  
лар ва гандҳарлар, гедрозлар ва араҳотлар, дранглар ва харайва-  
лар ҳамда кўплаб бошқа қабилалар бор эдики, барини санаб,  
адофига етолмайди киши.

<sup>1</sup> Хазар дengизи — ҳозирги Каспий дengизи.

<sup>2</sup> Касситлар — мил.ав. II — I минг ийилликда ҳозирги Фарбий Эрон ҳуду-  
дидаги яшаган тоғлик қабилалар.

<sup>3</sup> Эламийлар — Эрондаги ҳозирги Ҳузистон ва Луристон вилоятлари ҳуду-  
дидаги жойлашган қадимий давлат (мил.ав. III минг ийиллик — мил.ав. VI аср  
ўртаси) аҳолиси.

<sup>4</sup> Танаис — Дон дарёси.

<sup>5</sup> Киммерийлар — Ўқуз (Амударё)нинг шимолида яшаган қадимги кўчман-  
чи қабилалар иттифоқи.

<sup>6</sup> Таврида — Крим.

<sup>7</sup> Қадимги Марказий Осиёда яшаган қабилалар номи.

<sup>8</sup> Қадимги Марказий Осиёда яшаган қабилалар номи.

Баъзиларининг танаси сутдек оқ, қоракўз ва қорасочларни — анор пўсти каби қорамагиз эди. Айримлари чўпонлигича қолишиди, бошқалари кулба қуриб, дон етиштира бошлашди. Баъзилар, аввалигидек, ўзаро тент саналиб, уларни уруғ оқсоқоллари бошқаришарди. Бойлар ва камбагалларга ажралиб қолганлар орасида аслзодалар пайдо бўлди, улар устидан шоҳлар хукм юритишиди.

Кўхна номлари деярли унут бўлиб кетди. Қартайган чоллар, қаҳри қаттиқ коҳинларгина, эҳтимол, илдизлари қаерга бориб тақалишини эс-эс билишар. Аммо форс шоҳлари ана шу илдизни маҳкам тутиб, аллақачонлар ўлиб битган сўзга янгила ва шафқатсиз мазмун баҳш этишиди.

Энди «орий» шунчаки одам эмас, балки аслзот одамга, «хўжайин»га айланди. Боз устига, форслар ўз ватанлари — Форсни — Айрана, яъни Эрон, хўжайнинлар мамлакати, деб улуғлай бошлашди. Бошқа барчани, айниқса, Ўрта Осиё қўчманчиларини беписандлик билан «туронликлар» деб аташди. «Туронлик» дегани «орий эмас», дегани эди. Туронликми, демак, жоҳил ҳисобланарди.

«Атрофимизда курбонлиқ қилмайдиган имонсиз қабилалар яшайди. Улар ҳеч нарсага эътиқод қилишмайди, урф-одат ва маросимлари бемаъни. Уларни одам ўрнида кўрмаслик лозим...»

Форс ҳукмдорлари ўзларининг «аслзода»ликлари билан шунчалик кеккайишар, шу билан андармон бўлиб, бошқаларга форслар ҳукмронлигини тиқиширишга шунақсанги уринишардики, оқибатда «орий» сўзи бора-бора қўшнилар тилида энг ҳақоратли, энг ёмон сўзга айланганди. Айтишларича, бу сўз билан болаларни кўрқитишган экан.

Турон номи эса шимоли-шарқда сингиб кетди. Текисликларда истиқомат қилувчилар бу номни меҳр билан тилга олишарди, форслардан бошқа барча халқлар бу номда бирон-бир ёмонликни кўришмасди.

Туронданмисан? Жуда соз!

\* \* \*

«Куруш шоҳ<sup>1</sup>, сўзим.

Мени, форс, форснинг ўғли, Гахаман уруғидан бўлган орийни, Донишманд руҳ<sup>2</sup> иродаси бирлан жанубда, Патак тоғларида Иштувегу<sup>3</sup> қизи, болажон Мандана туққан.

<sup>1</sup> Куруш (Кир II Буюк) — Эронда мил. ав. 558 йилдан 529 (баъзи манбаларда 530) йилгача ҳукмдорлик қилган ахоманий шоҳ.

<sup>2</sup> Донишманд руҳ — қадимги эзгулик худоси Ахурамазда (Хурмузд).

<sup>3</sup> Иштувегу (Астияг) — қадимги Мад шоҳи, Куруш (Кир)нинг она томонидан бобоси; мил.ав. VI аср.

Халқым оз сонли, заиф эди.

Узоқ даврлар ётлар ҳукми остида жабру жафо тортди.

Ватанимиз Форс мадлар шоҳи, шафқатсиз Иштувегу зулми остида кун кечириб келди.

Оқсоқ Помирдан тортиб кўхна Бобилгача, лойқа Ҳинд дарёсидан тортиб долғали Ҳазаргача биздан шимолда жойлашган Мад ҳукмдорининг тошдан қаттиқ товони остида қонга ботиб яшади.

Шафқатсиз ҳукмдордан ўзи истило қилган мамлакатлар аҳолиси ҳам, мадликларнинг ўзидан бўлган катта-кичик мардлар ҳам нафратланишарди. Улар хуфёна йигилиб олиб: «Сен жафокаш Форс-нингтина шоҳи эмассен, сен — Иштувегунинг набираси ҳамда күёвисен, Ҳагматана тахтини эгаллашга ҳаққинг бор. Золимнинг зулмидан бизни қутқар, олтин тожни бошингта кий», — дейишиди.

Ва мен, форс Куруш, жабрланганларнинг кўзда ёш билан қилган илтижоларини қабул қилдим, оҳ-зорларига қулоқ тутдим ва матъун дилозорга қарши отландим. Иштувегу наштарию шамширидан озор чекканларнинг барчаси келиб, менга мададкор бўлиши. Оз куч билан золимни маҳв этдим, ғанимни зинданбанд қилдим, ер-сувини ҳам, иморатларини ҳам, подаларини ҳам тортиб олдим.

Шунда Сфарда деб аталмиш мағриб мамлакати — Лидия ҳукмдори, ҳасадгўй Крез бадниятлик билан, мен мад зулмидан озод қилган қабилаларнинг омборларию хирмонларини, экинзорларию сувини, яйловлари-ю, қорамолларини ҳамда эркини тортиб олиш учун мени йўқ қилиш пайига тушди. Устимизга юз минг отлиқ ва пиёданни ташлади. Донишманд руҳ иродаси билан инсофсиз Крезни тор-мор қилдим.

Ўша даврларда Бобилда, илгари Навуходоносор қилганидек, ҳудобехабар подшоҳ, Баалтасарнинг падари ва ҳам ҳукмдори Набунаид бебошлиқ қилаётганди. У, қароқчи мисол, ўз табаасини, фуқарони ҳам, аслзодаларни ҳам талар, савдогарларга ва руҳнийларга оғир ўллонлар соларди. Шу боис Бобил халқи мени, шоҳ Курушни, мазлумлар муҳофизи ҳисоблаб, кўмакка чақирди.

Бобил саройлари, бозорлари ва ибодатхоналарига ғамхўрлик қилиш ҳисси қалбимдан жой олди. Бобилликлар орзуси ушалди — мен уларни тавқи лаънатдан ҳолос этдим. Биз Баб-Илунинг<sup>1</sup> олий саждагоҳини жон-дилдан ва шодон улуғлаганимизда фалак ҳукмдори Мардук ўзини сарафroz этгувчи мени, ва менинг ўғлим Камбужини<sup>2</sup> ва бизнинг қўшинни ярлақади.

<sup>1</sup> Баб-Илу — форсча Бабила, юонча — Вавилон — Бобил — «Тангри дарвозаси».

<sup>2</sup> Камбужи — Кирдан сўнг, мил. ав. 529 (баъзи манбаларда 530) Йилдан 522 йилгача ҳукмронлик қилган Камбиз.

Сўнг мен кунботарга томон зафарли юриш қилдим, Бобил шоҳлари томонидан вайрон этилган Саодатли шаҳар — Эру-Шалемни<sup>1</sup> култепадан қайта барпо этдим, яхудий эркагу аёлларни халдейлар<sup>2</sup> асоратидан кутқариб, уйларига жўнатдим, сўнг дengiz соҳилида Финикия<sup>3</sup> шаҳарлари деворини қайта кўтардим.

Қадамим етган жойда форслар силоҳи кучи билан фаровонлик, хотиржамлик, дўстликни қарор топтиридим. Помирнинг дандана қояларидан тортиб, ҳар тарафидан сув ўраб олган Қибрисгача халқлар мени меҳрибон падар, адолатли ҳукмдор сифатида мадҳ этишади.

Мен, форс Куруш, буюк ишларни бебақо дунё шодликлари — манфаатлар, бойликлар, ноз-неъматлар ва нашъу намо учун эмас, инсониятга бахт-саодат келтириш, ватаним Форсни ва маъбуларнинг энг донишманди Ахурамаздани шон-шуҳратга буркаш ҳамда ажал маъбути Аҳриман менга ушбу фоний дунёни тарқ этишини амр қилганда унинг раҳматига ноил бўлиш мақсадида қилдим.

Келгуси авлод кишилари менинг эзгу амалларим ҳақида хабар топишсин ва, хабар топиб, ҳайрат оғушида қолишини деб, тик тоғ қоятош пешонасига ушбуни битишини амр этдим...»

\* \* \*

— Каллангни узаман, ярамас даҳ! — Мехр-Бедод таёқни боши узра кўтарди. Таёқ тарақлаб Гадатнинг сўл қўлига тушди. У фарёд чекиб ингранди, елкасини чангальлаб, оғриқдан энкайиб қолди.

Чўккалаб қолган даҳ буқчайди. Ортидаги жўралари — форслар ўзларига бўйсундириб олган жанубий туронлик ярим ўтрок қабилалардан бўлган ўспирин гаровгонлар<sup>4</sup>, скиф санамлари каби, хотиржам тош қотиб туришарди.

Бу ўспириналарни кузда атрофдаги манзиллардан шаҳарга ҳайдаб келишган. Уларни ўтин тайёрлашга, таблани тозалашга, лой қоришга, манзилларни созлашга, қалъага сув ташишга мажбурашади. Бугун тушки овқатдан кейин улар бир оз мизгиш, офтобда исиниш, ҳасратлашиш учун, ҳар доимгидек, кунжакдаги бўйрага чўзишлишди.

<sup>1</sup> Эру-Шалем — Куддуси Шариф.

<sup>2</sup> Халдейлар — Жанубий Месопотамияда мил.ав. I минг йилликнинг биринчи ярмида яшаган сомий қабилалар.

<sup>3</sup> Финикия — Ўрта дengизнинг шарқий соҳилидаги қадимий вилоят.

<sup>4</sup> Гаровгонлар — мағлуб халқнинг голиблар томонидан гаров тариқасида сақлаб туриш учун олиб кетилган вакиллари.

Баҳор. Тоғолди ҳудудларда ерга қүш тушган. Дон сепишади, ҳосил етилишини кутиб, тезлишар ва арзимас арпа ҳосилини йиғиб олишади-да, подани ҳайдаб, ёз бўйи чўлу биёбонга чиқиб кетишади. Эҳ! Кимлардир ёвшан ҳиди уфуриб турган ҳайдар шамолга бағрини тутиб, эркин юради... Бошқалар эса, бамисоли қул, пахса деворлар оралаб «мад зулмидан озод қилувчи» калондимоғлар ахлатини тозалашга мажбур. Қочиб кетгинг келади-ю, қаттиқ қўриқлашади-да.

... Гадатнинг айби нима?

Форс йигит Мехр-Бедод ҳовлидан ўтаётганида ўспирин даҳ Гадат чўккараб турган жойидан чаққонлик билан туриб, икки букилиб таъзим бажо келтиришга улгурмади.

— Мен, Мехр-Бедод, форс ўғли, орийман! — зўр бериб дерди Мехр-Бедод. — Сен кимсан? Қаролимсан!

Мехр-Бедод табиатан ориқ, дароз ва чайир эди. Қалқонбардорлар бўлимида хизмат қилиб, қадди букилиб қолди — ушбу қўшин тури жангчилари қалқон ортига яшириниш учун доим буқчайиб юришларига тўғри келади, бора-бора бу одатни тарк этиш амримаҳол бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам қалқондан қадди букилган, дейишади. Мехр-Бедод қиргийбурун эди. Форс ўғли бўлмиш бу форс қиргийни эслатарди.

Орий таёқни ўйнатиб ва чакмонининг кенг-мўл енгини қанотдек ёйиб, ўлжаси устида қаҳр билан чир айланар, гавдаси қўтосдек миқти Гадат қорасоч бошини борган сари пастроқ эгарди.

— Хўжайнингга ҳурмат бажо келтиришни ўрганасанми-йўқми? — фазаб билан сўради Мехр-Бедод.

Кўзларини юмид олган ва тишини маташтирган Гадат бош иргади.

— Энди менинг ҳузуримда ўзингни бефаҳм қари ҳўқиздек тутмайсанми?

Гадат кўзини очиб ва тишини кўрсатиб, бошини сарак-сарак қилди.

— Ўшанаقا тутмайсанми?

— Йўқ!

— Тутмайсанми?

— Йўқ!!!

— Яна сўрайлман. Ундай тутмайсанми?

— Йўқ!!!

— Шундай бўлсин! — Форс таёқни қўлтиғига қистириб, даҳнинг бурнига тепгандай бўлди-да, зерикканномо эснаб, юзини бурди.

... Дарвоза гумбурлаб очилди. Қўпириб кетган отда жиққа терга ботган суворий ҳовлига учиб кирди. От пишқириб, баркашдек теп-текис майдончада қоракурт чаққандай чириллаб айланди.

Ҳориб-толган суворий нобоп сакраб тушиб, йиқилди, сўнг шартта ўрнидан турди-да, оқсоқланиб ҳовлидан югуриб ўтди.

— Бўри қувдими уни? — ҳайрон бўлди Мехр-Бедод. — Ҳолдан тойибди-ку. — У даҳларга юзини бурди-да, хўмрайди. — Эҳтимол, яна уруғдошларинг бош кўтаргандир. Қараларинг! Дастлабкиларни хомкалла қиласиз<sup>1</sup>. Қолганлар қўланса чодирида итоатда ўтирасин, деб сизларни бу ерга ҳайдаб келганмиз. Менга қара! Испинг нима эди — Гадатмиди? — бекорчиликни йиғиштир. Ўрнингдан тургинда, отни совит. Буғ чиқиб ётганини кўрмаяпсанми?..

— Мехр-Бедод! Ҳой, Мехр-Бедод! — Ниссайяд<sup>2</sup> жойлашган форс қўшинларининг бошлиғи Раносбат истиқомат қиласидан пастак пахса уйнинг очиқ эшигидан талабчан даъват эшитилди.

— Лаббай! — овоз берди Мехр-Бедод.

— Раносбат ўз ҳузурига чорламоқда!

Мехр-Бедоднинг юраги орзиқиб тушди.

— Югурдим!

— Яна улар учун урушишимизни исташади! — хириллаб деди тўқ жигарранг кўзли Гадат, уни назари билан кузатиб қоларкан. — Орий эмиш! Мен кимман? Маймунманми?

— Жим бўл! — пичирлади асосий гаровгон ҳисобланмиш кекса даҳ огоҳлантирувчи оҳангда. — Тунда гаплашамиз. Яхшиликча боргин-да, отни совит.

— Қўтир тую! — Гадат зарба еган қўлини авайлаб силади, тишини фижирлатиб, жаҳл билан тупурди. — Бир зумда букрисини тўғрилаб, жигарини оғзидан чиқарворардим.

— Жим. Ҳар нарсанинг вақти-соати бор.

Раносбат — енги узун, кенг-мўл кўйлак, остидан орқа этаги оёқлар орасидан ўтказилиб, олдиндан кумуш камар остига тиқилган яна бир кенг белкўйлак<sup>3</sup> кийган, елкасига калта гулдор либос ташлаб олган бурундор семиз форс топтаб ташланган қизил гиламда қаҳрабодек сариқ баргакни эринчаклик билан чайнаб ўтиради.

<sup>1</sup> Хомкалла қилиш — бош терисини шилиш.

<sup>2</sup> Ниссайя — Niso — Парфиянинг қадимги шаҳри, Ашхобод яқинидаги ҳаробалари ҳозиргача сақланниб қолган.

<sup>3</sup> Белкўйлак — юбкасимон кийим.

Меҳр-Бедод таёқни ташқарыда қолдириб, пастак хонага қадам күйди, пошнасина пошнасига шақ уриб, күұна таомилга күра, үнг құлини олдинга күттарди<sup>1</sup> ҳамда бардам овозда деди:

— Хайра! Мұваффақият ва омад ёр бўлсин!

Кавшанишдан тұхтамаган Раносбат, бунга жавобан, бир нима деб ғұлдиради.

— Ёнимга кел, яқинроқ кел, деяпман.

Фаройиб даражада қуюқ ва кенг қошлари, икки ёй мисол, қаншарыда тулаши.

Меҳр-Бедод әхтиром билан бошлиққа яқынлашды, чүккалаб, чап елкасига туширилган орийларнинг қадимий нишони — хоч тасвирини авайлаб ростлади.

— Нега шовқин солаяпсан, мочахарнинг боласи? — Раносбатнинг катта, чўзиқ, солиқ қовоқлари остидаги қора кўзлари жаҳұдан чақнади. — Сендан сўрайпман, нега ғалва қилаляпсан? Нега тўполон кўтараляпсан?

Шошилмасдан, истар-истамас гапиради у. Чўзиб, ғазабдан қўра кўпроқ кўнгилчанлик билан дўрилларди. «Не-га шов-қ-и-н со-ла-сан...» Кўрқиб кетган Меҳр-Бедод қаддини ростлади, тирсакларини букиб, кафтини сони ёнига босди.

— Ярамас даҳ мени ҳақорат қилди. Ўзингиз ўргаттан эдингиз-ку...

— Ўргаттан э-дим! Меъерини билиш ке-ра-к! Тўсатдан уруш бошланса-чи? Ҳар қадамда бурнига тепиб турсак, даҳ-маҳларинг жангга киришни хоҳлармиди?

Меҳр-Бедод елка қисди:

— Истамаса, қамчин билан ҳайдаб борамиз. Нима қилибди?

— Айтишга осон! Бош кўтаришса, шоҳимизга ким жавоб беради? Менми ёки сенми, мочахарнинг боласи?

Меҳр-Бедод Раносбатга ажабланиб боқди. Чопар ёмон хабар келтирганга ўхшайди. Форс йигит қўлларини ёйди:

— Нега менга ёпишиб олдингиз, хожам? Ўқимни йўқотдими ёки айғоққа боришга эриндиммики, мени койийисиз.

— Ҳой, ҳой! — қичқирди Раносбат. — Овозингни ўчир! Ўчир овозингни, дедим! Чакагингни ўчир. Жим ўтири. Ақули хожа ҳаҷирни қачон савалашниу қачон силаб-сийпашни билиши лозимлигини сенга тушунириш учун койимоқдаман. Англадингми, кўпрак?

<sup>1</sup> Үнг құлни кўтариб, кафтиң кўрсатиши — қуролсизликни англатувчи ишора.

Меҳр-Бедоднинг кўзи ола-кула бўлди. Ақлдан оздими бу Раносбат? Жуда фойдали бўлган хачирни қаёқдаги исқирт маҳлуқ даҳга тенглаштиришини қаранг. Чопар чиндан ҳам яхши хабар келтирмаган кўринади.

— Ёдингда тут, овсар, — насиҳатомуз давом эттириди Раносбат. — Даҳлар тутишиб ёки думалатиб кетсанг, сени жазосиз қолдирадиганлардан эмас. Турондаги энг шафқатсиз халқ! Эҳтиёт бўл. Етказган озоринг ҳақини бошинг билан тўлайсан.

— Мен, жасур форс Меҳр-Бедод, юраксиз саҳройидан қўрқишим керакми? Бе! Олдимда қаддини қанчалик буқканлигини кўрганингизда эди.

— Қаддини буқдими — қара, ростламасин! Хайр. Майли. Валақлашни бас қиласйлик. Гап бор. Чопарга кўзинг тушдими? Жиддий хабар келтирди. — Раносбат гиламнинг чеккасини кўтариб, кўкқарғанинг зангори патлари қадалган узун савафич ўқни олди. — Кимники?

Меҳр-Бедод ўқнинг биринчдан қилинган уч қиррали қайрилма пайконига назар ташлади. Шунаقا пайкон баданга қадалса, чиқаролмайсан.

— Сакларники.

— Тўгри. — Раносбат чираниб томоқ қирди-да, пайконни синдириб олиб, дастаси билан бирга Меҳр-Бедодга узатди. — Ўраб, яшириб қўй. Ўн нафар форс йигитларимиздан олгин. Ҳозироқ. Захира отлардан ҳам ол. Туну кун елдиринглар! Тоғдан ошиб ўтиб, Сарния водийсига тушасизлар-да, Варканагача, сатрап Виштасп<sup>1</sup> ҳузурига борасизлар. Виштаспга ўқни бериб, унга айтгинки...

Раносбат Меҳр-Бедодга яқинроқ кел, дегандек бармоғи билан имлади, қулоғига бир нечта сўзни айтди:

— Чу-чу-чу... Тушундингми?

— Ҳа, — им қоқди Меҳр-Бедод.

— Яна айтгинки: шу-шу-шу... Тушундингми?

— Ҳа, — бош иргади Меҳр-Бедод.

— Яна айтгинки: ху-ху-ху... Англадингми?

— Ҳа, — ишора қилди Меҳр-Бедод.

— Манавини ичгин-да, кўздан йўқол. — Раносбат мис баркаш устида турган бўғзи тор кўзани олиб, сопол пиёлага тўлдириб шароб қуиди-да, мамнун ўтирган Меҳр-Бедодга узатди. —

<sup>1</sup> Виштасп — ахоманий Куруш (Кир) сатрапларидан бири.

Ичиб олдингми? Кел, бир кучай. Энди борақол. Йўлингни берсин. Зафар қушишимизга ишонаман, эшитдингми? Хайр!

— Чап оёғимнинг жимжилоги қолса-да, Варканага етиб бораман! — Мехр-Бедод кулиб, мушти билан кўксига гурсиллатиб туширди-да, кўздан ғойиб бўлди.

\* \* \*

Куруш тонгда уйғонди.

Эндиғина кўринган, сигирнинг тимсоли, поданинг ҳомийси бўлган ҳилол қош қорайиши билан сўлга бурилган шохини жанубда, уфқдан тепароқда бир кўрсатди-да, аста сирғалиб, жануби-гарбга ўтди, ярим тундан сўнг қорайиб турган тоғ данданалари ортига яширинди.

Бироқ баҳор туни бу билан зулмат ичра қолмади. Йирик, ёрқин юлдузларнинг бир текис нури Бўридарё бўйлаб ястаниб ётган гуллаган боғларда акс этиб, салқин ҳавода тонг шафафидек ёйилиб кетарди.

Шоҳни булбул хониши уйғотди.

Боғ кўйинидан учиб келиб, одатдагидек, Куруш ухлайдиган айвон ёнида ўсиб турган атиргулга кўнган бу қуш кекса форснинг айни боши узра сайрай бошлади.

Куруш кўзини очди, чуқур нафас олиб, керишли. Дуруст. Анчадан бўён бундай ухламаганди.

Кечагина олис жазирама Форсдан келиб тушган ҳорғин шоҳ: «Уч кун ўликдай чўзилиб ётаман», — деб ўйлаганди.

Бироқ яқингинадаги Хазарнинг шўр аралаш ачиқ шамоли бир кечадаёқ абадий йўқотдим деб ўйлаган кучини қайтарганди.

Фараҳли тонг. Варканы заминидаги биринчи куннинг ўзиёқ кувонч билан бошланди, эртага нима бўларкин? Фалабаю зафар бўлса керак-да. Ишда фалаба қозониб, зафар қучса керак-да. Бу — Яздоннинг аломати. Булбулнинг чаҳ-чаҳи эса меҳрибон Ахурамзданинг саси.

Четан ортидаги далада, булбулга жўр бўлган бедана, болғачасини сандонга ураётган кандакордек, жарангдор питпилдини бошлаб юборди.

У шоҳ Куруш учун Роҳат-фароғат шодасига янги ҳалқа ясаётганди.

Муборак тонг! Хотиржам ухлайвер, ҳалқим. Форс мардлари, аёллари ва фарзандлари, тонгги ширин уйқудан роҳатланаве-

рингиз. Шафқатли падарингиз ҳушёр, барчангизнинг ғамингизни еб бедордир.

Куруш устига ёпган пўстинни улоқтириди-да, қотма елкасига эски чопонни ташлади, яланг оёгини уни эгик кафшга тиқди.

Айвонга тўшалған гиламлар, бўсағада хуррак отаётган хос соқчилар кўзга кўринар даражада кун ёришганди. Айниқса, доимо тонгда тиниқлашадиган ҳовуз суви, тоғ ёнбағри бўйлаб, ястаниб ётган кўкиштоб боғ ҳам ажаб кўринарди.

Куруш ором олаётганларни уйғотиб юбормаслик учун мис кумғонни эҳтиётлик билан олди-да, жилға томон кетди.

Муздек сув тўқ кулранг оҳактошлар оралаб шитоб билан оқарди. Товланиб оқаётган обихаёт дам шиша толасидек титилар, дам чирмashiб, биллурдек ялтиради, бир-бирини қувалаб, ҳалдейлар темиридан ясалган эгри пичоқлар сингари хира ялтираб, товланар эди.

Оқиб турган сувда ювиниш — гуноҳи азим. Сувни ҳаром қилмаслик даркор. Борлиқни таркиб топтирувчи тўрт унсурдан бири у. Сув ҳам тупроқ, ҳаво ва олов каби муқадлас.

Куруш кумғонни жилгага ботириб, озгина сув олди-да, тирноқлари кир босган қўлинни ювди, томорини чайди, озгин юзини, сочини, оппоқ жингалак соқолини хўллади. Чопонининг барига артинди. Ёшлигидаги сингари бардам тортиб, уй томон кўтарилиди. Буталар орасидан белкуракни излаб топди.

Пайғамбар Зардушт<sup>1</sup> — «Олтин тuya» — оламни замон маъбуни Зрвананинг икки ўғли — нурафшон Ахурамазда (Донишманд руҳ) ҳамда зулмат Аҳриман (Ёвуз ният) бошқаради, деганди.

Эзгу ибтидо унумдор ер, сув, олов, ерга экин экувчи ва Ахурамазданни муқадлас тутувчи «орий» қабилалар одамларидан; фойдали ўсимликлар — дон-дун, мевали ва бошқа дараҳтлар, сабзавот, гуллардан; уй ҳайвонлари — тuya, қорамол, йилқи, кўй, итдан иборат.

Шафқатсизлик билан қириб ташлаш зарур бўлган ёвузлик — Турон кўчманчилари, бошқа ёт кишилар, ёввойи ҳайвонлар, чумоли, бегона ўт. Шу боис зардуштий умматнинг ҳовлисида биронта «бефойда» кўкат кўрмайсан — ёруғ дунёга бош кўтариб чиқдими, дарҳол аямай сугуриб ташлайди.

<sup>1</sup> Зардушт — Заратуштра, Зороастр — зардуштийлик динининг асосчиси (мил.ав. тахм. 618 — 554).

Касаллик, аёз, малъун шубҳа ҳам ярамас нарсалар.

Мўъминнинг бурчи — ёвузликка қарши курашда эзгуликка ҳормай-толмай кўмаклашиш. Зардушт амларига оғишмай амал қилган киши жон таслим қилгач, охиратга олиб борувчи даҳшатли Чинвод<sup>1</sup> кўпригидан эсон-омон ўтиб, Гаро-Дман жаннатида ҳаловат топади.

Ҳар бир тургун форс, ҳатто, энг аслзодаси ҳам, «арта»га — дин йўлида мўъминликка садоқатини кўрсатиш учун, вақти-вақти билан боғда ёки далада меҳнат қиласди.

Куруш енгини шимариб, белкурак дастасини маҳкам тутдида, ҳовуз ёнида ўсиб турган дараҳт томон дадил кетди. Тагини юмшатмоқ даркор! Шоҳ ерни авайлаб юмшата бошлади, ҳадеганда энгашиб, шағал аралаш тупроқдан тошчаларни териб олиб, бир чеккага отарди.

Эзгу амал Аҳурамазданинг китобига ёзиб қўйилади.

Шоҳ Худолар манзилгоҳи — Бофистондаги қояга ўйиб туширилмоқчи бўлган битикни эслади. Йўлда уни яхши ўйлаб қўйганди. Бир дамлик истироҳат чоғларида мирзолар ҳукмдор оғиздан чиққан «сўз дурларини» сабр-тоқат билан илиб олиб, уларни маҳоратнинг зар ипига тизишар ҳамда оромий ҳарфлар билан лойга нақш қилишарди.

Куруш ҳузурида суряяликлар мирзолик қилишарди. Форсларнинг саводи қийин миххатда чиққан, уни ҳам яқинда, Бобилни босиб олгандан кейин ўрганишганди.

Битикнинг хомнависи тайёр бўлди. Уйга қайтгач, Куруш уни баланд қояга уч тилда ўйиб ёзишни усталарга амр қиласди. Токи минг йилдан кейин ҳам инсонпарвар форс шоҳининг бекёёс буюк ишлари ҳақидаги ҳикояга ҳар бир ўткинчининг кўзи олисдан тушсин ва уни ўқисин.

Булбул жон-жаҳди билан хониш қиласди. Куруш эса яйраб куларди. Бағоят яхши! Уйдагиларнинг ҳаммаси уйғониб бўлган, барчанинг назари шоҳ бажараётган ишга қадалганди. Хизматкорлар: «Ҳукмдоримиз олийжаноб-да», — дегандек кўз уриштиришарди.

Хонадон соҳиби, Варкан ва Парта сатрапи, файзли қария, форс Виштасп қора соқолини астойдил силаб дерди:

— Саховатли ҳукмдоримизга абалул-абад шарафлар бўлсин!

Машриқийлар таъбири билан айтганда, тонг қуёшнинг заррин шамширини субҳ филофидан оҳиста сууриб, самонинг ложувард қалқонини пора-пора қиласди.

<sup>1</sup> Чинвод — ислом динидаги Сирот кўпригига монанд кўприк.

Булбул хониши тинди.

Боғнинг ортида, баланд тепаликда, Сукут минораси — маҳаллий аҳоли майитларни жойлайдиган даҳма устида калхатлар айланиб уча бошлашди.

Куруш қаддини ростлади, пешонасидан терни сидириб, зирқираб оғрий бошлаган белини кафти билан силади. Одатланмагани учун шоҳ толиқди. Ҳордик чиқаргиси келди. Бироқ ишни чала ташлаб кетиб бўлмайди. Одамлар кузатиб туришибди. Мўйса-фид яна белкуракни қўлга олди.

Четан ортидан отларнинг дупури эшитилди.

Ер ағдарар экан, Куруш сергак тортиб бошини кўтарди.

Қўрғон дарвозаси томондан товушлар эшитилди, темир жаранглади. Дарбон ким биландир қизғин баҳслаша бошлади. Куруш белкуракни ўнг қўли билан қисиб, қаддини ростлади.

Узун чакмон кийган Виштасп ташвиш билан ҳовлидан югуриб кетди.

Курушнинг қулогига кескин қичқириқ эшитилди:

— Ниссайядан чопар келди!

Шоҳ белкуракни қўлидан тушириб, нималарнидир кутиб, анграйди.

Дарвоза табақалари очилиб, лойга ботган суворийлар кириб келишди. Виштасп уларни шошилинч нари олиб кетди. Куруш ҳозиргина ёнида тинч-хотиржам ишлаб турган дараҳтчага тескари туриб, мошкичири мўйловини ўйчан чайнарди.

Файриодатий равишда бесаранжом, нимадандир ташвишга тушган Виштасп пайдо бўлди. У шоҳнинг кўзига боқди. Курушнинг юзи тундлашди — бояги вақтичоғлик, меҳр, ботиний мулойимликдан асар қолмаганди.

Шоҳ белкурак дастаси устидан ҳатлаб ўтди-да, сатрапга пешвоз кетди.

Ҳовуз чеккасида бир қатор хом лой тахтачалар ётарди. Куруш уларни босиб-янчиб, нари кетди. Қояга ўйдирмоқчи бўлган ўша битикни оёғи билан босиб ўтганини пайқамади ҳам. Суриялик мирзолар хумдонга солиб пишириш учун лой тахтачаларни ёйиб қуритишмоқда эди...

— Аранха саклари сардори қазо қилибди, — деди паст товушда.

Куруш лабини тишлади. Ўйчанлик, қатъият билан айвонга чиқди-да, имлади:

— Сув.

Куллар чўккалаган жойларидан сакраб туриб, бири обдаста, яна бири мис дастшўй тутди, бошқаси елкасида зифир толасидан тўқилган сочиқ билан ҳозир бўлди.

Шоҳ бароқ қошларини уюб, тупроқюқи қўлини ювди, — шошмай, ҳафсала ва диққат билан бармоқларини «мўъминлик» юқидан тозалади. Бирон жонлиқни сўйишга ҳозирлик кўраётган қассоб, кейин қонга бўяш учун, кафтини шу тариқа ювади.

... Мехр-Бедод хириллаб қичқирди-да, шоҳ оёқлари остига бор бўйи билан ўзини ташлади. У қийналган, ҳолдан тойган, чарчоқдан базўр турарди.

— Тур ўрнингдан! — буюрди шоҳ. — Толиқдингми?

— Эй, ҳукмдор падарим! — ҳиқиллаб деди чопар. — Форс йигити чарчаши нималигини билармиди? Бе! Марҳаматли ҳукмдорга хизмат қилсанг, толиқиши истироҳат билан тенг бўлади. Мен сиз учун... ўл десангиз — ўламан, тирил десангиз — тириламан!

Куруш Мехр-Бедодни қизиқиши билан кўздан кечирди.

— Ҳа, — деди у маъқуллаб. — Ҳм. Бу гапинг дуруст... Сардор нимадан ўлибди?

— Овда ўлибди, ҳукмдор падарим.

— Оҳ-ҳо. Ҳм... — Куруш сак пайконининг синдирилган учини кўлида айлантиради. — Саклар майитни майдалаб чопиб, қозонда қайнатиб, қўй гўшини егандек ейишлари ростми?

— Бехабарман, ҳукмдор падарим. Ҳалок бўлган мардларни ейишади, деб эшитганим бор, лекин кўрганим йўқ. Тўғри бўлса керак. Икки оёқли бу маҳлуқлардан ҳар нарсани кутиш мумкин.

— Ҳа, — деди Виштасп. — Ваҳшний халқ.

Куруш қариндошига диққат билан тикилди-да, сатрапга эмас, кўпроқ ўзига қарата деди:

— Хайр, саклар сардорларини қандай кўмганликлари унча муҳим эмас, гўрга тиқдиларми, қоринга тиқдиларми, энди барабири. Муҳими — унинг ўлгани.

Шоҳ биринч пайконни беписандлик билан елкаси оша улоқтириди.

Пайконнинг иккинчи қисми — патли савағични ўйчан силкитди.

— Энди бу муҳим эмас.

У гилам устида бир неча одим ташлади. Баланд айвондан пастга, соя-салқин ҳовли қўйнига олиб тушадиган зина яқинида тўхтади. Олисда қизариб кўрина бошлаган тоғ тизмасига диққат билан тикилди.

Сув ва тош. Қор ва булут. Яна минглаб узун йўллар. Улар қаердан бошланиб, қаёққа олиб боришини ҳеч ким билмайди. Билсанг-да, туманлар қўйнида яширинган адогигача борсанг. Ўша ерда, ниҳоясида муқим бўлсанг.

... Ҳазардан шарқда, Тангритоғдан ғарбда, Туроннинг қайноқ кумларида сак қабилалари кўчиб юрибди. Сакларнинг Куруш билан нима иши бор, Курушнинг қашшоқ саклар билан нима иши бор? Эҳ, она-Ер, ушоқлар учун қанчалар кенгсан-у, буюклар учун нақадар торсан.

Куруш патли савағичнинг пайкон чиқиб туриши лозим бўлган жойини тирноғи билан чертди:

— Энди уларда ким сардор бўларкин? Шуниси муҳим!

## ШУНҚОР ВА СИЧҚОН

Саклар Оқ отанинг жасадини ўзи ўлдирган йиртқич терисига солиб, тез-тез алмашиб күтариб келишарди.

Улар отларни етаклаб, турна қатор келишарди. Мотамсаро юриш сукунатини одамларнинг бўғиқ қадам товушию отларнинг дуптур-дуптуригина бузарди, холос. Чангалзор чеккасида сайёлларга аёллар югуриб пешвоз чиқишиди, қайир қайгули дод-фарёдан ларзага тушди. Қизлар сочини ёйган, кампирлар буришган сийналарини тирноқлари билан тимдалар эдилар.

Тўмруз кўринмасди. Эрини уйда, жилға бўйидаги манзилда кутаётганди у.

Спаргала ҳаммадан орқада имиллаб келарди. Шашқатор кўз ёшлари юзидан оқиб тушиб, қийшайган оғзи бурчида тўпла нар, сўнг туксиз иягига оқиб тушарди.

Спаргала эсини танибдики, ўзини доим отасининг ёнида ҳис қиласди. Абадул-абад шундай бўлади, деб ўйларди. Мана, энди ота йўқ. Энди у қайтмайди, зим-зиё тунда уюрга етаклаб бормайди, бошини силаб-сийпамайди.

Аlam қиласди. Гўё кечқурун соғ-саломат, тўрт мучанг соғ ётсанг-у, эрталаб, улар ҳеч қачон бўлмагандек, кўл-оёқсиз ўғонсанг. Ёки ташналиқдан жон таслим қилаётган болаларга ичириш учун сув олиб чўлдан елиб ўтсанг-да, етиб боргач, меш қоқ-куруқлигини билиб қолсанг...

У кекса сардор кечагина ибодат қилган қурғонтепа устига чиқди.

Бир оз нарида, дарёнинг эски ўзанида пайдо бўлган энсиз кўл соҳилида кўчманчилар манзилгоҳининг йўл-йўл чодирлари, қатор жойлашган усти ёпиқ аравалари кўзга ташланарди. Кўтоннинг пахса девори кўриниб турарди. Яқин орада жойлашган кўтон оч қўйларга тўла бўлганидек, чодирлар ҳамда барханлар орасидаги ўтлоқзорлар ҳам одамларга тўла эди. Тўс-тўполонда қўй отарини яйловга ҳайдаш ҳам унтилган эди.

Еру күкни дод-фарёд босган. Ох, отажоним! Спаргапа титраб-қақшаб хүрсинди.

... Заҳарли бута шохига қүнгән жиблажибон думини ликиллатари. Күлтепалар оралаб чүзилиб ётган ҳамда қўргонтепа яқинидан айланаб ўтган пастқамликда қизил шарпа кўринди. Йигитчанинг кўзи мөшдек очилди. Кўз ёши таққа тўхтади.

Райада!

У ёнбағир бўйлаб шунақанги тез югурдики, оз бўлмаса, ўйдим-чукур йўл устидан ўмбалоқ ошиб тушаёзди.

Райада Спаргапани пайқамагандек эди гўё.

Қиз бошини ортга ташлаб, қўксини олдинга чиқариб, елкасини учириб, хипчинни силкитар, ўйноқлаб ўзини у ён-бу ён ташлаб, гўё бирон жойга шошилаётгандек, таманно билан тез-тез одимлаб борарди. Чуқурликни тўлдирган қум устида яланг оёғининг изи аниқ кўриниб турарди.

— Тўхта! — қичқирди Спаргапа ҳаллослаб.

Қиз, афтидан, шуни кутган шекилли, дарҳол тўхтади, унга масҳараомуз боқди:

— Ҳо! Сенмисан, жасур сайёд? Кўп қирғовул овладингми, мерган?..

Спаргапа уялиб кетди. Қачон, кимдан эшита қолди экан? Сўнг:

— Қирғовул қолиб кетди, — деб гудранди.

— Албатта! Ахир чанглзор даҳшатли-ку. Афтидан, гулхандан нари бормаган кўринасан?

Спаргапа йиғлаб юбораёзди:

— Қачон мени мазах қилишни бас қиласан?

— Қачон эр етилсанг, — кулиб фашига тегди Райада.

Спаргапа ловиллаб ёнди:

— Сенингча, мен кимман: эмизикли боламанми?

Йигитчанинг оғзи қуриди. Қизга суқланиб тикилди. Учи қалпокчасидан тортиб, ялтираб турган, қатиқда ювилган ёғли сочи-гача, чаккасидан қоши томон чўзилган қийиқ кўзигача, уни андак кўтарилган калта бурнигача, ўртача қалинликдаги лабларию қорамагиз юзигача, — хуллас, бошидан оёғигача назардан ўтказди. Райаданинг баданига ёпишиб, доирасимон ёқаси катта очилган, товонигача тушган узун, енгиз кўйлаги, бўйнидаги маржон шодаси, билагидаги мис билагузук, қўксини тўлдирган мис тангалар — баригинасини қалбига жо қилди-да, гапни кесиб деди:

— Гал шу! Менга турмушга чиқ, билдингми?

— Тұрмуш-га-а? — Райада аввал пиқирлаб, кейин қорнини ушлаганча хандон ташлаб қулди. — Сенга тұрмушға чиқайми? Ваҳ-ха-ха!

Қизнинг вужуди қескін силкінганидан бўйнидаги маржонлари ҳам унга монанд жириңгларди. Қулоғидаги исирғалар силкинар, позеблари шиқир-шиқир қиласарди. Бурнининг чап паррагига осилган олтин титраб, тинмай ялтиради.

— Нега қуласан? — Спаргала Райаданинг қорача қўлидан тутиб, жаҳл билан қисди. — Айт, менга тегасанми ёки йўқми?

Райададан қизил қалампир ва ялпиз ҳиди анқиб турарди.

У кулгудан тўхтади, қўлини тортиб олди-да, новда билан йигитнинг бармоқларига туширди. Кўзида эса ҳали ҳам кулгу акси бор эди.

— Оқ ота қани? Ҳалок бўлди. Янги сардорни сайлашадими? Сайлашади. Агар аранха сакларининг сардори бўлиб қолсанг, тегаман сенга.

Райада таманно билан чиройли елкасини бурди. Спаргала анграйиб, қотиб қолди. Шу пайт от минган дарғазаб Хугава пайдо бўлди.

— Ҳой, Спар! Қай гўрда қолдинг? Онанг излаяпти-ку.

— Ҳозир, — Спаргала алам билан қўл силкиди-да, яна Райада томон қайрилди. У эса кетишга чоғланаётган эди. — Уйингга чоп, болакай, йўқолиб қолмагин тағин, — заҳархандалик билан ижикилади у. — Онажонинг хавотир олмоқда, бархан мушуғи олиб қочмадимикан деб... Мен қўзиларимни ахтариб топишм даркор.

Дўмбоққина, хушбичим қиз сакраб-сакраб, хивчинни силкита-силкита, хиргойи қилганча чопиб кетди.

Спаргала қизалоқнинг ортидан ўйчан термулиб қолди.

«Агар аранха сакларининг сардори бўлиб қолсанг, сенга тегаман...»

Сакраб отга минди-да, қароргоҳ томон йўрттириб кетди.

— Қаерда қолиб кетдинг? — Тўмрузнинг нигоҳи уни бош эгишга мажбур этди. Нима дейишни билмай, чодир остонасида депсиниб турарди.

Тўмruz тўрда, намат устида, қўлини тиззасига солинтириб ўтиради. Тимдаланган чаккасидан кўксига қон томчиларди. Спаргала иккى кун ичидә кексайиб қолган, ранги учган онасиға қовоқ уйиб қаради, сочидағи оқ толаларга қўзи тушиб, яна раҳми келди. Дудмал қилиб:

— Кўргонтепала эдим, ҳеч ким кўрмасин... — деб гўнгиллади-да, кўз ёшларига ишора қилди.

Тўмруз таънаомуз бош силкиди.

— Қачонки киши ҳаммадан четда бўлса, мусибати ҳам ташқарида бўлади. Қачонки киши ҳамма билан бирга бўлса, мусибати ҳам ичидаги бўлади, бу эса — яхши. Мард бўлишни ўрган!

— Вой-бўй! — руҳан эзилган Спаргапа қалпогини ерга урди. — Мунча чайнайсизлар эркак, эркакмас деб... Ё бошимдан кокил ўсиб чиқдими? Эркакликка ярамасам, кўй боққани жўнатинглар.

— Райдада билан бирга, — маъюс жилмайди онаси.

— Райдаданинг нима алоқаси бор бунга? — терс ўгирилди Спаргапа.

— Ойни этак билан ёпиб бўлмайди, дейишали. Райдаданинг хушрўйлиги рост. Лекин ҳусн фақат юздами? Олтин ялтирайди, бироқ узукдан бўлак ҳеч нимага ярамайди, қор ҳам чиройли, лекин совуғи ёмон. Райдада унча яхши хотин бўлолмайди. Ҳеч қачон! Шуни ёдингда тутгинки, унга боғланиб қолсанг — қон йиғлайсан.

Тўмрузнинг гаплари йигитнинг жароҳатли юрагига қамчикдек келиб тушарди.

— Нечун? — сўради у хаста овозда.

— Шунқор сичқон билан қўшилса нима бўлади? Шунқор — само кенгликлари фарзанди, булутлараро учиб юришга, биёбон узра қанот қоқишига ўрганганди. Сичқон эса чуқур ковакларда яшайди, у зим-зиё форнинг туткуни. Сичқон шунқор каби яшай олармиди? Асло. Тубсиз осмон ер остида яшовчи ҳайвонларга макон бўла олмайди. Уларнинг олами ҳам ини каби тор, уларга чўл ўсимликлари донига тўла дим тешикларидан бўлак ҳеч нарса керак эмас. Ёш шунқор-чи? Сичқонлар ҳаёти билан яшай олармиди?

Кеча отаси ўғлига қандай талабчанлик билан қараган бўлса, ҳозир Тўмruz шундай қилаётганди.

Ўғли эса, ҳозиргина уйқудан уйғонган одамдек, онасига ҳайрат билан қараб турарди.

— Эҳтимол, яшай олиши ҳам мумкиндир, — деди Тўмruz нафрат билан. — Ундан бўлса, унинг болу парини юлиб ташлаш даркор. Учмасин — ўрмалаб юрсин, қуш гўшти емасин — дондун кемирысин. Онангнинг гапларини тушуняпсанми, Спаргапа?

— Йўқ! — Йигитчанинг овозида алам бор эди. — Райдадани нечун жирканч сичқонга қиёслайсиз?

Оналар-а! Ҳеч қачон ҳеч нарса ёқмаган уларга. Оламда ўғлига ғишава қилмаган она ҳам бўлганмикан? Ўғли таълаган қизни

ёқтирган она бормикан? Кампирлар қизларни заһарли илонга ўхшатиши — ўғлимни чақиб олмасайди, ўғлимни адо қилмасайди, деб хавотир олишади!..

Тұмруз ҳорғин тин олди. Ё Худо! Наҳот... ўғыл гүл бўлса, онага қийин-да.

У сабр-тоқат билан давом эттириди:

— Биз, сакларда ер-сув, қорамол ва яйлов, чодир ва арава барчанинг мулки. Эшитаяпсанми? Барчанини. Азалдан шундай. Менини деган сўз йўқ, бизники дегани бор. Бой ҳам, камбағал ҳам йўқ. Камбағалликда — ҳамма камбағал, бойликда — барча бой. Қўшниларимизда эса юзтадан бири бой, қолган тўқсон тўққизтаси ёвғон шўрва эвазига унинг ерини ҳайдайди, подасими боқади, ҳудудини муҳофаза қиласади, хонадонини қўриқлайди.

Спаргала ишонқирамай сўради:

— Шунақаси ҳам бўладими?  
— Бўлади! Кўп жойда шунақалар бор. Масалан, Форсда.  
— Бироқ, Райада...  
— Райаданинг отаси Фрадани биласанми?  
— Биламан. Уруф оқсоқоли.

— Ўша Фрада ёшлиқдан ёт мамлакатларда санғиб юрган, карвонларни қўриқловчи бўлиб ёлланган. Мадда, Форсда, Бобилда бўлишига тўғри келган — мугамбир Фрада ҳар хил жойларда бўлган. Четдаги кўп нарсаларни кўрган. Аслида дунё кўриш, қўшниларни билиш ёмон эмас. Улардан яхши нарсани ўрганиш дуруст. Лекин маккор Фрада бизга яхшини эмас, ёмонни ўргатмоқчи бўлади. Юзтадан битта бўлгиси келади. Ҳатто, ўн мингдан бири бўлгиси бор. Юмронқозиқ ҳамма нарсани инига ташигани каби, у ҳам топганини чодирига тўпламоқчи бўлади. Уруғига тегишли қорамолни ўзиники қилиб олди. Уруғдошлири тўйимли овқатсиз, қишида кийим-кечаксиз ҳалок бўлишмоқда.

— Фрада-я? — ҳайратга тушди Спаргала. — У ақдли-ку. Ийинларда кифтини келтириб гапиради, доим ҳамманинг фикрига қўшилади. Катталар учун жонини беради.

— Эҳ, Спар! Ҳар доим ҳамма нарсага рози бўладиган ва ҳамманинг фикрига қўшиладиган кишига ишонма. Ҳалол одам оғзига келганини гапиравермайди. Оқни — оқ дейди, қорани — қора. Мана шуни одамгарчилик дейилади.

Қозонинг тешик бўлса, катталиги билан керилишдан нима маъно бор? Тешигини ямагин-да, сўнг керил. Ёмонни ҳам яхши

деган киши — ўзи ҳам ёмон. Хавфли одам у. Хожасига ёқиши учун унинг қирчанғи отини ҳам тулпор деб мақтайди. Ёлғончининг гапига ишониб, қирчанги отда йўлга чиқсанг, албатта ҳалок бўласан. Касал отни ҳар қанча боқма, у барибир ҳаром ўлади... Бунаقا одам сотади ҳам, хиёнат ҳам қилади. Фрада — шунаقا одам.

— Ундай бўлса, нега уни жазолашмайди?

— Оқ ота бу суллоҳга неча бор дакки берган. Фойдаси бўлмади. Фрада — йирик уруғ сардори, устига ўзи хожа. Истаса — биз билан бўлади, истамаса кетади.

— Ҳайдаб юбора қолишмайдими?

— Битта қўйга қўтири тушса, атрофидаги яна юзта қўйни қўтири босади. Қўпчилик оқсоқоллар Фрадага эргашади, Райданинг отасини ҳимоя қилишади.

— Лекин Райданинг бунга қандай алоқаси бор?

— Адл ўсган дарахтнинг сояси ҳам тўғри бўлади, эгри дарахтдан эгри соя тушади. Эчки улоқ тугади, совлиқ — қўзи. Ёмон тоғнинг тоши ҳам ёмон бўлади. Қизи отасига ўхшади. Тўғри, у айёр эмас, овсарроқ. Отаси нимани буюрса, ўшани қилади, нима қилаётганини эса ўзи ҳам тушунмайди. Ҳозирча шунаقا. Вақти келиб, тушунгач, айёрлик қила бошлайди. Ёмон айёрлик қилади. Ҳозирнинг ўзидаёқ... Бошқа қизларга қарагин, улар қаллиқни оқсоқолларнинг ўғилларидан эмас, оддий, жасур одамларнинг, гапда эмас, ишда ботирларнинг ўғилларидан танлашади. Мехнатсевар ва ҳалолларни қаллиқ қилишади. Райада эса... у муҳаббат эвазига ҳеч нарса сўрамадими?

«Агар..., сенга тегаман».

Ёш сак қўзини қисди, тишини тишига қаттиқ босди, вишиллаб ҳавони симириб, ярим юмуқ лабларини чўччайтириди. У ҳайкалдек қотиб қолди.

— Боз устига, у сендан тўрт ёш катта, аллақачон эркак кўрган, — Спаргапани адои тамом қилди онаси.

— Шунақами? Демак, мен ҳали жуда ҳам гўл эканман-да. Тентак эканман-да. — У намат қалпоғини ердан олди, қошигача бостириб кийди. — Чиндан ҳам, қанақа эркак бўлдим? Ҳеч нарсани тушунмаяпман. Оламда нималар бўлаётганини билолмаяпман.

— Куюнма, билиб оласан, — Тўмруз аччиқ кулимсираб, ўғлига далда берди.

— Райдани нима қилдим энди? — Онасининг қўзига илтижо билан боқди у. — У мени мана бу еримда.

Спаргала қўли билан кўксини кўрсатди.

— Ўқни сугуриб олгин-да, ярангта мардлик ва сабр-тоқатни малҳам қилиб бос.

— Хўп бўлади! — тишини ғижирлатди Спаргала. — Энди Райадага қарагим ҳам келмай қолди.

«Сенинг қалбинг қайнок, биринчдан бўлган қатъиятинг узоққа бормайди, — қайтуриб ўйлади Тўмруз. — Ўша жиблажи-бонга кўзинг тушса, насиҳатларим ҳавога учади. Мұҳаббатнинг кўзи кўр, деб бекор айтишмайди. Кўнглим сезиб турибди — бузилиб кетади бу йигит. Отаси уни тушовлашни биларди, мен эса эплолмайман. Кўнглим бўш. Яхши кўраман бу тентаккинани...»

\* \* \*

Отлиқлар тўдалари чўлу биёбонни қора булутдай босиб келарди.

Ўркач-ўркач кумтепалардан қора тўлқиндан ҳатлаб ўтарди.

Аранха сакларининг бош қароргоҳи жойлашган кўл ёнига жарликлар узра тўлғанганд қора оқимдай, ҳар томондан ёпирилиб келарди.

Саклар шовқин-суронсиз чодир тикиб, сардор хокига ҳурмат бажо келтириш учун йўл олишарди.

Уч кун ичида барханлар ва қайир устида, кўлни ўн қаторлаб ўраб олган йўл-йўл, оқ, қора, бўз чодирлардан иборат намат шаҳар пайдо бўлди. Бу ерда минглаб саклар — эркаклар, аёллар, болалар йигилди.

Баривер, бу сакларнинг бир қисми эди, холос. Ҳад-ҳисобсиз қабилалар денгиздаги балиқ тўдалари ёки осмондаги улкан қуш галалари мисол, Турон текисликларида, Яксарт ортидаги чўлу биёбонда ҳамда Помирнинг тошлиқ водийларида кўчиб юрарди.

Оқ ота дегандики:

— «Бизда, Турунда сакларнинг илдизи учта. Биз, хаумаваркалар, Аранха<sup>1</sup> ёқаларида яшаймиз. Шундайми? Тиграхаудалар — Яксарт ёқаларида яшайдилар. Вурукарта<sup>2</sup> денгизи соҳилида — дарё ортидагилар яшайди. Ҳар бир илдиз тўрт қабилага бўлинади. Қабила икки биродарликка бўлинади. Биродарлик — тўрт уруғга, уруғ — тўрт бўғимга, бўғим — тўрт хонадонга бўлинган.

<sup>1</sup> Аранха — Амударё.

<sup>2</sup> Вурукарта — Орол денгизи.

Энди санаб күринг-чи. Бүгимда — битта бобокалон, түртта бобо, ўн олтига ота, олтмиш түртта ўғил, икки юз эллик олти невара. Катта ёшли уйланган эркаклар — саксон бешта; бунга саксон беш нафар аёлни күшиңг. Түрт юз йигирма олти нафар бўлади.

Ургудаги түрт бўгим — бир минг етти юз түрт нафар киши.

Биродарликдаги түрт уруғ — олти минг саккиз юз ўн олти нафар киши.

Қабиладаги икки биродарлик — ўн уч минг олти юз ўттиз икки нафар киши.

Илдиздаги түрт қабила эса — эллик түрт минг беш юз йигирма саккиз нафар киши.

Турон саклари иттифоқида уч илдиз бор, бу — бир юз олтмиш уч минг беш юз саксон түрт нафар киши дегани.

Мен, авваллари бўлганидек, умумлаштириб санамоқдаман, холос. Ҳозир айрим қабилаларда йигирматалаб, ўттизталаб уруғ бор — одамлар урчиб кетишиди. Тоғларда ва шимол чўлларида яшовчилар-чи? Бизга қўшилиб олган хеттлар ва даҳлар-чи? Саклар — буюк ҳалқ».

Кўчманчиларнинг қўшнилари — бақтрлар ва суғдлар ҳикоя қиласидарки:

— Сакларнинг ҳар бир қабиласи алоҳида ҳаёт кечиради. Уни биродарликлар, уруглар ва бўғимлар раҳбарлари Кенгаши бошқаради. Уруш бошланиб қолса ёки бошқа фалокат юз берса, суворийлар барча қабилалар ажралиб чиқсан энг йирик бир қабила бошчилигида бирлашишади.

Оқ ота шундай қадимги, хаумаварка иттифоқидаги биринчи қабила сардори эди.

Даштнинг чеккасида, кекса сардор хаёл сурини ўтиришни хуш кўрадиган тепалик яқинида саклар чуқур гўр қазишиди.

Оқ отани ўзи ўлдирган, Олачипор ажал деб номланган йиртқич — урочи қоплон терисига ётқизишиди. Ҳар иккиси — инсон ҳам, ҳайвон ҳам даҳшатли яккама-якка жангда ҳалок бўлди: сайёд чархланган биринч билан қароқчини кекирдагидан бўғизлаб ташлади, у эса жон бера туриб, сайёднинг юрагини юлиб олди.

Сардорнинг ўнг томонига наиза ва узун ханжар — акинак, сўл томонига — қалқон, ёй ва ўқ тўла садоқ қўйишиди. Соялар мамлакатига йўл ҳавфли ҳамда мاشақватли бўлгани учун қарияга курол асқотиб қолади.

Яна, шундай олис манзилга пиёда бормасин деб, йўлбошчинг учта суюкли отини ҳам сўйиб, бирга кўмишиди.

Шунингдек, иссиқ кийим, намат, жул, тахланган чодир, бир ўрам жун арқон, захира юган, эгар ёстиқ ва айил ҳам қўйишиди. Йўлда хожасига ёрдам берсин деб, учта кулни, овқат тайёрласин деб, учта чўрини ҳам ўлдириб гўрга тиқишиди.

Қабр устини дарахт новдалари, шоҳ-шабба, қамиш боғлари билан ёпишиди. Сўнг ҳар бир сак қиличи билан ерни ковлаб, қалпогини тўлдирди-да, даشت тупроғини янти қабр устига тўқди. Ҳар бир сак қабр устига бор-йўғи бир қалпоқдан тупроқ тўккан бўлса-да, Қизилқум денгизи четида, буюк дарё соҳилида у тоғ бўлиб кўтарилиди.

Саклар тепалик атрофига эчки шохи шаклидаги қўйма турумли юзлаб учоёқ биринч қозонлар осиб, олов ёқишиди. Аранха устини шунақангি қуюқ тутун қопладики, кўрганлар ё чангальзорга бутун соҳил бўйлаб ўт кетди, ёки шимол шамоли дунёдаги бор булутни ҳайдаб келди, деб ўйлашарди.

Курбонлиқ қилинган минглаб жонлиқнинг қонидан топталган майсалар қип-қизил бўлди. Қозонлардаги қўй ва от гўштлари пишгач, кекса Дато улкан косада қимиз олиб, тепаликка кўтарилиди.

Дато бўри қараш билан ўнг томонга назар ташлади. Сўнг бошини орқага ташлади ва дашт узра, сукунат ҳукм суриб турган чангальзор узра қалбларни ларзага келтирувчи фарёд кўтарилиди.

Дато баланд овозда шошиб гап бошлади; хириллаб, ўнлаб узук-юлуқ сўзларни айтди, маросим қўшиғига даромадни бир амаллаб тутатди-да, қимизни тепаликдаги ҳали қуриб улгурмаган тупроқ устига сепди.

Датонинг овози тинар-тинмас, яқин жойдаги гулхан ёнидан, тутун устуни билан баробар, ундан-да баландроқ фарёд осмонга ўрлади. Зотан, зулмат билан юзма-юз келганда оқиллар ақлдан озади, раҳмдиллар шафқатсиз бўлади, жасурлар noctor қолади.

Тобора кўпроқ аёл ва эркак жўр бўлаётган мотам қўшиғи дам ер бағирлаб сузар, дам қушдек қанот қоқиб, баландга кўтарилади.

Кўжна қўшиқ гулхандан гулханга кўчар эди.

Ундан ҳужумга ташланган чавандозларнинг ҳайқириғи ҳам, тепишаётган айғирларнинг кишнаши ҳам, таҳдид ҳам, йиги ҳам, муҳаббат ҳам, инсон ёвуз қисмат олдида тушадиган абадий даҳшат ҳам, ўлимга нафрат ҳам жаранглаб садо берарди.

Сўнг одамлар еб-ичишга киришишиди.

Саклар ўз сардорларини шундай дағн этишиди.

Гулханлар атрофида тахминлар, баҳслар, гумонлар ва фисқу фасод кечадан бүён давом этарди. Кимни хаумаварканинг бош сардори этиб сайламоқ даркор? Оқ ота қабиласи дривикларидан бўлган сак ўтлоқда шундай деди:

— Чангалзор томон кетишдан олдин сардордан: «Ҳалок бўлсанг, ўрнингга кимни кўяйлик?» — деб сўрадик. Оқ ота узоқ вақт жавоб бермади. У ўйларди. Ўйлаб-ўйлаб, кулимсираб бундай деди: «Ҳар бир айтилган сўзнинг ўз руҳи — хожаси бор. Мен кетурман, сўзларимдан ҳосил бўлган мис санам сизларнинг орангизда қолур. У чодирдан чодирга, оғиздан оғизга ўтади. Ҳеч кимнинг кўнглига ўтирамайдиган исмни айтсам нима бўлади? Кимгадир ёқса-ю, бошқаларга ёқмаса-чи? Энди, ўзга дунё бўсағасида туриб, ҳаётимда қанчалар бемаъни ишлар қилганимни, қанча ақлли одамларни чалғитганимни тушуниб турибман. Наҳотки Оқ ота орангиздан кетганидан кейин ҳам сакларни чалғитишида давом этса? Гуноҳи кабира бу. Боз устига менинг гапим — битта одамнинг гапи — нимани ҳам ҳал этарди? Ҳалқни тўпланд, токи кимни бош қилишни ўзи ҳал этсин. Ҳалқ адашмайди...» Кимни кўйсак экан?..

— Хугавани, — деди саҳарда Спаргапа Тўмрузга. — Ундан яхши ҳеч кимни билмайман.

Онаси ўйланиб қолди.

— Ҳа, — деди она маъқуллаб им қоқаркан. — Ёш, лекин ақлли. Меҳнатсевар, жасур. Исми ҳам саодатли: «Яхши сигирлар эгаси». Хугавани сайласак, сакларнинг қорамоли урчиб кетади. Лекин Хугаванинг ўзи кўнармикан?

— Кўнади! Мен ҳозироқ бориб, у билан гаплашаман. Сиз эса кенгашда Хугава учун овоз беринг. Ҳўпми?

Тўмрузнинг кўзидаги ажаб ҳайрат чақнади. Йўқ, Спаргапа у ўйлаганчалик гўл эмас. Ё Яздан! Наҳот... ўғил доно бўлса, онанинг бахти.

... Ҳозиргина бўм-бўш ва қоронғу бўлган қалъада мол айирбошлиш бозори очилгандек эди, гўё — тонг отгандан бўён ер ёрилиб, одам чиққандек! Уларнинг кўпчилиги — қизлар. Қизбозор қизигандан қизиб бораётгандек эди.

Спаргапанинг қулоғига унинг ортидан айтилган гаплар чалинди:

- Қаранглар, анови йигит ким?
- Спаргапа, марҳум сардорнинг ўғли.
- Вой, мунча чиройли!

Спаргапа бошини баландроқ күтариб, парво қилмагандай ўтиб кетди. Қизлар унинг ортидан қараб қолганини сезиб турарди. Қаддини ростлаб, янада бўйчан ва хушбичимроқ кўринмоқчи бўлди-ю, бироқ бирдан фикри ўзгариб, худди сочидан тортиб силкитишаётгандай, бесёнақай қадам ташлай бошлади. Эҳ, ёшлик курсин-а...

«Онам мендан беҳуда гина қилмайди, — кўнглидан кечирди Спаргапа. — Чиндан ҳам, нечун ўша қовоқбош Райдага ёпишиб олдим? Ахир тутни қоқсанг қиз тўкилади...

Гувала девор устида зағизон сайдари.

Беҳос таниш жарангдор овоз эшишилди:

— Қаёқча шошиб бораяпсан, шоввоз?

Иссиғи чиқиб, сесканиб тушди.

Саросималаниб тилдан қолган Спаргапа раён иси тараётган Райданинг олдида лол қотиб турарди.

Қиз йигитнинг қуралай кўзига ер остидан боқиб, маккорона куларди. Буғдойранг бўйнида йирик дур шодаси шуъла таратиб, кўзга ташланиб турарди. Билагида қизил тилла билагузук ялтиради. Қалпоғидаги ёқут чўғдай ёнарди. Лекин буларнинг бари садафдек оппоқ тишлар, оловли боқишилар олдида ҳеч нима эмасди.

Спаргапанинг чалғиган миясига, бўғиқ туман ичидан нималардир аранг кўрингандек, онаси огоҳлантириб айтган гап келди:  
«Сичқон...»

У Райдани четлатиш учун титроқ қўлини чўзди ва ёпишиб қолган лаблари орасидан хириллаб деди:

— Кет. Вақтим йўқ...

Райада кўрқиб, кўзларини катта очди:

— Нима?! Энди менга уйланмоқчи эмасмисан?

Унинг лаби ва ияги ёш боланики каби аянчли титради. Ёш дривикнинг юраги сирқиради — кўпни кўрган жангчининг эски жароҳати ҳаво айнигандан шундай сирқирайди.

— Уйланишмиш! Сен ахир менга эмас — сардорга тегмоқчи эдинг-ку...

— Сен сардор бўлишни истамайсанми? — ажабланди Райдада.

У йигитнинг пинжига тиқилди-да, маънодор жилмайиб, шивирлади: — Кечқурун чодиримиз томон кел.

Райданинг баданидан қалампир ва раён ҳиди анқирди. У кўзини замзали қисди, ошкора такалуфсизлик билан бош силкиди, Спаргапанинг кафтини қаттиқ чимчилади-да, қочиб кетди.

Нимадандир безовталанган итлар галаси кетидан югарди.

Спаргапанинг кўз олди қоронгилаши, боши айланди. Ранги бўздек оқариб, оёғи қалтиради, тоби қочгандай шаҳристондан аранг чиқди-да, кўл ёқасидаги сўқмоқ бўйлаб Хугаванинг чодири томон кетди.

Чодирлар ортидан кимнингдир даҳшатли қичқириғи эши-тилди. Маълум бўлишича, Хугава ярмигача чархланган эски шамшири билан укаларидан бирининг сочини олаётган экан.

Ёнгинасида турган бўйчан, сарвқомат, кўккўз ва малласоч аёл — Хугаванинг хотини ичаги узилгудек кулди.

— Ўргингизни тошда қайраганмидингиз? Вой-бўй! Бунақа устарада түяни бўғизлаш керак. Боланинг бошини ўтмас ўроқда қиртишлаб, азоб бергандан кўра, сочига ўт қўйган яхшидир, балки.

Шамшир сочни аъло даражада қиравди. Бола эса қўрқанидан ва одатланмаганидан йиғларди — сакларда соч олиш урф эмасди-да.

Хугава хушҳол қулимсиради:

— Халал берма. Жаҳлим чиқса, сенинг ҳам кокилингни кесиб ташлайман. Кокил ташвишидан қутулганинг қолади. Бошингни ювгани қанча қатиқ кетади? Кел, кесиб ташлай қолай. Отни тушовлашга яраб қолар.

— Эй, йўқ! Ўзимга керак.  
— Нима қиласан?  
— Сизни боғлаб оламан.

Гап маъносиз бўлса-да, қувноқ эди, Спаргапанинг хаёлидан эса: «Бирга бўлишдан роҳатланишса керак улар. У Хугавани севади — мовий кўзидан, жилмайшидан кўриб турибман. Оҳ, биз Райада билан қачон... шундай бўларканмиз? Шўрим қурсин», — деган гаплар ўтди.

— Мен ҳозир тугатаман, — деб йилқибон Спаргапага бош иргади. — Бошини бит босиб кетибди. Тозалаб бўлмади. Гуноҳ бўлса ҳам, сочини олишга тўғри келди...

Хугаванинг хонадони катта эмасди. Даштиклар таъбири билан айтганда, «олов ҳаммага етарди». Ҳар бир кичик оила алоҳида қозондан овқат ейдиган катта оиласардан фарқли равишда, бу хонадонда бобо билан момо ҳам, ота билан она ҳам, амаки-аммалар ҳам, қондош-қариндошлар ҳам, ака-укаю опасингиллар ҳам, келинлар, жиянлар, шунингдек, саклар урф одати бўйича хонадонга ўғил қилиб олинган бир нечта банди суғдлар ва тиграхаудалар ҳам бир дастурхон атрофидан аҳил жой олишарди.

Спаргапага Хугаванинг ёнидан жой беришди.

Сакларнинг овқати оддий, кўримсиз бўлса ҳам, мазали ва тўйимли эди. Ширинлик ҳам, тузлама ҳам, пишириқ ҳам йўқ. Еввойи саримсоқ ва ялпиз солинган сергўшт ёғли шўрвани ичib олишди. Овқатланиб бўлгач, ёғли қўлларини соchlарига, қошлирига, мўйловларига ва, соқоли борлар — соқолига суртишди. Бир косадан қимиз симиришди.

Сўнг Хугава билан Спаргапа кўл бўйидаги қалин хушбўй ўт устига ёнбошлиашди.

— Нима гап? — жилмайди Хугава. — Камондан отишни ўргангани келдингми?

Спаргапа ширинмиянинг ингичка, лекин пишиқ поясини чанглаб, сугуриб олмоқчи бўлди-ю, уддасидан чиқмади.

— Эҳ, дўстим Хугава, эҳ! — У қаттиқ, лекин қайишқоқ пояни бир амаллаб сугуриб олди-да, у билан ўз бўйини савалади. — Ҳозир камондан отадиган вақт эмас. Хугава, айтгин-чи... эҳ, миям фовлаб кетди! — айтгин-чи, дўстим, хаумаварканинг бош сардори... бўла олармидинг?

— Нима? Менми? Нималар деяпсан! Мендан қанақа сардор чиқади? Үн минг кишилик оломонга раҳнамолик қилиш учун ёруғ оламда кўп нарсани кўрган бўлиш керак. Отангдек ақлли бўлиш лозим. Бола учун ота қандай бўлса, сардор ҳам шундай: хонадондаги энг катта, энг ақлли, энг кучли киши бўлади.

— Энг катта, дейсанми? Йўқ, Хугава. Сен ёш бўлсанг-да, хонадонда ҳамма: кексалар ҳам, болалар ҳам сенга қулоқ солади. Демак, гап ёшда эмас, бошда экан.

— Эй, бу — хонадон, у эса — қабилалар иттифоқи, — деди Хугава истар-истамас.

— Энди айт-чи, Хугава... — Спаргапа кўзини олиб қочди, шилинган пояни оғзига тиқди. — Айтгин-чи, дўстим, мен... саклар сардори бўлишга... ярайманми, эплай оламанми? Ҳа-да! Нега довдираисан? — Спаргапа хафа бўлди. — Қандайдир қўзимидимки, мени бош сардор этиб сайлаб бўлмаса? Мен буюк оқсоқолнинг ўғлимани!

— Бундай бўлишга... эртароқ эмасмикан? — гудранди ҳайратга тушган йилқибон.

Спаргапа сакраб турди, ҳуши учган Хугава ҳам ўрнидан турди.

— Сардор бўлгим келяпти, тамом-вассалом! — Спаргапа қўнжи қалта юмшоқ этик кийган оёғини қайсарлик билан та-пиллатди.

Мерган йигитга ҳайрон бўлиб қаради. Спаргапа буни пайқади-да, уялганидан дув қизарди, Хугавадан қаттиқ жаҳли чиқди, ўзидан эса янада қаттиқроқ хафа бўлди.

— Истамайман-ку,... шундай бўлиши керак, — гапини тўғрилади Спаргапа, уруғдошининг ўткир назаридан кўзини олиб қочар экан. — Агар дўстим бўлсанг, бугун сайловда менга овоз бер. Хўпми?

Хугава жавоб бермади.

Спаргапа кескин қайрилди-да, савағич илдизидек оқарган юзини мерганга яқинлаштириди. Ёш дривикнинг лаби титрарди, бир дам тинган кўзи филайлашди. Фазабнинг зўридан тиришиб бормоқда эди.

Афсонада айтилганидек: «Асов томирлари тортилди. Кўзлари чақмоқтош сингари учқун сачратди. Узун жингалак сочи қулун думидек тикрайди. Остидан тўғри, устидан букри давангир ириллаб турарди...»

— Кенгашда мен учун овоз бер! — чийиллади Спаргапа. — Аксинча бўлса, билмадим, нима қиласман... сени ҳам сўяман, ўзимни ҳам чавоқлайман!

Шундай деб, тишини фижирлатиб шири nmia поясини узди.

У ҳозир мис симни ҳам тишлаб узиб олгудек эди. Калавасининг учини йўқотган аянчли Спаргапа оёқларини судраб босганча шаҳристон томон кетди. Хугава эса қошини чимириб, кўл бўйида унинг кетидан қараб турарди.

— Унга нима бўлди? — алам билан ўйлади «яхши сигирлар эгаси». — Ўзи ақли унча эмасди, энди бутунлай телба бўлиб қолибди. Бечоранинг бошини ким айлантиримоқда экан? Райада бўлса керак...

Йилқибоннинг темирлай жағи ғазабдан қаттиқ қисилди.

— Майли, дўстим, — тўнғиллади у жаҳл билан. — Кенгашда овоз бераман... ғўонни тойлигидан миниб ўргатмасанг, кейин яқинига боролмайсан. Дараҳтни ёшлигига эгмасанг, оғоч бўлгач, эголмайсан. — Хугава сочи олинган укасини эслаб, қулимсиради. — Сенинг ҳам бошинг битлаб кетибди. Начора? Сочингдан айрилишингга тўғри келади.

## МОМАГУЛДУРАК ВА ЧАҚМОҚ

Меҳмонлар орасида дўст мамлакат Суғддан<sup>1</sup> келган савдогарлар ҳам бор эди.

Бу савдогарлар орасида улар каби этаги бурма чакмон ва торшим кийган, бироқ хатти-ҳаракати ва талаффузига кўра бу ерлик бўлмаган киши, олис эллардан келган ёт, фалати савдогар ҳам юрарди.

Унинг саклар юртига биринчи бор келиши эди. Юнон тубжой аҳолини дикқат билан, ватанида тўзғитиб юборилган машраблар йигинини кузатгандай, кузатарди.

Сакларнинг кўпчилиги бўйчан, қорамағиз, боши узун, бодомқовоқ, бурни йўғон ва думалоқ, ияги кенг кишилар. Улар мадларга, форс эркакларга ўхшашади.

Бироқ уларнинг орасида оқ танли, олтиндек сап-сариқ сочили, қирра бурун ёки қирғийбурун, кўркам юзлилар ҳам кам эмасди. Турон қуёши кўк ва зумрад кўзлардан шимол совуғини сиқиб чиқармаганди.

Оломон орасида онда-сонда жанублик буғдойранг, сочи жингалак, қорамағиздан келганлар ҳам кўзга ташланиб қоларди.

Баъзан оқ-сариқ япасқи юзда қия кесикдан икки тийрак кўз ялтилаб, сакларники бўлмаган, ошиб ўтиб бўлмас тоғлар билан тўсилган бўлакча машриқ мағриблик меҳмонга тикилиб турарди.

«Худо бу ҳалқни қирқта турли қабиладан яратган».

Улар ҳосил қилган ёпиқ ҳалқалар тепаликни ўраб олган, бамисоли кўм-кўк сувда ҳосил бўлган мавжлардек, бутун яйловга ёйилган эди. Тепалик устида ўzlари каби оҳориган кийим кийган оқсоқоллар туришарди.

— Афтидан, даштлик дайдилар қашшоқликда бир-бири билан кимӯзарга ўйнаётган кўринади, — деди юнон. — Увада ки-

<sup>1</sup> Суғд, Суғдиёна — қадимда Зарафшон водийсидаги мамлакат.

Йимда юрар даражада фақир ва noctor экан-у, ўзларини намунча мағрур ва хур тутишмаса?

— Саклар ортиқча ҳашамни ёқтиришмайды, — изоҳ бериши суғдлар. — Күчманчилар оддий ва дағал, бироқ от минишга қулай либос билан қаноатланишади. Уларнинг мағрур кўриниши ҳашаматга нафратни билдиради. Куролларига қаранг. Барчасининг — урга оқсоқолларининг ҳам, оддий кўчманчиларнинг ҳам қалқони мустаҳкам, камони бақувват, найзаси ўткир, шамширининг қини пухта. Саклар: «Кийим битта менга хизмат қилади. Тўғрими? Менга эса ҳеч нарса керак эмас. Баданимни яшириш учун жулдур ҳам етарли. Қилич ва қалқоним билан эса ўзимни ва ўз хонадонимнигина эмас, балки қондошларим бўлган ургдошларимни ҳам, улар мени ҳимоя қилганидек, муҳофаза эта-ман. Қиличим ва қалқоним ҳақида қайфуришим ўзим учундир», улар учун ташвиш қиласман», — дейишади. Саклар отларнинг юганини ҳам, елкапўши ва кўкракпечини ҳам ораста тутишади, отнинг ўзини эса фарзандидан-да азиз қўришади, чунки кўчманчи отсиз даштда ҳалок бўлади.

— Фалати ҳалқ экан. Буниси нима? Кенгашда аёллар ҳам борми? — ажабланди ёт киши. — Қаранглар, эркакларнинг ёнидан бемалол жой олишмоқда! Уларга бу ерда нима бор? Менинг ватаним Милетда<sup>1</sup> ва бутун Элладада<sup>2</sup>, ҳатто, урф-одати хурлиги билан шуҳрат топган Афинада ҳам аёлларни кенгашга ҳақириш у ёқда турсин, уйдан ташқарига ҳам камдан-кам чиқаришади.

— Сакларда аёллар худди эркаклар кабидир. Қарияларимиз нималар ҳақида ҳикоя қилишларини биласизми? Яқиндагина, иккича авлод илгари аёллар эркакларнинг ишларини ҳам бажариштан экан. Ҳозир эркаклар устун туришади, лекин аёлларига ўша-ўша ҳурмат билан қарашади. Аёллар кенгашларда ўз сўзини айтишади, юришларда иштирок этишади, моҳир мерган ҳисобланишади.

— Амазонкалар шуларми? Воажаб!

Тепаликда ҳамма ҳам жулдур кийимда эмасди. Оловдек ловулаб турган қимматбаҳо либосдаги қизни етаклаган бир киши пайдо бўлди.

— Кир чакмонда эса-да, сак бўлмаса керак. Бошқалардан ажралиб турибди, бироқ нимаси билан ажралиб турганини тушунмаяпман. Бақтрми, форсми? Ким у? — сўради ёт киши яқинида турган кўчманчидан.

<sup>1</sup> Милет — Иония (Кичик Осиё)даги қадимий шаҳар.

<sup>2</sup> Эллада — Юнонистон (Греция)нинг юонон тилидаги номи.

Хаумаварка бўйини чўзди.

— Қайси бири? Паст бўйли, калтасоқол, қирғовулдек чиройли қиз билан турганми? — кўчманчи жирканиб тупурди. — Фрада. Сак, бизларники.

— Ўхшамайди.

— Ҳар уюрда бир қирчанги бўлади. Бошқа сўрама. Бу одам ҳақида гапиришни истамайман.

Тўнтарилган қозондек тепалик устини тутун қоплади.

Ялт этиб олов ёнди.

Покловчи аланга. У маккорона гаплардаги ёлғонни ёндиради, бадниятлик, алам ёки ҳасадгўйлик билан айтилган сўзларни ифлосдан тозалайди.

Гулхан яқинида, биринч қозиқларга хўтиқдек қеладиган, қулоғи ва думи кесилган икки ит боғлоғлиқ эди. Ақдли, қаҳрли бу итлар ёлғон сўйлашга қўймайди.

Суғдлар эллинга дейишди:

— Ит — муқаддас жонивор. Кекса сардор: «Биз, саклар, асли итлардан дунёга келгандиз», — деганди. Шу боис ҳам кўчманчиларга «сак» деб ном берилган. Уларнинг тилида сак — ит демак.

Итлар ўртасида, ерга қийшиқ санчилган, иккита буқа шохи қадалган найза учиди отнинг қора думи енгил шабадада оҳиста ўйнарди.

Бу қора думлар узра йиллар, асрлар, минг йилликлар учиди ўтса-да, улар дам Олтой тоғларида, дам бепоён Сибир даштларида, дам Урал олди тоғликлари орасида, дам Помир чўққилирида, дам Турон қумлари устида ҳамон ҳилпираб турарди. Туғнинг ҳар бир силкиниши асрларни санагандек эди, шамолда ёзилиб, бир меъёрда ҳилпираётган кўчманчилар ялови орқали замонлар тутқич бермай, шафқатсиз ўтиб бораётгандай эди, гўё.

Исми «қонун» деган маънени англашадиган оппоқ соқолли Дато гулхан яқинига келди, кафти тепага қаратилган қўлларини олдинга, бир оз юқорига қаратиб, даъваткор чўзди. Турган жойида оғирлигини дам у оёғига, дам бу оёғига солиб, диққат билан бир айланди, қорайган қўлларини сермаб, оломон устини ўргимчак тўридай қоплаган шовқинни сидириб ташлади гўё. Бу қўлларнинг равон ҳаракатига монанд, ўтлоқ узра аста-секин бўғиқ сукунат қанот қоқди-да, тепаликни қоплади.

— Қаранглар! — пичирлади эллин ҳаяжонланиб. — Денгизнинг айқиравчи тўлқинлари Посейдоннинг<sup>1</sup> тинчлантирувчи қўли ишораси билан пасайиб, босилганидек, кўчманчилар, ҳеч ким айтмаса ҳам, тинчиб қолишиди...

Дато сўл қўлини тушириб, гап бошлади. Бироқ овози тепаликдан олис жойлашган қаторларгача етиб бормаётганди. Оғзини очиб, лабини қимирлатиб, ўнг қўлини силкитаётгани кўриниб турарди, холос.

Оломон орасида аста пичирлаш ҳам тўхтаб, сокинлик тиниклашгани сайин Датонинг гаплари бўшлиқда тобора аниқ эшитила бошлади.

Мана, у нутқини баланд овозда тушунарли қилиб тутатди:

— ... энг доно, энг тажрибали, ҳаммадан ҳам муносиб кишини! Ким сўйлайди?

— Мен! — Бўйчан, бироқ қизлардек чаққон аёл тепаликка кўтарилиди. Чехраси ёшу боқишилари жиддий эди. Қомати адлу чакка сочига қиров инган. Ёши нечадалигини билиб бўлмас, ёш ҳам, қари ҳам эди у.

Пешонабоги қизғалдоқдек ял-ял товланарди. Енгиз кўйлаги тўқ-қизил, бели қаттиқ боғланган. Ёқаси бўйни атрофидан қирқиб очилган, этаги товонига қадар тушган, қўллари елкасигача яланғоч бўлиб, сариқ ҳошия билан айлантириб чиқилган. Одми бўлса-да, ўзига ярашиб турарди.

Ёши ўтган ҳар қандай сак аёли кутлуг кунларда шундай кийинарди. Шу боис бу дашт аёлларини бир-биридан фарқлаш кийин эди.

— Бу ким? — жонланди юонон.

— Тўмруз. Ҳалок бўлган сардорнинг беваси.

— Ҳо! Кўзга яқин экан. Тузукроқ кийинтирса, Палладанинг<sup>2</sup> ўзи бўларкан-кўяркан.

— Шу кийимда ҳам чакки эмас.

Тепаликдаги итлар олқишилагандек, кесик думларини ликиллатди. Тўмруз берган кўплаб ёғли суюклар эвазига эмасди бу эркаланиш. Итлар кишидаги яширин қаҳрни ҳам, яширин меҳрни ҳам сезади.

<sup>1</sup> Посейдон — юонон мифологиясида олимпиялик маъбудлардан бири. Денгиз устидан ҳукмронлик қиласиди.

<sup>2</sup> Паллада — юонон афсоналаридаги уруш ва ғалаба, санъат ва ҳунармандчилик, билим ва донолик маъбудаси Афина.

Түмруз энкайиб, бир тутам тупроқ олди-да, пешонасига тек-  
кизи:

— Анахита момо ва Оқ отанинг руҳи, мададкор бўлинг!

Шу тариқа, меҳнатдан қадоқ бўлган қўлида бир сиқим му-  
қаллас тупроқни тутганча сўз бошлади:

— Мўйсафид оталар, оқ сочли момолар, биродарлар, опа-  
сингиллар! Кўхна удумимизга кўра, улуғ уруғнинг ёши улуғи —  
қабиланинг олий сардори ҳисобланади. Шундай эмасми, муҳта-  
рам Дато?

— Шундай, — кибр билан имо қилли мункиллаган Дато.

— Дривикларда улуғ уруғ — Дато уруғи. Мўътабар Дато —  
уругнинг улуғи. Конунга кўра, у бош сардор. Шундай эмасми,  
денишманд Дато?

— Шундай.

Дато замон нафасидан яшил тус олган соқолини виқор би-  
лан силади. Аранҳа сакларининг раҳнамоси этиб кимни сайла-  
шаркин? Албатта, Датони. Бунга шак-шубҳа йўқ.

Ажабо!

Мункиллаган бу қария қабилалар иттифоқига ҳеч қандай наф-  
келтирмайди-ку. Оқ ота кекса бўлса ҳам, бардам, ҳатто, курдат-  
ли эди. Датонинг эса бир оёғи тўрда бўлса, бир оёғи гўрда. Улуғ-  
ларча ҳурмат-эҳтиром кўраётганинг камми? Кишилар, гарчи  
доим ҳам ўринли бўлмаса-да, берган маслаҳатингга, насиҳа-  
тингга қулоқ тутишаётгани етмайдими? Шукр қилгин-да, ожиз-  
лигингни тан олиб, улуғ унвондан воз кеч.

Йўғ-а! Жазирамада сувсаган одамдек, сардорликнинг оқ ки-  
гизида қўр тўкиб ўтиришга интиқ эди у. Ярайсанми-ярамайсан-  
ми, муносибсанми-йўқми, оқ кигизда савлат тўкиб ўтиришга  
нима етсин.

Мараз эмасмисан сен, о шуҳратпарастлик?..

Чақмоқ чаққанда момақалдироқ гумбурлаганидек, Тўмруз  
аниқ-равшан айтган гапдан кейин минглаб кишилардан иборат  
оломон узра ғала-ғовур қўтарилди.

— Ҳо! Саклар сўзлашни ҳам, тинглашни ҳам хуш кўришади, —  
деди суғдлик узунсоқол савдогар. — Сўз улар учун шамшир ёки  
найза кабидир. Сўзнинг сеҳрига ишонишади. Сеҳргарлар бундан  
фойдаланиб, номақбул уруғдошларини сўз билан таҳдид солибоқ  
нобуд қилишади. Ёдимда, бир куни тиграхауда сакларидан бўлган  
табиб ёшгина дривикка: «Малъун, сен янги ой чиққан кеча ўла-  
сан», — деди. Ҳўқиздай бақувват, навқирон йигит шугина гап-  
ни кўтараолмай тезда адои тамом бўлди. Ўлиб кетди, шўрлик.

— Ота-боболаримиз жорий этган қонунларга қарши эмасман, — давом эттири Тұмруз. — Ўзаро дүстликка, бирдамлика, мададкорликка ким ҳам қарши бўларди? Қадимги фойдали ва эзгу удумларимиз кунимизга яраб келмоқда. Минглаб йиллар ўтса-да, улар ўлмайди. Бироқ кечаги ҳамма удумларимиз ҳам бугун яроқлимикан? Эрталаб қайнатилган мазали шўрва кечга бориб ачиди. Уни ичиб касал бўлиш ҳеч гапмас. Шундай эмасми, саклар?

Буталар орасидан қанот қоқиб кўтарилиган гўнгҶарға галаси шовқини қаби одамлар кўтарган қаттиқ сурон ҳавони ларзага келтирди.

Сурон дам сайин кучайиб борарди:

- Ҳақиқий гап, Тұмруз!
- Ҳар доимгидек ҳақсан, Тұмруз!
- Офарин, мунис, донишманд Тұмруз!

Унинг қорамагиз юзи гулхан тафтидан қизариб, анор пўсти тусини олганди. Арғувон либосдаги Тұмруз оловдан чиққан маъбудага ўхшарди.

У бўйнидаги терни артди-да, гапида давом этди:

— Ривоятларга қулоқ тутадиган бўлсак, аждодларимиз чангальзорларда дайдиг юришган, қурт-күмурсқа еб кун кўришган экан. Биз, уларнинг авлодлари эса, даштма-дашт кўчиб юрамиз, мол боқамиз. Демак, ҳаёт ўзгармоқдами? Шундай. Энди, айтинг-чи, янги ҳаётимиз эски қонунларга бўйсуниши адолатданми? Карвон дарё соҳили бўйлаб борар экан, водий қонуни билан яшайди. Сурув эгалари яйлов излашмайди, мешларни сувга тўлдиришмайди, чунки ўт ҳам, сув ҳам ёнгинасида. Агар карвон водийдаги беғамлики қумликда давом эттираса-чи? У муқаррар ҳалок бўлади. Шундай эмасми, саклар? Илонни олинг. У ҳар йили пўст ташлайди, янги пўст чиқаради. Нима учун? Чунки у ўсади. Эски пўст торлик қилиб, сиқиб кўяди. Одамлар ҳам шундай. Улар ҳам ўсади, камол топади. Одамлар эскирган қонунлар қобигидан чиқиб, янгиларини жорий этмоқлари даркор. Акс ҳолда хароб бўладилар.

Тұмруз фикрини қанчалик аниқ ифодаласа, Дато шунчалик қовоқ уйиб борарди. Лекин Тұмруз бундан чўчимасди. Атрофдагилардан, кўзга кўринмаса-да, ёғилаёттан мустаҳкам кучнинг қайноқ тўлқини аёлни ўз оғушига олиб, совутдек муҳофаза қилаётганди. Қонини қиздириб, гапларига куч ва қизғинлик баҳш этаётганди.

— Ҳаёт содда, қабилаларда одамлар кам бўлган чоғларда оқ кигизда ҳар ким ҳам ўтира оларди. У дономи ё нодонми, соғломми ёки дардмандми, жасурми ёхуд кўрқоқми — барибир эди! Қариялар орасида энг кексаси бўлса, бас эди. Ҳалқ кўпайди. Даشت торлик қилмоқда, яйловлар етишмаяпти. Қорамол туёғи камайиб кетди. Кунботардаги қўшниларимиз кучайтандан-кучаймоқда. Ҳавф-хатар, ташвиш, таҳдид ортиб бормоқда. Сардор албатта ёш йигит бўлсин демаяпман. Йўқ! Демоқчиманки, сардорни ёшига қараб эмас, ақлига, маҳоратига қараб сайлаш вақти келди. Қари бўлсин, бироқ мункиллаган бўлмасин. Ёш бўлсин, лекин ақлсиз бўлмасин. Бекувватлиги ёки ёшлиқ эрмаклари ҳақида ўйламасин, балки кучини аямай, ҳормай-толмай кишилар эҳтиёжлари ҳақида фамхўрлик қилсин. Олийжаноб, лекин лозим бўлганда қаттиқўллик қиласидиган одамни сардор этиб сайлаймиз. Камтар, бироқ зарур бўлганда қатъиятли одамни сайлаймиз. Зийрак, кучли ва саботли одамни сайлаймиз! Шундай одам бор. Мен Хугавага овоз бераман!

Дато газабланиб қараб, кўл силкита бошлади. Лекин кўрқиб кетган юмронқозиқнинг ҳуштагини тўсатдан бошланган довул гувуллаши босиб кетганидек, унинг нолиши сон-саноқсиз кишиларнинг ҳайқириғи остида қолиб кетди.

— Хугава!

— Хугава қани?

— Ўзини кўрсатсан бизга!

Тўмруз ҳалқа қараб таъзим қилди-да, тепаликдан тушди.

Хугава муқаддас гулхан томон кўтарилди. Итлар қувончдан яйраб, ангиллаб, занжирларини жаранглатиб сакрай бошлашди.

Хугавадан қадрдон ва ёқимли ҳид келарди. Бу — таппи тутуни, ошланган қўй териси, қўй сутидан қилинган пишлок, хомтери, кўрда чала пиширилган от гўшти, от тери, жул ҳиди эди. Итларга хуш ёқадиган, таниш ҳид эди бу.

Хижолатга ботган йилқибон турган жойида бесўнақай деп-синди-да, алам билан қўл силкиб деди:

— Нима деяпсиз, Тўмruz хола! Хугаванинг устидан кулаёт-тирсизми? Одамлар, менга бир қаранг. Мендан қанақа бош сардор чиқади? Уюримни амаллаб боқсам ҳам бир нав! Йўқ, мен сардор бўлолмайман, уддалай олмайман. Парвадигор умр берса, эҳтимол, ўн йиллардан кейин балки лойиқ бўларман. Ҳозир эса...

Йилқибон чаён тўла уяда ўтиргандек, ўт-ўлан устида ўзига жой тополмаётган Спаргапани кўзи билан излаб топди. Топдию яширин ниятидан хушнуд бўлиб, айёrona жилмайди.

— Дато ота орамиздан энг ақли, тажрибали, муносибини сайлашимиз лозимлигини айтдилар. Мен шунаقا одамни била-ман. Бу — марҳум сардорнинг ўели Спаргапа...

Хугава тинчib қолган йигитчани қўли билан кўрсатди.

Минглаб кишиларнинг чехрасида тўсатдан ҳайрат акс этди. Тепалик атрофида ўлик сукунат ҳукм сурарди. Сўнг кимнингдир ҳайрон бўлиб айтган гапи эшитилди:

— Ҳазиллашмаяпсанми, Хугава?

Дув кулгу кўтарилиди. Ўнлаб, юзлаб одамлар дилидан чиқиб келган бу кулгу содда, бегараз янгради. Ҳеч ким Спаргапани хафа қилмоқчи эмасди. Лекин ўн минглаб кишиларга ўн олти яшар ўспирииннинг раҳнамолик қилиши ҳақидаги фикр кўчман-чиларга ўта бемаъни туюлди.

Спаргапа ёш, қувноқ, хушмуомала бўлса-да, ҳали суяги қотмаган ёш ўспирин-да. У уруғдошларига насиҳат қилиш у ёқда турсин, ўзи энди атак-чечак қилган гўдакдек ёрдамга муҳтож эди.

... У сакраб ўрнидан турди, газабдан ханжардек чақнаган кўзларини Хугавага қадади. «Бари сени деб бўлди, сичкон!» — дегандек Райадага ҳам қаради. Сўнг елкасига шармандаликтнинг оғир юкини ортиб, дўнглик оргига ўтди-да, кўздан йўқолди.

Гулхан ёнига шошиб-пишиб Фрада кўтарилиди.

Оловга, Хугавага, халқقا чуқур таъзим бажо қилди. Итларга қараб жилмайди. Итлар эса бўғилиб хуриб, занжирда ўзларини у ён-бу ён ура бошлишди.

Улар одамлардан ҳеч кимнинг назари тушмаган нарсани илғашганди. Фраданинг узун, йиртиқ чакмони остидан янги этиги кўриниб турарди. У сакларники эмас, ёт элларники эди. Пошнасига қоқилган кумуш наъллар ҳам бегона бўлиб, улардан олис эллар нафаси келарди.

Бу одам ўзини тия олмай, ўгринча бўлса-да, кийиб келибди-да, қимматбаҳо этикни. Бойлигини бир кўз-кўз қилмоқчи бўлибди-да.

— Қаранглар! — атрофда шовқин кўтарилиди. — Итлар газабга келганини қаранглар. Демак, Фраданинг қалби нопок экан.

— Эҳ, саклар, саклар! — чўзиб, оҳангдор қилиб деди Фрада одамларни масхараомуз тарзда бир-бир назардан ўтказар экан. — Ақл-идрокингиз қаерда қолди? Кимга қулоқ солмоқ лозим — ит-

гами ё одамга? Итгами? Ундай бўлса, нега биз, одамлар, вақти-  
мизни бўлмағур гагларга беҳуда сарфлаяпмиз? Бизнинг ўрнимиз-  
га сардорни донишманд итлар билганича сайлаб қўяқолишисин...

Унча баланд бўлмаса-да, миқти гавдали, кўзлари бироз гилай,  
бежирим бурни қалта, соқоли ҳафсала билан қайчиланган Фра-  
да эгилиброқ ва қўлларини кўксига қўйиб, гулхан ёнида турар-  
ди; у ювош қўринса-да, бесаранжом кўзларидан нафрат уфуриб  
турар, маккор тилидан эса заҳар томарди.

Фала-ғовур босилди. Чиндан ҳам, нима десангиз денг-у, ҳар  
ҳолда ит — ит, одам эса — одам-да. Саклар оқсоқолнинг сўзла-  
рида бамаънилик учқунини илғашди-да, ҳозиргина ўзлари кўтар-  
ган шовқин-сурондан хижолат бўлишди.

Бироқ... булар шунчаки ит эмас, муқаддас-да! Улар одамга  
беҳуда ташланармиди? Итларга эҳтиром уларнинг қон-қонига  
сингиб кетганди. Фраданинг таънаси адолатли эканлигига қара-  
май, итларнинг ўзини тутиши одамларни ҳушёр тортирап, улар-  
нинг кўнглида шубҳа уйғотарди.

Хўмрайган, яхшилик кутмаётган чўпонлар сўзамол Фрада бош-  
лаётган даҳанаки жангга киришишга тайёр ҳолда, қалбларини  
қалқон қилиб туришарди.

— Оҳ, саклар-а, саклар-а! — янада жарангдор хитоб қилди  
Фрада зўриқмай, мулойимлик билан. — Нечун Хугаванинг до-  
ноларча гапини кулгига олдингиз?

— Шундай кичкина одамдан бу қадар баланд овоз қандай  
чиқаётир? — ҳайратга тушди юонон.

— Эшакнинг ҳангариши түянинг «бў-бў»лашидан қаттиқроқ  
янграйди! — масхараомуз деди хаумаваркалардан бири.

Фрада давом этди:

— Хугава ҳақ! Спаргапани сайлаш даркор. Қўшниларимиз  
форсларда ҳокимият отадан фарзандга ўтади. Нимаси ёмон бу  
одатнинг? Оқ кигиз мерос бўлиб ўтадиган бўлса, у ҳар кимнинг  
қўлига бориб тушмайди... ҳмм! Спаргала — олий ҳукмдорнинг  
ўғли, демак, олий ҳукмдорнинг ўрни унга тегишли. Ёш, дей-  
сизми? Нима қилиби? Бизлар, хонадонлар, бўғимлар, уруғлар,  
биродарликлар, қабилалар оқсоқоллари нима қилиб ўтирибмиз?  
Ёш сардорга кўмаклашамиз, яхши ишларида қўллаб-куватлай-  
миз, хато ва янглишлардан асрایмиз.

Ваҳоланки, кечагина айёр Фрада малайларига:

— Айбга буюрмайсиз-у, доноликда Оқ отанинг қўйдан фар-  
қи йўқ эди. Қабилалар иттифоқи раҳнамоси бўлишу ювуқсиз  
йилқибонларнинг сўзидан чиқмаслик!... Тупурдим. Ҳокимиятни

кўлга киритсайдим, бир дамда даштда тартиб ўрнатардим. Ҳар кимга жойини кўрсатиб қўярдим! Биз, оқсуяклар, қора халқ билан бир қозондан еганимиз етар. Нечун мен ақлу заковатими-ни, фаҳму фаросатимни, улдабуронлигимни мана шу икки оёқли бефаҳм ҳайвонлар фаровонлигига сарфлашим лозим? Тирикчи-лик қилишни билмасалар, қирилиб битсинлар. Биз ўзимизни ўйлашимиз даркор. Мана, қўлимга қаранг. Бармоқлар қаёққа бу-килади? Ташқарига эмас, ичига. Тушунарлами? Отни жиловлаш мавриди келди. Спаргалани оқ кигизга ўтқазамиз, унга Райада-ни турмушга бераман, сўнг мишиқининг бурнига булоқи со-либ, истаган томонимизга бураверамиз.

— О-о, саклар! — чўзиб деди Фрада. — Спаргала учун овоз бе...

Саклар тиззага етар-етмас чакмон кийишарди. Фрада эса, этигини яшириш учун товонигача тушадиган узун чакмон кий-ганди. Дайди шамол шу вақт йўлини ўзгартириб, чакмоннинг этагига урилди, оёқлар орасидан ўтиб кета олмай, айланиб, юқорига ўрлади-да, Фраданинг катта очиқ оғзини тўлдирди.

— Пуф! Қих! Пуф! Қих! — Фрада «беринглар»ни охиригача айтишга уриниб, силкиниб йўталди.

Муқаддас олов ишини қилди! Хаумаваркалар қаторлари узра қаҳқаҳа кўтарилди. Бироқ шу пайт Фрадага содиқ бир ҳовуч оқсо-қоллар унинг маккорона чақиригини илиб кетишиди:

— Саклар, Спаргалага овоз беринглар!

Халқ газаб билан гувиллади:

— Ҳа-а, доноларни қаранг-а!

— Форсларнинг удумини истаб қолдингизми?

— Спаргалани шоҳ кўтармоқчимисизлар?

— Сакларнинг елкасига ўтқазиб қўймоқчимисизлар?

— Дўстим Фрада! Камон чилласини тескари тортмоқдасан!

— Бу сен ўйлаган аргумоқ эмас!

— Бу сен кўзлаган чангальзор эмас!

— Қих, саклар, қих! — фарёд чекди Фрада. — Нималар деяп-сиз! Мен сизларни деб жон куйдирмоқдаман-ку, ахир! Истама-сангиз — истаманг. Менга деса, такани раҳнамо қилинг, сигирни малика қилиб олинг. Барibir эмасми? Фрада бир кунини кўриб кетади.

... Ҳар бир оқсоқолнинг ортида бутун бир уруғ туради. Уруғга ёқадими, ёқмайдими, барibir, у ўз оқсоқолини қўллаб-қувватлаши шарт. Фраданинг сўзлари йиғилганларни жунбишга солди, ўйлантириб қўйди. У ирод эттан сўзлар барчанинг ўй-фикрлари-ни остин-устун қилиб ташлади.

Қайрағочнинг чайир танасини ёриш учун ёғочсоз унга темир пона уради.

Бўри уюрни ажратиб, қулунни чангалзор томон суриб борищ учун тишини иржайтириб, тўдалар орасидан ўтади.

Фрада кескир сўз понасини кишилар онгига урди-да, тўдани гапи бир-бирига тўғри келмайдиган бир неча бўлакка ажратди.

Саклар баҳлашиб, сўкишиб кетишли.

Муқаллас гулхан ёнига сочи оппоқ, соқоли қўсқи, жулдир иштон кийган кекса чўпон инқилаб чиқмаганида қун нима билан тугаши маълум эмасди.

Кумда қийшайиб-буралиб ўсган, соя ҳам, мева ҳам бермайдиган кўримсиз дараҳтлардан бирига жон кириб, қимирлаб, беўхшов қадам ташлаб кенгашга кириб келаётгандай бўлди. Чол шунаقا озгин, букри, ажиндор ва чайир эди.

Қариянинг жазирама қуёш нурини, изгиринли совуқни, чўл қумини, шўрини, дашт ёнғинлари дудини ўзига сингдирган тери-си саҳрова қорайган қадимги тош сингари ялтиради.

Офтобда куйган, довул ва бўронларда чирсиллаб учган қумдан заҳм еб, хира тортган кўзлари ўшланарди.

Пешонасидан ёф ва чанг аралаш тер қуйиларди. Тўзғин этик кийган оёқларини базур босарди: этик сак эсини танибдики, устига миниб, устида еб-ичиб, ухлаб, бетоб бўлиб, туш кўриб, қучиб ва тўпалашиб юрган бароқ отнинг биқуни қийшайтириб қўйган оёқлари товонига аранг илиниб турарди.

Унинг исмини ҳеч ким билмасди.

Чолдан дашт иси уфуриб турарди. У энг қуйидан, юзи мисранг оломоннинг қаъридан чиқиб келди.

Шалдироқ аравада ёки гулхан ёнидаги кулда киши билмас туғилиб, суяқ-суяқдан ўтиб кетадиган шамолда кўзилар ва кучувваччалар билан ўсганлар орасидан чиқиб келди.

Ҳаммага ва ҳамма нарсага ишониб, турмуш оғирликларига тұядек сабр-тоқат билан чидаб, бу ҳаёт ўзгача бўлиши ҳам мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмайдиганлар иチдан чиқди.

Миқ этмай меҳнат қиласидиганлар, ўзи билган нарсалар: хотини, фарзандлари, қум ва от ҳақидагина ўйладиганлар, гапни ҳам, кулгуни ҳам билмайдиганлар, доимо ўзини четга олиб юрадиганлар, сабабини билмаган ҳолда ўзидан ҳам уяладиганлар, кенгашларда сўзга чиқиши асло ёқтирмайдиганлар даврасидан чиқди.

Бироқ яхшилаб қиздирсанг, тош ҳам ёриларкан.

— Э-э... құм! — мингирилади чүпон бўғиқ овозда ва суйкалиб келган итларни оёғи билан туртди. Йўталди, тупурди, бурнини қоқди ва тўғри муқаддас гулханга қараб туфлади. — Гапнинг пўсткалласи шу. Пода... бутун атрофни пайҳон қилиб бўлди. Ўт-ўлан йўқ. Хуллас, дарё бўйлаб кўйига, мол туёғи етмаган яйловлар томон юрадиган пайт келди. Нега ўтириб олдинглар? Нима, ишингиз йўқми?

У битган ва янги жароҳатлар чандиги босган елкасини таажжуб билан қисди.

— Биз хонадонда тўрт ака-ука ва уч опа-синғилмиз. Отамиз ҳаётлигига унга қулоқ тутардик. Отамиз ҳалок бўлгач, онамизга қулоқ тута бошладик. У... Оқ ота ўлган бўлса — хотини қолди. — Чол ғижимланган қалпогини Тўмруз томон силкиди. — Мана у, оқила, доно, камтар. Бошқа фазилатларга ҳам эга. Келинглар, ўзи онамиз бўлиб қўя қолсин. Яна қанақа сардор керак?

Чўпон қалпогини икки кўллаб авайлаб текислади, сочи тўзғиган бошига қўндириди, орқага қарамай, гулхандан нари кетди-да, қандай пайдо бўлган бўлса, шундай кўздан йўқолди.

Нотаниш йилқибоннинг ўзи уюр боқиб юрган қумтепалардаги буталарнинг синган бутоғи сингари узуқ-юлуқ сўzlари, ўша буталарнинг тиканлари унинг шамолда қотган кўкрагига санчилгани каби, дағаллашган қалбларга кириб борди.

Бу сўzlар одамларнинг Фраданинг маккорона нутқидан хирадашган онгини оғритиб тиниқлаштириди.

Хилма-хил фикрлар оқимини бирлаштириди.

Ўҳшаш бўлмаган фикрлар оқимини бир ўзанга солди.

Тўмрузми?

Бир вақтлар саклар дарёнинг қуий оқимида, Хоразм яқинида сув шоҳбандини<sup>1</sup> бузиб юборганини кўришганди. Сув даставвал тўсиқ олдида аста-секин, кишибилмас тўпланди. Бироқ баланд кўтарилгани сари, дарё қутура борди. Тўғон яқинида гирдоб пайдо бўлди. Ниҳоят, улкан суюқ кўчки бор кучиу залвори билан тўғонга урилди-да, шоҳ-шабба ва лой орасидан ўтиб, ёриқ пайдо қилди ҳамда қулоқни қоматга келтириб, бамайлихотир мудраб ётган эски саёз ирмоқقا ўзини урди.

Узоқ давом этган ўйчан сукунатдан сўнг тепалик бағрида ҳайқириқ кўтарилиб, момақалдироқдек гулдураб, дам-бадам кучайди.

— Томррру-у-уз!!!

<sup>1</sup> Шоҳбанди — ҳукмдор бунёд қилдирган тўғон.

\* \* \*

— Оҳ! Адолат қани? Туronда катталарни ҳурмат қилмай қўйиши. Парокандалик ва қонунсизлик даври бошланди. Шундай эмасми, донишманд Дато?

— Шундай, ўғлим, шундай!

— Сабр-тоқатингизга қойилман, ота. Маккора Тўмруз оқ кигизни остингиздан куч билан тортиб олмадими, ахир? Шундай эмасми, бузрук?

— Шундай, ўғлим, шундай. Тўмруз ёвуз аёл бўлиб чиқди.

— Сиз эса индамайсиз. Сиз камтар ва шокирсиз. Муттаҳамлар ювош Датони истаганча ҳақоратлашади. «Илон қариса, уни қурбақа минади», — деб бежиз айтишмаган экан. Йўқ, мен индамай ўтирмасдим! Тўмруз Хугавани кўкларга кўтариб мақтаётганини кўриб, индамасликми? Оҳ! Нима учун у кенгашда Хугава учун кучи етганча қичқириб овоз берди, деб ўйлайсиз? Айтишларича...

— Наҳотки? О, беҳаё! Эрининг бадани совуб улгурмасидан-а... Йўқ, мен бунга йўл кўя олмайман! Мен уларга кўрсатиб қўядман!

Дато билан хўшлашиб, Фрада ўз чодири томон юрди. Бирданига сўкина кетди:

— Оҳ, сакларимиз-а, адои тамом бўлсин! Бунақа бефаҳм, қайсар ҳалқ ҳеч қаерда йўқ. Тфу! Бадбахт Фрада келиб-келиб шу ярамас саклар орасида тугиладими?! Тангри мени Форсдами, бошқа жойдами яратса бўлмасмиди? Наҳот унга Фрадани Бобилнинг қаериладир дунёга келтириш қийин бўлган бўлса? Бемаъни қария истамаган-да. Эринган. Сен ҳам чакки эмассан! — қизига ёпиша кетди у. — Каллаварамингга дурустроқ ўргатсанг бўлмасмиди? Лаънати мишиқи! Бундан кейин яқинингга йўлатма.

Бунда Райданинг айби йўқлигини Фрада тушуниб турарди: Спаргапа оломонни енга олармиди? Лекин кимдандир аламини олиши керак-ку! Райада маъюс тортди. Фрада безовталаниб, қўл силкиди.

— Аччиғинг келмасин, қизим. — У кўз ёшини тийиб, қизининг бошини силади. — Отангдан ўпкалама. Отанг ким учун жон куйдирмоқда, ахир? Райада учун. Сен билан иккимиз бу дунёда ёлғизмиз. Жонинг чиқади-да! Онанг тирик бўлганида эди... Бор, қийимингни алмаштириб чиқ. Дам ол. Мен бир най чалиб, юрагимни бўшатай, майлими? Юрак-бағрим эзилиб кетди.

Қиз өодирни иккига ажратиб турган намат парда ортига ўтди, маржонини, билагузугини, кўйлагини ечиб, мис парчинли сандиқса авайлаб жойлади. Бошини яланг тиззасига солинтириб ўтирди.

Найнинг ilk навоси алаҳлаган пичирлашни эслатди.

Райданинг бадани бир жимиirlаб ўтди. У тишини тишига босди, оёқларини йифиштири ва гилам устида оҳиста силкиниб қўиди. Қайдасан, Спаргапа? Қайдасан? Сардор бўласанми — йўқми, барибир, Райдага кераксан...

Най зорланарди. Фрада бармоқларини най тешикларига равон босиб олар, шунда найдан дам бўғик, дам жарангдор навотараларди.

Юлдузли тун эди бу гўё.

Жилгада сув ноаниқ бир дилкашлик ила жилдирап ва қулкулларди, гўё.

Жилга бўйлаб эсаётган илиқ шамол қиёқни у ёқ-бу ёғидан тутиби-суртиб ўтаётгандек эди.

Йироқдан фўноннинг бесабрлик билан дангал кишнаши эшитилаётгандек эди.

Райданинг нафаси қисила бошлади. Қайдасан, Спаргапа? ўзини ерга отиб, гужанак бўлиб, алам билан йиглай бошлади.

... Отаси рози бўлмаса ҳам аллақачон Спаргапаникига кетмоқчи бўлганди — саклар удумига кўра, қизлар ўзига ўзи хўжа эди. Истарди-ю, кетмасди.

Оқшомлари Фрада олис шаҳарлар ҳақида ҳикоя қиласди:

— Пуратту<sup>1</sup> дарёси узра Бобил тоғдай юксалиб турарди, мунахжимлар самодаги юлдузларни кузатадиган ҳайбатли пастбаланд ғишин миноралар Арахту наҳри сувида аниқ акс этарди. Наҳр бўйлаб эса думалоқ сопол қайиқчалар сузид бораради. Улкан шоҳ саройидан сирли Эсагил ибодатхонасига деворларида шерлар, буқалар ва бошқа муқаддас ҳайвонлар тасвиirlанган Маросим йўлидан борилади. Баҳорда, янги йил байрами — Загмуқда шаҳар аҳолиси шу кўчада Етти жадвал достонини ўқиганча маъбуд Мардук шарафига маросим ўтказади.

Райада кунботар мамлакатларидаги осма боғлар булбуллари, гўзал эркакларга ўхшашиб маъбулларнинг ҳайкаллари, маъбулларга ўхшашиб эркаклар ҳақида ширин хаёл сурар, ҳаммомлар, дераза панжаралари, бозорлар, ҳовузлар, либослар, савдогарлар, атиргуллар, товуслар, дурру жавоҳирлар тушига киради.

<sup>1</sup> Пуратту — ҳозирги Фурот дарёси.

Бироқ қозиққа ўтқазилған бандилар танаси, кишандбанд қуллар, тирикрайин ириб бораётган дайди моховлар күз олдига келмасди — Фрада улар ҳақида ҳикоя құлмасди.

Отасининг ҳикояларини завқ билан түйиб тинглаган Райада «Арахту нахрининг ойнадек ялтираб турған сувига» боши билан шүнғиб, Спаргапани унутарди.

Парда ортидан кескин ва шавқсиз ҳуштак товуши эшигилди.

Дашт узра соқылдаги теракларнинг түклиби, яхлаган япроқларини шитирлатиб, муздек шамол эсиб ўтгандай бўлди. Фрада найнинг изтиробли товланиши орқали ҳасратини тўкиб солаётганди.

Райада тутқалоқдан турғандай, тўзғин бошини кўтариб, хира, нурсиз кўзини атрофга тикди. Яланғочлигидан уялиб, шошиб кийинди.

Спаргала?

Нафратдан қизнинг юзи буришди. Ким бўлти бу Спаргала? Чўпон, оддий сак. Агар у Турон подшоси бўлганида, Аранха узра паст-баланд сарой бино қилганида... Спаргала бирон-бир маънили иш қилишга қодирмиди? Чиндан ҳам ландавур у. Отаси ҳақ. Албатта, у ҳақ.

Ахир у ақлли-да.

\* \* \*

Кечга бориб ҳаво айниди.

Шимол шамоли чангальзор қамишини, дараҳт ва буталарини шовқин билан тебратар, қумтепалар орасидан ҳуштак чалиб ўтар, ивиган чодирларни силкитарди.

Шу онда ботқоқ тўқайда бўлишдан Худо асрасин! Устингда ҳам, остингда ҳам сув жилдирайди. Айқириб оқаётган сувнинг товуши даҳшатли. Шатир-шутир ҳам, шақир-шуқур ҳам, шоҳшаббанинг қисирлаши ҳам, ёмғирнинг шивирлаши ҳам даҳшат. Бир қарич қуруқ ер йўқ.

«Бундай намгарчиликда ҳайвонлар қайси уяларига яширинаркинлар», — ғамгин ўйлади Спаргала, ўзини ҳам бўрилар галасидан ажралган тўрт оёқли дайдидай ҳис қилиб.

Одамлар истиқоматгоҳида ҳам мунг ҳукм сурарди. Ҳўл ер узра ёйилган тутун, қўзиларнинг зорланиб баълаши, совуқ сувнинг шапиллаши... Спаргала итлар ис олмасин деб, Фраданинг чодирига шамолга тесқари томондан келди-да, бойўғли мисол сайради.

Сўқмоқ бўм-бўш эди.

Ўспирин отдан тушиб, ёқасидан оқиб кираётган муздек ёмғирдан бир оз бўлса-да, яшириниш учун отнинг тагига кирди. Тун қуши яна сайдари. Унинг мунгли фарёди бўғиқ шовуллаётган кўл соҳили бўйлаб ҳазин тараалди.

Мана, Райада ҳам кўринди.

— Нима керак сенга? — сўради у жаҳл билан нам жул остидан.

— Мен... сен айтдингки... — Спаргала унинг юзини кўриш учун унга томон интиларди. Райада ўзини кескин орқага ташлади, ёпинчиқнинг четини бир оз кўтарди-да, шамолда бўғилиб қичқирди:

— Йўқол кўзимдан! Кўргим йўқ сени...

— Райада! Менинг айбим йўқ. Шунаقا бўлиб қолди. Гапимга ишон, жоним, Спаргала ҳали ўзини кўрсатади! Шунда уялмайсан менга...

Тўмрузнинг ўғли тиззаларини лойга булғаб, қизнинг оёқлари остига ўзини ташлади ва зорланиб инграб юборди.

Спаргала қизнинг тиззаларини қучди. Кўлининг тафтига чидаб бўймасди: кеч баҳорда қизиган қумга тушган томчи шу ондаёқ осмонга қайтиб кўтарилгандек, унга тушган томчилар буғланиб кетаётгандек эди, гўё.

Спаргала кўлининг тафти Райаданинг йўғон сонларини куйдиргудек шақиллатиб ўтди. У энгашиб энтикар эди. Ё тангрим! Бечора Спар! Хай, майли. Ишингни қила қол, Спарим!

Ҳаяжондан ўзини йўқотган қиз ёпинчиқнинг четини кўлдан чиқарди. Сийасига муздек ёмғир урилди. Кутурган шамол, ҳозиргина ловуллаб турган ўчақнинг иссифини олгандек, бир зумда унинг қалбидан муҳаббатни учирив кетди.

Қизнинг бадани увушди. Оёғи қалтиради; қуйидан бошланган титроқ бутун баданига тарқалиб, тиши такирлай бошлади. Райада хушига келди. Орқага, отамнинг олдига! Тезроқ! Кутилмаганда куч ва жаҳл билан Спаргалани итариб юборди.

— Ох! Қачон сендан кутулар эканман?

Фраданинг қизи шартта ўгирилди-да, тумшуғи учли пойабзалини пора-пора булатлар орасидан милтиллаб кўриниб турган юлдузлар ёруғида хира ялтиллаб турган кўлмакка шапиллатиб босганча югуриб кетди.

Бу кўлмаклар Арахту наҳрининг тиниқ сувига ўхшамасди.

Спар иккала қўли билан бошини орқага ташлаб чангллаган кўйи азбаройи сиқилганидан, Райада, Хугава, оқсоқоллар ва

жумлаи жаҳондан безиб, ув тортиб юборди. Ёруғми? Йўқ, зулмат у. Нариги дунёдек зим-зиё зулмат.

Райдани ўғирлаб кетсаммикан? Сен, ярамас ҳайвонни бир зарба билан лойга ағанатиб, қўл-оёғингни боғлаб, ўлакса тулкидек, отга ўнгартаммикан? Лекин уни қаёққа ҳам олиб борардинг? Спаргалани бутун Турон билади-ку. Топиб олишади. Қайтариб олиб келишади. Ана шармандаликни кўр шунда.

Э-воҳ! Кўрган куним қурсин. Жангужадал бўлсайди, Спаргапа ўзини майна қилаётганларга қўлидан нималар келишини кўрсатиб қўярди!

Ўспирин сакраб отига минди, нафаси тиқилиб, бўғилиб наъра тортди-да, йўлга ҳам қарамай, тун зулматида ваҳимали кўриниб турган қумтепалар оралаб, дашт қўйнига ўқдай учиди.

## КЕЛИН-КҮЁВЛАР

Лидия шохи Крезнинг беҳисоб бойликлари ҳақида ким ҳам эшитмаган?

«Крездек бой» деган таъбир шундан қолган.

Юон қонуншуноси Солон<sup>1</sup> Афинада «ялпи роҳат-фароғат» йўлидаги ишини адо этгач, ўша машҳур шахсни кўриш учун Шарққа саёҳат қилди.

Плутарх<sup>2</sup> ёзадики:

«Ички музофотлардан денгиз соҳилига томон илк бор йўл олган киши ҳар бир жилғани денгиз деб билганидек, Солон ҳам Крез саройида пайдо бўлиши билан хос соқчилар ва хизматкорларни Крез деб ўйлади — улар шу қадар калондимоғ, либослари эса ҳашаматли эди».

Анча оворагарчилардан сўнг уни хукмдорнинг ҳузурига олиб киришди.

Крез ёт кишини тонг қолдириш учун, қатор-қатор эшқаклар, елканлар, арқонлар ва лангарлар билан жиҳозланган кема мисол, бир талай нафис либослар, тилла занжирлар, тилла-қошлар, билагузуклар, узуклар ва тангалаар билан безаниб олганди; қуёш нури тушиб турган муз бўлаги мисол, ложувард, яшил ва қизғиш тошларнинг камалак ранги юзида акс этиб, порлаб ўтиради.

Шоҳ кутганидек бўлмади — Солон унинг ҳашаматларига қиё боқмади.

— Мендан-да баҳтлироқ бирон зотни биласанми? — сўради Крез кибр билан.

— Ҳа, — бамайлихотир жавоб берди Солон. — У зот менинг юртдошим, афиналик Телл. У юксак маънавияти билан ажралиб

<sup>1</sup> Солон — афиналик сиёсатчи, шоир (тахм. мил. 635—560).

<sup>2</sup> Плутарх — қадимги юон тарихчиси, файласуф ва ёзувчи (тахм. 46 — 127).

турарди, яхши ном чиқарған фарзандларни тарбиялади ва ватани учун жасорат билан жанг қилиб, мардларча ҳалок бўлди.

— Мени баҳтиёр одамлар қаторига қўшмайсанми? — газабга минди Крез.

— Одам зоти тирик экан, уни баҳтиёр деб билиш мусобақани тугатмаган полвонни ғолиб деб эълон қилиб, гулчамбар тақиши билан баробар, — жавоб берди Солон. — Тасодифларга тўла истиқбол киши хузурига сездирмасдан келади. Оддимизда бизни қандай воқеалар кутаётганини ким айта олади?

Ўша пайтда Сфард саройидан кўним топган масалнавис Эзоп<sup>1</sup> қанчалик ёнига тушмасин, дарғазаб Крез беодоб эллинликнинг бу ерда, меҳмонлар орасида ортиқ қолишига чидай олмаслигини унга рўйирост айтди.

Солон кетди.

Бир неча йил ўтгач, кунчиқарга муваффақиятли юриш қилаётган Крезнинг қўшини Куруш қўшини билан тўқнашди. Форслар сферад аслзодаларининг либосини лидияликларнинг ўзидан-да кам хуш кўришмасди. Улар сфераларнинг олтинларини, майин юнгли қўй сурувларини, Крезга бўйсунувчи иониялик<sup>2</sup> юнонлар кемаларини кўлга киритишини орзу қилишарди.

Лидия хукмдори Галис яқинидаги жангда<sup>3</sup>, машриқийлар таъбири билан айтганда, мағлубиятнинг аччиқ шаробини сўнгги том-чисигача сипқорди. Шоҳ банди қилинди. Форс уруғ оқсоқоллари маҳкамаси уни ўтда ёндириб ўлдириш ҳақида хукм чиқарди.

Улкан шоҳ-шабба уюми тайёр, Крез устунга боғланган. Ёниб турган машъаллар келтирилди. Кўққисдан сферад бор кучи билан:

— О Солон! О Солон! О Солон!.. — деб фарёд қилди.

— Солон ким? Инсонми ё Худоми? Нечун ўлимингдан олдин унинг номини тилга олдинг? — сўради ҳайратта тушган Куруш бандидан.

Крез унга элладалик донишмандинг сўзларини айтиб берди.

Куруш ўйга толди. Ҳа. Тақдир ўзгарувчан, баҳт-саодат бебақо. У Иштувегуга қарши уруш бошлаган пайтини ёдга олди. Форсларнинг қўшниси ва қон-қариндоши мадлар биринчи тўқнашувдаёқ Курушга шунақсанги қақшатқич зарба беришдики, у ахоманийлар пойтахти, сангин девор Пасаргадгача ортига қарамай қочишга мажбур бўлди.

<sup>1</sup> Эзоп — юонон масалчиси (мил.ав. VI аср).

<sup>2</sup> Иония — Кичик Осиё.

<sup>3</sup> Галис яқинидаги жанг мил. ав. 547 йилда бўлиб ўтган.

... Эҳтимол, Солоннинг огоҳлантиришидан ҳам кўпроқ, ли-диялик амалдорларнинг қўллаб-қувватлашига бўлган илинж ғолибни мағлубга жон баҳшида этишга мажбур қилгандир? Нима бўлганда ҳам Крез аланга «оғушидан» халос бўлди.

Мана, Галисдаги урушдан сўнг ўн етти йил ўтгач, кексай-ган, тақдирга тан берган бетоб Крез Курушнинг аъёнлари қато-рида, ватандан олисда, ёқимсиз, ёт Варканада, шаҳар ташқа-рисидаги сарой айвонида мум тишлаб ўтирибди.

Тўладан келган,mallасоқол, чўтири юзи япалоқ, кўзлари ук-киники сингари думалоқ, илмоқ бурни чандиққа ўхшаш бесў-нақай лаби устига йиртқичларча осилган Гов-Барува ҳам шу ерда.

Ҳар бир чўтири олтин тангадек келадиган даражада катта эди. Бошида икки учи семиз кўкрагига осилиб тушган йўл-йўл рўмол. Малла қошлари чаккасига қараб ўрлаган, калта бармоқ-лари билан ҳассасининг олтин тутқичини чертиб ўтирибди.

Шоҳ маслаҳатчисига меҳр билан қиё боқди.

Гов-Барува — уруғ сардори, лекин ёшлигиданоқ эскича удум-лардан воз кечган. У шоҳга муқарраб давлат хизматидаги аъён-лар қаторидан жой олган, ўзини ва уругини мустабид давлат билан умрбод боғлаган. Сафарда ҳам, саройда ҳам Курушнинг ёнида. Ҳеч қачон алдамайди, асло хиёнат қилмайди. Садоқатли дўст. Гов-Баруванинг ёнида ўтирган, чорпаҳилдан келган, буқадек миқти, қорасоқол Утана ундей эмас. Утана жуда бой. Крез каби бадавлат. Тўгри, Крезнинг бойлиги аллақачон Курушнинг хазинасидан жой олган, лидиялик ҳозир қаландар мисол қашшоқ. Лекин «Крездек бой», дейиш удумга айланган... Утана ҳам уруғ оқсоқоли, бироқ ўзини бошқалардан алоҳида тутади, ҳеч қанақа ҳукмдорни тан олгиси келмайди. Кичкина бўлса ҳам, ўзига хон.

У савдо билан машғул. Утананинг карвонлари кунботарга — Тсурга, Бобилга, кунчиқарга — Бақтр ва Гандҳарга йўл олади. Ҳозир ҳам Утананинг юзта туяси Варканга пойтахти Задрапарта карвонсаройларида ўкириб ётиби. Бу ерга у йўл-йўлакай келиб қолган. Куруш қариндоши бўлмиш сатрапницида меҳмонда экан-лигини четдан эшишиб, шоҳни муборакбод этиш учун Виштасп-нинг ҳузурига келган.

Ҳа, у такаббур, лекин келди-ку. Демак, Курушдан оз бўлса-да қўрқар экан. Дуруст.

Чишишнинг набираси, кўпдан буён шоҳлик мақомида ўтири-ган Куруш йигирма йил ичиди атрофидагиларни эҳтиром қилиш-га ҳам, итоат қилдиришга ҳам, хўрлашга ҳам одатланди. Аъён-

ларининг мақтовини ҳам, хушомадини ҳам тинглаш — унинг учун сув ичиш, нон ейиш, нафас олиш ва ухлаш қаби оддий, кундалик иш.

Шундай бўлса-да, шоҳ Утана ҳақида ўйлар экан, тантанавор илжайишдан ўзини тийиб тура олмади. Қалбida аллақачонлар ўчиб бўлган ўспиринларча шуҳратпастлик қайта алангаланди.

Хо, одамлар! Мен — мана, сизлар эса — ана. Мен ёлғизман. Сизлар эса — кўпчилик. Мен кексаман, сизлар эса — ёш, чақ-қон ҳамда хавфлисиз.

Шундай бўлса-да, мен жанг аравада юраман, сизлар учун эса унга ўтириш қатағон қилинган.

Шундай бўлса-да, мен қирмизи чакмон кияман, сизларга эса унга тегиниш ҳам ман этилган.

Мен истаган жойимга бораман, сизларга эса арз қилмасдан туриб ҳузуримга кириш тақиқланган.

Мен истаган вақтимда гапираман, сизлар эса зориқиб, сабртоқат билан кўзларимга боқиб, оғзимни очмагунимча, чурқ этолмайсизлар. Менинг ҳузуримда на акса ура оласизлар, на йўтала оласизлар, на тупура оласизлар.

Мен — шоҳман.

Ховлида гулдор чоловор кийган, дароз, ориқ, бесаранжом бола кўринди. Афтидан, Виштаспнинг кенжа ўели ёки жиянига ўхшайди. Кўлтиғига мис жом, чилвир ўрами ҳамда калтак қистириб олган.

— Шундай қилиб, аёл кишини сайлашди, денг? — эринчоқлик билан сўради Куруш болани кузатар экан.

— Шундай! — ҳозиржавоблик билан им қоқди Гов-Барува.

Шоҳ яна истеҳзоли, лекин қаҳр билан совуқ илжайди.

— Тўмрузни кўҳликкина дейишади. Шу гап ростми?

— Кўҳлик аёл, — тасдиқлади Гов-Барува. — Милетдан келган юонон билан гаплашдим. У Тўмрузни кенгашда кўрган экан, жуда ёқиб қолибди. Юонлар ҳусндор аёлларни яхши билишади. Мармардан шунақанги кўркам аёлларни ясашадики, қўяверасиз!

Бола чилвирнинг бир учини калтакка боғлади. Қийшайтириб қўйилган жомга калтакни тиради, ерга буғдой сочди, чилвирнинг бошқа учини қўлига олиб, анча нари борди-да, наъматак орасига яширинди.

Шоҳнинг кўзида севинч учкуни чақнади.

— А-ҳа! Ҳм... — Куруш ўша-ўша қаҳр билан илжайиб, яқинда хинага бўялган жингалак соқолини силади. Хинанинг ранги қон

аралаш йириңгни эслатарди. Шу йириңг гүё шоҳнинг оғзидан оқиб тушаётгандай эди. — Ўша Тўмрузни деб бошимни йўқотадиганга ўхшайман! Тунлари бедорман. Сак маликасига уйлансанмикан, а, Гов-Барува?

Виштасп, Утана ва Крез бир-бирига қараб қўйишиди. Гов-Барува тушунгансимон жилмайди.

— Нега мумкин эмас экан? — деди малла аъён чўзибрөқ, дона-дона қилиб. — Жуда етилган пайти, кўркам. Эр керак унга. Устига-устак, Тўмрузнинг шунақсанги...

У тўхтаб қолди. Яширин ниятни охиригача ошкор қилиш шартмикан? Бегоналар ўтирган бўлса.

— ...сепи мўл, — кўмақлашди Куруш маслаҳатчисига.

— Сепи! — Завқ билан такрорлади Гов-Барува. — Сепи шунақсанги бойки, жон-жон деб уйланар эдим унга. Сен-чи, Утана?

— Менми? — Утана йигитларнинг мўйловидек қуюқ қошини қашиди. — Уйдаги хотинларимнинг ҳисобини қилиб турай. Янгисини кўнглим тусаб қолса, дунёда қирқ ёшли ювуқсиз сак хотиндан бошқаси қуриб қолибдими? Мамлакатимиз Форсда гўзал келинлар камми?

Шоҳ қовоғини уйди. Лаънати савдогар. Бошингни кундага қўйиш керак.

Она томондан бобоси Иштувегуни кўз олдига келтирди. Уни мағлуб этгач, вақтинча зинданга ташлаб, сўнг кунчиқарга сургун қилган. У ерда махфий равишда ўлдириб юборишни буюрганди.

Мўйсафид маднинг лабларида истеҳзоли қулги кўринди.

«Хўш, набирам? — кек билан шивирлади Иштувегу. — Мени форслар қуролининг кучи билан эмас, балки мадларнинг устларидан ҳукм юритишимни истамаган бой оқсоқолларнинг ёрдамида мағлуб этдинг. Шундай эмасми? Оч қолган хачир охурга юргани каби, сен ҳам ўша мустабид ҳокимиятга интилиб, форсий уруғ бошлиқларининг яширин, аммо дарёning остидаги оқим сингари қудратли қаршилигига учрадинг.

Шошма, мадлар бобосини боғлаб, набирасининг кўлига топширганларидек, кунлардан бир кун Утана ва унинг дўстлари набирамнинг ҳам кўл-оёғини боғлаб, омади чопган бирон-бир муттаҳамнинг кўлига топширадилар».

«У кўл-оёғимни боғлашидан олдин мен уни бўғизлаб ташлайман», — хаёлан эътиroz билдириди Куруш аждодига.

«Бўғизлай олмайсан! Форсларнинг ўнта қабиласидан бирининг сардорини сўйсанг, қолган тўққизтаси сени ўлдиради. Улар

аҳмоқ эмас. Ораларидан биттасини ўлдирган одам барчалари-ни қириб ташлаши мумкинлигини тушунишади. Шунаңа, азиз ва суюкли набирагинам. Истасанг ҳам, истамасанг ҳам чидайсан».

«Утанани кўздан қочирмайман, ҳийла-найранг билан бўлса-да, ёнимда сақлаб тураман. Мехрибон бобо, билингким, қайсар Утананинг таъзирини бераман».

Ит хўжасининг кайфиятини сезгани каби, садоқатли Гов-Барува шоҳ Утанадан норози бўлганини пайқади ва кўнгилчан савдогарга ўшқирди:

— Утана, ақслисан-у, хотинларга ўхшаб, ўзингга ошиқсан! Форснинг тақдири сени асло ташвишга солмайди. Утана фароғатда яшаса бас, давлат хароб бўлса бўлар. Ювуқсиз, дейсанми? Қирқ яшар, дейсанми? Ургочи, дейсанми?.. Юз яшар бўлмайдими! Упа-элик ўрнига юзига лой чапламайдими? «Рай кирчи-лари кирни тоза ювадими ёки йўқми, бизнинг нима ишимиз бор?» Гап фақат Тўмруznинг ўзи ҳақидами?

Бола қўйган тузоқ ёнига читтак келиб қўнди. Мишиқи күш тутувчи анграйиб, қотиб қолди. Читтак ёnlамасига сакраб, хаво-тирланиб донга яқинлашди.

Шоҳ бўйинини чўзди.

— Гап Тўмruz ҳақида эмас, — давом эттириди Гов-Барува. — Шарқий сарҳадларимизни хавф-хатардан холи қилишимиз, мудом оч-наҳор юрувчи бу қароқчи сакларни тинчтишимиз, орқамиздан пичоқ санчмасликлари учун улар билан дўстлашишимиз зарур. Тушунарлимис?

Жаранг!.. Митти сайёд чилвирни тортди. Калтак жомнинг остидан чиқиб кетди, жом жаранглаб ерга тушди-ю, читтак жом остида қолди. Бола хурсандлигидан қичқирди-да, тузоқ томон югурди.

Шоҳ ўзини орқага ташлади, өнгил нафас олди ва базўр жилмайди. Тутиди.

— Ҳа-а, — соддаларча чўзиб деди Утана. — Гап бу ёқда эканда. Хай, майли. Ҳукмдор уйлана қолсинлар. — Утана атрофдаги-ларни овсарларча назардан ўтказди-да, бошқаларга сездирмасдан, мудраб ўтирган Крезга кўз қисди. — Фақат Тўмruz begona шоҳга турмушга чиқишга рози бўлармикан? «Уй бажо, айвон бажо, аттанг куёвнинг йўқлиги», деган мақолга ўхшаш иш бўлмасин тағин.

Күш тутувчи қўлини жомнинг остига эҳтиёти билан тиқди. Сабрсизликдан лабини тишлаб титкилади, тузоқдан муштига қисилган ўлжани чиқарди ва хурсандликдан қийқириб юборди.

— Кўндиришга ҳаракат қилиш лозим! — Куруш қаддини ростлади. Виштасп, Крез, Гов-Барува ҳам чаққонлик билан тик туришди. Утана ниқобни ечгандай, юзидаги овсарлик ифодасини сидириб ташлади. — Мана шу ишда менга кўмаклашасан, Утана! Карvonни Марғда<sup>1</sup> қолдирасан-да, Гов-Барува билан Тўмрузга совчи бўлиб, Аранха ортига борасан. Биродарим Утана мана шу арзимас хизматни оғринмай ўз зиммасига олар, деб ўйлайман.

Гов-Барува мамнун бўлганидан қизариб кетди. Қойил! Энди қутулиб кўр-чи, калондимоғ.

Ювош, мўмин Утана чап қошини қашиб ҳамда ярим очиқ оғзининг ўнг бурчини тили билан ялаб, нималарнидир чамалай бошлади. Ҳар хил рангдаги — қора ва мовий кўзларида гаройиб фикр ялт этди. Яна эринчоқ-қувноқ, ўзидан ва ҳаётдан мамнун қиёфада бош силкиди.

— Сизга хизмат қилиш, олампаноҳ, буюк баҳт! Мен шайман. Гов-Барува билан эртаёқ йўлга чиқамиз.

Бироз сукут сақлагач, арзимас нарса ҳақида шунчаки гапиргандек деди:

— Шу пайтгача аранха саклари билан марғлик воситачилар орқали савдо қиласадим. Улар эса, адо бўлгурлар, бечора форс савдогарларини қароқчилардан баттар талашади. Карvonни Марғда қолдириб нима қиласман? Шундай қулай шароит юзага келган экан, Аранха ортига карvon билан бораман. Баҳонада саклар билан совчилик борасида ҳам гаплашиб оламиз. Бирон иш чиқар, ахир...

Шундай деб, Утана кўзларини бегуноҳларча шоҳга қадади.

Гов-Барува газабдан инграб юборди. Ҳеч ақли кирмади-да! Бироқ, Гов-Барува кутганининг аксича, шоҳ мамнун эди.

Бола читтакнинг патини юлмоқчи бўлиб, қуйруғидан тортиклиди.

Куруш маъқуллагансимон бош силкиди. Ҳа-ҳа! Буниси дуруст. Ўйлаган иши Утананинг эҳтиёжига мос тушдими? Жуда яхши. Савдогар молларини яхшилаб пуллашга уриниб, совчиликни ҳам қойил қиласди. Катта карvon сакларни ўзига жалб этади, Тўмрузнинг ҳам кўнглини топиб, мулойим қилиб қўяди.

<sup>1</sup> *Марғ* — Туркманистондаги ҳозирги Мари.

— Вой! — Күш тутувчи додлаб юборди. Читтак оғриққа чидай олмай, питирлади-да, жимитдеккина күчи билан юлқиниб чиқиб, пириллаб учиб кетди.

Бола инграб юборди.

Куруш тундлик билан хұмрайди. Омадсиз сайёддан юз үгирди-да, совуққина деди:

— Мен ҳам... Аранхага яқынроқ бўлиш учун... сизлар билан йўлга чиқиб, Ниссайяда қўнаман.

\* \* \*

Кудратли йўлбарс ов илинжида ҳайбат билан оҳиста йўлга тушса, унинг доимий ҳамроҳи, ён томонида, орқароқда пусиб борадиган сариқ чиябўри ҳам кучли ҳайвондек кўринади. Йўлбарснинг қувватидан бир қисми унга ўтгандек туюлади. Даҳшатга тушган чангальзорнинг олабайроқ тўқай соҳиби олдиаги қўрқинчи ва унга эҳтиромининг бир қисми чиябўрига ҳам тегишли бўлади.

Бироқ чиябўри ёлғиз қолдими, бас, у дарҳол майдада йиртқичга, атрофни қўланса ҳидга бостирувчи чиркин, айёр, қўрқоқ ва ёвуз ҳайвонга айланади-қолади.

Оқ ота ҳәётлигига Дато ақдли, босиқ, мулоҳазакор чол, қадимги удумлар билимдони, ювош ва камтар одам бўлиб кўринарди — сардор таратган нурнинг бир қисми унга мудом ва ҳар ерда ҳамроҳлик қилган кўримсиз қиёфадошида яқъол акс этарди.

Нур манбаи сўнди-ю, саклар кўз ўнгига ҳасад ва қасос ҳисси қалбини кемираётган жоҳил, разил ва бемаъни вужуд пайдо бўлди.

Кенгаш бўлиб ўтган кундан бўён Дато на уйқуни билади, на еб-ичишни, на юриш-туришни — оҳ-воҳ қиласи, инқилаб-син-қиллайди, ингранади, сўқинади, чангга ботган кигизда ётиб, тоза оқ кигиз орзусида тўлғонади. Шўрлик шунчалик қийналиб кетдики, қумга кўмилган мурда каби қовжираф қолди. Датони лақиллатишди. Датони хонавайрон қилишди. Бечора Датонинг кўнглига озор етказиши.

Кунлардан бир кун у чодиридан чиқиб, барханлар устидан Тўмрузнинг қароргоҳи томон аста кетиб борар экан, мерган Хугавани учратиб қолди.

Қария қиялиқдан базўр кўтарилиб борар, оёқлари чалишиб, ҳассаси титроқ босган бармоқларидан тушиб кетай дерди. Хугава шошиб отдан тушди-да, меҳрибонлик билан Датонинг тирсагидан тутди.

— Күл теккизма менга! — жазавага тушиб қичқирди Дато. — Нопок қўлингни теккизма! Кафtingда гуноҳ изини кўряпман. Унда беҳаё Тўмрузнинг тери қуриганича йўқ. Нима? Ҳали кампирнинг оғуши сени толиқтирмадими? Виждонинг борми? Ўғли уканг tengi келадиган хотинга оғзингнинг суви келдими? Ярамас! Тўмрузнинг қўли билан ҳокимиятни менинг қўлимдан тортиб олмоқчимисан? Қўлингдан келмайди. Ҳаммасини биламан. Датога панд беролмайсан. Қари тери пишиқ, қари суяқ қаттиқ бўлади. Қари қушни хўрак билан қўлга тушира олмайсан. Қари буқа тунда ҳам қўтонга йўл топа олади. Йўқол!

Дато косаси қоқ ўртасидан синган тошбақадек дараҳт ортига базўр ўрмалаб кетди.

Хугава қуйида гангиг, ақлдан озган оқсоқолнинг эгри-буғри изидан анчагача қараб қолди. У миасини озгина бўлса-да тинқлаштириш учун чаккасига уриб қўйди ва отига ўйчан қараб, беихтиёр унга минди.

Бошқа бир гал Дато кутилмаганда Хугаванинг хотини олдида пайдо бўлди. Катталарга эҳтиром кўрсатиш керак. Жувон мўйса-фидни чодирга таклиф этди:

— Кириб, бир луқма гўшт тановул қилиб кетинг.

— Нима? Гўштни калхатлар есин. Фаҳш уя қурган чодирга кираманми? Асло! Кўзларинг қаёқда, эй бадбахт? Кўзинг кўрми? Қулоғинг карми? Наҳот ҳеч нарсани кўрмаетган, эшитмаетган бўлсанг? Тўмруз Хугаванинг хотини бўлиб қолди. Бор! Югор. Шошил. Ҳаяллама. Улар ҳозир ҳам бирга.

— Тўмруз... ва Хугава? — ажабланди жувон. — Бўлиши мумкин эмас. Мен Хугавани биламан. Тўмруз холани ҳам биламан. Отахон, мени маъзур тутинг-у, нотўғри гапиряпсиз.

Хугаванинг ўзи сингари хушқомат ва бақувват, истараси иссиқ, боқишилари жасур бу жувон қутурганидан ғужанак бўлиб олган қариянинг телбаларча кўзига тепадан туриб, нафрат билан боқарди.

— Нима? Мен нотўғри гапиряпманми? Демак, мен ёлғончи эканман-да? Алдоқчи эканман-да? Иғвогар эканман-да? Ҳа-а! Билдим, ҳаммангнинг тилинг бир экан. Мальунлар! Эри бошқа аёлга борса ҳам парво қилмайдиган аёлни энди кўришим. Демак, баҳорги биядек, ўзинг ҳам пок эмас экансан-да! Наҳс! Наҳс босиб кетибди ҳамма ёқни!

— Уялмайсизми, отахон, — бўғиқ овозда деди Хугаванинг хотини. — Чодирма-чодир тухмат қилиб юргандан қўра, набираларингиз билан, уларга панд-насиҳат қилиб, тинчгина ўтири-

сангиз бўлмайдими? Бас қилинг! Худонинг ҳузурига боришингизга кўп қолгани йўқ!

— Нима? Худонинг номини мурдор тилингга олиб, ҳақоратлама!

Хугаванинг хотини, ҳатто қабиланинг энг қари кишиси айтса ҳам, тухмат гапларни кутара олмасди.

Борди-ю, Тўмруз Хугава билан дўстлашиб қолган бўлса, нима қилибди? Агар Хугава каби эркак Тўмруз каби аёл билан яқин бўлиб қолган бўлса, бу асло шўхликка кирмайди. Демак, бошқача бўла олишмайди. Рад этилган аёл у иккисининг қалбини титкиламаслиги лозим. «Бир киши бошқасини севиши тақиқланган», — деб қаерда айтилган? Ҳеч қаерда. Ваҳоланки: «Илдиз ила тана орасига болта билан тиқилма, дарахтни нобуд қиласан», — деган мақолни ҳамма билади.

Тўғри, алам қиласди. Бироқ барра ўтга интилаётган оч отни тутун билан устунга bogлаб бўлмайди. Сўнган муҳаббатни рашк билан алантга олдириб бўлмайди.

— Ҳу, қутир эшак! — бирдан бақира кетди жувон. — Улар биргами ёки йўқми, сенинг нима ишинг бор? Нима кўйлиги тушди сенга? Алам қиляптими? Бирга бўлгиси келса, бўлаверишмайдими? Йўқол бу ердан, аҳмоқ чол! Зўрга юрган бўлсанг, калхатга емликка ярамайсан-у, қилиғингни кўймайсан... эркак билан аёлни пойлашга уялмадингми? Ҳе! Буталар орасида тўнкага ўхшаб ўтириб, нималар ҳақида гаплашишаётганини сўлагингни оқизиб эшитиб ўтиргандирсан? Кимсан ўзи? Ҳурмат топган қариямисан, донишманд сардормисан ёки бир умр қариқизлигича қолган қалтироқ кампирмисан? Ҳу, туллак тева, маймоқ оғиз. Йўқол бу ердан!

Хоргин Хугава яйловдан қайтиб келганида эр-хотин ўртасида гап қисқа бўлди.

— Датонинг айтишича, Тўмруз билан бир-бирингизни ёқтириб қолибсизлар? — деди Майра ҳаяжонланиб, лекин босиқлик билан.

Хугава ажабланди:

— Сен шу гапга... ишондингми?

— Йўқ, лекин... хавотирга тушиб қолдим, — деди Майра хижолат бўлиб.

Хугава қатъият билан деди:

— Бекор гап! Бирон нарса бўлса, биринчи бўлиб ўзим сенга айтмайманми? Шўринг қургур Датони қанақа илон чаққан экан?

Менга ҳам bemаза гапларни айтганди. Менга-ку, майли, ким бўлибман. Лекин афифа Тўмрузни гап-сўз қилиш! Ахир у биз учун онадек-ку! Сен эса барини унут, хўпми? Хугавага сендан бошқа ҳеч қанақа хотин керакмас.

— Биламан... — деди Майра миннатдорлик билан, кўзига ёш олиб.

Хугава бошқа нарса ҳақида ўйлар экан, ташвишланиб деди:

— Билсанг — жуда яхши. Бугун нима пиширдинг? Иссик овқат егим келяпти.

— Нима ҳам пиширадим? Ўша-ўша ёвғон шўрва-да. Байрам эмас-ку.

Хугавага жон кириб, хурсандлик билан деди:

— Ёвғон шўрва? Келтирақол! Мехмонни сувнинг ўзи билан сийласанг сийлагинки, оч қоринга ухлатма, дейишади. Оч қолганга туз билан қалампир ҳам бамисоли ёғли шўрва. Нўхат ҳам мойдек ёқади. Тариқ нон анжирдан ширина. Оч бўлсанг, кепак ҳам мазали. Оч кишига...

— Бас, бас! Шанғиллайверманг, — Майра хандон отиб қулди.

Хугава мамнун эди. Хотинининг кўнглини ола билди! Улар Датони унугтишди. Бироқ Дато уларни унумаганди. Эртаси куни қария Тўмрузнинг хоналонига борди. У оқ кигизда уруғ сардорлари қуршовида ўтиради. Хугава билан хотини ҳам шу ерда. Бўлғуси кўчиш ҳақида гап бормоқда эди.

— Хўш? Ҳузур қиляпсизларми? Овунчоқ топдиларингми? Чукурлашиб ўтирибсизларми? — Разил чолнинг оғзидан қабиҳ сўзлар, ёлғон айловлар ва ҳақоратлар чиқа бошлиди.

— Бари оқ кигиз учунми? — жаҳл билан деди Тўмруз, тухматчи нафаси тиқилиб, жимиб қолганда. — Майли. Оқ кигизда жуда ўтиргингиз келаётган экан, келинг, ўтира қолинг.

Ўрнидан турди-да, майса устига тушди.

Дато бир аснодаёқ таёфини отиб юборди, олға ташланди-да, кигиз устига чўзилиб, жазавага тушиб, чангак бўлиб қолган бармоқлари билан кигизнинг четини чангаллади. Тўмruz, оқсоқоллар, Хугава ва Майра бирон сўз айтмай, нари кетишди.

Дато ёлғиз. Совуқ ва ёлғиз ўзи учун қўрқинчли, лекин бир он бўлса-да, оқ кигизни ташлаб кетиш ундан ҳам қўрқинчлироқ эди. Эгаллаб олишади! Дато уруғдошларини йўқлаб, туни билан додлаб чиқди. Лаънатлади. Жаҳл қилди. Сўқинди. Қанақадир буйруқлар, кўрсатмалар берди. Лекин ёнига ҳеч ким йўламади.

— Ичига жин кириб олган, — шивирлади Майра ақлдан озган чолнинг бўғиқ ингрокларига қулоқ тутиб.

— Ичига учта жин кириб олган, — кувватлади Тўмруз йил-қибоннинг хотинини. — Ҳасад жини, шуҳрат жини, тахтпастлик жини кириб олган...

Эрталаб саклар жимиб қолган Датони кўргани боришди. У хўл оқ кигизнинг барини қўллари билан тутганча, уни нажас бостириб, бежон ётарди. Ўлик ҳолда ҳам оғзини иржайтириб: «Бермайман!» — деб овоз чиқараётгандек эди бадбаҳт Дато.

— Эҳ, барчани қувонтириб, ўзи ҳам қувнаб, яна йигирма йил яшави мумкин эди-я. Йўқ, бу насиб қилмаган экан! — хўмрайиб қўл силкиди Хугава. — «Шон-шуҳрат кетидан қувиб, шармандаларча кетди», деб шунақаларни айтишса керак.

Начора. Дато шунча уриниб қўлга киритган кигизни тортиб олишмади. Чолни кўл бўйида, бадбўй кигиз устида қолдириб, ўзлари шимол сари, ям-яшил яйловлар томон йўл олишди.

Саклар ёмон ўлим топган манфурларни ерга кўмишмасди.

\* \* \*

Йўлчилар Задракартани тарк этиб, Сарния водийси бўйлаб кетдилар.

Барчадан олдинда, дам тоғлар ёнбагирлари бўйлаб кетадиган, дам дарёга қадар тушадиган тошлоқ йўлда Куруш енгил жанг аравасида борарди.

Уни Виштасп, Утана ва Гов-Барува отда кузатиб боришар, гулдор чакмонларга бурканиб, остидан чоловорга ўхшатиб тикилган олабайроқ белкўйлак кийган минглаб шоҳ соқчилари ҳам бирга эди. Усти текис қалпоқ ёки чети қайириб босилган бошлиқ уларни безаб туради.

Бу Форсга яқиндагина келган мадларнинг кийими эди.

Куруш бу кийимни ажи-бужи ҳисоблаб, ёмон кўтарди, — ёки ўзини ёмон кўрганга оларми? — ва, одатда, думалоқ форсий қалпоқ ҳамда этаги товонга тегай-тегай деган, енглари кенг узун кўйлак киярди.

— Форсий бўлмаган барча нарсани ёмон кўраман, — тўнгиллади Куруш қоплон териси мисол ола-була кийим кийиб олган аъёнларига кўз қирини ташлаб, йўлчилар вақтни ўтказиш ва сафарни енгиллашириш мақсадида турли қабилаларнинг либослари ҳақида сұхбатлашиб боришарди.

«Хе! Чинакам форсий мард чиқиб қолибди-ку, — лабини бурди Утана. У ҳам, кўпчилик форсий сардорлар сингари, мадлар либосини дабдаба деб ҳисобларди. — Муғомбир. Олтин-чи?

Олтинни кимнинг қўлидан бўлса-да, олаверасан-ку! Бегоналарнинг олтинини хуш кўрасан-да, а?!»

Форслар ортидан Крезнинг лидияликларидан иборат қўшини — қошигача бостирилган қалпок, жуда калта, тиззага ҳам етмайдиган, белидан боғланган нимча кийган оқ соқолли кишилар келишарди. Улар елкасигача очиқ қўлларида йўғон дастали найзани маҳкам тутиб, бақувват отларда буқчайиб боришарди.

Орқадан уч юз суворий жангчи қўриғида, Утананинг юзлаб икки ўркачли бақтр ва бир ўркачли арабий туялардан иборат карвони келарди.

— Сакларни нималар билан ҳайратга солмоқчисан? — сўради Куруш. — Уларга нималар олиб бормоқдасан?

— Буғдой ва тариқ, кунжут ва ар-па-а! — бозорда ўтиргандек, оҳантга солиб, майнавозчилик қила бошлади қувноқ Утана. — Сара дон! Ҳар бир дондан бир ҳовучдан ёрма олиш мумкин, агар... тил билан янчилса... Бобилнинг кесак сингари дағал, буқа териси сингари пишиқ зигир матосини! Қўйлак тиксанг, ўзингдан кейин на-биralарингга қолади: тўзганини кўрмай гўрга кирасан. Мис қозонлар! Сув қайнатсанг, мойга айланади. Лекин кўпинча акси бўлади. Темир болталар! Итнинг думини ҳам чополмайди. Шиша, маржон ва ақиқ мунҷоқлар. Ёнғоқ, хурмо, майиз. Яна ҳар хил майда-чўйда. Кўрдингизми, шоҳим, менинг сузук кўзли туяларим хунук бўлсада, бақувват ўркачларида қанча бойлик олиб боришмоқда.

— Унча ҳам кўп эмас экан, — кулимсиради Чишишнинг набираси.

— Вое, шоҳим! Камсуқум Турон кўчманчиларига яна қанақа мол керак?

Утана ўзининг моллари тўғрисида бу сўзларни ҳазиллашиб айтди. Аслида асл моллар эди улар. У марғ ва сүғд боёнлари учун анча-мунча нарса олиб бораётганди. Улар орасида Эгей денгизи оролларидан ҳар бирига қирқ кичик кўза кетадиган бир нечта катта хумда асалдек қуюқ ва чўзилувчан шароб, ол рангта, ложувард ва яшил рангга бўялган бир неча той жун чакмон, яхши ошланган тери, пойабзал, гилам, кўза, кумуш жом ва лаган, Кичик Осиё темиридан ясалган, кўлвор илоннинг тишидек ўткир шамширлар бор эди.

Кунда эртадан кечгача икки мартадан юриш қилиб (одатда, карвон бир кунда 25 чақирим йўл босади), йўлчилар Сарниянинг юқори оқимиға етиб борищди. Бу ерда йўл найза учи каби

шымол томон ўткир бурчак ҳосил қилиб, Гаудан довонига бурилади.

Даҳ тизма тоғи<sup>1</sup> орқасини ерга бериб ётган улкан йўлбарсга ўхшайди. Энг тепасида — эриб ултурмаган оппоқ қор. Сарғиш ранг касб этган ёнбағридаги йўл-йўл ўнгурлар тепадан пастга тобора кенгайиб, этагига етганда қуюқлашиб, қизғиши-зарғалдоқ тус олади.

Бироқ ўнгурлар йўл-йўли чинакам йўлбарсники сингари тим қора эмас — қора-яшил. Тобора равшанроқ порлаб, аланга олаётган қуёш тафтидан яланғоч ва бўм-бўш бу унумсиз тоғларда дўлана, маймунжон, олма, ёввойи узум, зирк, темир дараҳт сувга сероб тор даралардагина жазирамадан яшириниб униб-үсиши мумкин.

Тор дара ёнбағирларида япроғи қийиқ йирик анжирлар тошларга базўр илашиб осилиб турибди. Баъзан даралар қайрағоч, ёнғоқ, чинор ҳамда заранг зич ўсиб ётган пастликдан иборат бўлиб қолади.

Сўқмоқлар узра қад кўтарган тепаликларда бурамашох муфлонлар<sup>2</sup> шиддат билан сакрайди, қоплонлар пусиб чопиб ўтади, қуйида, тош қалашиб ётган пастқам ерларда эса сиртлонлар яшириниб ётади.

Бироқ карвон учун йиртқичлар эмас, балки тоғларда истикомат қилувчи қароқчи мардилар хавфли эди. «Марди» — «қотил» демак.

Форслар манзилларда қанчалик эҳтиёт бўлмасинлар, посбонлар ловуллаган гулханлар ёнида туриб, совуқ зулмат қаърига қанчалик ҳушёр тикилмасинлар, талончиларни тўхтата олмасдилар, харсанглар ортига яширинган қароқчилар пайт пойлаб, дам олаётган йўлчиларга қиласидан ҳужумнинг олдини ололмасдилар.

Мардилар қўриқчиларни ўлдириб, қўлларига нима тушса, зулмат қаърига тортиб кетардилар. Уларни таъқиб этиш керакми? Тоғда туғилиб ўсганларни ким ҳам қувиб ета оларди? Чиқиб бўлмас чўққилар, тошлар уюми ва ўпирилмалар орасидан, яширин форлардан ким ҳам уларни топа оларди?..

Ҳаёт йўли ҳам тоғ сўқмоғига ўхшайди. У ҳам юксалиш, таназзул ва бурилишларга бой, гуллаб-яшнаб турган теп-текис ўтлоқдан ҳам, ҳалокатли жарликлар ёқасидан ҳам ўтади. Унда ўз қоплон-

<sup>1</sup> Даҳ тизма тоғи — Копетдог.

<sup>2</sup> Муфлон — қўйлар оиласига мансуб қўштуёқли ҳайвон.

лари, ўз сиртлонлари, ўз мардилари учрайди. Тоғ сўқмоғидаги каби, унда ҳам панд ейиш ҳеч гап эмас.

Шунинг учун ҳам: «Тоғнинг бу томонини тарк этишдан олдин, у томони қанақалигини билишга урин. Кўтарилишдан олдин, тушишни ўйла. Бошмоғинг пишиклигини билмасдан олдин до-вонга чиқма. Дастрраб ортингга — водийга назар ташла, сўнг чўққига чиқ», — деб бежиз айтилмаган.

Куруш эса ортига ўгирилмади.

Даҳ тизмасининг шимолий тоғолди ҳудудида пахсадан бунёд этилган, чангга ботган Ниссайяга етиб боргач, Куруш Раносбат ҳузурида қўнди. Карвон эса нарига — шарққа, Оха воҳасидан Марға томон юришда давом этди. Сўнг Марғдан буюк Аранхага кетди.

Куёш Савр буржида эди. Қисқа Турон баҳори тугай деб қолди. Азобнок булутсиз осмондан эриган мис оқимилик ёғилаётган нур тупроқ ва тошлоқ далаларда бўйи ярим найза баландлигидаги буталарнинг соябонини ҳамда ёйилган шоҳларни куйдирди ва иссиқ гармсөл уларни чўлга ҳайдаб, паствамликларда чир айланнишга ва қумтепалар оша сакрашга мажбур этди.

Кенг ўтлоқлар рутубати кўтарилди. Уларнинг ўрнини жазирамада ёрилиб улгурмаган, тош тўшалгандек текис ва қаттиқ, ялангоч кенгликлар эгаллади. Бир чеккадан айлантириб қўйиб юборилган пирилдоқ шу майдонда хас-чўпга ҳам, тошга ҳам дуч келмай, кун бўйи айтаниши мумкин эди.

Дашт. Кўпчилиги кўчманчилар аравасини дарёлар ёқасидаги доимий турар жойларга айлантирган ўтроқ форслар қип-ялангоч текисликка даҳшат билан боқишарди. Ора-чора учраб турган дарахт ва саклар чодирларини кўриб ҳайратга тушишарди. Бу қадар хароб, ҳазин, ярамас жойларда одам қандай яшави мумкин, деб ўзларини ўзлари сўроққа тутишарди. Афтидан, куш ҳам балиқ сувда қандай қилиб қалқиб ўлмаслигини тушунмаса керак. Ёт кишилар эсанкираб, юраклари увушиб кетди.

Форслар ватанида ҳам гиёҳ сийрак ўсадиган қуриб-қақраб ётган биёбонлару ясси тоғлар бор, албатта. Бироқ уларни қуёш қиздириви, шамол қоқиб ётган мана бу бепоён яйдоқ далалар билан қиёслаб бўлармиди?

Чўл одамларининг йифи сингари чўзиқ ва эзгин қўшиклари шунданмикан? Сархуш хаёлчанлиги, паришон дарбадар руҳи, чапани мардлиги, қайсарлиги ва шафқатсизлиги шунданмикан?

Кутуриб оқаётган, бетийиқ, жиловсиз, ёввойи бия каби ўжар Аранха жанубликларни янада кўпроқ ҳайратга солди.

Бу — муқим ўзани бўлмаган, дам ўнгга, дам сўлга урилиб, бўш қирғоқлардан оқадиган, жарларни газаб билан ғажилаб, очофатлик билан ютадиган дарё эди.

Кўз очиб юмгунча яшин тезлигида учадиган ўқ, сувининг бир кўзасини бармоқларинг орасидан ўтказсанг, кафтингда бир ҳовуч кум қоладиганmallараңг қуюқ сувли дарё эди бу.

Помирнинг муз босган чўққиларидан куч олиб, шимоли-ғарбга томон ўкириб, шовқин-сурон билан елдек учиб бораётган, дунёдаги энг мовий Вурукарта денгизининг ложувард косасига тезроқ шўнғиши учун дашту биёбонни шиддат билан тилиб бораётган аждар эди у.

Оlamda бу каби бошқа дарё йўқ.

Аранха яқинида форслар қўй терисидан тикилган, қозондек катта телпак кийган суворийларнинг кичик гуруҳига дуч келишди.

Марғдан, ғарбдан дарё томон қоракумнинг чапдаст чавандозлари кўплаб талаган хоразмликларникига ҳам, сүфларникига ҳам ўхшамаган, қандайлир янги зўр карвон келаётгани овозаси бир неча кун илгариёқ дашт узра қуш каби қанот қоқиб ўтганди.

Бўри галаси пода изидан тушганидек, қабиласидан адашган ёки жинояти учун жонажон жамоасидан кувилган жоҳил дарбадарлар тўдалари карвон йўли томон интилди.

Шу орада савдогарнинг посбонлари кўп ва кучли эканлигини, карвон эса шунчаки карвон эмас, балки шоҳ Курушнинг Тўмрузга юборган совчилари эканлигини билган текин даромад ишқивозларининг ҳафсаласи пир бўлди. Форсларнинг қўшини шу яқин орада — Марғда бўлиши керак. Саклар эса янада яқинроқда — дарё ортида. Ҳар иккиси билан ҳам ўйнашиб бўлмайди. Ўтса — ўтаверсин. Тўда бошқа ўлжа қидириб, тарқалиб кетди. Шулардан бир гуруҳи кўққисдан форслар карвонига дуч келганди.

Гулдор белкўйлак кийган суворийларни кўрган телпаклилар отларининг бошини буриб, қумтепа ортида кўздан гойиб бўлишиди.

— Саклар, эҳтимол, шимолга кетишгандир, — деди ёшлигидан Хоразм ва Суғдга бориб-келиб юрган марғлик йўл бошловчи. — Тўмruz ҳозир қаердалигини манави мажусийлардан сўраш даркор.

— От суриб кетишди-ку, қандай қилиб сўралади? — Гов-Барува норғул елкасини алам билан қисди.

— Қайтиб келишади, — ишонч билан деди йўл бошловчи. — Ҳозирча кузатишмоқда. Биз уларни кўрмасак ҳам, улар бизни кўриб туришибди. Айёр улар.

Ҳеч ким кувмаётганига ишонч ҳосил қилгач, даҳлар барханлар устида яна кўриниб қолишли. Марғлик алоҳида ҳаракатлар ила қўл силкиди.

— Эй, дўстлар! Бу ерга келинглар!

Қароқчилар кенгашиб олгач, карвон томон аста юра бошлашди. Йўл бошловчи, Утана билан Гов-Барува ҳам отлар бошини улар томон буриб, йўлга тушишли. Даҳлар тўхташди. Тўдадан кўзигача жингалак соқол босган бир дарбадар ажralиб чиқди. Фазабнок бу қароқчи силовсинга ўхшаб ёт кишиларга хавотир билан пусиб боқиб, ҳар эҳтимолга қарши ўн беш қадамлар берида тўхтади-да, отни аста тислантириди.

— Омад ёр бўлсин! — жилмайди йўл бошловчи.

Даҳ тушунарсиз қилиб бир нарсалар деди.

— Биродар, Тўмруз ҳозир қаерни манзил тутганини айтсанг.

Қорамагиз кўчманчи кўзини ялтиратиб, тун кирап томонга қўли билан ишора қилди.

— Ҳейла-ҳо! — кўпол қичқирди у икки марта ва: — И-и-и-ҳо! — дея ингичка ва фалати чийиллади.

Сўнг отнинг бошини бурди-да, елиб кетди. Ранги қув ўчган Утана Гов-Барувага қараб, чуқур хўрсинди:

— Ўҳ-ҳў. Шунаقا экан-да, улар? Худо кўрсатмасин...

Жимиб, бошини чайқади.

— Кўрқиб кетдингми, савдогар? Илон чаққан ола арқондан кўрқади, дейишади. Бу дарбадарнинг ўзи юмронқозик боласидек кўрқоқ-ку! Кўрмаяпсанми? — Гов-Барува шошиб йироқлашиб бораётган суворий ортидан беписанд назар ташлади.

— Кўрқоқ дейсанми? Билмадим. У бизнинг ёнимизга бир ўзи келганидек, сен уларнинг ёнига ёлғиз борармидинг?.. Улардан кўрқиш керак, Гов-Барува! Кўрқиш керак.

\* \* \*

Кенгашдан сўнг Спаргапа манзилгоҳда камдан-кам, фақат тунлари кўринарди.

Барханларни кезар, ов қиларди. Ови бароридан келарди. Кўплаб катта дўнгбурун, эчкидек кичик оҳуларни отарди. Шу боис Тўмрузнинг ўғлига, бекорчисан, яйловни, қўтонни ташлаб кетдинг, деб ҳеч илдао қилмасди. Кўлингдан келгани-

ни, күнглинг тусаганини қил, уруғ қозонига ҳиссангни қўшсанг, бас.

Тўмруз ҳам насиҳат қилиб, тинкасини куритмасди. Ҳозир гаплашиб ўтиришга бу аёлнинг фурсати етмасди, унинг ишига иш қўшилган, энди битта эмас, минглаб фарзандлари бор эди. Гулхан ёнида тикиб-чатиб ўтиришга, жун титишга, дугоналари билан гап сотишга вақти йўқ. Гап сотиш у ёқда турсин, бош қашишга ҳам вақти йўқ эди унинг.

Рад этишига қарамасдан, саклар унга оқ кигизни тиқиширишди! Аранха сакларига хизмат қилишни истамагани, бу юмушдан эрингани учун эмас — унга билдиришган ишончдан, элнинг назарига тушганидан боши осмонда эди; уруғдошларимга лозим даражада хизмат қила олармиканман, деган андишагина қийнарди уни.

Тонг отгандан кун ботгунча Тўмруз шикоят ва низоларни кўриб чиқар, кун ботгандан ярим тунгача манзилдан манзилга, чодирдан чодирга ўтар, ким қандай яшаётганини ўз кўзи билан кўриб чиқарди. Шундай экан, Спаргала билан гаплашишга вақт қаёқда, дейсиз?!

Гаплари ҳам қовушмасди. Пайтини пойлаб, гап бошласа, ўғли бошини косаси ичига тортиб олган тошбақасимон, миқ этмай ўтиради. Она кўнглига олмасди.

«Ақли кирса, бари ўтиб кетади, — ўйларди у. — Эртами-кечми Райадани унугади. Совиб, тинчигач, қайтади».

Хугава-чи? Хугава Спаргала билан анча вақтгача учраша олмади — у, барча уруғдошларидан қочганидек, мергандан ҳам ўзини олиб қочарди. Кўчаётган чоғларида тасодифан учрашиб қолишиди.

— Тинчлик ва фаровонлик тилайман, — илиқ саломлашиди Хугава. У ўспиринни соғинган — Навтарнинг ўлимидан кейин унга қаттиқ боғланиб қолганди.

Спаргала босиқлик билан бош иргади.

— Қалайсан?  
— Амаллаб юрибман.  
— Нега мендан ўпкалайсан? — ювошлиқ билан гина қилди Хугава. — Кенгашда сенга овоз беришимни ўзинг сўрагандинг-ку.  
— Ўпкаламаяпман, — жавоб қайтарди Спар қўпроқ лоқайд оҳангда.

Йилқибон сергак тортди. Файратли Спаргала илгари бунақа лоқайд эмасди. Ўзгарибди. Нима бўлди экан? Эс-хушини таниб

олдимикан? Йўқ. Унда Хугава учун тушунарсиз қандайдир бегоналик пайдо бўлганди.

— Сен билан бирон марта ҳам отишмадик-ку, — ранжиб деди йилқибон.

— Ўзинг отавер, — эснади Спаргапа нималар ҳақидадир ўйлаб. — Қирғовулсиз ҳам куним ўтади. Уч юз қадамдан охуни уришимнинг ўзи етади. Зарур бўлса, одамни ҳам ураман.

Чўпон дўстининг бетакаллуф овозидаги яширин қаҳрни илгади. Тез босиладиган болаларча қаҳр эмас, балки ҳақоратланган одамовининг газаби эди, бу.

— Нега бунақа бўлиб қолдинг? — ўзини йўқотиб, чўчибрөқ сўради Хугава, нари сурилар экан.

— Қанақа бўлиб қолибман? — ёмон кўз билан боқди Спаргапа, газабонк.

Ўзарив қолганини ўзи ҳам ҳис этаётган кўринарди. Бироқ Тўмрузнинг ўғли онаси билан киши билмас фахрланаётганга, ундан завқданаётганга, бўлиб ўтган ўзгаришларни муболага билан қабул қилиб, аразлаган ҳар қандай бола қилиши мумкин бўлганидек, ўзини ярим ҳазил — ярим чин ҳайдалган боладек тутаётганга ўхшамасди. Аввалги Спаргапа эмасди. Хугаванинг қаршисида нотаниш ва хавфли, хўмрайган ёт киши турарди.

— Аввалги Спаргапага ўхшамайсан, — фўлдиради Хугава. — Бошқачасан. Алмаштириб қўйилганга ўхшайсан.

Спаргапа тупурди.

— Улғайдим, биродарим Хугава. Улғайдим, ақлим кирди.

\* \* \*

— Тур ўрнингдан! «Қобирға»лар келишди. — Фрада наматнинг этагини кўтариб, аравада ётган қизини туртди. Дривиклар қабиласи беш кун аввал жанубдан келиб, дам олиб, дон-дун чўқилаш учун кўнган күшлар галаси сингари эски манзилдан қирқ хатр<sup>1</sup> нарида тўхтаганди.

Чодирлар ҳали тикилмаган. Тунлари эркаклар очиқ ҳавода, гулхан атрофида ётишади. Аёллар эса узоқ кўчиш маҳаллари «сочи узун»ларнинг бутун ҳаёти ўтадиган, барча захиралару анжомлар сақланадиган бесёнақай араваларда тунни ўтказишади: улар шу аравада туғади ҳам, чақалоқни ҳам йўргаклайди, бичиб-тикади ҳам, чарм ийлаб, ип ҳам йигиради.

<sup>1</sup> *Xatр* — қадимги Турон қабилаларида масофа ўлчови — 1,5 километр.

— Қовурғалар? — қүёш нури Райаданинг гүё уйқу күнмагандек тиниқ күзини қамаштириди; қыз күзини қисди-да, ҳеч нарсаны тушунмай, биқинини ушлади.

— Қовурғамас, улоқча, «қобирға», — кулди Фрада. — Форслар келишиди.

Форсларнинг номи — «парса» ҳам, парфияликларнинг асл исми «парта» каби, «қобирға», «биқин», «ён» маъноларини англатади. Ушбу машҳур икки ҳалқ нима учун ўзларига бу қадар фалати номни олишган экан-а?

Бу номни ўзлари олишмаганди. Бу ном уларга бошқалар томонидан берилганди. Чунки униси ҳам, буниси ҳам фарбий Эрон қабилалари иттифоқи эгаллаган ернинг энг олис чеккаларида истиқомат қилишарди. Дастрекилари жанубда, Форс кўрфази яқинида, иккинчилари эса шимоли-шарқда, Улуғ Туз чўли яқинида умр ўтказишарди.

«Форс» сўзини «четдан келган киши» деб тушунмоқ даркор.

— Аравадан туш, — шоширди Фрада. — Одамлар қанақа кийинишини кўриб қўй.

Чиндан ҳам, меҳмонлар кўрса кўргундек эди. Бошдан оёқ тилла тақинчоқ, тош тақинчоқ тақиб олган, ялтир-юлтир матодан либос кийган, юзига упа-элик суртилган, кўзларига сурма тортилган, соқоллари хинага бўялган Утана билан Гов-Барува гулдор ва ҳашамдор либосдаги аъёнлар бошида товусдай мағрур хиром қилишарди.

Салом-алик қилинди. Таъзим бажо келтирилди. Яхши тилаклар билдирилди... Манзилгоҳга кираверишда элчилар ҳозиргина пойига сўйилган семиз қўйлар устидан ҳатлаб ўтишли — бу удум эди.

Кутиб оловчилар орасида Спаргапа билан Хугава ҳам бор эди — бири тунд, ўзига яраша ақлли, иккинчиси бироз ташвишли кўринарди. Йилқибон Тўмрузнинг ўслини кузатар, унинг ичига қандай жин кириб олганини тушунишга уринарди.

Эй! Бу не ҳол! Спар бўғиқ оҳ тортиб, гандирақлаб кетди. Сўқир кишидек, атрофни қўли билан пайпаслаб, Хугаванинг елкасини топди-да, синдириб юборгудек чангллади.

У Райадани кўриб қолганди.

Қиз кўзларини, айниқса, қизғиш оғзини катта очиб, меҳмонларга еб қўйгудек тикилиб турарди. Ўспирин Спар Фраданинг қизи Райаданинг ёдидамикан? Ёдиди. Қиз уни тез-тез, айниқса, тунлари, ёлғиз қолган ва атрофга сукунат чўкканда эсларди. Маъюс тор-

тарди, баъзан ҳўнграб йиғларди ҳам. Ҳозир эса... ҳозир Райада нафақат Спарни, балки отасини ҳам унугтганди. Бу форслар, Арахту анҳори томондан келган бу эркаклар мунча кўркам бўлишмаса?!

— Ўзингни тут, йиқилиб қолма! — хавотирланиб деди Хугава, ҳолдан тойган Спарнинг тирсагидан тутаркан.

Тўмрузнинг ўғли ўзига келди. Ҳайрон бўлиб Хугавага кўз ташлади, шошиб-пишиб қўлини унинг пишиқ елкасидан тортиди. Қўли пастга тушиб, ўнг сонида осилиб турган шамширига тақиллаб тегди. Чангак бармоқлари суяқ дастада аста жипслашди.

— Вуй, ботқоқ ҳўроздари ясаниб олганини қаранг-а, — масхараомуз деди Спар, форслар томон кўз қирини ташлаб. — Патларингни юлсами. Мерган Хугава, отсанг, мана шунаقا қирғовулни отгин-да!

Ўспириннинг қарashi ҳам, гапи ҳам, ангори ҳам ёвуз эди.

Хугавани ваҳима босди. Спаргапа қаёққа қараб кетмоқда? Фурсат борида Тўмruz билан гаплашиб кўриш керак. Балки, йигитчани чиндан ҳам Райадага уйлантириб қўйиш керакдир? Йўқ, бўлмайди. Илон ялпиз ҳидини кўтара олмагандек, Фрадани кўрганда Тўмрузнинг энсаси қотади.

Уйланса, Спар адои тамом бўлади — ота-бала ўсмирнинг бошини айлантириб, мутлақо йўлдан уришади. Фраданинг қалби тоза эмас. Куни кеча йилқибон унга мурожаат қилиб:

— Сен турфа мамлакатларда бўлгансан, кўп яхши нарсаларни кўргансан, сакларнинг ёввойилигини мазах қилгандан кўра, ўша яхши нарсаларни ўргатсанг бўларди, — деса, Фрада:

— Форсларнинг доно мақолида айтилган гапни уқиб ол, ўғлим, — деб заҳарханда қилди-да, жиркангандек бўлиб йилқибондан нари сурилди. — Биттаси: «Кўшни чодирда базм бўлмоқда», — деса, бошқаси: «Сенга нима?» — деб жавоб бериди. Биринчи одам: «Мен ҳам таклиф этилганман», — деган экан, униси: «Менга нима?» — деб жавоб берганмиш. Эшитдингми? Истаганингча тушунавер.

Буни тушуниш қийин эмас — Фрада ёт одам, сак бўлиб туғилган эса-да, сак эмас. Сакларнинг фам-ташвиши билан нима иши бор? Қизи ҳам ўзига ўҳшайди. Аччиқ меванинг мағзи ҳам аччиқ бўлади.

Йилқибон Райадага нафрат билан кўз ташлади. Қаранг-а! Бемаъни, бефаросат бир нарса. Ўзидан бошқани билмайдиган, бефаҳм вужуд. Ҳайвонсифат қиз. Қанчадан қанча йигитларни изтиробга солди-я!

Аёл кишига күркни маъбуда Анахита беради, дейишади. Маъбудларга иддао қилиб бўлмайди-ю, бироқ агар шунаقا мочани париваш қилиб яратган экан, унга ҳам бир нарса бўлган кўринади. Қани энди, мана шу қамчи билан мазза қилиб саваласанг!

Аёл киши — хавфли йиртқич. Бу сочи узунлар умуман бўлмаганда ҳам майли эди. Агар бўлса, Тўмруз, Майрага ўхшаганлари бўлсин-да. Бунақалари эса кам. Ёки Хугава ҳақ эмасми?

\* \* \*

... Биринчи куни, таомилга кўра, иш ҳақида гап бормади. Оқсоқоллар кенг чорбурчак чодирда, унинг этагидан бошлаб тўшалган юмшоқ намат устида росмана тўртбурчак ясаб ўтиришарди. Юқори мартабали форсларнинг ҳар иккиси кенг кириш жойининг рўпарасидан, Тўмрузнинг ёнидан жой олишганди.

Гов-Барува кафтларини бир-бирига уриб чапак чалди. Саккиз нафар хос соқчилар инқиллаб-синқиллаб чодирга катта гилам тойни кўтариб кириши.

— Ҳукмдорим шоҳ Куруш номидан буюк саклар сардори Тўмрузга ва хаумаварканинг муҳтарам оқсоқолларига фарбнинг тухфасини топширгум.

Гов-Барува той боғланган арқонларни кесиб, соқчилар кўмагида катта гиламни ёзди.

Кираверишда ўтирган Хугава ўзини кескин орқага ташлади — унга Олачипор ажал бақрайиб қараб ётарди.

Рангдор матолар, зарҳал занжирлар, қора ҳалқали, катта қимматбаҳо, сариқ чойшабга пала-партиш ўралган думалоқ илишлар уюми тасодифан шундай ёйилдики, йилқибон ўтирган жойдан у чиндан ҳам сапчишга шай турган қоплонга ўхшарди.

Бу васваса бор-йўғи бир неча он давом этди. Кўрқиб кетган Хугава кишининг кўзига нималар кўринмайди, деган хаёлда бошини тебратди.

Йилқибон, кўплаб уруғдошларидан фарқли равища, жин, шайтон, алвости борлигига ишонса-да, улардан кўрқмасди. Шунаقا одам эди у. Бироқ Олачипор ажалнинг ҳозиргина кўз ўнгидан ўтган суратидан у ёш боладек кўрқди.

Хугава ўзини тутиб олишга уринди, бироқ мавхум таҳлика, қанақадир хавф-хатар уни кун бўйи тарк этмади.

Сак сардорларидан бири, дурустроқ кўриш мақсадида, ўрнидан туриб, кираверишни тўсиб турган пардани кўтарди. Шоҳ

тұхфаси уюмини қүёш нурлари ёритди. Уюм ялт этиб, атрофга камалаксимон ёғду таратди. Сакларнинг назарида, өчиди ичида мислесиз гүзәл гулхан порлагандек бўлди.

Зарбоф, зардўзи, зарҳал, сиймин, қуйма, ўйма, қадама, эшилган, қорайтирилган, сирланган турли-туман буюмлар уюмида мадлар ва бобилликлар, лидияликлар ва юнонлар, яхудийлар ва финикияликлар тайёрлаган ашёлар бор эди. Бироқ гиламни айтмаса, форсларнидан ҳеч вақо йўқ; зотан, гилам ҳам ё парфияликларники, ё арманларники эди.

Яқин ўтмишда ҳам ному зоти ҳеч кимга маълум бўлмаган, дунёнинг бир чеккасидаги ҳароб кулбаларда аранг кун кечириб келган форсларнинг қўлидан ҳозирча ҳеч нарса келмас, асл хунарларни эгаллашмаганди, бироқ забт этилган мамлакатлар усталири тайёрлаган буюмларни ўзлаштиришнинг пири бўлиб кетишганди.

Ўз турмушига ёт, кўзни ўйнатадиган бу ҳашаматдан лол қолган сак сардорлари анча вақт ҳушини йўқотиб қўйишиди. Оқсоқоллар ҳайратдан бир-бирига бокиб, тилни такиллатишиди, холос.

Айримларининг хаёлидан бу қовжираган дашту қўтириб босган қўй-қутонлардан воз кечиб, чаққон форс аъёнлари сингари, қўшни шаҳарлар ва қишлоқларни талаш керакмикан, деган фикр лип этиб ўтди. Ўлжа тушадиган иш-ку. Сак оқсоқолларининг форслардан қаери кам? Нега улар чувриндига ўхшаб юриши лозим?

Фраданинг томир-томири тортишиб, ҳасаддан ич-ичидан хўрсинди. Райданинг отаси титраб-қақшаб, шипириб олгудек бўлиб, чайир чангалини ялтиллаб турган бойлик томон чўзди.

Тўмрузгина ўзини босиқ тутарди. Унинг ҳам кўзлари ёниб кетди, бироқ уларда суқлик эмас, ҳайрат бор эди. Кўкнори япроғидаги нозик томирларни, ширбознинг кумушсимон терисини ёки зар ҳошияли булутлар тўқ-қизил тус олиб, қизғиши-пушти осмонда сузиб бораётган пайтдаги шафақни кўрганда ҳам шу каби завқ оларди.

— Ҳашаматли экан, — жилмайди Тўмruz. — Нима билан қайтаришни ҳам билмайман. Бизда нималар бор? Тери, жун ва на мат — бор-йўқ бойлигимиз шу. Тўғри, дуруст отлар ҳам бор...

У пойгакда камтарона тиз чўкиб ўтирган Хугавага деди:

— Эртага меҳмонлар учун энг яхши дўнонлардан уч уюр тутиб бер. Лекин сизларни от билан ҳайратга солиб бўлмайди, тўғрими? — Тўмruz яна Утана билан Гов-Барувага мурожаат қилди. — Форсларда яхши йилқилар бор, деб эшитганман.

Саклар билан форсларнинг шевалари бир-бирига яқин бўлгани учун улар бир-бирини бемалол тушунишаётганди. Баъзида-гина Тўмруз хаёл билан, меҳмонлар учун тушунарсиз бўлган бир-икки ғалати сўзларни айтиб қўярди, дривиклар ҳам, даҳлар ва авгаллар сингари, фракияликлардан келиб чиқишганига қарамай, аллақачон турон саклари билан чамбарчас қўшилиб кетишган, уларнинг тилини қабул қилишган, бироқ эски тилдан айрим сўзлар ҳам хотираада сакланиб қолганди.

— Бизнинг чўлу биёбонда, — давом эттири Тўмруз, — баъзан ёмғир ва эриган қор суви ялтироқ сариқ фулузни<sup>1</sup> юваб чиқаради. Лекин бу мис эмас. У яхши идиш, пайкон ясашга ярамайди. Устига-устак таги ҳам кам, бироқ биз, сакларга унинг ҳожати йўқ. Лекин, айтишларича, сиз томонларда, кунботарда бунақа фулузни яхши кўришар экан. Тўғрими? Кўринглар-чи.

Тўмруз олдига қўйилган тугунни очганди, форсларнинг кўзи кўйнинг калласидек келадиган ясси қуймага тушди.

У меҳмонларга савол назари билан қаради. Тўгри, Тўмруз олтиннинг баҳосини билмайдиган даражада нодон эмасди. Бироқ Айрананинг фарзандлари сингари очофат ҳалқ билан муомала қилаётганингда андак айёрлик йўлини тутмасанг бўлмайди-да... Муомалада нодон бўлгани ҳолда доно кўрингандан кўра, доно бўлгани ҳолда нодонроқ кўринган дуруст.

Саклар тоғ ёнбағрида қўчиб юришар экан, емирилиб тушган жойларда сариқ фулузни ҳафсаля билан заррама-зарра тўплаб, олий сардорга келтириб беришар, у эса, бошга ёмон кун тушганда асқотади деб, уни асрраб қўярди. Савдогарлар келтирган молни тери ва жунга алмаштириб, олтинни иложи борича саклаб қўшишарди.

Утананинг кўзи ҳарислик билан ёнди, Гов-Барува эса ўзини олтин устига отмоқчидек энкайди. Форслар чодир ўртасига ёйиб ташлаган бор гулдор матолари, чекма идишлар бу қўйма олтиннинг ярим баҳосича ҳам турмасди.

— Биз форс шоҳининг тухфасига жавобан шуни қайтармоқчимиз! — деди Тўмруз.

Сакларнинг тухфаси форсларнидан икки баравар қиммат эканини Тўмруз тушуниб турарди, лекин айнан шундай иш қилишни истади. Калондимоғ элчиларнинг бўйни эгилди. Тўмруз уларнинг попугини пасайтириб қўйганди. Кунботардан келган маккорлар сакларни зардўзи латта-путта билан анқайтириб

<sup>1</sup> Фулуз — металл.

күйдик, деб ўйлашмасин. Оқсоқолларимиз ҳам форс аслзодала-рида ҳавас қиласын жой йүқлигини күриб күйишсін. Одамлар арзимас сариқ фулуз учун жонини ҳам беришга шай бұлттан ёт мамлакатнинг одати яхши ёки ёмонлиги ҳақида ўйлаб күришсін. Олтин нима дегани? Уни тоғлардан қоп-қоп қилиб қазиб олиш мүмкін. Инсон қадр-қимматини эса ўпирілмалар орасыдан қыртишлаб тополмайсан. Инсоний қадр-қимматни асраш даркор. Ёки у фулузча ҳам турмайдими?

Форсларни гулханда бутунича пиширилган кийик, ёввойи чүчқа, ёввойи әшак гүшти, қүй гүшти солиб қайнатилган шүрва, балиқ, парранда гүшти билан меҳмон қилишди. Мешларда қими-зак қимиз қўпириб турарди. Меҳмонлар шароб солинган идишларни очишиди, бироқ саклар кишини ақлдан оздиришгача олиб борувчи бу ичимликдан бош тортишди.

Шароб тўлдирилган косаларни кўрганда Фрадагина тамшаниб қўиди. У шаробни татиб кўрганди. Жуда ҳам ичгиси келяпти-ю, бироқ уруғдошлари нима дейишаркин? У «лаънати саклар»дан кўрқиб ичмагани учун улардан бағоят ғазабланиб, оғзига ушоқ ҳам олмади. Шу ҳам ҳаёт бўлди-ю?! Атрофдагилардан қўрқиб, мени ич деб турган нарсани ҳам оғзингга ололмасанг... Оҳ! Фрада ўзини бетобликка солиб, зиёфатдан чиқиб кетди.

Эрталаб Тўмруз Утана билан гап бошлади:

— Шундай қилиб, биз билан савдо қилмоқчимисиз? Дуруст. Молни бу томонга олиб ўтаверинг. Ҳаммасини оламиз — нима келтиришни билибсиз. Буғдойдан кўпроқ олиб келиш зарур эди. Сакларнинг моли кўп, лекин хамир пишириб ейишни хуш кўришади. Ўтроқ кўшниларимизда дон кўп, бироқ гүшт камроқ, шунинг учун улар гүшт деса ўзини томдан ташлашади. Шунаقا эканда... — кулимсиради у. — Кимда нима оз бўлса — ўша нарса қиммат. Битта ошланган терига бешта хом тери. Бир тўп матога уч той жун, учта қозонга битта қўй берамиз. Озгина, худди кечаги ёмбидек, олтин ҳам берамиз. Форслар билан биринчи бор савдолашмоқдамиз, шунинг учун бу гал олтинни аямаймиз.

Форслар ўнта улкан хоразмий қайиқларда молни ўнг соҳилга олиб ўтишди. Еб-ичишни ҳам, ҳордиқ чиқаришни ҳам унутиб кўйган Утана яхши молни яхши нарҳда пуллаш учун шошиб-пишиб, жонсараклик билан қайиқдан қайиққа, тойдан тойга, қулдан қулга югарар, бақирап, сўкинар, юкчиларни ҳол-жонига кўймасди.

— Бизга Сүфдан, Бақтрдан, Марғдан ва Хоразмдан мәҳмоналар тез-тез келиб туришади, — деди Тұмруз. — Сиз, форсларни энди күриб турибмиз. Лекин хурсандмиз. Мол яхши, ҳафсала билан пишиқ-пухта қилинган. Кимларнинг иши эканини билмадим-у, лекин сүфдларниңдан ёмон эмас. Сүфдар эса эң яхши уста ҳисобланишади. Бизнинг даштда буни үддалай олишмайди. Үддалардилар ҳам-ку, бироқ фурсат етмайди, күчіб юрамиз, бир ерда узок турмаймиз. Күзаларни ҳам күл учыда ясаймиз, чиройли чиқмаса ҳам, сув оқиб кетмаса бўлди. Шунаقا. Форслар билан савдо қилиш фойдалилитини энди билиб олдик. Келиб туринглар! Сакларда сизларга ёқадиган нарса кўп. Форсларда эса бизга маъқул нарсалар кўп экан. Қадрдон бўлиб қоламиз. Тенг шартларда мол айирбошлаймиз. Ёмон эмас-ку? Нима дейсиз, Утана, биродарим?

— Эзгу иш, синглим Тұмруз. Зўр иш. Кузда яна бир карвон билан келишга ҳаракат қиласман.

— Омад ёр бўлсин!

— Олтин кўпми? — сўради Утана овозини пасайтириб. — Яна топиладими?

— Фамлаб қўямиз! Хавотир олманг. Биласизми, — сирлашгандай пичирлади Тұмруз, — саклар ёмон ҳалқ эмас. Ақлли, оқкўнгил, нияти пок. Лекин биз буюк мамлакатлардан четдамиз. Қуёшдан чапда, ойдан ўнгда яшаймиз. Вижданан айтаман: бизда жоҳиллар ҳали кўп. Пайқагандирсиз? Ҳалқимни ёруғ йўлга олиб чиқмоқчиман. Сакларга шаҳар бунёд этишни, ер ҳайдашни, мева этиширишни, юлдузларни санашни, уй ичи деворларини беzaшни, ораста кийимлар тикишни, сополга кишилар кўриб, бошқалар фикрини англайдиган белгилар туширишни ўргатмоқчиман. Бизда ҳам ҳаёт Бобил, Сүф, Хоразмдагидан ёмон бўлмаслигини истайман. Фақат шоҳлар бўлмаса бас, — жилмайиб қистириб ўтди у. — Қумга кўмилиб юрганимиз етар. Сизларнинг саройларингиз эшиги бизларга лант очилганидек, бизларнинг ҳам чодирларимиз этаги сизларга кенг очилсин. Ботқоқ тошбақасини кўрганмисиз? У ботқоқдан бўлак ҳеч нарсани билишни истамайди. Бироқ инсон — тошбақа эмас. Бошқаларга ўргатгин-у, ўзинг ҳам ўзгалардан сабоқ ол. Шундай эмасми, биродарим Утана?

Хо! Форс Тұмрузнинг кўзига ҳайрат билан боқди. Доно-ку! «Ювуқсиз аёл» дегани шунаقا экан-да...

— Шундай, синглим Тұмруз! Жаҳолат... Айранада ҳам тиқи-либ ётиби. Ўйлаганингиздан ҳам зиёд. Кўп. Лекин дўстлашишимиз мумкин. Дўстлашишимиз, тинч-тотув яшашимиз... Фақат... Эҳ, қани энди бу фақат менга боғлиқ бўлса!

\* \* \*

... Тунда элчилар чодирига барно Фрада яширин кириб келди.  
— Сизлар билан савдо қылмоқчиман.  
— Нечун? Сиз, саклар биргалашып савдо қылмайсизларми?  
— Улар билганини қылсын. Мен — унақа эмасман.  
— Ҳа! — Гов-Барува унга сергаклик билан тикилди. Малла-ранг мүйловини тишлади. Бир оз ўйлаб, тилёғламалик билан әхтиёткорона деди:

— Чиндан ҳам сен жун босган уруғдошларингга ўхшамайсан. Сен халдей ёки, ҳатто, форс сарой аъёнларига ўхтайсан.

У, юмронқозиқ уяси ёнида пусиб ётган тулки мисол, Фрада нима деб жавоб беринини кутарди.

— Йўғ-э, сарой аъёнига ўхшамасам керак. — Фрада доноларча илжайиб, эски чакмонининг барини қоқди. — Лекин улар менинг tengim эмас. Ҳайр, майли. Яхши мол борми? Чинакам мол? Қозон-позонни олмайман. Кумуш идиш беринг. Қиммат-баҳо матодан — Сфардада қайси матодан кийим тикилса, ўшандан беринг. Шаробдан ҳам кўпроқ — анчадан буён ичганим йўқ.

«Аҳмоқ эмас экан, — қониқиши билан ўйлади Гов-Барува. — Лекин доно ҳам эмас. Ундан иш чиқади...»

Утанага эса тунги меҳмон ёқмади. Сени қара-я! «Унақа эмас» эмиш. Безбет сакдан тезроқ қутулиш учун қатъий қилиб деди:

— Нима билан тўлайсан? Мен ҳам... тери-пери олмайман. Етарлича олдим. Қандай қилиб олиб кетаман — билмадим.

— Мен сенга тери тиқишириаяпманни ёки жунни зўрлаб ўтказмоқдаманми? Ҳозир бир нарса кўрсатаман — кўзинг ўйнайди.

Фрада, барибир, Фрада-да.

Чиндан ҳам Утананинг кўзлари ўйнаб кетди. Фрада намат устуга бир ҳовуч феруза тўқди — мовий ранг чақноқ тош эди улар.

— Ёмғир чўлдаги тогларда фақат сариқ фулузни ювиб чиқармайди. — У айёrona кўз қисди. — Бу тошларнинг маънисига ҳамма ҳам етавермайди! Бўлмагур нарса, чиройли шагал деб ўйлади. Болалар ўйнашади уларни — кафтида отиб, бармоқлари орасидан туширишади. Форсларда шунақа болалар ўйини борми?

— Ҳаммасини бераман... — Утана қувончини сездирмаслик учун чақнаб турган кўзларини олиб қочди. Ферузани шошиб-пишиб рўмолчага ўради-да, авайлаб қўйнига тиқди. Фрада ёқмайдими? Фрада ёмонми? Нима қилиби! Итларга ем бўлмайдими у, Утана га нима? Ҳаён — ҳаён-да!. Феруза эса — ферузалигича бор.

---

<sup>1</sup> Ҳаён — фойда, даромад (форсча).

Фарб аслзодалари ёкут, зумрад, забаржад, олмос, ақиқ, ферузани хуш күриши уларнинг чақноқлиги ва шаффоғлиги учунгина эмасди. Қимматбаҳо бу тошларнинг сеҳрли қучи бор. Улар одамни кўз тегишидан, киннадан, сеҳр-жодудан, белуштликдан, эрта қаришдан, дардан, илон чақишидан, босқинчилардан, қуруқ туҳматдан ва бўлак бало-оғатдан асрайди.

Мана энди Утанани кўрасиз! Бобилга етиб олса бўлгани... Савдогар бадавлат харидорлар учун сақлаб қўйилган моллар жойланган тойларни очишни хизматкорларга буюриш учун чодирдан чиқди.

Гов-Барува эса Фрадага ўғринча деди:

— Қарасам, ақдли одам экансан. Хурсандман. Сендақалар ҳозир кам топилади. Эҳтимол, яна учрашармиз. Менинг туҳфамни қабул қил.

Чўгир форс шундай деб, синовchan кўзини Фраданинг безовта кўзидан узмай, тош ўрнида тамғача бўлган каҳрабо, сийму зарли йўғон узукни аста узатди. Тамғачада ўргимчаксимон илонизи хоч қорайиб кўриниб турарди. Бу орийларнинг аломати эди.

Фрада, худди вазнини чамалаётгандай, узукни кафтида отиб-отиб кўрди. Сўнг форсга тушунгандамо, тили бир одамдек кўз қисди:

— Хатарли совға, тўғрими?

Иккалови анчагача сукут сақлашди.

— Кўрамиз, — хўрсинди Фрада. — Эҳтимол, учрашармиз. Сенинг совғангни эса ҳозирча мана бу ерга яширамиз. — Утана ферузани қўйнига жойлаганидек, Фрада ҳам узукни юрагига яқин ерга, ёт кўздан нарига жойлади.

\* \* \*

Учинчи кун.

Гов-Барува ташвишда. Утана хавотирда. Нима бўларкин? Тўмруз Курушга хотинликка рози бўлармикан?

ЧУПОН ВА ИЛОН

Одамнинг бармоғи кесилса, у оғриқдан дод солиб йиглайди. Бечорага ёруғ дунёда бундан ортиқ азоб йўқдек туюлади. Бадбахтнинг қўли буткул кесиб ташлангандагина чинакам азоб қанақа бўлишини тушунади.

Шоҳ Куруш Ниссайяга келиб, Раносбатниги жойлашганидан буён гаровга олинган даҳларнинг ҳаёти ададсиз машаққатга айланди. Пилик ўтида ёнгандар ловуллаб турган гулханга ташлангандек бўлди. Шусиз ҳам ёмон эди, энди чидаб бўлмас азобга айланди.

Бу ҳол шоҳ ва унинг аъёнлари келиши билан ҳовлида, ошхонада ва отхонада иш кўпайиб кетганлиги учунгина эмасди. Мажбуран ишлаш — қийноқ, чидаб бўлмас қийноқ эди. Боз устига, назорат ҳам кучайди. Қасрда қаттиққўллик ҳукм суро бошлади. Шафқатсизлик ва ёвузлик қамчи бўлиб ёғилди. Форслар фитначилардан ҳамда хуфия қотиллардан қўрқишаради.

Авваллари гаровгонларга қалъя ичидагемалол юриш, девор ёнида тўп бўлиб туриш, ташқаридагордиқ чиқариш тақиқланмаганди. Дарвозадан ташқарига чиқиб кетмаса бас. Ҳозир уларнинг устидан назорат юритиш учун Мехр-Бедод кўйилган. Ҳоргин мусофирининг бошига қора булат тўпланганидек, кишиларнинг тепасида ҳақ деб туриб оларди-да, дашт кишиларига ўз ихтиёrlарича бир қадам қўйишга йўл бермасди.

Молни молхонадан ҳайдаб чиққандек, даҳларни эрталаб бадбўй омборхонадан ҳайдаб чиқиб, тиззаси қалтирагунча, бели сингудек оғригунча, қўли бежон бўлиб, ақлдан озгунча ишлашга мажбур этишар, кечқурун эса яна ўша ифлос омборхонага ҳайдаб келишарди.

Тўғри, Раносбат койиганидан кейин назоратчи аввалгидан камроқ айланишар, камроқ тепарди, лекин ўзини янада калондимоғроқ тутар, «ярамас»ларни уришиш, ҳақоратлаш имкониятидан фойдаланмай қолмасди.

Жазирама. Чангтүзон. Дунёга келганидан буён кенгликка, дала шамолига ўрганган даҳлар дим омборхонада бўғилишар, сувсиз қолган гиёҳдек қуриб боришарди. Улар сўлиб, озиттўзиб кетишиди, ранглари заъфарон тус олди. Уларни пашшаталар, бит ва бурга тинкасини қуритарди. Боз устига, форслар бандиларни кунда кўнгилни оздирадиган сўкоши билан боқишаради.

Одамлар тинмай боши оғриётганидан, мадорсизликдан, кўнгил беҳузурлигидан, кўз оғрифидан шикоят қилишарди. Эрксизлик киши бошига итнинг кунини соларди. Эрксизлик ҳисси эса ҳар қанақа касалдан бадтар эди.

— Нима учун? — Гадат тунлари алам ва фазабдан инграрди. — Наҳот «қобирғалар» мудом бўғзимиизга кўндаланг тиқилиб тураверса?

Гаровгонлар эшакқурт босган чирик бўйра устида айқаш-уйқаш ётишар, тушларида алаҳсирашар, инграпанишар, додлашар, тишларини фижирлатишарди.

— Сабр қил, — кўниктирмоқчи бўларди Гадатни уларнинг каттаси. — Вақти келиб форслар бамисоли чангдек тарқалиб кетади. Мадлар ҳам бу ерда ҳаддан ошганликларини кўрганман. Қани энди улар? Саклар, даҳлар, парталар, варканлар бир мушт бўлиб, мадларга шунақанги зарба бериб дабдала қилишдики, улардан бир уюм ахлатгина қолди! Бизларнинг қўзголонимиздан кейин мадларнинг куч-куввати қирқилгани учун ҳам Куруш Иштувегуни маҳв эта олди. Жаҳонни ларзага солишганди, энди ўзлари форсларнинг қули бўлиб юришибди. Шошма. Форсларнинг бошига ҳам шу кун тушади.

— Тушармикан?

— Тушиши муқаррар! Ёвузлик жазосиз қолмайди. Асло. Киши ёвузлик қилдими, ўз бошига бало ёғдиради. Кимнингдир нафрати уни қадам-бақадам таъқиб қилиб юради. Эртами-кечми у кўксига ёки курагига оғу билан сугорилган ўқдек бўлиб қадалади. Зўравонлар бекорга кучига ишонишади — кўнглига озор етказилганларнинг ўчидан қочиб кутулиб бўлмайди. Жабр-зулм золимнинг ўзига ҳалокат келтиради. Кушкўнмасни еган унинг тиканини ҳам ейишга мажбур бўлади. Шунаقا, ўғлим!

— Шунаقا дейсизми? Унда нега одамлар бир-бирига азоб беришади? Мана, сиз, саҳройи, оддий одамсиз. Шунга қарамасдан, ҳаёт ҳақида соғлом фикрлайсиз. Шоҳ эса — ахир уни гўдаклигидан донишмандлар тарбиялашган-у! Яхши нимаю ёмон нима эканлигини у сиздан яхшироқ тушуниши даркор-ку.

Нима учун у сўкир буқадек ўзини бузук йўлга уради? Бу йўл бошқаларни қаерга олиб борганини у малъун кўрган, эшитган-ку?

Ҳамсұхбати кулимсиради.

— Биз ҳозир камситилганимиз, тоғдек зил юк остида қолганимиз учун шунаقا ақдлимиз. Юқорига чиқиб олсан, бошимиз айланиб, ақлдан мосуво бўламиш!

— Йўқ, мен ўзгармайман...

— Майли. Шоҳ бўлганингда кўрамиз. Ҳукмдорларнинг мусибати нимада? Уларнинг наслидан ҳар бири ўзини аввалги ҳукмдордан минг чандон ақлли, чаққон, муғомбир, баҳтиёр ҳисоблайди. У арши аълога кўтарила олмаган экан, мен кўтарилеман. Менинг омадим, албатта, келади, деб ўйлади. Бошига қилич келиб тушганда тавба қилишга кеч бўлади; тавба қиласидаган жойи қолмайди ҳам.

— Демак, шоҳлар аҳмоқ бўларкан-да?

— Қани энди, фақат аҳмоққина бўлса... Аҳмоқни, эҳтимол, кечирса бўлар, чунки у аҳмоқ бўлгани учун қанақа қабиҳлик қилаётганини билмайди. Лекин улар орасида аҳмоғи кам топилади! Ақлли у золим, айёр.

Кел-э, дейди у, тақдир мени арши аълога олиб чиқсан экан, кўнглимни овлайнин, бирвларни миниб юрайин. Ҳокимиятдан бир лаззатланайин. Бирвларнинг кўз ёши эвазига роҳат қилайин. Киши бир марта дунёга келади, барибир ўлиб кетамиз, дейди. Бунақасини аҳмоқ эмас, жоҳил, муттаҳам, ўғри, хавфли жиноятчи дейиш керак. Уларни халойиқнинг кўзи олдида гулханга ташлаш, чигирткадек ёқиб юбориш даркор.

— Қириб ташлаш лозим! Менга эса, сабр қил, дейсиз. Бугун Мехр-Бедодни суюк-пуюги билан ғажиб ташлаган бўлардим.

— Мехр-Бедод ким бўлибди? Аянчли бир новда, зигирдек бадбўй бир нарса-да. Мана буни аҳмоқ деса бўлади. Меваси заҳарли дарахтни тагидан кесиш, илдизи билан кўпориш керак. Вақти-соати келса, кесамиз ҳам, кўпорамиз ҳам. Лекин ҳали вақти-соати келмади. Довул кўтарилиб, танасини букса, ўшанда кўпориб ташлаймиз.

— Қачон кўтарилади ўша довул?

— Қачонлардир кўтарилар. Эҳтимол, тезда юз берар. Ҳар қандай разолату қабоғатнинг ҳам охири бўлади.

\* \* \*

— Күнмадими? — Куруш пичноини қайраб турган тошни қўлидан тушириб юборди.

Олдида, ўтлоқча устида ҳозиргина арқон ташлаб тутилган ёввойи урғочи эшак-мочаҳар қўл-оёғи боғлиқ ётарди.

Жонивор силлиқ бошини кўтариб ташлар, тушовдан халос бўлишга, туришга интилиб, қўл-оёғини типирлатарди. Таранг терисида майда титроқ турган, калта ва майин туки қуёш нурида товланарди.

Мочаҳар шафқат сўрагандай ақдли ва маъюс кўзларини кишиларга тикди.

У мислсиз қўркам бўлиб, хушбичим оху чиройда қорни осилган сигирдан устун турганидек, ўзининг хонакилаштирилган қариндошидан анча гўзал эди.

Шоҳ уч кундан бўён тог этакларида шикор қиласиди. Аранхадан қайтган элчилар ҳукмдорни шу ердан, қовжираб ётган дараҳтлар орасидаги пастқамликдан, қари чинор ёнидан топишди.

— Нечун... кўнмади? — Курушнинг юзи, шаппатилаб ташлангандек, хом гўшт рангидаги нотекис дое билан қопланди.

Гов-Барува оғзини очмади. Қовоғи солиқ айён касал бойқуш мисол, чинорнинг йўғон илдизи устида ўтиради.

Савол-жавоб Утана билан бўлаётганди.

— Учинчи куни нонушта зиёфатидан сўнг кўчманчилар кўнглимизни ола бошлишди. Ҳар ким Курушнинг элчиларига яхши сўзлар айтиб, эзгу иш қилгиси келарди. Гов-Барува қараса, кўтариинки руҳдаги саклар муҳим гапга тайёрга ўхшайди. Үрнидан турди. Шунда бехос оқ кигизнинг четини босиб олди. Уларда оқ кигиз — олий ҳокимият аломати. Мен Гов-Барувага «оёғингни торт», дегандек имо қилдим. Тушунмади. Саклар хўмрайиб олишиди. Шу тариқа, бир оёғини оқ кигизга қўйган ҳолда, Гов-Барува сенинг истагингни эълон қилди.

— «Кигиз, кигиз!» — қизишибди Гов-Барува. — Оқ кигизнинг бунга қандай алоқаси бор?

— Иш шундан пачава бўлди-да!

— Бекор гап!

— Кейин-чи? — Шоҳ қайроқ тошни ердан олди-да, бир қўлида пичноқ, бир қўлида қайроқ тош билан Утанани тинглашда давом этди.

— Саклар ҳайрон бўлишди, уларга шум хабар келтиришгандек, сукутга чўмишди. Анчагача бир-бирлари билан кўз уриш-

тириб, жим туришди. Иш бунақасига айланишини кутишмаган күринади.

«Нима жавоб берасан, доно синглим?» — деб сўради Гов-Барува.

«Нима ҳам дердим, — зарда қилди Тўмруз. — Ёмон бир бека уч кун давомида оқ кигизни ҳафсала билан ювибди, учинчи куни, кигиз жуда тоза бўлай деганда, бефаросатлик қилиб, қоракуяни қалин суртибди... — Шундай деб Тўмruz Гов-Баруванинг этигига қиё боқди. У хатосини англаб, оёгини олди. Бироқ фишт қолипдан кўчганди. — Сиз форслар нодонлик қилиб, — давом эттирди Тўмruz, — яхши бораётган ишнинг оқ кигизини ножўя сўзлар қоракуяси билан бўядингиз. Менинг Курушга хотин бўлишим ақлга тўғри келадиган ишми?»

«Нечун ақлга тўғри келмасин, — эътиroz билдириди Гов-Барува. — Қовушсангиз, биз шу қадар муваффақият билан боғланган дўстлигимиз сакларнинг биринчидек мустаҳкам бўлади. Қариндошлик риштасидан-да пишиқ ришта бўлмайди».

«Доим ҳам эмас, — таъкидлари Тўмruz. — Қариндошлик ришталари доим ҳам пишиқ-пухта бўлавермайди. Бироқ, майли, сизнинг айтганингиз бўлақолсин. Дўстлашиш йўлида мен шаҳаншоҳ билан қариндош бўлишга ҳозироқ розиман. Аммо бунинг учун мен билан Куруш бир ёстиқقا бош кўйишимиз шартми? У кексайиб қолган. Мен ҳам ёш эмасман. Боз устига, мен бир эрдан кутулиб, бошқа эрга тегишга сўлагини оқизиб шошиладиган енгилтак хотинлардан эмасман. Аёл киши ўзининг эркак учун эрмаккина эмас, унинг фарзандларининг онаси ҳам эканлигини тушунмоғи даркор. У кумтепалар оралаб изғиб юрган урғочи кўппак эмас — одам. Мен Оқ отанинг вафодор хотини, Спаргапанинг эса меҳрибон онаси эдим ва шундай бўлиб қоламан. Сўнгги нафасимгача шундай бўлиб қолавераман. Куруш билан эса, қариндош бўлишимиз мумкин, — жилмайди маккор аёл. — Менда ўғил — Спаргапа, унда эса қиз — Хутауса бор. Турмуш қуриш шуларга ярашади. Уларни қовуштириб қўйсак, саклар билан форслар қариндошлик ришталари ила боғланган бўлади».

— Кейин-чи? — Куруш бош бармоғини пичоқнинг тигига теккизди.

— Гов-Барува ўзини йўқотиб қўйди. Қурбонинг бўлай, биродарим Гов-Барува! Жаҳлинг чиқмасин-у, дастлаб гангиг қолдинг. Лекин дарҳол ўзини ўнглаб олди-да, унга жавоб берди:

— «Гўзал товус»нинг боши оғаси Камбужига боғланган, шу боис ўғлинг унга уйлана олмайди».

—... Шунақами? — тундлик билан илжайди Тўмруз. — Сиз, форслар, донишманд ҳалқиз. Лекин билиб қўйингки, бошқалар ақлда сизлардан қолишимайдилар. Шарқ одатларидан хабардорликда «итлар» «қобирғалардан» кам эмас. Шарқда ё аввалги подшо қизининг ўғли, ёки қизининг эри қонуний шоҳ ҳисобланади. Шундай эмасми? Шу боис «Гўзал товус» — Хутаусани менинг ўғлимга беришни истамайсизлар, чунки берсангиз, Курушдан сўнг Спаргала Форс ҳукмдори бўлиб қолади-да! Куруш бунга рози бўлармиди? Худо асрасин. Яххиси Хутаусани акасига хотин қилиб берсин-да, шоҳ ҳокимияти ҳам Камбужига қолсин. «Ювуқсиз сак хотин»га уйланишдан эса (қаердан ҳам эшита қолибди?) Куруш ҳазар қилмайди. Тўмрузнинг эри бўлгач, ўша одатга кўра, сакларнинг ерига, сакларнинг пода-уюрига тўлиқ эга бўлади-қолади. Шундай эмасми, муҳтарам меҳмонлар? Мен — аёлман. Ип йигириб ўтиришга ўргангандман. Қанчалик маккорлик билан туғилган бўлмасин, ҳар қанақа тугунни еча оламан...

— Шундай деб, Тўмруз кулиб юборди. Унинг кулгусида кўлвор илоннинг тилидагидан-да кўпроқ заҳар бор эди, — хўрсинди Утана.

— Кейин-чи? — пичоқни қайроқтош юзидан қаттиқ ғижирлатиб юргизаркан, тишлари орасидан базўр ситиб чиқарди Куруш бу сўзларни.

— Кейинми? Улар бизнинг тухфаларни қайтариб беришли, биз эса уларникини қайтариб бердик. Йиғиштиридик. Хайрхўшлашдик. Кетдик. Бошқа иш қолмаганди.

— Сен молингни қайтариб олдингми?

— Мол — тухфа эмас, унинг учун тўловини олдим.

— Хўш. Кейин-чи?

— Кетаётганимизда Тўмруз айтдики: «Агар сизлар, Айрана фарзандлари, биз билан чиндан ҳам, ҳеч қандай яширин ниятларсиз, тинч-тотув ва дўст бўлиб яшашни истасангиз, қалбимиз сизларга доим очиқ. Бироқ агар ниятингиз бу ердан мўмай даромад олиш, кўлингизга киритган кўплаб бошқа мамлакатлар сингари бизнинг ҳам мамлакатни қўлга киритиш бўлса, кетинглар-да, бошқа келманлар. Кўздан буткул йўқолинглар! Бошингиз кенг, курагингиз тор бўлсин. Келаётган изингизни эмас, кетаётган изингизни қўрайлилк. Туронликларга форс эрлар ҳам, форс келинлар ҳам керак эмас. Биз, саклар, ўз ишимишни ўзимиз уддалаймиз. Курушга бориб, шуларни айтинг. Куёв эмиш! Иштуве-

гунинг қизлари ва юзлаб канизаклар унга камлик қилиб, менга, бир бечора дашт аёлига уйлангиси келиб қолибдими? Ҳайр». У бизларни кузатиб борди-да, камида ўн бор: «Иш бунақасига айланганидан афсусдаман. Келинглар, тинч-тотув яшайлик», — деди.

— Кўрқиб кетдими? Рад этди-ю — кўрқиб кетдими? — заҳарханда қилиб билан сўради шоҳ.

— Йў-ўқ, давлатпаноҳ. Кўрқсанга ўхшамади. Афтидан, ўртамиздаги алоқа йўлга қўйилмасдан туриб, узилганига чиндан ачинган кўринади.

Шоҳ ўзини қўярга жой тополмай, товони билан қуруқшаган ерни эзғилаб, кескин қайрила туриб, кенг тўнининг барини силкитиб юра бошлади.

Асл тулпорнинг учиб кетаётган ўқдек равон юришига ўрганган одам қоқсуюк йўртоқи отта миниб, унинг йўртишига чидай олмайди.

Юмшоқ буғдой нонга ўрганган оғизни сули унидан ёпилган қоқ нон йиртади.

Бир умр бошқаларни савалаб, ўзи хивичнинг ҳам зарбасини емаган киши тўсатдан тушган калтак зарбини доим дарра еб юрган одамга нисбатан минг карра оғирроқ кўтаради.

Тўмруз кимга турмушга чиқишни рад этди? Шаҳаншоҳнинг ўзига-я.

Орийнинг нигоҳи Ниссайянинг ҳали сарғиш чанг пардаси тўスマған зангори осмонига қадалди.

Қорақум ва тоғлар оша жанубга тикилди.

Араб денгизи яқинида бир маромда чайқалиб турган нахллар<sup>1</sup> орасидан ярқ этиб ўтди.

Ўриш-арқоқ бўлиб ётган Тиглат<sup>2</sup> ва Пураттунинг ложувард нақшини тилиб ўтди.

Кичик Осиё устидан ўтди.

Денгиз соҳилидаги юонон ибодатхоналарининг оқ устуналари узра чарх уриб, қоядор Қибрисга, Фаластииннинг жазирама соҳилига этиб борди ва бир лаҳзада оламнинг ярмини кезиб чиқиб, яна Ниссайя ёқалаб шимоли-шарқقا, Аранха тарафга қайтди.

Ва ўша ерда, сакларнинг тўқима қалқонига дуч келиб, ерга тушди.

<sup>1</sup> Нахл — пальма дарахти.

<sup>2</sup> Тиглат — Дажла дарёси.

Олис ва яқин денгизлар оралиғидаги улкан маконда — әкинзорларда, кулол чархи устида, тұқув дастгоҳлари бошида, сандонлар ёнида, балиқчилар түріни тортиб әгилган минг-минглаб қоматлар ва водийлар тилимлаб ташлаган ушбу тоғлиқ, дүңг мақоннинг ўзи ҳам шоҳнинг назаридә қамчиларнинг изи қолған, Курушнинг метин товоңлари остида мутелик билан әгилган, мәхнатдан толиққан улкан ориқ ва серпай ягона қомат бўлиб кўринди.

Кимдир жасорат кўрсатиб, «орий мардлар» шаънига биронта номаъқул сўз айтиб кўрсин-чи, зобитлар шу ондаёқ қуролга ёпишишарди.

Исёнчиларнинг ўрдуси бамисоли қаттиқ зилзилада вайрон бўлгандек, харобага айланарди. Кўчалар ўрнида мозористон, хонадонлар ўрнида қабрлар ҳосил бўларди. Найза ёки шамшир тутишга қодир эркаклар бошидан жудо этилар, аёлларни эса, номусига тегиб, кул қилиб олиб кетишарди. Ўлдирилган қарияларни хокитуроб қилиб, болалар йўл азобига чидай олмаслигини инобатга олиб, гурас-гурас қилиб ўтда ёкишарди.

Кечагина ҳаёт жўш уриб турган шаҳар ўрнида бугун сокин харобазор ястаниб ётибди. Бузилган девор тагида жазирама тушпайти пода дам олмоқда. Ағдарилган устунлар пойида совуқ тунларда жайралар найза отади. Калла суюгидаги кўз ўрни мисол деразалар ўрни ярим кечада гуссага ботгандек кўринади, шамол увиллаб, фувиллайди.

Яқиндагина гавжум бўлган шаҳар харобаларига тасодифан бориб қолган йўловчи япалоққуш инграшини, сор чангалига тушган товушқоннинг чийиллашини чўчинқираф тинглар, янтоққа, синиқ фиштга боқиб, қўлларини ёяр ва ҳайратдан хуштак чалиб юборарди.

Форсларнинг ҳокимияти шунаقا эди, жаҳон у билан ҳисоблашарди.

Қатиқ ва қўй жуни ҳиди анқиб турган бу сак аёли эса...

Куруш ўспиринлигига қувноқлиги ва кулағонлиги билан ажралиб турарди. Улғайгани ва қартайгани сайин Гахаман наслининг лаби кулгига тобора кам очиладиган ва ғазабдан тобора кўп буралиб кетадиган бўлиб қолди.

Ҳар бир сафардан сўнг шоҳ ҳазинасига олиб келиб тўкилаётган сийму зар, гавҳару лаъллар уюми гўё шоҳ кўзининг нурини ютиб, унга совуқлик баҳш этаётгандек эди.

Шунга қарамай, шоҳ ўғли ва вориси — қутурган Камбужининг акси ўлароқ, қоплон, йўлбарс ва бошқа мушуксимонлардан фарқли равишда, ўлжасини пистирмадан сакраб эмас, балки шиддат билан қувиб бориб маҳв этадиган, оёқлари итники каби узун, йирик олачипор мушук — юзни<sup>1</sup> занжирда тутишганидек, доим газабини жиловлашга ҳаракат қиласади.

Шу боис ҳукмдорнинг лабларидан учган бўғик фарёд бу ерда ҳозир бўлганларни ҳайратга солди — нафақат ҳайратга, балки даҳшатга солди:

— Мо-ча-ха-а-ар!

Юз занжирни узиб, эркинликка чиқди.

Қўл жангидан толиққан кишидек хириллаб, тез-тез нафас олаётган шоҳ ўтлок ўртасида тўхтади, пичноқ ва қайроқтош тутган кўлларини орқасига қилиб, ҳорғин буқчайди. Бўйини тас-қарасимон буриб, тун қушининг қуёш нури тушганда ҳаракатсиз қотадиган кўзлари каби, бемаъни назар билан аъёнларини аста кўздан кечирди.

«Ақлдан озган», — хаёлидан ўтказди Утана миясигача муз югуриб.

— Яхши гапга кўнмас эканми? — Куруш ёввойи мочахарнинг қорнига газаб билан тепди. Моча питирлай бошлади. — У ҳолда кучимга бўйсунади! Хотиним бўлишни истамаяптими? Унда найзамнинг зарбини татиб кўради!

У яна мочахарнинг таранг қорнига тепди.

— Ўн кунга қолмай қўшинимни Аранха томон суриб бораман. Навуҳудоносор яхудийларнинг бошига солганидан-да қаттикроқ кунларни бу дайди саклар — итларнинг бошига соламан...

Шоҳ мочахарнинг қорнига яна тепди.

— Кўзларидан ёш эмас, қон оқизаман! Форслар қиличининг кескирлигини ўз бўйинларида синаб қўришсин.

Шу чоққача чинорнинг сояси ортида миқ этмай ўтирган малла аъён, қош қорайиши билан овга чорлаётган жиндошининг чақиригини эшигтан бойўғли сингари, бир силкиниб, жонланди. Урушми? Дуруст.

Лекин Куруш шу он газабини Гов-Барувага ёғдира бошлади:

— Сен! Ишни пачава қилган — сен! Ўша аҳмоқона наматни босиб, умуман шу ишни бошлаб, расво қилдинг! Шу аҳмоқона совчиликка вақт сарфлаш керакмиди? Дарҳол юриш қилиш ке-

<sup>1</sup> Юз — қоплонсимонлар оиласига кирувчи йириқч ҳайвон.

рак эди, шунда Тұмруз саройимнинг ташқари ҳовлисида идиштовоқ ювиб юрган бўларди.

— Баҳона-чи? — қовоғини уйиб эътиroz билдириди Барува. — Шунчаки, бесабаб муштлашиш нокулай. Ҳар хил маллар ва сфердлар, ҳар қанақа парфияликлар ва арманлар Куруш золим, Куруш босқинчи, деб дунёга жар солишади!.. Қани, оғзини ёлиб кўринг-чи уларнинг. Бузгунчилар билан пачакилашишга шундай ҳам кўп кучимиз кетмоқда.

— Ҳа, ҳм. Бу — рост гап, — минғирлади Куруш тинчланиб. — Сен доимгидек ҳақсан, биродарим Гов-Барува. Баҳона зарур.

«Босқинчи гапни чўзмасдан талайди, — ҳоргинлик билан ўйлади Утана. — Карвонга ҳужум қилидими, бас, борингни гапсўзсиз берасан. Бу эса, — савдогар шоҳга зимдан қаради, — ўша босқинчининг ўзи, фақат йирикроғи. Лекин, қара-я, талон-торож қилиш учун унга баҳона керакмиш. — Сўнг у кутилмаганда шундай холосага келди: — Ҳатто, қудратли Курушнинг ўзи ҳам, ичини ит тирнаса-да, мослашишга мажбурми, демак, кишилардаadolатта ишонч кучли экан. Бироқ қани ўшаadolат? Бизда у йўқ. Агарadolат чиндан ҳам қаердадир бўлса, уни... Аранҳа сакларидан излаш даркор».

Ушбу тахминидан ўзи ҳайратга тушган Утана чукур ўйга толди.

— Ҳа, ҳа! Уруш учун баҳона зарур, — такрорлади Куруш, гўё бу фикрни унга аъёни айтмаган-у, бу муҳим фикрни ўзи дунёга келтиргандек, бағоят ишонч билан. — Баҳона ҳам топилди! Чопарлар давлатимизнинг ҳамма тарафига бориб, саклар маликаси, кутурган Тўмруз...га зид ўлароқ... истамаганини, бинобарин, унинг товушини ўчириш зарурлигини... хабар қилишсин...

— Ўз ҳалқининг истагига қарши, — шипшиди Гов-Барува.

— Ўз ҳалқининг истагига қарши, — тундлик билан давом эттириди Куруш, — биз билан... биз билан... унинг товушини...

— Дўстона алоқалар... — пицирлаб деди Гов-Барува.

— Биз билан дўстона алоқа ўрнатишни истамади, шу боис унинг бошини...

— Шаҳаншоҳнинг яхши ниятлари устидан шаккоклик билан кулиб, — янги фикрни қистирди Гов-Барува, — шаҳаншоҳни қаттиқ ҳақорат қилиди...

— Ҳа! ... устидан кулиб... ва унинг овози...

— Шу боис қайсар Тўмрузни қаттиқ жазолаш зарур! — дона-дона қилиб деди Гов-Барува.

Шоҳ қўлини чўзиб, маслаҳатчиси ҳар бир сўзни айтганда пичоқни таҳдиднамо силтарди.

— Айни гап! — қаҳр билан илжайди Куруш ва Гов-Барувага матьқуллаганнамо имо қилди. Улар бир-бирини яхши тушунишарди. — Жазоламоқ даркор! Сен нима дейсан, Виштасп?

Шоҳ чинор илдизига ўтириди-да, яна шошилмай, ҳафсала билан, хуштак чалган ҳолда, пичоқнинг гоҳ у дамини, гоҳ бу дамини тошга уриб қайрай бошлади.

Визж-виз. Визж-виз. Визж-виз!

Оч ҳаворанг темирга тушган қуёш нуридан ҳосил бўлган шуъла, гўё кимдир дам бир кўзини, дам иккинчи кўзини очиб-юмгандек, гоҳ шоҳнинг ўнг томонида, гоҳ чап томонида ўйнарди.

«Ёввойи от эгаси» ёки «жанговар отлар эгаси» матьносини билдирувчи исм эгаси — Виштасп Курушга амакивачча жиян эди.

«Мен амакимни барча жанговар ишларида қўллаб-қувватлайман. Фахрли ва фавқулодда даромадли сатраплик мансабини қадрлаганим учунгина эмас. Мен Зардуштнинг амрларини фикран ва амалан оғишмай адо этиб келаётган ҳақиқий ҳукмдор сифатида ҳамсоялар билан уруш қилиш ва уларни талашни худога хуш келадиган иш деб ҳисоблайман. Мен жаҳондаги отларимиз туёфи етадиган барча мамлакатларда форс шамшири тўлиқ фалаба қозонишини туну кун орзу қиласман».

Виштаспнинг фоят маҳфий онгининг энг олис пучмоқларига яширилган муқаддас орзуси ҳам бўлиб, уни рӯёбга чиқариш учун Курушни атайлаб хавфли уруш йўлига сездирмай бошларди.

«Ахоманийлар» деб аталмиш шоҳлар сулоласини форсларнинг пасаргал уруғи сардори Гахаман бошлаб берган.

Унинг яккаю ёлғиз ўғли Чишишидан уч ўғил — Куруш Биринчи, Камбужи Биринчи ва Ариярамна қолди.

Куруш Биринчи — Кир I дан насл қолмади.

Камбужи Биринчи ва Ариярамнадан бошлаб уруғ катта ва кичик наслга бўлинди.

Катта наслга Камбужи Биринчининг ўғли — Иштувегу ва Крезни мағлуб этган Куруш Иккинчи киради.

Кичик наслга эса Ариярамнанинг ўғли Варшам ва Варшамнинг ўғли Виштасп киради.

Гахаман авлодларининг катта насли тез ва тўхтовсиз тугаб борди. «Ёввойи от эгаси» «олий» хонадоннинг таназзулини Худонинг жазоси деб ҳисобларди. Айтишларича, Куруш Биринчи ҳокимият учун курашиб, Зардуштнинг вориси Спантаманани қабиҳларча ўлдирган.

Виштасп тахминича, олис ўтмишдаги гуноҳи кабира учун энди ўша шаккокнинг исми билан аталган Куруш Иккинчи жазо тортмоқда эди.

Бундан ташқари, эҳтимол, айнан шунинг учундир? — катта наслни оила ичидаги никоҳ ҳам қуритиб юборди. Бу ишларнинг бари бойлик бўлинмасин, бошқаларнинг қўлига ўтиб кетмасин, тож бошқаларга тегмасин, деб қизларни ташқаридагиларга бермаслик учун қилинганди.

Воажаб, Иштувегунинг қизи Мандананинг ўғли Куруш Иккинчи ўзининг холаси, Иштувегунинг бошқа қизи Хамитага уйланганди. Қарангки, Худо уларга фарзанд ато этди! Юзи қаро Анҳромана ҳомила пайдо бўлишига кўмаклашган кўринади — дунё дунё бўлиб бундай нокасларни асти кўрмаганди.

Тўнғич ўғли — Камбужи Иккинчи — ақлдан озган, жоҳил золим, ашаддий йиртқич.

Кенжা ўғли — Арманистон, Сфарда ва қадусияликлар мамлакати сатрапи, ақли ноқис, шунга қарамай, Айрананинг бўшамаган тахти учун биродари билан қирпичноқ бўлаётган ландовур Бардия.

Қизи Хутауса — йиртқич ширинтомоқ, ўта ахлоқсиз, шаллақи, қутурганида ҳеч ким бас кела олмайдиган балойи азим.

Ақлдан озган Камбужини жинни синглиси Хутаусага уйлантириб қўйилса, улардан қанақа маҳлуқ пайдо бўлиши мумкин? Бу «Гўзал товус»дан уч бошли аждаҳогина дунёга келиши мумкин.

Ургунинг кичик насли эса туп қўйиб, палак ёзиб ётиби.

Ахурамаздага шукрлар бўлсинки, Виштаспнинг падари ҳозир ҳам соғ-омон, боз устига меҳрибон Худо «Ёввойи от эгаси»га тақвдорлиги учун гўзал, бақувват ва оқил ўғил фарзанд ато этди.

Урушми? Дуруст. Агар Куруш саклар билан чинакамига урушшиб қолса (Худо шу кунларга етказсан!), сафарга чиқса (Худо хоҳласа!) ва урушда ўлиб кетса (Худо хоҳласа!!!), ичига жин кириб олган Камбужи таҳтда узоқ ўтирмайди<sup>1</sup>. Ёвуз руҳ уни йўқликтининг зимистон горига тортиб кетади, шунда Айрана тахтини Виштаспнинг ўғли, ёш, ғайратли шоҳ — Дарёвуш эгаллайди.

<sup>1</sup> Камбиз (Камбужи) отасининг ўлимидан сўнг биродари Бардияни қатл этган. Унинг саккиз йиллик ҳукмдорлиги даври алоҳида шафқатсизлиги билан ажралиб туради; Эронда қўзғолон кўтарилган; Мисрдан уйга қайтишда Камбиз «ўз-ўзидан ўлган» — афтидан ўзини ўзи ўлдирган; Кирнинг қизи — Хутауса (Атосса) кетма-кет Камбизга, исёнчилар раҳбари Гауматага, янги шоҳ Дарёвушга (Доро II Гистаспга) хотин бўлган; у машҳур Ксеркснинг онаси.

— Ҳақиқатан ҳам! Тұмрузни жазоламоқ даркор, — виқор билан бosh иргади сатрап. — Мұқаддас Яснада: «Коғиғра сүзи, фикри ёки құли билан ёмөнлик қылса, у Ахурамазданинг истаги ҳамда унинг марҳамати билан иш тутган бўлади», — дейилган.

— Ҳа, ҳа! — Визж-виз. Визж-виз. — Тасанно, Виштасп! Ҳудхуд каби доносан. Сен-чи, дўстим Раносбат? Сен нима дейсан?

Утана Раносбатга нафрат билан кўз қирини ташлаганди, у ҳам худди шу тариқа қараб турганини кўрди. Бу икки форс биринчи учрашувдаёқ дарҳол бир-бирини ёмон кўриб қолишиганди. Ҳамма гап... қошдан бошланди. Шу пайтгача униси ҳам, буниси ҳам ўзиникидан қуюқроқ қош бутун Айранада бошқа ҳеч кимда йўқ, деб юришарди ва ўзининг ажойиб бароқ қоши билан беқиёс фахрланишарди. Кутилмаганди рақиб пайдо бўлиб қолди.

Тўгри, улар ўртасидаги киннинг сабабчиси фақат қош эмасди. Қувноқ ва кўнгли кенг савдогар жоҳиллиги ҳамда қўполлиги учун «жангари»ни ёмон кўрарди, шафқатсиз қиличбоз эса нозик, мугамбир «савдогарча»ни ақлли ва назокатли бўлгани учун кўрарга кўзи йўқ эди.

Раносбат чалиширилган йўғон оёқларини ёзди-да, чўк тушиб, катта кафтини ерга тираганди, мункиб кетиб, шағалга пешонаси билан шунақанги урилди-ки, уни майдалаб юборди.

— Мен оддий одамман, валинеъмат! «Раносбат, сакларни сўй!» — десангиз, сўяман. «Раносбат, сакларни тўма қил!» — десангиз, улар хоҳ қовурилган бўлсин, хоҳ хом бўлсин, ейман. Суяқ-пуягию ичак-човоғи билан еб юбораман. Томоғимга тиқилиб қолмайди.

Раносбат бўлакча фикрлай олармиди?!

«Айрана — жаҳондаги энг буюк давлат. Буюк Айрана урушлар туфайли бино бўлган. Айрана форслар қуроли кучи билан оёқда турибди.

Бироқ мамлакатда умргузаронлик қилаётган бошқа халқлар билан қиёслаганда, биз, асл форслар, жуда қаммиз. Сув тўла қозонда ўн томчимиз, холос. Бир уюм қум-шағал ичиди бир ҳовуч ферузамиз. Шу боис ҳам шоҳ бизни ферузадек қадрлайди.

Бизни қасрлар, йўллар, қалъалар қуришга ҳайдаб боришмайди. Бу ишлар — забунлар қисмати. Биз дуд босган устахоналарда озиб-тўзмаймиз. Бу ҳам мағлублар қисмати. Солиқ тўламаймиз. Енгилганлар қисмати бу ҳам. Башарти, биз далаларда,

боғларда, яйловларда меҳнат қилсак, ўз уруғ-жамоамиз учун меҳнат қилган бўламиз. Бир бурда нонни кетмону омочдан ҳам кўпроқ қилич ва найза кучи билан топамиз. Бизлар — ҳарб кишисимиз. Бизни урушлар учун асраб қўйишади.

Деярли ҳар бир форс ё шоҳ ҳузурида, ёки унинг маслаҳатчилиари, ёхуд сатраплар ҳузурида ва ё жанговар сарҳадларда, ёки бутун мамлакат бўйлаб ёйилиб ётган лашкаргоҳда хизмат қиласди. Уруш олиб борилса, ўлжа ҳам, нон ҳам қўлга киритилади. Уруш бўлмаса, ўлжа ҳам, нон ҳам бўлмайди. Бинобарин, ҳар бир форснинг шахсий фаровонлиги тўғридан-тўғри урушга боғлик. Урушми? Дуруст».

Визж-виз.

Шоҳ ишни тўхтатиб, завқ-шавққа тўлиб бақирди:

— Ҳа! Раносбат, сендан хурсандман. Сен ҳам ҳудхуд каби доносан.

У қаҳр билан Утана томон бурилди:

— Эшитдингми? Ҳукмдорга шундай хизмат қилиш керак. Сен-чи, сен бу иш ҳақида нима деб ўйлайсан, биродарим Утана?

Савдогар пастки лабининг ўнг томонини тишлади-да, одатига кўра, қошини қаший бошлади.

— Демак, урушми? — сўради у бўшашиб.

— Уруш! — қичқирди Куруш Утананинг шубҳа ва эътиrozларини олдиндан бир чеккага суриб қўйиб.

Ҳаяжон ва қаҳр-ғазабдан шоҳнинг томонги қуриб қолганидан, ахоманийнинг овози бўғзидан инсонга хос бўлмаган қаттиқ ва қуруқ хириллаш билан, қарғанинг қафиллаши сингари чиқди.

— Афсус, — хўрсинди Утана. — Турон билан муносабатни урушсиз йўлга қўйиб бўлмайдими? Кўчманчилар билан савдо қилиш фойдали экан — мен бунга ишонч ҳосил қилдим.

— Сен фақат ўзингнинг фойданг ҳақида ўйлайсан! — қизишиди Гов-Барува. — Мен Виштаспнинг уйида, сени давлатнинг тақдири ташвишга солмайди, деб аллақачон айтгандим.

— Эҳтимол, у Утанани айрим маҳмадоналардан кўра кўпроқ ташвишлантирас, ҳамсоям Гов-Барува, — жиддий деди Утана. — Сен муборак Варканада: «Мамлакатни саклардан бехатар қилиш керак, улар билан дўстлик ришталарини боғлаш керак», — дегандинг. Шундайми? Дўстлик тўғрисида ташвиш чекаётган эканмиз, саклар билан тенг ҳуқуқли иттифоқ тузсак бўлмайдими? Ҳукмимизни ўtkазишимиз шартми?

— Иттифоқ қуруқ гапдан бўлак нима ҳам берарди? — яна айюҳаннос солди шоҳ. — Менга сакларнинг олтини, ферузаси керак. Тяяларни, отларни ва Мисрга қарши уруш учун сак мергандарини келтиринг менга.

— Турон билан дўстликни мустаҳкамласак, саклар камончиларни ҳам беришади. Олтин, феруза, тия ва отларни эса саклар эҳтиёжманд бўлган молларга хоҳлаганча айирбошлаш мумкин.

— Айирбошлаш, сотиш! — қутурди Куруш. — Аҳмоқона гапларингни эшитиш жонга тегди, биродарим Утана. Лъянати «дўстлик» ва аҳмоқона «савдо» қачон ва қайси мамлакатга бойлик ва шуҳрат келтирибди? Отларни ҳам, олтинни ҳам, ферузани ҳам текинга талаб олиш мумкин бўлгач, бойликни сарфлаб нима қиласиз? Жангда кўп одамдан жудо бўламанми? Нима қилибди? Ахир Аранхага анави сагартлар, даҳлар, варканларни олдимизга солиб борамиз-ку. Ўлса — ўлаверсин! Қонини тўкиб, бизга бойлик келтирса бас. Шунаقا, биродарим Утана. — Визж-виз. Визж-виз. — Ҳақиқий құдрат уруш орқали кўлга киритилади.

— Нечун? — қовоқ уюб эътиroz билдириди Утана. — Мана, Финикия. У нима туфайли кучли? Яхши, кенг йўлга қўйилган савдо туфайли. Дўстлик эса... Яхудийлар ва денгиз бўйи сурёнийларини ўз томонига шамшир билан эмас, дўстлик ва тинчлик ҳақидаги сўзлар билан жалб этганлигини унутдингизми?

Куруш хижолат бўлиб, ноилож Гов-Барувага кўз ташлади.

— У ерда иш бошқача бўлганди! — деди маслаҳатчи. — У пайтда ҳукмдор фарbdаги мамлакатларни Набунаид ҳукмидан озод қилувчи сифатида иш кўрганди. Улар қўлимизда бўлган ҳозирги пайтда... бирон-бир яхудий ғинг деб кўрсин-чи.

— Ана, кўрдингми! — Визж-виз. — Йўқ, Утана. Бизга буюк халқлар устидан ғалабани савдогарларнинг қадоқтоши эмас — кескир шамшир келтириди. Яна кўплаб янги ерларни қадоқтош билан эмас, қилич билан забт этамиз!

— Шарти кетиб, парти қолган Бобил деворлари остида қилич сермаш осон бўлганди! — Утана ғазаб билан овозини баландлатди. У ҳозир ўзига одат бўлган ҳазилларсиз, жилмайишсиз ва юз буришларсиз гапирмоқда эди, шу боис Курушнинг кўзи очилиб, ҳарифининг доноларча ва синчков нигоҳини кўра бошлади. — Ўша ёғ босган, тантик, ялқов мад, бобил, сферд шоҳлари ҳамда амалдорларини маҳв этиш учун форслар қанча куч сарфлаб, жа-

сорат кўрсатгандилар? Улар, сизга қараганда, ўзларининг очяланғоч табааларидан минг бора кўпроқ кўрқар эдилар. Сиз уларни мағлуб этмадингиз — муқаррар ҳалокатдан асраб қолдингиз. Farb кутига ёмон тахланган нон уюмидек ер билан битта бўлди. Сиз эса юриб, кулчаларни териб олдингиз, холос. Саклар-чи? Улар бобилликлар эмас. Улар бойлар ва камбағалларга бўлинмайди. Улар ўзаро жиққамушт бўлишмайди. Улар орасидан жант авжида шоҳ Иштувегуга хиёнат қилган мад аслзодалари сингари хоинларни топишингиз амримаҳол.

— «Унақа бўлмаган» Фрада-чи? — эслатди Гов-Барува.

— «Оқсоқ эшакни деб карвон йўлдан қолмайди». Фрадага ўхшаганлар юз мингтадан битта. Сезиб турибман, унинг иши яхшилик келтирмайди. Даҳшатли ўлим топади, саклар хоинларни аяб ўтиришмайди. Саклар — ёш, аҳил, жисплашган халқ. Уларда киши кишига дўст, биродар. Тилда эмас, амалда ҳам шундай, биродарим Гов-Барува! Уларнинг кудрати ҳам шунда. Мерганлар орасида энг моҳири — саклар. Ўқи бехато тегадиган жангчилар улар. Бундай халқ билан ёвлашиб яшагандан кўра, дўст бўлиб яшаган дуруст. Эй, форслар, ўйлаб кўринглар! Менинг айтганиларимнинг магзини чақинглар. Эҳтиёткорлик — гуноҳ эмас. Мулоҳазакорлик — жиноят эмас. Айтишган-ку: «Олға юурсанг — юургин-у, ортингга ҳам қараб қўй», — деб.

Савдогар жимиб қолди. Унинг аччиқ нутқидаги даҳшатли ҳақиқатдан чўчиган форслар саросима билан бир-бирларига боқишиди.

Гов-Барува ўрнидан сакраб турди.

— Ярамас! Сен ўзинг муртад ва хоинсан! Дўстларим, унга қулоқ солманг! Бизни лақиллатмоқчи бўлаётганини кўрмаяпсизми? Хуфия ниятларининг шалтогини яшириш учун бизни чалғитмоқчи бўляпти! У Тўмруз билан тезда оғиз-бурун ўпишиб кетганини сезгандим. Қаранг-а, унга Тўмruz билан савдо қилиш фойдали эмиш! Сен кўрадиган фойда билан бизнинг нима ишимиз бор, эй ердан чиққан ерқозиқ? Биз буюк Айрананинг фарватини ўйлаб ташвиш тортмоқдамиз. Бу икки оёқли итлардан Худо берган шаҳаншоҳ Куруш кўрқсинми? Савағич ўқлар билан қуролланган жулдуровоқи қаланги-қасанги саклардан кўрқсинми? Ҳа! Уларнинг, ҳатто, дурустроқ совути ҳам йўқ-ку. Саклар тўдасини ўн беш кун ичida тор-мор қилиб таштаймиз. Ҳатто, қиличилизни қиндан суғуришга ҳам ҳожат қолмайди. Нечун? Нега? Нима зарур? Оғир дубулғаларимизни кўриши биланоқ, мис совутла-

римизга, катта қалқонларимизга, отларимизнинг кўкракпечига, узун найзаларимизга, зоғнулларимизга<sup>1</sup>, манжаниқларимизга<sup>2</sup> кўзлари тушиши биланоқ тумтарақай қочишиди. Калхатни кўрган юмронқозиқдек ин-инларига кириб кетишиди. Очигини айтганда, биродарим Утана, гап мутлақо саклар, уларнинг нортуялари ҳақида эмас. Сакларга тупургум! Сакларни ер ютсин! Илма-тешик чодирларининг бизга нима кераги бор? Ҳа, гап сакларда эмас. Гап шундаки, ушбу бетайин отлиқлар тўдаси, атайлаб қилгандек, ноз-неъматларга бой Хоразм йўлини, баракотли Суғд йўлини тўсиб қўйган. Хоразм ва Суғдан шимолигарбга, буюк Ранха дарёсига<sup>3</sup>, шимолга, ўрмонлари самурга<sup>4</sup> тўлиб тошган Зулмат Диёрига ҳамда кунчиқарга, Олтингтоққа, кўзи қисиқ шоҳлар хазинасига йўл кетади. Ўша йўллар туташган жойни эгаллаб олсак, қанча дон-дун, балиқ, қуллар, қимматбаҳо мўйналар, асал, мис, қалайи, олтин, кумуш ва бошқа хилмажил бойликларни кўлга киритамиз! Божнинг ўзи биланоқ хазинани икки баравар кўпайтиришимиз мумкин. Шарқ гарбга қаранганде бекиёс бадавлат. Бақтрнинг ўзини олинг-а. Кичкина Бақтрандан 360 кумуш талант<sup>5</sup>, яъни Фаластин, Сурия, Финикия, Ассирия ҳамда Қибрисни биргаликда олганда, ўн талант ортиқ хироҳ оламиз. Турондан эса уч минг талант — Бобил ва қуи Иккидарё оралиғидан оладигандан уч баравар кўп ишлаб оламиз! Ҳақиқий савдо ана ўша ерда, биродарим — «ишга чечан» эмас, «сўзга чечан» биродарим Утана. Ҳайратга тушдингми? Қойил қолдингми? Бунақа имкониятлар ҳақида ўйламаганмидинг? Албатта-да! Сен, Утана, майда савдогарсан, ақлингнинг бўйи хумчадан ошмайди, оламинг эса буқа терисидан катта эмас. Наҳотки давлатпаноҳ савдога қарши бўлса? Асло. У хурмача ва теридек арзимаган нарсалар билан ўралашиб қолишга қарши. Давлатпаноҳимиз кенг кўламли савдо тарафдори. Суғд билан Хоразмга етиб олсак бас — у ерларда қанақа ишлар бошланиб кетишини ўшанда кўрасан! Аммо аранха сакларини қувиб солмасак, исроиллик савдогарларнинг омборларига талончиларнинг қадами етмаганидек, Хоразм, Суғд ва улар ортидаги ерларга бизнинг қадамимиз мутлақо етмайди. Шу боис биз, вақтни бой бермай, Аранха ортидаги кўчманчиларни яксон қилмоғимиз даркор.

<sup>1</sup> Зоғнул — қатъа деворларини бузиш учун қўлланилган мослама.

<sup>2</sup> Манжаниқ — тошотар уруш аслаҳаси.

<sup>3</sup> Ранха, Ра — Волга дарёси.

<sup>4</sup> Самур — соболь.

<sup>5</sup> Кумуш талант — пул бирлиги номи.

— Шундай! — руҳланиб кетди Куруш сафдошининг оташин нутқидан енгил тортиб. Утананинг гапларидан ҳосил бўлган шубҳа тарқалган эди. — Тасанно, Гов-Барува! Ҳудҳуд мисол донишмандсан.

— Бу гапларни ўнгимда эшитаяпманми ёки тушимдами? Босинқирамаяпманми? Катталар орасидаманми ёки гўдаклар? «Тумтарақай қилиш, тор-мор қилиш...» Эсингиз жойидами, одамлар? Ким билан ўчакишишмоқчи эканлигингиzinи наҳот тушунмаяпган бўлсангиз? Шундай буюк давлат бошида туриб, авбош уришкоқ мишиштараастлардек фикр юритсангизлар. Ё Яздан, орамизда жиддий мулоҳаза юритадиган бирон кимса бормикан? Эсингизни йифингиз!

— Валдирашни бас қил, Утана! Сен ё биз билан бўл, ёки бизга қарши бўл. Биз билан бўлсанг, Аранха ортига борасан. Қарши бўлсанг...

Куруш Утанага аста яқинлашди-да, қирғий бурни билан бoshини чўқимоқчи бўлгандек, унинг тепасида туриб қолди.

Чолнинг қўли ҳали ҳам пичноқни қайроқтошга уриш билан банд эди. Пичноқ тошга ҳар бир урилганида ўнглаб бўлмас фалокатни сезиб ётган ёввойи мочахарнинг қулоқлари қайчидек дам қўшилиб, дам айриларди. Чўл малагининг юраги пичноқнинг ҳар бир гижирлашига акс садо берарди. Темир гижирламай қолганда у юрагини кўрқинчдан ҳовучларди. Бўлдими? Тош қайраб турган экан, мочахар тирик эди. Уни қайрашдан тўхташса, нима бўлади?

— Наҳот мен ватанимга қарши бўлсам? — тўнғиллади Утана. Ҳозир шоҳга қаршилик қилиш бефойда ва хавфли эканлигини Утана тушунганди. Ўзиникилар йироқда. Куруш куюшқондан чиққанди, қизиққонлик билан шундай ишларни қилиб қўйиши мумкин эдикি... — Сизларни кўчманчилар билан урушдан қайтармоқчи бўлганимда айнан ватаним фаровонлигини ўйлагандим. Афтидан, янглишган кўринаман. Тентаклигим учун бир қошиқ қонимдан кечинг, давлатпаноҳ. Утана Аранха ортигагина эмас, Яксарт ва Ранха ортига ҳам боришга шай! Минг отлиқ ва минг пиёдан аслача-анжом билан таъминлайман.

Ва ичиди кек билан қўшиб қўйди:

«Мен қичқиришимни қўймайман, тонг оттаг эса нима бўлса — бўлар» — деган экан хўрозди.

— Аҳа! — Визж-виз. — Бу бошқа гап. — Заҳарханда қилди Куруш. Душманини ер билан битта қилди. Фанимни шоҳона метин иродага бўйсундирди.

Эртагаёқ мирзаларни ўтқазиб қўйиб, Маъбуллар қароргоҳи учун битикларни қайта ёзиш даркор. Ўзини инсониятнинг вали-неъмати қилиб кўрсатишга на ҳожат? Куруш қўнгилчан ҳукмдор падарми? Бўлмағур гап! Халқ — овсар. У яхшиликка эмас, шафқатсизликка эҳтиром кўрсатади.

Форслар ҳаяжон билан кулишарди, қўлларини бир-бирига жон-жаҳди ила, тешилгудек қилиб ишқашарди, оёқларини кескин букиб, тўғрилашарди, узоқ бокувда ётган отлардан қолишмайдиган даражада ерни тепкилашарди. Уруш! Уларнинг кўзи ҳирс билан ёнарди.

Уларнинг кўз олдидаги шимолнинг тим қоронги ўрмонларидағи самурлар қуйруғи ва қорабурул тулкилар думи товлана бошлиди, гўё.

Оёқлари остида чигирткалар эмас, балки Аранҳа балиқлари питирлаб ётарди, гўё.

Гўё кимдир: «Шошилинг! Интизорликдан дармони қуриган тўда-тўда қисиқ кўз кишилар қайноқ кўз ёшлари дарё бўлиб, Олтинтоғда саргардон юришибди; қоятошлардан қўкракка урилган муштлар зарбаси, оғир хўрсиниклар саси келмоқда. «Ўша азиз қирғий бурун форслар қаерда экан? Нечун имиллайдилар, хазиналаримизни олиб кетиш учун нечун тезроқ келмайдилар?» — деган оташин хитоблардан чўққилар ларзага келмоқда!» — деган кувончли мужда келтиргандек эди.

— Маъбулларнинг энг қудратлиси донишманд Ахурамазда шарафига! Сафарим ўнгидан келсин.

Куруш қайроқтошни улоқтириди, даҳшатдан титраб кетган мочахарнинг бошини орқага қайриб тиззаси билан босди-да, қайралган пичоқни бир тортишда уни бўғизлаб ташлади.

\* \* \*

Меҳр-Бедод қаттиқ сўкиниб ва таёғини силкитиб, ҳорғин гаровгонларни омборхонага ҳайдаб киритди, пухта беркитилган эшик ёнига посбон қўйди-да, уйига кетди.

Қуёшнинг зарғалдоқ баркашиmallаранг шафақда данданали зим-зиё тоғ каби кўриниб турган, у ер-бу ери вайрон бўлган, ҳайбатли шаҳар девори ортида эндингина фойиб бўлганди.

Ичкаридан девор, турфа хил ясси томлар, тор кўчалар тиркиши тўқ нафармон-нилий соя остида қолганди. Оқшом шафағи шуъласи қатор тизилган баланд шинаклар орқали ўтиб, нилий сояни шаффофф-пушти нурлар билан тилимларди.

«Хоразмнинг йўл-йўл матосига ўхшар экан. Тез кунларда ўша матоларни қўлга киритамиз. Матони ҳам, терини ҳам, идиш-оёқни ҳам. Бошқа ҳар қанақа нарсаларни ҳам тўрт қопдан қилиб оламиз. Бахтимиз чопса, сак биялари уюрини ҳайдаб келиши-миз мумкин. У ёқларда от кўп. Ҳар ким яхшигина ўлжали бўлиб қолади».

Кўчада кишилар кам. Борлар ҳам ўз кишилари эди. Маҳаллий аҳоли — парталарнинг бир қисми қишлоқларга сиқиб чиқарилган. Бир қисмiga тамға босилиб, йўл ишларини бажариш учун юборилган, шоҳ боғларига, устахоналарга, чорвачилик хўжа-ликларига олиб кетилган. Яна бир қисми акобирларга, бошлиқларга ва оддий навкарларга бўлиб берилганди.

Бўшатиб олинган уйларга Ниссайяга жойлашган форс қўшинларининг найзабардорлари ва қиличбардорлари, қалқонбардорлари ва новакандозлари хотин-бола-чақаси ва бошқа қариндошлари билан кириб олишган. Кенг хонадонлардан бирини Мехр-Бедоднинг оиласи эгаллаганди. Орийнинг ўғли, шавкатли орий ҳозир ўша ёққа, оиласига шошилмоқда эди.

Мехр-Бедод ҳовлига имкон борича бурни осмонда кириб борарди.

Мохорадан қорин дам бўлганидек, тезроқ хонадонига етиб олиб, уйдагиларга улар кўзининг оқу қораси Мехр-Бедоднинг бошига тушганлар ҳақида тезроқ ҳикоя қилиб бериш истаги ёш форснинг ичини қиздиради.

Одатда, олдинга ёйсимон эгилиб юрадиган бу кас ҳозир бурнини кўтариб, озгин кўкраги ва қорнини чиқариб олганди. У яна ўша ёй монанд, бироқ энди орқага эгилиб юрар, қоматининг томир-ипи шодликдан жаранглаётганга ўхшарди. Гўёки Мехр-Бедоднинг бошига афсонавий ҳумоюн қанотлари соя солгандек эди. Ривоят қилишларича, унинг қанотлари сояси тушган киши шоҳлик тожини муқаррар кияди.

Оҳ, биродарлар, нақадар улуг омад!

Оҳ, дўстлар, қандай баҳт!

Лойқа сув тўла ҳовуз ёнидаги олма дараҳти остига ёзилган гиламда Мехр-Бедоднинг ота-онаси, укалари ҳамда сингиллари, қорайиб кетган қўлига олти ойлик боласини кўтариб олган хотини Мехр-Бедодни кечки овқатга кутиб ўтиришарди.

Уларнинг ёнидан, бўйра устидан қуллар хотинлари ва болачақаси билан жой олишганди. Шарқда хожа билан қул бирга ишлашади. Тўғри, меҳнатнинг кўпи қулнинг зиммасига тушади.

Шарқда хожа билан қул бирга ўтириб таом ейишади. Рост, овқатнинг кўпини хожа ейди.

— Ҳарбга кетяпман, — мағурурланиб деди Мехр-Бедод, этигини ечиб, қўлини чайиб, отасининг ўнг томонига ўтирар экан. Оилада у отасидан кейин катта эркак эди. Хожанинг сўл томонида эса уй бекаси ўтиради.

— Воҳ! — хитоб қилди қария. — Кимга қарши урушга?

— Аранха сакларига қарши.

— Савоб иш, савоб, — жонланди қария. У мадлар билан жанг қилган, Лидияга борган азамат қиличбоз эди. — Сакларда яхши отлар ва қўй кўп деб эшитганман.

— Сизга қўй билан от бўлса бас! — хўрсинди кампир. — Эши-тишимча, сакларнинг камонлари ҳам ёмон эмас, ўқлари ҳам кам эмас. Ўша қўйлару отларнинг қанчаси ҳам тегарди? Урушга ҳайдаб кетаётганда ўн халта тилла ваъда қилишади. Ўлжани тақсимлашда эса бизларга сарқитгина қолади. Энг яхши нарсалар шоҳнинг хазинасига унинг аъёнлари чангалига тушади.

— Жим бўл. Шум кампир! Йўлбарс еган жойда шоқол ҳам тўқ бўлади. Сенга ҳам бирон нима тегиб қолар. Сиз, хотинларга, хўрсиниш бўлса бас. Эркак жанг учун яралган.

— Бугун Куруш билан суҳбатлашдим, — беписандлик билан деди Мехр-Бедод бепарво ва зерикканнамо ҳомуза тортиб. Ўзи эса... Ўзи шодликлан дик этиб туриб, ўйинга тушишга тайёр эди.

— Воҳ! — Сакрагудек бўлди қария. — Нима бўлди?

— Шоҳ мени Задракартада унинг ҳузурида бўлган қунларимдаёқ эслаб қолган... Раносбат сени мақтаялти, — деди Куруш. — Мен жасур ва садоқатли кишиларни яхши кўраман. Шунаقا яхши хизмат қилаверсанг, менинг хос соқчиларимдан бири бўласан.

— Воҳ! — Қария нўхат шўрва солинган сопол товоқни кескин нари сурди. — Бугун шундай кунки... Эй, Аспабарак! Ҳамма ишни ташла! Қўйни сўй. Бугун бизникида байрам!

У Мехр-Бедодга ҳайрат билан тикилди, таъсиранган кампирининг елкасига қоқди, пиқиллаб, кўз ёшини артди.

— Раҳмат, хотин! Сенинг ўғлинг... менинг ўғлим... раҳмат, раҳмат!

Уйдагилар ҳовлида кўймаланиб юришар, нималаргадир тараддуд кўришарди.

Укалари ва сингиллари Мехр-Бедодга хиралик қилишди:

— Менга қора тойчоқ олиб келинг.

- Менга эса — малла қўзичоқ келтиринг!
- Бўталоқ!
- Сак қизалоқларини олиб келинг! Биз улар билан ўйнардик.
- Майли, дуруст. Олиб келаман. — Мехр-Бедод болаларни мулойимлик билан нари кетказди-да, хотинининг олдига келди. У супа чеккасида, бошини солинтириб ўтирад, хонадонда фақат угина янгиликдан хурсанд эмасди.

Мехр-Бедод ҳайрон бўлиб сўради:

— Сенга нима бўлди?

Кўзлари катта-катта, ёшгина, олти ойлик чақалоқнинг онасидан кўра кўпроқ қиз болага ўхшаган хотини ўглини бағрига маҳкам босиб, пикиллади:

— Агар... сизни ўлдиришса-чи?

Ачинганидан Мехр-Бедоднинг оғзи очилди. Бироқ шу онда отаси онасига қандай муомала қилиши ёдига тушди-да, ожизлигидан уялиб кетди. Сўнг чўзиброқ кулиб деди:

— Бе, овсар! Ким ҳам мени ўлдира оларди? Мени ўлдириланган одам ҳали...

Мағур ва жангари Мехр-Бедод, сен билан гап сотиб ўтираманми, дегандек кўл силкиб, супадан нари кетди.

Урушда кишилар бир-бирини ўлдиришларидан ёш форс ҳабардор эди, албатта. Бироқ сафарга отланаётган ҳар қандай киши сингари, бу қалқонбардор ҳам ғаним ўқи уни албатта четлаб ўтишига ишонарди...

Сихга тортилган қўй пишди. Мешда шароб келтирилди. Яқин ҳамсоялар меҳмонга чорланди. Ҳовлида эркаклар тун ярмидан оққунча валақлашди.

— Сакларга қарши уруш — маъбуд Ахурамаздага мақбул иш, — дейди уй хожасининг хокисорлик билан қылган илтимосига кўра тўрга чиқиб ўтирган оташкада коҳини гердайиб. — Чунки Турон кўчманчилари коғир қабилалар, икки оёқли ҳайвонлар, одам эмас, ҳашаротлар. Улар туғилишмайди, оналарининг қорнидан думалаб тушишади. Ўлишмайди — ҳаром қотишади. Юришмайди — гимирлашади ёки оёқларини судраб босишади. Ейишмайди — жигилдонга уришади, — дейди коҳин ишонч билан.

Меҳмонлар Мехр-Бедодга хушомад билан боқишади.

Хўп омади чопибди-да!

Шоҳнинг хос соқчиси бўлиш — улуг шараф, ҳар бир форснинг ҳам бу орзузи ушалавермайди — ҳукмдорнинг ҳаётини, одат-

да, уруғ оқсоқолларининг, бадавлат кишиларнинг фарзандлари га ишониб топширишади. Мехр-Бедод эса оддий кишилардан, бироқ Курушга маъқул тушибди-да. Омади чопибди. Бу — ҳам ютуқ, ҳам омад эди.

Ширин шароб, мұл газакдан ҳамда атрофдагиларнинг ўзига бўлган ҳавасидан сархуш бўлган Мехр-Бедод бамисоли сеҳрли Семурғнинг кенг ва юмшоқ қанотида орзулар осмонида учайдек ҳузур қилмоқда эди.

Бутун хонадон хурсандчилик қилмоқда. Фақат Мехр-Бедод нинг хотини, ҳамма унуган Фаризод ҳовли бурчагида чўк тушиб, кўз ёшини шашқатор оқизиб, боласини эмизиб ўтиарди. Шунча ёш қаердан келаркан-а?

Кўз ёши аёлнинг муштдеккина сийнасини ва гўдакнинг қорамағиз юзини шалаббо қиласди. Бола бечора тез-тез эмишдан тўхтаб, онасининг ёшидан ҳўл бўлган қора кўзларини очибумиб, ингилларди. Қайғу ва ғам-ғусса босган эди.

«Урушми? Дуруст! Урушда истаган қабиҳликни қилишинг мумкин.

Тубан истакларинг тизгинини бўш қўй.

Энг разил лаззатдан баҳраманд бўл.

Кўнглинг истаган қабоҳатни қил.

Энг тубанликдан жой ол. Палидлик оғушида ором ол. Сўнгги истакларинггача қондиргил. Сўзишинг, осишинг, гарқ этишинг, чопишинг, шармандаликлар қилишинг, зўрлашинг, ўт қўйишинг мумкин.

Ҳамма ишни қилишинг мумкин!

Сени фақат мақташади. Орийсан, олийжанобсан, хожасан. Боз устига — урушдасан...»

\* \* \*

— Раносбат-э-эй! — саркарданинг чодирига кириш йўлини тўсиб турган, кашта тикилган пардани узун оёғи билан очар экан, завқланиб қичқирди Мехр-Бедод.

Форс икки сак асира қизларнинг сочини билакларига ўраб, уларни судраб келарди.

Қизлар чангальзорда овчи кўлга туширган ёш мода йўлбарслардек унинг оёқлари остида типирчилашар, бақиришар, тимдалашар ва тишлашарди. Мехр-Бедод уларни тинччиши учун соchlаридан силтаб тортар ва у ёндан-бу ёнга чайқалиб, кайф билан қаҳқаҳа уриб куларди.

- Раносбат-ов! Ҳой, Раносбат!
- Ҳов, Мехр-Бедод! — унга жавобан чийиллади Раносбат. — Кирсанг-чи! Қаерда қолиб кетдинг?
- Иккита қақликини отиб олдим, ха-ха-ха!
- Қақликини дейсанми? Бу ерга келтир уларни.
- Ёрдамлашиб юбор! Оғир улар. Оёқ тираб туриб олишмоқда...

Раносбат гандираклаб ташқарига чиқди. Ёшгина асираларни күрган саркарданинг күзлари шодликдан ўйноқлаб кетди. У от пойгасидаги томошабиндек қийқириб юборди:

— Во-ой! Мұйжиза-ку! Тилла йигитсан-да, Мехр-Бедод. Тилла йигитсан.

Форслар оёқлари чалкашиб, қоқилиб-суқилиб ва қулги ара-лаш сүқиниб, икковлашиб қызыларни чодирга судраб кириши-да, бетартиб уйиб қүйилган жун ёпқычлар, кийим-кечак, юмшоқ әгар-жабдуқ, намат жул, каштадўзи ёпиқлар, бўш кўза ва идиш-оёқлар устига улоқтиришиди.

... Аранха. Форслар кўшини ўн беш кун давомида эски карвон йўлини ёқалаб, қумтепалар орасидан, қуруқ жарликлар ичи-дан, нишаб дўнгликлар ўркачидан улкан илондек буралиб-бу-ралиб, Марғдан буюк дарё томон ўрмалаб бораради.

Махсус гурӯҳ кечув учун қулай жойни излаб, қирғоқни кўздан кечириб, қароргоҳ атрофида кезиб юрар экан, отлиқлар ва пиё-далар дам олишарди.

Йўлда кўшинга бўш чодир ҳам учрамади.

Марғдан йўлга чиқишдан олдин форслар гўёки Куруш Тўмрузнинг устига икки юз минг сара қиличбоз билан юриш қўймоқда, деган миш-миш тарқатишиди. Аслида унинг навкар-лари йигирма-йигирма беш минг нафардан зиёд эмасди, боз устига уларнинг орасида нафақат асл форслар, балки варкан-лар, парталар, мадлар, дахлар, марғлар ҳамда бобилликлар ҳам бор эди.

Туронга даҳшат солиш учун миш-миш тарқатилганди. Доим шундай қилинарди. Мурғоб билан Аранха оралиғида кун кечи-раётган бир қисм кўчманчилар даҳшатдан тумтарақай бўларди. Баъзилар шимолга — Хоразм тарафга кетса, айримлар шарққа — Аранха ортига йўл оларди.

Гов-Барува енгил отлиқларининг омади чопиб, сўл соҳилда нариги томонга ўтиб кетишга улгурмаган бир нечта хонадонни қўлга туширишиди. Шоҳ қариялар ва гўдакларни Аранхага чўқти-ришни, балоғатга етган эрқаклар ва ўспириналарга тамға босиб,

үргүрқа жұнатиши, аёлларни эса құшин бошлиқларига тақсимвалаб беришни буюрди.

Икки нафар сак қизини Раносбатта совға қылди; Мехр-Бедод ўшаларни көлтирган зди.

— Эй, ухламаларинг! Чалларинг... — Раносбат кираверишда думалаб ёттан икки маст хос соқчани тепиб үйғотди.

Улар мастилик билан маъюс минғирлаб ва ҳиқичноқ тутиб, бир-бирининг елкасига тиралиб ўтириб олишди-да, чирманда ҳамда сурнайни титкилаб топиб, күзларини очмай чалишга тутишиши. Бошлари гоҳ ўнгга, гоҳ чапға осилиб қолар, иккита қовоқ сингари бир-бирига уриларди.

Сурнай қалбларни ларзага солувчи бир хил баланд товуш чиқаарди.

Чирманда ҳам оқанғ ва усулсиз бадабангларди. Уни гүё чирмандақаш эмас, балки сонига ёпишиб олган сұнани ҳайдаш учун орқа оёғини силкитиб, гардишга тортилган терига тасодифан тегиб кетаётган мудроқ әшак чалаётгандек зди.

— Дуруст! — маъкуллаб қычқирди Раносбат. — Юз йил яшанду, бироқ сизларни ҳозироқ жин чалса ҳам майли. — У йиғлаётган қызлар томонға ўтирилди. — Қани, улоқчалар, рақс түшинглар-чи!

Асиralар бир-бирининг пинжига тиқилиб, кираверишда ўтиришарди; титраб-қақшаб ўтирган бу қызлар чиндан ҳам бўрилар орасига тушиб қолган улоқчалардек дир-дир титрашарди.

— Кимга гапирияпман? — бақирди Раносбат. — Қани, ўйнга тушларинг! Ҳа, истамаяпсизларми? Мехр-Бедод, таёғим қани?

Асиralар бошига таёқ ёғила кетди. Қызлар йиғлаб ўзларини ташқарига уришганди, Раносбатнинг чодир ёнидаги ўт устида зўр бериб ўйнаётган хос соқчилари оғушига бориб тусишиши.

— Кўздан йўқотларинг! — ўқирди Раносбат. — Булар улоқмиди? Илон булар! Бир таъзирини берларинг... Эрталаб ўзим шуғулланаман.

Раносбатнинг амри билан Мехр-Бедод янги кўзани очди. Ичишиди. Яна ичишиди. Яна ва яна, қайта-қайта ичишиди. Раносбат чилимни олди-да, оташхонасини ёввойи наша уруғи ва япроғидан тайёрланган, тўқ яшил ботқоқ тупроғи рангидаги куруқ ва қаттиқ банг билан тўлдирди.

— Татиб кўрганмисан? — сўради у Мехр-Бедоддан.

Йўқ, Мехр-Бедод хаомани<sup>1</sup> ҳеч қачон татиб кўрмаганди. Оддий қалқонбардор учун бу жуда қимматта тушадиган нарса зди. Раносбат уни чироқдан ўт олдирди-да, виқор билан:

<sup>1</sup> Хаома — ўткір кайф берувчи ичимлик. — (Мұх.)

— Қандай қилиб тортишни қўриб қўй, — деди.

Бошлиқ чилимнинг учига лабини деярли теккизмай, ҳавони тутунга қўшиб шовқин билан сўрди. Бир неча бор қаттиқ-қаттиқ сўргач, йўтала бошлади ва тескари қараган кўйи, чилимни Мехр-Бедодга тутди. Чодир кўкиштоб чучмал тутунга тўлди.

Хаомани тўйгунча чекиб, иккаласи жимиб қолишиди. Юзларидаги қизиллик аста-секин йўқолиб, терисининг ости заҳил тусга кирди. Кўзлари шишадек қотиб қолди. Кўз ости салқиланди.

Мехр-Бедоднинг боши айланди.

Пешонасини артмоқчи бўлиб қўлини қимирлатди.

Куйида, олисда, зим-зиё жарликда тариқдек майдада ғалати бир нарса йилт этди-да, тобора катталашиб, минг йиллар оша юқорига қараб ҳаракатланди.

Мана, у баданни жунжиктирадиган тарзда беун ўкириб, Мехр-Бедоднинг бақрайиб қолган кўзлари олдида тўхтади. У даҳшатли эди. Қоядек улкан, бармоқлари бобочинор танасидек йўғон эди.

Қалқонбардор тиришиб, ой томон қанот қоқиб кетди. У тиззаларини қорнига букиб, равон ўмбалоқ ошарди, ёнгинасида эса зангори оловдек товланиб, юлдузлар учиб юрарди.

Мехр-Бедод тўнгиб, тишлари такиллай бошлади. Бу товушдан қўрқиб кетган ориқ қора мушукча жуни тикка бўлиб, форс йигитга даҳшат билан қаради-да, чодирнинг чокига тирмашиб, ҳеч қанақа тешик бўлмаган зулмат ичидан кўздан йўқолди.

Ёнгинасида кимдир қиқирлаб кулди.

Мехр-Бедод ўзига келиб, кўзини очди-да, Раносбатни кўрди. Бошлиқ бармоғи билан Мехр-Бедоднинг кўкрагига ниқтарди. Унинг лаблари бемаъни, аҳмоқона кулгудан қийшайганди.

Қалқонбардорни қаттиқ кулгу тутди. У Раносбатнинг кўзига қараб, телбаларча қаҳ-қаҳ урди ва худди шундай жавобни эшитди. Форслар намат устида думалашарди. Биқинини чангллашарди. Ични ўртайдиган шиддатли кулгудан бўғилишарди.

Кулиб бўлгач, итдек очиққанларини ҳис этишди.

Улар оқшомги зиёфатдан қолган овқатга очкўзлик билан ташланишиди. Сиртлон сингари, қоринлари қуриллаб, сарқитни чайнаб, ямланган сўнгакларни қайта ямлашарди. Тўғри дастурхон устига қусиб юборишиди. Ётишдию қотиши-қўйишиди.

Чироқни йиқитиб, чодирга ўт қўйиб юбормаганлари ҳайратга соларди кишини.

Алаҳсираб, Фаризодни күрди. Йиглаб, ўғлини унга узатарди. Гүдак эса, кўзларини чақчайтириб, Раносбатнинг овози билан тентакларча қаҳ-қаҳ уради.

— Эй, Мехр-Бедод ким?

Қалқонбардор инграниб, шишган қовоқларини аранг йириб, кўзини очди. Бечоранинг кўнгли айнир, бехузур бўлар, ичи бу-раларди. Вужуди илвиллаган, суюклари зирқирап, боши биринч қозондек фувилларди. Кеча Раносбат сак қизларни эмас, Мехр-Бедодни калтаклагандек, кўл-оёғи оғририди.

Дабдаласи чиққанди Мехр-Бедоднинг. Буткул дабдала бўлган-ди у.

У қусиб ташланган дастурхонга боқиб, чучмал хаома вужу-дига сингдирган карахтиклини эслаб жирканди. Оғир, шармандали иш қилиб қўйгандек уятдан ёнди.

— Мехр-Бедод сенми? — қалқонбардорнинг олдида зарҳал ойболта кўтарган, мадлар либосидаги бўйчан жангчи турарди. Шоҳнинг хос соқчиси эди у.

Жангчи жиддийлик билан чиқишига имо қилди. Ўзини Куруш чорлаётганини Мехр-Бедод тушунди. Нима учун экан-а?

Шишиб кетган юзини рўмолча билан артди, ғижимланган кийимини амаллаб текислаган бўлди-да, ҳар қадамда қокилиб, дим чодирдан чиқди. Чиқди-ю, найзага дуч келгандек, заиф фарёд қилиб, ўзини орқага ташлади.

Чодир олдида, ўчиб бўлган гулхан ёнида унга орқа ўгириб... Фаризод ўтиради.

Хотинининг боши ўша хайрлашув кунидагидек ғамгин эгил-ганди. Озгин елкалари титгарди. Яна йигламоқда эди.

... Дам ўтмай у янглишганини фаҳмлади. Хотини бу ерда нима қилсин? У олисда, Ниссайяд-ку. Шунга қарамай, юраги ҳапри-қиб, Мехр-Бедод гулхан томон отиди. Фаризод эмасди, албатта. Ангори хотинига ўхшамасди. Лой чапланган (қаерда уни судраш-ганийкин?), чанг ва кулга ботган кечаги қизлардан бири эди.

— Нима қилиб ўтирибсан? — ириллади Мехр-Бедод қалбida пайдо бўлган ачиниш ҳиссини қўполлик билан босиб.

Қиз сўлғин юзига босиб турган қора кафтларини туширди-да, дароз форсга ошкора нафрат билан боқди. Тўсатдан сакраб туриб, ўткир тирноқли чангалини бащарасига ботирмоқчилик, унга сапчиди.

— Нима қилиб ўтирадим? Кўрмаяпсанми нималигини? — бақирди у бўғиқ овозда. — Мараз! Худоё, сенинг хотинингни ҳам шунақа қилишсин.

Мехр-Бедод, яна хаома тутунини ютгандек бўзарди.

— Илон! — бақирди қалқонбардор ва таёфини силкитди. (Таёқсиз форсни ким ҳам кўрибди?) — Ҳозир сенга кўрсатиб қўяман!

— Кўрсат! Худоё, сенинг хотинингни ҳам шунаقا қилишсин!

— Ҳу, ярамас. — Мехр-Бедод таёфини беихтиёр туширди, тупуриб, калтак еган одамдек, гулхандан нари кетди. Орқасидан шоҳнинг хос соқчиси вазмин қадам босиб келарди.

— Малъун! Қара-я? — кўз олдига келаётганлардан қутулишга уриниб, ғазаб билан гўлдиради Мехр-Бедод. Бироқ ўлгур бу сак қиз йигитнинг таҳликага тушган юрагида олисдаги Фаризод сиймоси билан ақл бовар қилмас даражада қўшилиб кетаётганди.

Унинг хотини, орийнинг қизи Фаризодни суzonгич дашт эчкисига ўхшатиш уни таҳқирлаш билан teng эди. Лекин бу ёввойи қиз кўз олдингдан кетмаса нима ҳам қила олардинг?

Миясида фикрлар чарх урарди.

Мехр-Бедод атрофга алангламас, шу боис хос соқчи билан даҳлар гуруҳи олдидан қандай ўтиб кетишганини сезмай қолганди. Ниссайядо гаровгонларни тутиб туриш зарурати қолмаганди — уларнинг барча қариндошлари ўzlари билан урушга ҳайдаб кетилганди. Болалар, аёллар ва кексаларгина гаровга олиб қолинганди.

Шунингдек, Мехр-Бедод ортидан қаттиқ қасос ўтини сочиб тикилиб қолган кўзларни ҳам сезмай қолганди.

Бу кўзлар муқаррар ўлимни башорат қиласарди.

Бу кўзлар Гадат исмли ёш даҳнинг кўзлари эди.

\* \* \*

... Шоҳ билан Утана орасида эрталабдан яна аччиқ-тизиқ гап бўлиб ўтди. Куруш кечувни тезлаштиришни талаб қиласарди. Дам олганимиз етади! Курушни безгак тутгандек, тезроқ қайсар сакларнинг таъзиини бергиси келарди.

«Ақлдан озган у, мутлақо ақлдан озган, — ғазаб билан ўйларди Утана. — Тўппа-тўғри бўрибосарнинг оғзига кириб бормоқчи. Шаҳаншоҳ, беҳуда шошилмоқдасан. Яхшилик келтирмайди бу ишинг».

Ташида эса деди:

— Күшиннинг деярли ярми барбарлар<sup>1</sup>. Шунақа. Сен: «Үлса — ўлаверсин! Қонини тўкиб бизга ғалаба келтирса бас», — дединг. Начора. Ўлса ўлаверсин. Лекин уларни ақл билан нобуд қилиш керак! Нима бўлганда ҳам, даҳлар, варканлар, парталар бизга таянч бўлади. Тадбиркор хожа асл арғумоқни ҳам, юк ташувчи хачирни ҳам авайлайди. Барбарлар сизга асқотиб қолади, ҳукмдор. Жуда бўлмаганда, бўлајак жангларда керак бўлади. Фикри ожизимча, Тўмруз билан яна бир гаплашиш керак. Балки, жангсиз ҳам амаллармиз? Эҳтимол, Тўмруз ўз ихтиёри билан итоат этар? Унинг ақли ўзига етарли. Манжаниқни чўп билан бузиб бўлмаслигини тушунади.

Утананинг мақсади не эди? Буни ўзи ҳам аниқ билмасди. У Тўмруз ўз ихтиёри билан тобелик изҳор этишини истамасди. Бу икки қўшин иложи борича кейинроқ тўқнашишини истарди у. Жангни нима қилиб бўлса ҳам бартараф этишини истарди. У ёғига эса нима бўлса бўлар. Балки, ҳаммаси тинч ҳал этилар.

У кишиларга ачинарди.

— Сафсатани бас қил! — кутурди шоҳ. — Гов-Барува, сен у билан тўйғунча гаплашгансанлар. Аранха ортига, олга!

— Мен Утанага қўшиламан, — деб қолди тўсатдан унга Гов-Барува. — Тўмруз билан яна бир бор учрашиб кўрилса, зиён қилмайди. Унинг ихтиёрий тобе бўлишига кўндириш амри маҳол. Лекин музокараларни давом эттира туриб, солларни тўсиқсиз ҳозирлаб, зўр кўприк қуриб улгурамиз. Акс ҳолда саклар соҳилни ўраб олиб, кўплаб кишиларни ҳалок этадилар.

— Аҳ-ҳа! — им қоқди шоҳ маъқуллаб. — Шундай бўлса, розиман. Тўмруз ҳузурига кимни юборамиз?

Мехр-Бедодни танлашди.

Бу гап кеча бўлганида, Мехр-Бедод шодликдан қийқириб юборган бўларди. Ҳукмдор унга қанақанги ишонч билдиromoқда! Лекин бугун, кечаги ичкиликбозликдан кейин тинкаси қуриб, беҳол юрганида, курсанд бўлиш у ёқда турсин, тилини ҳам осонликча қимирлатолмасди.

Бунинг устига Фаризод... Яъни, Раносбатнинг кўппаклари таҳқирлаган сак қизлари унинг хаёлидан чиқмасди.

«Мехр-Бедод у ёққа борсин, Мехр-Бедод бу ёққа борсин, — ўкиниб ўйлади қалқонбардор, саропардан тарк этар экан. — Ўзлари энди Тўмрузнинг кўзига кўринишга қўрқишиади. Мана, Гов-Барувани юборишмади-ку. Саклар мени ўлдиришса, Курушга нима?»

<sup>1</sup> *Барбарлар* — варварлар, ётлар, нодонлар, жоҳиллар маъносида.

Тўсатдан келган фикр Мехр-Бедодни даҳшатга солди. У Задра-картага бориб келгандан бўён, балки аввалроқ ҳам сездирмасдан ўзини чулғаб олган ёлғонни мубҳам ҳис этиб, ҳатто, тўхтаб қолди.

Эҳ-ҳа! Мехр-Бедодга ширин шароб деб, нордон сиркани тут-қазишмадимикан?

Бироқ шоҳнинг амри — вожиб. Истасанг-истамасанг, Аранха ортига йўл олишга мажбурсан.

\* \* \*

... Дўстлик аломати сифатида яшил новданси силкитиб келган Мехр-Бедодни ҳамда уни кузатиб келган хос соқчиларни саклар қовоқ уйиб, бўриқарашиб билан кутиб олишди.

— Олачипор ажал! — бақиришарди болалар.

«Олачипор ажал нимаси бўлди? — Мехр-Бедоднинг афти буришди. — Саклар намунча йиртқичга ўхшамаса. Йўқ, чиндан ҳам улар одам эмас экан. Ёввойи, ваҳший экан».

Шу он форс йигит гулхан ёнида сак қизнинг: «Худоё, сенинг хотинингни ҳам шунаقا қилишсин...», — деган гапини эслади.

У даҳшатга тушди.

Башарти саклар уларнинг ватанига шу каби бостириб боришка ва Пасаргад деворлари ёнида пайдо бўлишса, форслар сакларга қандай кўз билан қарашарди?

Мехр-Бедод рўйхуш бермай хўмрайиб турган маҳаллий аёлларга боқиб, уларнинг чехрасида Фаризодни ёдга солувчи жуда кўп таниш нозик жиҳатларни кўриб, ҳайрон бўлди.

Бундан чиқди, саклар ҳам одам экан-да? Ё Худо! Бу оламда ҳеч нимани тушуниб бўлмайди.

— Муваффақият ва омад тилайман, — Тўмруз билан тунд саломлашди у.

— Саклар саломлашганда: «Тинчлик ва фаровонлик тилайман», — дейишади, — деди Тўмruz хўмрайиб. — Муваффақият ва омадни қароқчилар учрашиб қолганда бир-бирларига тилашади.

«Ҳе! Тинчлик қайда-ю, фаровонлик қайда?» — гижиниб ўйлади Мехр-Бедод. Ташида эса қатъий қилиб деди:

— Сен менинг валинеъматимни ҳақорат қилдинг.

— Нима қилиб?

— Унга турмушга чиқиши радиётдинг.

— «Душманинг ҳеч нимадан баҳона топа олмаса, итингнинг думи қийшиқ», дер экан.

— Менинг ҳукмдорим олийжаноб одам. Чишишнинг набираси Куруш дашт маликасини инсофга чақиради. Қон тўкилмасин, дейди. Шунаقا. Шаҳаншоҳга ўз ихтиёриг билан итоат этсанг — саклар тинч бўлишади.

Тўмруз заҳарханда қилди:

— Олийжаноб дейсанми? Бир куни заҳарли илон чўпоннинг чодирига ўрмалаб кирибди-да, вишиллабди. «Нега вишиллайсан?» — сўрабди чўпон. «Мен — энг олийжаноб илонман! — мақтанибди у. — Ўқилон сингари бехосдан отилмайман. Ўлдиралиган қилиб чақишдан олдин доимо вишиллаб огоҳлантираман...» Йўқ! Ҳукмдоринг олийжаноб эмас, ақлдан озган. Сакларга таҳдид қилмоқдами? У бизларни қачондан буён билади? Кўпдан бери биз билан ош-қатиқмиди? Қачондан бери сакларга қилич кўтармоқда? Биз, саклар, очкўз муттаҳамга бўйсунамизми?.. Сенинг ҳукмдоринг кимга қўл кўтараётганини тушунадими? Ёки ўладими, ухлайдими — унга барибирми? Урушда ёнғоқ улашилмайди. Сенинг хожангнинг тақдири: «Жангга буқадай ташланиб, сигир бўлиб қайтади», — деган мақолдагидек бўлмаса эди. Сизлар «қобирға», бизлар эса «ит»миз. Қобирғани тишлаб, ўткир қозиқтишлар билан умуртқани ғажиб ташлаш — итлар учун одатдаги иш. Билиб кўйинг, сизларни ғажиб ташлаймиз!

«Беҳуда оворагарчиликни бас қил, эй, Айрана шоҳи.

Соҳил бўйлаб изфима, кўприк қураман деб овора бўлма. Бoshингда пайдо бўлган қора ният унга фойда келтирадими ёки зиёнми, билмайсан-ку. Ўзингни босиб ол-да, уйингга қайт. Ўз мамлакатингда шоҳлик қиласкергин, мамлакатимизда ўз ихтиёrimizcha ҳукмронлик қилишни эса ўзимизга кўйиб бер.

Сиз, форсларда: «Сулҳ ҳақида келишиш мумкин экан, уруш таблини<sup>1</sup> қоқма», — дейишади. Парсанинг ҳаловати учун, дўстона маслаҳатга қулоқ солишига даъват этаман.

Башарти ҳур саклар билан муқаррар урушмоқчи бўлсанг, Аранха соҳилида бекор юрмайлик. Бизга дарёдан уч кунлик йўлга кетишга имкон бергин-да, сўнг таъқиб эт. Ёки дарёдан уч кунлик йўлга кетгин-да, биз форслар қўшинига ҳужум қилишимизни кут».

Тўмruz шаҳаншоҳга шундай жавоб йўллади.

<sup>1</sup> Табл — катта жанговар ноғора.

## ОЛТИН ВА ҚОН

Қароргоҳга қайтган Мехр-Бедоднинг кўзи соҳилда шиширилган қўй терисидан боғланган қатор-қатор солларга тушди.

Йигирма минг жангчига уч кун ичидаги мингта бақувват солни тайёрлаш қийинмиди? Шукр, тери етарли (одатда, улардан меш ясаб, сув олиб юришарди), маҳкамлаш учун дараҳт, тўшашиб учун қамиш Аранхада мўл эди. Соллар ҳозир ҳам сувга туширишга тайёр турарди.

Элчининг гапини тинглаган Куруш ўйга толди.

— Уч кунлик йўлга, — ғижиниб деди у. — Уч кунлик йўлга! Нимани истаяпти у? Тушунмадим.

— Тўмруз айёрлик қилмоқда, — тин олди Гов-Барува. — Эҳтиёт бўлмоғимиз лозим. Хатога йўл қўйсанак, афсусланиб қоламиз. Одамларни чақир. Кўрайлик, нима дейишаркин.

— Яна гапми?

— Бусиз бўлмайди, давлатпаноҳ. Одамларни чақиринг, — мулоҳимлик билан туриб олди Гов-Барува.

Бу эҳтиёткор Гов-Баруванинг ҳукмдорни биринчи марта тиши эмасди. Ортиқ даражада шиддатли эди у. Ортиқ даражада! Куруш унга бўйсунди, чунки ўзининг қўпол ва қотиб қолган ақлига қараганда бош маслаҳатчисининг ўткир ақлига қўпроқ ишонарди.

— Аранханинг бу томонидаги чўлни биламиз, у томондагиси эса... Зулмат мамлакати нима-ю, у нима, — деди Раносбат кенгашда. — Лаънати итларни у ёқда қаердан излаймиз? Уч кунлик йўлга чекинамиз. Саклар сўл соҳилга ўтаверсин. Улар бизни чўлда таъқиб қиласдими? Биз-чи? Биз уларни орқасидан сездирмай айланиб ўтамиз, шундайми? Қоча олмайдиган қилиб, кечувдан ажратиб қўямиз. Ўраб оламиз. Шунда Тўмруз, мочахарнинг қизи, ўз қонига ўзи бўялади...

Оқилона гап! Форслар жасурликлари билан одамлар орасида қанча мақтанишмасин, қалбининг туб-тубида улар барханларга чиқишига кўркишарди. Утана ҳам, форс ва қўшимча бўлимлар бошликлари ҳам Раносбатни яқдиллик билан кўллаб-куватлашди. Чекиниш ва тараддуланишни жинидан ёмон кўрадиган Курушни жуда норози қилиб қўллаб-куватлашди.

Хатто, Виштасп ҳам Раносбатга эътиroz билдиришга уринмади. Қозонда бикиллаб қайнаб турган мазали шўrvага кеч қолиш алам қиласди. Бироқ у дунёга кечикиш алам қилмасди.

Хатто, Гов-Барува ҳам, маъкулловчи нигоҳига қараганда, Ниссайя қўшин бошлигининг фикрига қўшилишга мойил эди. Бироқ ҳозирча у чурқ этмади.

Шунда Крез гап бошлади.

Ҳа, ҳамма унугтган, лидиялик дармонсиз Крез гапира бошлади. У аллақачон ҳузур қилиб яшаши лозим эди, бироқ Куруш ҳамон уни эргаштириб юрарди. Бу ерга, Аранхага ҳам эргаштириб келган эди. Қисматни қаранг! Аранха қайда-ю, Лидия қаёқда?

Куруш уни қўйиб юбормаётгани, у она ватанига бориб, Сфардани оёққа турғазишидан кўрққанидан эмасди. Асло! Икки оёғини гўр устида осилтириб ўтирган одамга исённинг нима кераги бор? Шунчаки, ўзининг кўплаб аъёнлари орасида итоатга келтирилган бошқа ҳукмдорлар қатори Шарқда машҳур шоҳнинг ҳам юриши Курушга хуш ёқарди.

Бироқ Айрана ҳукмдори Крезни энди ўзи учун хавфли эмас, деб бехуда ўйларди. ... Бу хато эди. Чиндан ҳам, агар Яратган бандасини жазолашни истаса, унинг ақл-ҳушини оларкан. Ҳушёрликдан ҳам маҳрум қиларкан.

Крезнинг рангпар пешонасини буриштириб турган ажинлар остида мияси қаттиқ ишлаб турарди. Унинг қалбida нафрат оташ-парастларнинг оташкадаси мисол аланга олиб ётарди. Айни шу куйдирувчи нафрат совиб қолган қон ўрнида юрагига озиқ бериб турарди ва унинг зарбаларига йигитларга хос куч баҳш этарди.

Буюк Лидияни култепадан тиклаб бўлмаслигини Крез тушунарди. Сфарданинг юлдузи абадул-абад сўнганди. Бир оз вақт ўтгач, лидияликлар она тилларини, урф-одатларини йўқотадилар, бошқа ҳалқлар билан аралашиб кетадилар. Мамлакатнинг номи ҳам ўчиб кетади.

Лидия ҳалок бўлди. Лекин Крез ҳаёт! Форс Куруш ҳам ҳаёт. Крез Курушдан қасос олажак. Шундай кун келишини у биларди.

Бир йил, уч йил, ўн етти йил кутди шу кунни. О, Крез сабр-тоқатли эди — бағоят сабр-тоқатли, индамас ва хүшёр эди.

У Курушни обдан ўрганди.

Сакларни ҳам — әшитиб бўлса-да, дурустгина ўрганди.

Ўтган йиллар давомида Фарбни узил-кесил енгиш учун аввал Шарқни итоатга келтириш зарурлигини Гов-Барува орқали Курушга Крез бўлмаса, ким уқтириб келди?

Уқтириди ва ўн етти йил кутди. Ниҳоят, ўша матлуб кун келди.

Ўн етти йил аввал, Крез форслар билан жангга ҳозирлик кўрар экан, бу жанг нима билан тугашини кароматгўй коҳиндан сўраганди. Ўшанда ҳозир Куруш ва Тўмруз Аранханинг икки соҳилида туришганидек, лидияликлар Галис дарёсининг бир томонида, форслар эса бошқа томонида туришарди. Кароматгўй: «Шоҳ Галисни кечиб ўтиб, буюк давлатни вайрон қилади», — деб жавоб берганди.

Қайси шоҳ? Албатта, мен, Крез-да! Қайси салтанатни? Албатта, Форс салтанатини-да, деган қарорга келган Крез ўшанда дарё ортига телбаларча отланиб, тор-мор этилганди. Кейин маккор коҳинларни ёлғон гапирганликда айблади. «Коҳин сенга ёлғон гапирмаган, — дейишиди ўшанда айёр коҳинлар. — Галисни кечиб ўтиб, сен чиндан ҳам буюк давлатни — ўз давлатингни вайрон қилдинг».

Энди эса Аранха Куруш учун Галис бўлақолсин.

Қачонлардир у Эллада ўғлонларига тақлид қилас, уларнинг тилида гапирап ҳамда ёзарди. Ҳатто, юонон маъбулларига сифи нарди ҳам. Эфесдаги эллин ибодатхоналарига мармар устунлар совға қилиб, юононлар одатича, уларнинг пойустунларига: «Шоҳ Крез бахшида этди», — деб ёзиб қўйишни амр қилганди.

Ҳозир қария нафақат эллинлар, балки ўзининг, лидияликларнинг тилини ҳам унугиб юборган, бироқ форсийда фикрини аъло даражада баён этарди.

У гапни Раносбатни мазах қилишдан бошлади:

— «Ўтишади, чекинамиз, айланиб ўтамиш...» Сенинг гапингга қўшилармиканман, ўғлим Раносбат? Йўқ, қўшилмайман!

Қўшин бошлиқлари ҳайратга тушиб, жимиб қолишиди. Улар анчадан бери, кўпчилиги эса ҳеч қачон унинг сўзларини эшитишмаганди.

— Нечун қўшилмайманми? — давом этди Крез. — Сабабини айтаман. Ер юзида қайси ҳалқ энг айёр? Саклар. Улар бизни разилларча алдамоқчи эканликлари равшан эмасми? Равшан.

Тинглангиз мени. Уч кунлик йўлга чекингунимизча нималар бўлади? Саклар шунча масофа нарига кетиб қолишади. Бизни лақиллатишганини фаҳмлагунимизча неча кун ўтади? Яна уч кун. Шундай қилиб, орамизда неча кунлик масофа ҳосил бўлади? Тўққиз кунлик. Сол боғлаш, кўприк қуриш ва ўнг соҳилга кечиб ўтиш учун неча кун керак бўлади? Камида беш кун. Шундайми? Бинобарин, саклар Аранхадан қанча йироқлаб кетишади? Ўн тўрт кунлик масофага! Биз уларга етиб боргунимизча улар нима қилади? Янада нарига кетишади. Шундай! Ҳисоб-китоб қила билиш керак. Шу вақт ичидаги уларга кўмакка кимлар келиб улгурди? Хоразмлик ва сүфдлик дўстлари! Келишадими? Албатта, келишади. Эшитишимча, улар билан саклар ўртасида деярли ҳеч қанақа фарқ йўқ. Тили бир, дини бир. Сак бирон жойда турғун бўлса, сүфд бўлади-қолади. Сүфд даштга қараб силжиса, сак бўлади-қолади. Бақтра ҳам исён кўтариши мумкин. Шундай, ўша сүфдлар ва хоразмликлар, ахир, молфаҳм эмаску. Айғоқчилиари йигирмата манжаниқни, зоғнулларни ва нарвонларни кўчманчи сакларга қарши олиб юрмаётганимизнинг фаҳмига етишади. Сакларнинг шаҳарлари ва йирик қальъалари йўқ. Фақат қўра-ю, кўтонлари бор. Хоразмликлар дарё бўйлаб юқорига ўтишади-да, бизни кўприкдан ажратиб кўйишиади. Сүфдлар кунчи қардан зарба беришади. Бақтрлар эса — жанубдан. Дурустми? Йўқ, албатта. Шуни ёдингизда тутингки, биз Туронга шармандаларча ўлиш учун эмас, шараф билан зафар топиш учун келганимиз. Ҳозироқ, тараддулланмай, кўприк қуришга киришмоқ лозим! Ҳозироқ! Дарҳол! Бошламоқ даркор! Тўмрузга йироқлашмасидан етиб оламиз! Шундай қылсак дуруст бўладими ёки ёмонми? Дуруст бўлади! Ҳа! Дуруст бўлади.

Крез жимиб қолди. Ҳайратдан қўшин бошлиқларининг кўзи қинидан чиқай деди. Бундай чуқур мулоҳазакорлик, ҳатто, ақли етук Гов-Барувани ҳам таажжубга солди. Ҳа! Ҳа! Крез тўғри айтаяпти.

— Тасанно, биродари азиз! — қизғин хитоб қилди мутлақо кутилмаган томондан келган нажотдан руҳланган форс шохи. — Валдираш етар! — газаб билан бақирди у аъёнларига. — Ниҳоят, тилни яшириб, шамширни яланғочлаш мавриди келди! Менинг ҳали қиласиган юришларим бир эмас, икки эмас, уч эмас... Ахурамазданинг оқ фотиҳаси билан бутун жаҳонга ҳақ динни жорий қиласигиман. Бироқ жаҳон бепоён, мен эса кексайганман. Шу боис бу ерда уч йил депсиниб туролмайман. Биз Туронни яшин тезлигига қўлга киритишимиз даркор! Тўмрузни ўн беш кун ичи-

да саранжомлаймиз. Хоразм томон от сурэмиз. Аранхадан Яксарт-га ўтамиз, Суғдга күтарилими. Кузда қайтмоғимиз лозим. Ёдигизда тутингки, Миср бизга интизор. Эй, күпrik қуришни бошланг.

Кузда Парсага аранг етиб келган Виштасп Камбужи ва Хутаусага қуидагиларни сўйлаб берди:

Жангчилар солларни сувга тушириб, қайишлар ва жун арқон билан бир-бирига маҳкамлашди. Аранханинг сўл соҳили бўйлаб улкан қалқма күпrik турарди. Күпrikнинг қуи қисмини ерга кўмилган устунларга занжирлар билан маҳкамладик. Юқори қисмини суреб, сувга туширдик. Шитоб билан оқаётган сув қалқиб турган бўлса-да, мустаҳкам иншоотни суреб, уни оҳиста дарёга кўндаланг қилиб қўйди.

Уч юз варкан новакандозлари сузуб бораётган күпrikдан туриб, саклар банд этиб турган соҳилни ўққа тутишди; күпrikнинг шарқий поёни қуруқликка бориб тегар-тегмас, солларда шай бўлиб турган найзабардорлар кечув яқинида айланиб юрган отлиқ кўчманчилар тўдасига ташландилар. Жанг бошланиб кетди. Саклар жуда кам, юзтacha суворий бор эди; бизникилардан йигирма-ўттизтасини камондан отиб ўлдириб, тезлик билан кўздан фойиб бўлишди.

Кечувни бошлаб улгурмасимизданоқ, атайлаб қилгандай, кучли шамол кўтарилиди. Сакларнинг жодугарлари бузук ҳавони юборишган кўринади. Шусиз ҳам қутуриб оқаётган дарё бизга қарши оёқланганга ўхшарди. Осмонни қизғиши чанг қоплади. Чанг Аранха устини тумандек тутиб, жўш уриб оқаётган сув устига қалин пардадек ёпириларди.

Аҳурамаздага шукрким, күпrikка зиён етмади. Бироқ кечувни бирмунча вақт тўхтатишга тўғри келди. Отлар солнинг чайқалишидан ҳуркар, жангчилар эса қаерга оёқ қўяётганларини кўрмасдилар. Бир ондаёқ ўттиз-қирқ киши сувга фарқ бўлди. Айраннинг муҳофизи, донишманд маъбудга мадҳлар бўлсинким, улар форслар эмас, балки даҳлар ва варканлар эди. Шамол тезда тинди, дарё бироз тинчланди, ҳаво мусаффо бўлди. Кечувни давом эттиридик.

Ўнг соҳилда иккинчи қароргоҳни тикдик. Крезнинг маслаҳати билан шоҳ қўшиннинг энг яхши қисмини олиб борадиган, ёмон қисмини күпrikни қўриқлаш учун қолдирадиган бўлди. Бош ўғруқ, манжаниқлар, озгина асирлар дарё бўйида қолдирildи. Зоғнулни аъло даражада ишга солишини, кўтарма ясашни, хандақ қазишини ва лаҳм ковлашни биладиган бобиллик со-

мийлар ҳам қолдирилди. Тангри дарвозаси ўғлонларини Хоразм ва Суғд деворлари остидаги урушлар учун эҳтиёт қилиш даркор эди.

Куруш жангчиларнинг озуқаси учун Марғда қўлга туширилган буқаларни ҳам барханларга ҳайдаб бормасликни буюрди. У кўчманчилар билан узоқ вақт пачакилашиб ўтиromoқчи эмасди, шунинг учун қароргоҳдан енгил-елпи юқ билан чиқди. Курол, нон, қоқ пишлоқ, қоқ гўшт, бешта мешда сув, захира от — одамга ўн-ўн беш кунлик сафар учун бундан ортиқ яна нима керак, ахир?

Лаънати мугамбир, сфардлик Крез ўзини бетобликка солди, унинг кенгашда ирод этган нутқидан мамнун шаҳаншоҳ эса но-бакорга қароргоҳда қолишта илтифот ила изн берди.

Ё, Аҳурамазда!

Сафар қандай яхши бошланган эдию, қанчалик ёмон тугади.

Қароргоҳни тарқ этишдан олдин форслар маъбулларга минг бош от қурбон қилишди.

Зардуштнинг ёш таълимоти уларда эски тасаввурлар ва хурофот билан дурустгина қовушиб кетган эди. Форслар Аҳурамазда-га эътиқод қилган ҳолда, айни маҳалда чўллар, тоғлар, сув руҳларига топинишарди. Самога, қуёшга, шамолга, юлдузларга сиғинишарди. Йиртқич ҳайвонлар, күшлар ва илонларнинг сирли кучига ишонишарди.

Махсус қулоқчин — патидан кийган муғлар, турли рутбадаги коҳинлар — дастурлар, эрпатлар, дотварлар, мубадлар муқаддас оловни нафаслари билан ҳаром қиласлик учун оғизларини боғлаб олиб, кўчма меҳробларда туриб, яssi идишлардан хаома назр қилишар экан, кўхна одат бўйича, ўтлоқларда сепоя биринч қозонларда қурбонлиқ жониворларнинг эти қайнаб турарди.

Узоқ дуою фотиҳалардан ва тўйимли таомлардан сўнг шоҳ кўшинни кўрикдан ўтказди.

Ҳамманинг қиличи, табарзини, найзасининг пайкони чархланганми, новакандозларнинг ўқи, палахмончиларнинг тош гўлаги етарлими, қалқонлар ва танга совутлар мустаҳкамми, кийимлар ва пойабзаллар пишиқми — текшириб кўриш керак эди.

Кўрик муносабати билан ўзи ҳам ясаниб олганди: кулранг форсий хитон устидан лидияликларнинг қирмизи либосини кий-

ган, мадлар удуми бўйича қора холли сариқ қоплон терисини елкаси оша ташлаб олганди. Афтидан, унчалик асл форс эмаслиги, онаси томонидан маддлиги эсига тушиб қолган кўринади, чунки онаси Мандана Иштувегунинг қизи эди-да. У нафақат мад, балки сфердалик ҳам, чунки Мандананинг онаси Арианна — Лидия шоҳи Алиаттнинг қизи. Крез — Алиаттнинг вориси. Бундан келиб чиқадики, Иштувегу, Крез ва Куруш қон-қариндош экан-да. Оқибатни қаранг-а.

Шаҳаншоҳ аъёнлари билан баланд бархан устида турар, қуйида, жарлик бўйлаб, мис қурол-аслаҳаларини ярқиратиб, қўшинлар ўтиб борарди. Чишпишнинг набирасига табаррук шароб солинган қадаҳ келтиришди. У тундлашиб, қадаҳни нари сурди.

— Мен қонга ташнаман!

— Хайра-а-а! — ҳайқиришди суворийлар ва пиёдалар найзалирини қалқонларига тарақлатиб уриб. Карнайлар ўкирди. Таблар тарақа-турук қила бошлиди. Шоҳнинг лаблари учди. Манзардан таъсирланган кўйи кўзда ёш билан: — О, ҳалқим менинг... ҳалқим! — дея пичирлади.

«Наҳот у ҳалқини севишига ишонса? — ҳайратга тушди Утана. Савдогар жанговар хитоблардан нафратланарди. — Бундан чиқдики, форсларнинг роҳат-фарофати йўлида уларни муқаррар ўлимга ҳайдаб келаётган экансан-да? Менинг ҳалқим эмиш... Яххиси: «Мен!» — деб қўя қол. Сенинг баландпарвоз гапларингда «Мен!» қаттиқроқ жаранглайпти. Сен бу юришни ўз ерлари, мулки етиб оргадиган, лақиллатилган ва чиройи очилмайдиган қўшчилар фарофатини ўйлаб эмас, балки ўз шухратингни ошириш, олчоқ нафсингни қондириш учун бошладингку.

Шу он у бу покиза фикрлари ўзининг унчалик покиза бўлмаган ҳаёти билан қовушмаслиги ҳақида ўйлаб қолди.

«Хўш, Утана, сен-чи, — хўрсиниб ўзига ўзи таъна қила бошлиди у. — Ўзинг карвон билан тоғлару қирлар оша тентираб, кимнинг фарофати учун тиришиб ётибсан? Уруғдошларинг учумми? Ё ёлғиз ўзинг учумми? — Бирдан ноҳуш холосага келди: — Сен мунофиқсан, Утана. Ҳаётга ҳам, оламга қарагандек, ҳар хил кўзлар билан қарайсан. Мовий кўзинг билан одамлар томонга қарасанг, қора кўзинг билан қаёнга тикиласан. Курушдан ниманг ортиқ?..»

Шундай деб, паришон ҳолда, ғамга ботган кўйи сафар отига минди.

\* \* \*

Саклар душманни чалғитиши учун дарё бўйида бир ҳовуч жангчиларни қолдириб, ўзлари уч кунлик йўлга кетиб, Қизилқум кўйнида яширинишиди.

— Бўрон турган жойда вайронгарчилик ҳам бўлади, — деди Тўмруз уруғ сардорлари кенгашида — Уруш урушлигини қилади. Кимдир яраланади. Кимдир ўлим шарбатини тотади. Бўлак чора қолмаса — барчамизни ҳалок этишса-да, таслим бўлмаймиз. Бироқ биз ҳозирча тирикмиз, бинобарин, ҳаёт ҳақида ўилашимиз даркор. Ўз одамларини телба басир сингари ҳеч қандай заруриятсиз, ўйламай-нетмай отлар туёғи остига ташлайдиган йўлбошчи нафрат ва абадий лаънатдан бўлак нарсага лойиқ эмас. Наҳот душман билан уни тор-мор қилиб, ўзи тирик қолиши учун эмас, балки муқаррар ўлим топиш учун урушсалар? Ёвнинг комини жангчиларимизнинг гўшти билан эмас, садоқларимиздаги ўқ билан тўлдириш даркор. Унинг қурсофини қонга эмас, иссиқ кулга тўлдириш зарур. Одамларни авайланг! Ҳар бир киши ушбу улуғ йўлни босиб ўтмоғи даркор. Бу — қисмат! Қанча кўп одамни асраб қолсак, шунча яхши — ёруғ оламда ҳали ишимиз кўп. Дашиб қўйнига кетамиз. Куруш — хавфли ёғий. У — Олачипор ажал! Форслар жангни жон-дили билан, яхши олиб боришади. Ношудларни қамчи билан ҳайдаб, майдонга солишади. Жуда хушёр бўлмоқ даркор. Уруш — ақллар жангни. Ақлни ишлатиб, сўнг шамширни чиқариш зарур. Ҳозир форслар билан юзма-юз тўқнашишнинг маъноси йўқ. Улуғ жанг мавриди ҳали келмади. Тигр хауда ва дарёорти саклари лашкарлари, хоразмликлар қўшинлари кўмакка етиб келмагунча кутамиз. Суғдан, Бақтрадан кўмак келиши зарур. Чоларларимиз аллақачон йўлга тушишган. Ҳечқиси йўқ, кутамиз. Форслар саҳро қумини еб қўйишмайди. Ҳозирча қумтепаларда сарсон бўлишсин, офтоб тифини татиб қўришсин. Шунинг ўзидаёқ тинкалари қуриб, кучдан қолишади. Куруш бизни даф бўлишди, деб ўйламаслиги учун беш-олтита ихчам бўлимни ажратиб қолдиралиб. Ёшлар кутилмаган меҳмонни у ер-бу еридан тишлаб туришсин...

— Менга лашкар беринг! — қисталанг қилди Спаргапа эртаси тонгда.

— Лашкар дейсанми? Эрта эмасмикан? — тараддуланиб бoshини сарак-сарак қилди Тўмруз.

— Нечун эрта бўларкан? — жаҳр билан сўз қотди Спаргапа. — Айни мавриди. Жангчининг жасурлиги жангда билинади, шун-

дай эмасми? Қаригунимча бешикка белаб қўйсангиз, энди бола эмаслигимни қандай исботлайман? Шунқор дедингизми, қанот ҳам беринг-да. Лашкар берсангиз, ўғлингиз нимага қодирлиги ни кўрасиз. Қасам ичиб айтаманки, биринчи жангдан кейиноқ Спаргапанинг номи бутун Туронда оғизга тушади.

У сабрсизликдан ўзини қўйгани жой тополмасди. Парвоз этарди-ю — қанот йўқ-да. Тўмруз яширин меҳр ва ифтихор биан ўғлига тикилди. Иzzати нафси кучли, феъли тез, довюрак. Саркардалар шунақалардан етишиб чиқади-да. Спаргападан яхши жангчи чиқади! Агар қизишиб, биринчи жангдаёқ панд емаса.

— Яхши, азизим. Эртага сенга лашкар берамиз. Тенгдошларинг ва дўстларингдан беш юз кишини. Бироқ... сенга бир устозни бириктириб қўяман.

— Нега энди?

— Кўмаклашади.

— Кимни бириктириб қўясиз?

— Балки Хугаванидир. У тажрибали жангчи. Тоҳарлар ҳужум қилганда Хугава кўрсатган мардлик ёдингдами?

— Хўш, мен унга бўйсунишим керакми?

— Йўқ. Лекин маслаҳатларига қулоқ тутишинг даркор. Розимисан? Акс ҳолда лашкар берилмайди.

— Розиман, — тўнғиллади Спаргапа. — Лекин ҳадеб ўргата-веришни хаёлига ҳам келтирмасин! Мен — бошлиқ бўлсам, у ёрдамчилигига турсин. Бошқача бўлса, лашкар бошида қолсин! Курушнинг устига ёлғиз бостириб бораман.

— Майли, қизишма! — мулойимлик билан ўғлини тинчлантириди Тўмruz. — Лашкар бошлиғи қилиб сени тайинлайман.

— Хугавага тушунтириб қўйинг, ҳаддидан ошмасин.

— Айтаман, айтаман. Энди гапимни эшит, ўғлим. Билиб қўй, отангнинг руҳини ўртага солиб гапираман! Бу гапларимни бирлаҳза ҳам унутмагин. Гапимни тушуняпсанми, Спаргапа? Бирлаҳза ҳам.

— Яхши, айтинг.

— Ўғлим, уруш эрмак эмас. Ёдингда тут. Кўпкари эмас у. Уруш — мудҳиш офат. Мен аёл ва онаман, урушдан жуда ҳам нафратланаман. Саклар азал-азалдан тинчликсевар халқ. Бошқа йўли қолмагандагина саклар қўлига қурол олишади. Ҳозир ҳам шундай. Сак ўзгалар юртига бурнини суқмайди, лекин ўз мамлакатига ҳам ётларни қўймайди. Форслар ўлжа олиш учун қон тўқади, саклар эса эрк учун қонини тўқади. Ёдингда тут —

ўлжа учун эмас, эрк учун. Қадимдан бизда шундай. Бу — бизнинг қонун. Нима демоқчиман? Сен биринчи жангга киришдан олдин, ким билан ва нима учун жанг қилишингни охиригача тушуниб олгин, демоқчиман!

— Дуруст, — бош иргади жиддий ва кўркам Спаргапа. — Она, сизнинг насиҳатингизни унутмайман. — У тин олди-да, ўйга чўмди. Сўнг ранги оқарган ва маъюс тортган ҳолда нам кўзларини Тўмрузга тикди. — Донишманд аёлсиз, она. Мени бошқа бир аёл эмас, айнан сиз туқданлигингиз учун Худога шукр қиласман. Сиз менинг учун...

У онасининг олдида тиз чўкди-да, яланг оёқларини ўпди.

... Кейинроқ, тунда у қовоғи солик, хўмрайиб, Райданинг ёнида, қум устида ва унинг ўқтинг-ўқтинг чиқаётган гапларини ноxуш туйғу билан тинглаб ўтиради.

— Менга тег, менга тег! — пицирлади Фраданинг қизи аччиқланиб. — Менга-ку ёқасан, тўғри. Шу билан бир нарса бўладими? Эрга тегиб, увада кийимда, илма-тешик чодирда тўнғиб, куйган гўшт еб юравераманми? Қашшоқ бўлишни истамайман.

Спаргапа ёпишиб қолган лабларини аранг бир-биридан ажратди.

— Қашшоқ бўлмайсан. Райада, сен учун ҳамма нарсани бажо қиласман.

Қиз ишонқирамай кўз қирини ташлади.

— Қаердан, қандай бажо қиласан?

— Қаердан, қандай! — Спаргапа вулқондек портлади. — Эртага сафарга чиқаман, тушундингми?

У виждонини бир чеккага суриб кўйганди. Нима кераги бор... Спаргапа ўзига ўзи хўжа эмасми? Оқ ота йўқ ва энди ҳеч қачон бўлмайди, онаси эса... онаси шунчаки эзма, сергап кампир-да. Кимдан ҳам кўрксин? Бўғовдан бўшаган ов лочини сингари ўзини бутунлай эркин ҳис қиласади. Насиҳатларга тупурдим! Инсонга истаган ишини қилишга изн берилган. Спаргапа дарғазаб сўкинди.

— Агар чодиринг олдига олтин, мато ва бошқа майда-чўйда юкланган тўртта тяни ҳайдаб келмасам, отимни бошқа қўяман.

Райада шодон қийқириб юборди.

У қайноқ қўллари билан қизга ёпишди, бархан ортига тортиб кетди-да, эҳтирос билан уни қумга босди. Қиз қаршилик қилмади. Үндан қизил қалампир ва ялпиз иси келарди.

Қароргоҳга тонгда қайтиб келишди.

\* \* \*

Спаргапанинг лашкари бўри галаси монанд пусиб бориб, Аранхага яқинлашди. Дарёдан берида ёш жангчиларга икки юз уруғдошини бошлаб келаётган Фрада етиб олди. У ҳаддан ташқари қувноқ ва сергал эди.

— Оҳ, мана, мен ҳам сен билан биргаман! — мулойим жилмайди Фрада Спаргапага қараб. — Оёқ-қўлимнинг чигилини ёзмоқчиман, шамоллаб келмоқчиман. Кўпдан бўён найза иргитмадим, қилич сермамадим, камондан отмадим. Менинг одамларимни ҳам ўз мўтабар ҳукмингга ол. Хўпми? Куруш малайларининг тинкасини куритамиз. Ҳа, Хугава! Сен ҳам шу ердамисан? Сеҳрли камонингнинг хунарини кўрсатмоқчимисан? Мана энди эҳтиёт бўлинг, форс қирғовуллар!

Фраданинг ширин хушомадидан Хугаванинг юзи нордон нарса егандек, буришди. Йилқибон тескари ўгирилди-да, секин сўкинди. «Тентакларни йўқотишга қарор қилинганида аҳмоқ ҳам пи-чоғини қайрай бошлаган экан, — хаёлидан ўтказди Хугава. — Жангарининг шамоллагиси келиб қолибди-да. Жангчиликка-ку яхши жангчи-я, лекин намунча жонбозлик қилмаса? Ёш бўлмаса. Куч-қувватини жиддий ишларга асраса бўларди. Калака қилмоқликнинг ҳам ўрни эмасди. Тўйга кетмаяпти-ку?»

— Бирга бўлса — бирга-да, — босиқлиқ билан бош иргади Спаргала.

Катта ёшлилардан икки юз киши зўр мадад эди, албатта. Уруғ сардори, кекса Фраданинг ўзи хом «лашкарбоши»га бўйсунишни истагани ҳам ёқимли. Бироқ ҳадеб манфур Райадани эслатиб, кўз олдингда пайдо бўлавергани ёмон-да.

Спаргала ўтган тунда маккор Райаданинг оташдек куйдирувчи қайноқ оғушидан қайфу, ҳасрат, алам, гина ва ханжардек ўткир рашик билан кетганди. Эҳ! Онам огоҳлантирган эди-я... лекин Райадасиз ҳаёт ўлимдан баттар-да. Мушкул аҳволга тушиб қолдинг-ку, дўстим Спаргала! Нима билан тугаркин бу машмаша?

Фрада-чи? У Гов-Барува берган узукни ҳамон қўйнида сақлаб келаётир. Бармоғига таққани йўқ, лекин ташлаб ҳам юбормади. Уруш бошлангач, ўзини қандай тутиш лозимлигини анча вакт мулоҳаза қилди. Нима қилса экан? Ўзингни қандай тутсанг тутгин-у, лекин панд еб қолмагин. Саклар ғолиб чиқса, форслар ҳисобига бойийсан. Форслар зафар топса, саклар ҳисобига бойиб қоласан. Бир-бирининг гўштини емайдими? Фрадага нима?

\* \* \*

... Қүёш Жавзони тарк этиб, Саратон буржига қадам қўиди. Осмон тоқида жазирама кунлар даракчиси Катта Ит намоён бўлди. «Ит — сакларнинг ҳомийси, — қовоқ уйиб пичирлашишарди форслар. — Бошимизга итнинг куни тушмасайди, ишқилиб». Ибодат қилишарди, қурбонликқа жонлик сўйишарди.

Кўприк яқинидаги қароргоҳга Курушнинг чопарлари тез-тез келар, сув олиб кетгани карвонлар қатнарди. Куни кеча бўлган шамол чўлда изларни супуриб ташлаган, айғоқчи отлиқлар сакларни излаб топишга беҳуда уриниб, қумтепалар бўйлаб туну кун овораи сарсон эди.

— «Итлар» худди қумга айланиб қолгандек, дом-дарагини топиб бўлмайди, — дейишарди чопарлар. — Шоҳ аччиқланмоқда.

Кўприк соқчилари вақтни қандай ўтказишни билмай хуноб. Дикқатпазлик тоқатларни тоқ қиласди. Ҳадеб ўйлайвермайди-ку одам? Сузишни биладиганлар юрак ютиб, чўмилишарди. Жўшқин дарё оқизиб кетмасин деб, соҳилга, солларга яқин жойда сувни шапиллатишарди. Сувдан эса лойқага ботиб, сарғайиб чиқишарди. Аранханинг юксак тоғлардаги қорлар эриши билан содир бўладиган иккинчи, ёзги, асосий тошқини бошланди. Паст тоғлардаги қорлар бир оз эришидан ҳосил бўладиган биринчи, баҳорги тошқинга қараганда буниси қучлироқ бўлади. Ёзда дарё кўплаб чўкинди оқизиб келади, деярли балчиқ оқимига айланади.

— Аранханинг балчиғи хўп мойли эканми? — ҳайратга тушишарди форслар. — Уни Нил балчиғидан ҳам яхши дейишади. Хоразмни кўлга киритгач, ўша ерда қоламиз. Қанча унумдор ерни кўлга киритишимиз мумкин!

Сузишни билмайдиганлар ҳам кун бўйи ялангоч юришади. Жазирама эса тинкани қуритади. Ҳеч қандай хавф-хатар йўқдек эди, назоратчилардан ташқари ҳамма жангчилар совут-қалқону курол-аслаҳаларини чодирга ташлаб қўйишганди. Кимдан ҳам кўрқишарди?

Одамлар ўртоқлариникига меҳмонга бориш учун кўприк орқали у қароргоҳдан бу қароргоҳга ўтишади; ов қилишади, ошиқ ўйнашади, балиқ тутишади. Бироқ ҳаммаси тез орада кўнгилга уриб кетди. Жангчи — жангчи-да, ботирлигини, довюраклигини намоён этишга сабри чидамасди. Кўприк қўриқчилари бошлиғи Аршибара бекорчиликдан руҳи тушган кишиларнинг вақтини қандай қилиб чоғ этишни ўйларди.

Бугун пешиндан кейин жарчи ўнг соҳил қароргоҳда кураш ўтказилишини эълон қилди. Мусобақа иштирокчилари тўйимли тушлик билан сийланишади, ғолибларга эса яхши соврин берилади. Қўйлар аллақачон сихларга тортилган, шароб солинган кўзалар Аранханинг муздек сувиди қўйилганди.

Ўнгсоҳил қароргоҳ дарё ёқасидаги кенг майдонга жойлашган. Форслар чодирларни тикиш, қўшиналарга чўлга ўтиш учун йўл очиш мақсадида бу ерда дараҳтларни, буталарни кесишган, ўргимчагу илонларга тўла қамишзорни ва ўт-ўланни ёқиб юборишишганди. Фақат лунги ўраб олган уч мингга яқин қуролсиз жангчилар бўлажак зўр кураш завқини туйиб, майдонда тўпланишганди.

Уларни нишонга олиш ҳам шарт эмасди — ҳаммаси тебранаётган зич девордек очиқ-ойдин туришарди.

Чангалзордан осмонга қора тутун ўрлади.

Шу онда майдонни ўраб турган тўқай ичидан етти юз узун парли ўқ йиртқич кушлар галаси мисол осмонга учди. Енгил яраланган, оғир яраланган ёки ўлдирилган етти юз форс, мад, харайва, варкан, бобил ўғлонлари ерга қулади.

Соф қолганлар, муқаррар хавфни ҳис қилиб, бироқ бу хавф қаердан ва нечун келганини англамай, бир лаҳза донг қотиб қолишиди.

Чангалзордан ваҳимали шовқин билан савағич ўқларнинг иккинчи галаси учиб чиқди. У майдон устида тўқ сариқ ҳалқадек бирлашганда, ийқилган таналар сони икки баравар кўпайди. Етти юз заҳарли биринч ништардан биттасигина ҳеч кимга санчилмай, учиб ўтди. Лекин у ҳам хато кетмади. Дайди ўқ кўприк бўйлаб сирғаниб ўтди-да, сол устида қармоқ солиб ёлғиз ўтирган қандайdir бадбаҳт балиқчига тегиб, уни жўшиб оқаётган сувга ағанатди.

Форслар дод солиб, сочилиб кетишиди. Айримлари қурол-аслаҳа, совут-қалқонини олиш учун чодирга томон югурди. Бироқ жангчиларнинг кўпчилиги кўприкка қараб чопди. Кўприк даҳшатли чайқалди. Тирбандлик, ур-ийиқит бошланди. Қиёмат кўпди. Сакларнинг нишонга бехато тегадиган ўқларининг учинчи навбати даҳшатдан ақлдан озган кишилар тўдасини куруқ япроқлар уюми каби оқимга улоқтириди.

Кўприкни қўриқловчилар бошлиғи Арштибара қирғоқдаги бир нечта солни бир-бирига боғлаб турган арқонларни қиличи билан шоша-пиша чопиб ташлади. Қўприкнинг шарқий поёни пар-

чаланиб кетди. Ҳодалар, қамишлар ва шиширилган мешлар боғламлари гирдобларда айланана-айланана, дарё бўйлаб қўйига оқди. Фарқ бўлмай қолганлар дод-фарёд билан уларга ёпишишарди.

Шундай қилиб, Аршибара ўзининг ортидан кўприкни бузиб, тирик қолган бир ҳовуч жангчилар билан гарбий соҳилга етиб олди.

Аранханинг гарбий соҳилида Крез турарди. Қария дарёдаги қирғинбаратни жим туриб кузатарди. У ҳатто жилмаймади ҳам. Ҳангома энди бошланаётганди, шунинг учун қувонишга эрта эди.

Саклар чангалзордан чиқиб, ярадорларни саранжом қилишга киришишди. Қирғоқ яқинида анчагина форслар ва бошқа қабилалар жангчилари фарқ бўлишдан кўрқиб, бироқ куруқликка чиқиб олишга юраклари бетламай типирчилашарди. Саклар ёғийларни сочидан тортиб, сувдан чиқариб олиб, бўғзига шамширтиқишишарди.

— Ур уларни, чоп, ур! — бақиради Спаргапа асиirlар қорнига ханжар тиқишдан чарчамай.

Манжаниқлар жарликка қулади, зофнуллар ва нарвонларга ўт қўйилди. Ўлдирилганларнинг қони нам тупроққа аралашиб, майдон қирмизи лойга қопланди. Фалаба нашидасидан маст бўлган ғолиблар унинг устида сирғаниб, оёқлари керилиб кетарди. Қон Аранхага ариқ бўлиб оқиб тушиб, лойқа сувга қўшилиб кетарди. Дарёда, шарқий соҳил бўйлаб бир от югуриши<sup>1</sup> масофасида қирмизи уорма оқим ҳосил бўлганди.

— Сакларнинг шамширию ўқларини татиб кўришиди, — деди қовоқ уйиб Хугава, қўлини жон-жаҳди билан ювар экан.

Қўлга юққан елимшак одам қонини ҳис этишдан тезроқ қутулишни истарди. Ёш саклар жангни унинг режаси бўйича аниқ олиб боришиди — ўраб олишни ўйлаб топган ҳам Хугава эди, уругдошларини чангалзорга жойлаштирган ҳам Хугава эди, ҳужум учун қулай лаҳзани танлаган ҳам Хугава эди. Жанг жонсараклиги тугагач, унинг кўнгли беҳузур бўла бошлади, ўзи уюштирган қирғинбаратга ўзида нафрат ҳисси пайдо бўлди. Мерганни уйида тинч ўтира олмайдиган малъун орий жангчиларга нисбатан қаттиқ ғазаб қийнарди.

Ахир, беозор ва раҳмдил Хугава ўшаларнинг бедаво аҳмоқлиги сабабли уларни ўлдиришга мажбур бўлди-да. Даҳшатли зарурат эди бу.

<sup>1</sup> Бир от югуриши — 3 километр.

— Қай бир иблис сизларни Аранха ортига бошлаб келди?! — хитоб қылди у ғазабнок. — Ёки мен күзда ёш билан устимизга уруш қилиб бостириб келинг, деб ялиндимми?

— Эй, дўстим Хугава! Иссикда ачиб қолган сигир сутидек нега бирпаста бўшашиб қолдинг? — Спаргапа узуқ-юлуқ кулдида, ханжарини чарм шимига артди. — Бу эрмак менга ёқиб қолди. Қарасам, уруш қизиқ ишга ўхшаб кўринди.

«Бўривачча! Қон иси бурнига кириб, гангуб қолди», — ўйлади Хугава нафрат билан.

Унинг она сути оғзидан кетмаган жангчилари ҳам, Спаргапага ўхшаб, эс-хушини йўқотиб қўйишганди. Фалаба ғоят осонлик билан қўлга киритилди. Айримлар тиканзор тўқайдада орттирган арзимас тирналган жойни жароҳат деб кўрсатмоқчи бўлган эсада, биронта ўспирин, ҳатто, ярадор ҳам бўлгани йўқ. Ота-онасига бориб мақтаниш учун, бетини атайлаб тилганлар ҳам бўлди. Ҳаммаси нечта душманни ўлдирганини айтиб, бир-бирига мақтанаради.

Ёшлар кўпни кўрган жангчилардек, кесиб олинган душман каллаларини шошмай, жиддийлик билан майдоннинг чеккасига ташишарди. Мақтов эшлиши умидида, ёш бошлиқнинг кўзига хушомад билан боқишарди. У эса, тажрибали саркардадек, кеккайиб гапиравди:

— Хўп биқинига солдикми?! Аспатана, сенга қойилман. Чапдаст жангчи экансан, Пармуз. Баракалла, Наврўз. Рўзбехнинг дасти кучли экан... Ўлаксаларнинг ҳаммасини қўриб чиқдиларингми? Қаранглар! Биронта ҳам узук йўқолмасин.

Уруғдошлари қўллардан ечиб, бурунлардан узиб, қулоқлардан шилиб олинган тилла ва кумуш узук, билагузук, булоқи, зирак, занжирларни Спаргапага олиб келиб беришар, у эса ўлжани қизил матога оқ шунқор кашта қилиб тикилган хуржунига шошапиша жойларди. Шу орада Фрада чиябўри мисол, чодирларни ҳамда ўғруқ араваларини тинтир эди. Тез орада Спаргапанинг жангчилари унинг оёқлари остига бир уюм кийим-кечак, гиламлар, тўқалар, қандакори белбоғлар, идишлар, қилич дастлари, қадаҳлар, кўзаларни келтириб ташлаши: буларнинг бари қимматбаҳо олтиндан эди.

— Мен билан бўлишасанми? — пичирлади Фрада йигитчага, гарчи талон-торож қилинган нарсаларнинг энг яхшиларини кўздан нарига яшириб қўйишга ултурган бўлса ҳам.

— Кейин, — норизо оҳангда тўнфиллади Спаргапа. — Ҳой, бошқа ҳеч нарса қолмадими? Иزلанглар.

— Форслар қақир-куқурининг сенга нима кераги бор? — ҳайрон бўлди Хугава. — Ҳаром бойлик, бошқаларники, душманники. Ифлос. Ёқиб ташлаш керак.

— Нима?! — Спаргапа тилла ва қумуш тиқиб ташланган хуржунни қўллари билан яширган бўлди. — Ўзингни ёқиб юбораман! Хоҳламасанг — олма. Кийимларни олинглар, йигитлар! Чувриндига ўралиб юриш етар. Булар ғалаба учун мукофотдир.

Йигитлар қувнаб, ранг-баранг лиbosларни бирпаста талаб ташлашди, эски лиbosларини улоқтириб, гулдор ёпқичлар ҳамда чоловорларни кийиб олишди. Ҳай! Ҳай! Ҳай! Бугун улар учун ҳамма нарса эрмак. Хугава эса жаҳл билан тупуради.

— Болалар! — Фрада лабларини ялаб ўғруқ араваси ортидан чиқиб келди. — У ерда, ҷодирлар ортида сихларга тортилган қўй пишиб турибди, бир дунё кўза бор. Мен уч хўплам ичдим — муздек, ширин, кучли шароб экан. Афтидан, форслар базми жамшидга ҳозирлик кўришганга ўхшайди. Нима қилибди, уларнинг ўрнига ўзимиз ишрат қиласиз. Тезроқ келинглар, болалар! Бунақа лаззатли нарсани тушингизда ҳам кўрмагансизлар.

— Тўхтанглар! — қичқирди Хугава ҷодирлар ортига қараб югурга бошлаган тўдага қараб. — Фрада, бу ноз-неъматни қаердан излаб топдинг? Бу — ноз-неъмат эмас, заҳри қотил! Биродарларим, наҳотки ҳалқумингизни аҳмоқлар ичимлиги билан ҳаром қилмоқчи бўлсангиз? Уни ичганлар ақлдан озади. Ортга қайтинглар! Ҳозир базми жамшид мавриди эмас. Бир нафар бўлсада, форс тўқайзорга кириб, фойиб бўлган. Ўзиникиларга етиб олади. Куруш яқин орада — қараб туринглар, бостириб келиб қолади. Сўл соҳилдагилар ҳам хужум қилиб қолишлари мумкин. Кетиш керак!

Йигитлар Хугаванинг олдида хижолат ичидаги депсиниб туришарди.

Айримлар ўзлари учун тушунарсиз бўлган бу иддаодан ҳайрон бўлишди. Бошқалар шошиб ўртоқларининг ортига яширинишди. Яна бирлари жаҳл билан тескари қараб олишди. Тўртингилари эса кўзларини ерга қадашди.

Ҳеч ким бирон-бир ёмонликни истамасди. Ёш саклар даштда туғилиб ўғсанликлари учун покдомон, бегуноҳ ва қўзичоқ мисол ишонувчан эдилар. Барча хавф-хатар айни ўша деярли ибтидий соддаликда яширин эди. Ушбу соддалик табиий куч ҳамда оғир ҳаёт сингдирган шафқатсизлик билан қовушиб кетгани эса янада даҳшатлироқ эди.

Ёш саклар ҳар қандай — яхши намунадан ҳам, ёмонидан ҳам улги олишлари мумкин эди. Чунки Спарнинг жангчилари ва Спарнинг ўзи ҳам, ҳали ёш бўлганликлари боис, ёмонни яхшидан дуруст ажрата олишмасди, «мумкин» билан «мумкин эмас»нинг ўртасидаги фарқни аниқ тушунишмасди. Айниқса, шу бугун, одатий бўлмаган воқеалардан юраклар жўш уриб, бош айланиб турган, қон сувдек, дарё — жилғадек кўринган, ўзини эса буқани саранжомладиган кучга эга паҳлавон ҳисоблаб турган дамларда бу ҳолат бўртиб кўринарди.

Сукунат. Ўйланишлар. Иккиланишлар. Ёш йигитларга кўзга аниқ кўринадиган ва ёниқ намуна керак. Агар ҳозир бирон-бир киши бошлаб қолса борми — улар тўда бўлиб, аҳиллик билан ўзларини Аранхага отардилар.

— Нималар деяпсан? Қаерга кетиш керак? — Фрада қўйидан кумуш сувдонни чиқарди-да (ғамлашга улгурибди), томоқ қириб, бошини орқага ташлади. Шароб қулкулаб оғзию кўксига қўйила бошлади. Захиранинг ярмини саранжомлаган Фрада чаққонлик билан тупуриб, мўйловини буради. Жундор кўкрагидан қизил шароб томчиларини бепарволик билан сидирди. — Биз душман қароргоҳини кўлга киритдик. Шундайми? Курушни кечикдан ажратиб қўйдик. Шундайми? Зўр ғалаба қозондик. Шундайми? Нега энди тўсатдан жўнаб кетар эканмиз? Кўрқоқлик қиласайпсан, Хугава. Куруш яқин жойда эмас, олисда, унинг биз билан иши йўқ. Сўл соҳилдан эса форслар бизга дахл қилишмайди — юрагини олиб қўйдик, энди ўн кун тиззаси қалтираб, тили тутилиб, чоловорини алмаштириб ўтиришади. Болалар, ўйлаб кўринглар. Агар биз бу ердан кетсак, Тўмруз манзилга қадам бостирамайди. Шундай омад келиб турганда, уни душманларга ташлаб кетамизми? Тентаклик-ку бу. Кечикни қўриқлаш даркор.

Хугава қўлинини кескин силкитиб, Фраданинг гапини бўлмоқчи эди, кайфи ошиб қолган оқсоқол бўш келмади.

— Бу ерда асосий бошлиқ ким? — сўради у Тўмрузнинг ўғлидан шиддат билан. — Сенми, жасур Спар ёки манави қўрқоқ ўзбилармонми? Бизлар, жангчиларинг, қорнимизни тўйғазишини истаймиз. Нимаси ёмон? Шаробни эса... ёқтирасанг — ичмай қўяқол. Ёки мен мажбурляяпманми? Бирорвнинг оғзига зўрлаб қўймоқдаманми? Туф-э! Бошлиғимизсан, тўғрисини айт: бугун биз бир бўлак гўштга арзидиган иш қилдикми ёки йўқми?

Спаргала кеккайиб деди:

— Арзидиган иш қилдингиз! Чиндан ҳам, қаёқаям шошамиз? — ғижиниб Хугавага қаради. — Дам олиб, сўнг кетамиз. Иш ёнмаяпти. Туя ҳам йилда бир марта базм қилади.

— Ҳозир ёнмаётган бўлса, — энди ёниб кетади! — қатъий деди Хугава. — Ҳозироқ кетиш керак. Асло имилламаслик даркор. Гўшт овлолинглар. Қумга бориб еймиз. Майли, шаробдан ҳам озроқ олинглар. Эшиштаяпсизларми? — Озгина. Акс ҳолда, ёмон бўлади. Отларни тайёрланглар, биродарлар!

— Эй, бор, йўқол! — оташланди Спар. Хугаванинг қескин сўзлари унинг бесабр ва асов юрагига тўппа-тўғри бориб текканди. Устига устак Райдадани соғинганди. Онасининг олдидаги гуноҳини ҳам элас-элас англағандек бўлаётганди — Тўмрузнинг панд-насиҳатларини дарҳол унутиб юборганди. Гуноҳкорлик ҳисси ҳам уни эзиз, нари кетмаётганди. Уни бир нарсага ғарқ этиш, нима биландир босиш зарур эди... — Жинлар кўтарсин сени, азиз устозим! Сенсиз ҳам амаллаймиз. Тўғрими, Фрада?

— Оҳ! Албатта-да. Бу ердан туёғини шиқиллата қолсин, бошпанаси йўқ кишидек.

— Сизлар... мени ҳайдамоқчимисизлар?! — шивирлади ларзага тушган Хугава.

— Ҳа-да! Албатта-да! Қанча тез кўздан ғойиб бўлсанг, шунча яхши. Бизга ҳам, ўзингга ҳам. Сен ҳали манави нокнинг мазасини тотиб кўрмагансан-а? — шундай деб Фрада катта бўлмаса ҳам, биринчдек пишиқ муштини Хугаванинг бурни остига келтирди. Бақувват Фраданинг қескин, аниқ ва қаттиқ зарбаси от тепкисидан қолишмай, ҳар қандай одамни йиқитишини йилқибон биларди.

Хугава камдан-кам жаҳл отига минарди. Башарти жаҳли чиқса, тили тутилар, қутурар, ҳушдан кетар ҳолатга тушарди. Ўзи шундай бўлади: бақироқ, шанғилар хавфли бўлишмайди, тезда жаҳлдан тушишади. Индамас ва босиқлар фазабга минса, ҳужум қилаётган қоплондай хавфли бўлади. Хугава бу аламни кўтара олмади. Ахир, у эркак эди-да. ҳар қандай сабрнинг ҳам чек-чегараси бўлади-ку.

— Ҳайвонлар! — қичқирди Хугава, ойболтасига ёпишар экан. — Сак эмас, ҳайвонсанлар! Йўқолларинг ёки юзтанг бoshингдан жудо бўласан. Хугава кетсинми? Дуруст. Кетаман. Қолаверларинг. Олачипор ажал ютса ютақолсин сенларни!

Хугава кетди. У билан бирга истар-истамас укалари, жиянлари, шунингдек, унга яқин йирик хонадонлар йигитлари — жами эллик киши атрофида кетишиди. Оломон уларнинг ортидан таҳқирловчи гапларни айтиб қолди:

- Эй-хой, биродарим Хугава!
- Күй ёғидан ола кет!
- Товонингни мойлаб олсанг, қадам олишинг енгиллашади! Геродот бундай деб ёзганди:  
«Тайёр овқатни кўриб, массагетлар ёнбошлаб, еб-ичишига тушишди. Форслар қайтиб, қўпларини ўлдиришди, қолганларини банди қилишди...»

\* \* \*

— Қандай қилиб уни дарё бўйида қолдирдинг? — шивирлади Тўмруз. — Қандай журъат этдинг? Юрагинг қандай дов берди? Сени нима учун Спаргапага қўшиб қўйгандим? А? Нима учун сени унга тиркаб қўйгандим?

— «Сигирни Бақтрада чилангар ўғирлади-ю, Хоразмда мисгарнинг бошини олишди», — гўнғиллади Хугава ўзини йўқотиб. У Тўмрузнинг алам тўла кўзига боқищдан кўрқарди. — Менинг айбим нима? Айборни айбла. Ҳайдасалар, кетасан-да. Фрада мени урмоқчи бўлди.

— Фрадани жойида сўйиб ташламайсанми? Спарнинг қўл-оёғини боғлаб, менга келтирмайсанми? Эй, Худойим. Худойим-эй! Энди нима қиласиз? Нима қилсак экан? Ўғлинг борми? — алам билан сўради у Хугавадан, унинг елкасини силташда давом этар экан.

— Қизим бор.

— А! Қизми? Ягонами? Чиройлими? Хушрўими, ўзингга ўхшайдими? Сен, бадбаҳт, уйга келиб... қизингни Олачилор ажал еганини эшитсанг, қандай иш тутардинг?

Мерган дод дегудек бўлиб, гандираклади.

Тўмruz нафрат билан Хугавани чодир остонаси томон итариб юборди.

— Менинг олдимда айбинг жуда катта! Кет. Қайта ҳеч қачон қўзимга қўринма.

Тўмruz жун чодирдан уч кечаю уч кундуз чиқмади. Ҳеч нима емади. Фақат, машақват билан чўлдан ўтиб келган кишидек тўйиб-тўйиб сув ичди.

Саклар гангиб қолишли. Уруш кетмоқда, форслар қумда изғиб юришибди. Фрада ва Спар ҳалок бўлишишли. Куруш етти юз нафар ёш сакни тифдан ўтказди. Қимирлаш даркор. Қасос олмоқ лозим! Бироқ Тўмruz ҳеч нима қилмоқчи эмас. Бундан бўён нима бўлади? Шундай ҳам иш тутиб бўладими?

— Келтириңг бу ерга аблაхни! Келтириңг сурбетни! Бу ерга олиб келинг мұртадни! Үзим терисини шилиб оламан. Күzlарини үзим үйман. Жонини суғуриб оламан. Қорнини ёраман, ичакчовоғини ағдараман, ичагини калласига салла қыламан! Бошини узиб, лаънати онасига жүнатаман — күз ёши қон бўлиб оқсин уқора қанжиқнинг!

— Ўзингизни босинг, давлатпеноҳ! Тинчланинг. Шошган одам илонни босиб оларкан. Тўмрузнинг ўғлини ўлдирманг.

— Нималар деяпсан, биродарим Гов-Барува? Эндиғина тиши ёриб чиққан итвачча икки ярим минг жангчимни ғажиб қўйса-ю, мен уни аяб ўтиришим керакми? Ёввойини қирқ отнинг думига боғланг-да, парча-буруш қилинг! Ёғни қиздириб, қозонга солинг гўштини! Қозиққа ўтқазинг!

— Тинчланинг, хукмдор! Эсингизни йифинг. Спаргалани ўлдирганингиз билан ҳалок бўлғанлар тирилиб қолмайди. Бардам бўлинг! Тўмрузнинг ўғлини ўлдирманг. У керак бўлади.

— Нимага?

— Биласизми, давлатпеноҳ... ҳозир икки кишимиз. Шундайми? Ҳеч ким гапимизни тингламаяпти. Шундайми? Мен очиғини айтаман. Ёдингиздами, ўшанда, чинор остида маслаҳатлашганимизда Утана... маккор Утана ҳақ бўлиб, биз хато қилган эканмиз. Ҳа, хато қилган эканмиз! Саклар, биз тахмин қилгандек, унчалик нотавон ва кўрқоқ эмас эканлар. Мана бу бошлар уюми бундан сўзсиз дарак бериб турибди. Агар ўспириналар ичиб маст бўлишмаганда, Аҳурамазда шоҳидки, уларни қуруқ кўл билан енгиб бўлмасди. Ток зангига шукрлар бўлсин! Бироқ даштда яшириниб юрганлар маст эмас-ку. Улар ҳушёр, шафқатсиз ва хавфли.

— Тўхта! Кўзларимга бир боқ-чи. Шундай. Сен, Гов-Барува, ғалати одамсан. Сен ё ўтакетган айёрсан, ёки... Үзинг истаганчалик доно эмассан. «Уларнинг ҳатто совути ҳам йўқ, қиличимизни қиндан чиқаришимизга ҳам ҳожат бўлмайди, қувамиз, ҳайдаймиз...», деб мени йўлдан урган сен эмасмисан? Энди гапни қаёққа бурмоқдасан? «Хавфли, даҳшатли...» Бу нима деганинг?

— Давлатпеноҳ! Наҳотки менинг садоқатимга шубҳа қилсангиз? Мен сизга содиқман. Лекин хато қилдим. От ҳам тўрт оёғи билан қоқиларкан. Овчи ҳам тузоққа илинаркан. Ўрнида ётган

одамгина қоқылмайды. Бу лаънати сакларни тушуниш қийин экан. Бута меваси заҳарлилигини еганингдан кейин биларкансан. Мулоҳазакор бўлайлик, ҳукмдорим! Асосийси — тадбир! Тадбир учун Спаргапа ўлмаслиги лозим. Бир яхши фикр бор. Ўша айтганим сак, бошқа сакларга ўхшамайдиган Фрада айтишича, Тўмруз ўғлини жон-дилидан яхши кўрармиш. Жонидан ортиқ кўрармиш. Гап бундай... овсар Мехр-Бедодни яна Тўмруз ҳузурига жўнатсак, нима дейсиз?

— Яна? Яна қуруқ гапми?

— Яна нима қилиш мумкин, ҳукмдорим? Спаргапани сизга Ахурамаздининг ўзи юбормиш. Ҳа, Ахурамаздининг ўзи юбормиш! Спаргапа биз учун ажойиб топилдиқ бўлди. Донишманд иродаси билан бизга яратиб берган имкониятдан фойдаланмасак, меҳрибон маъбуд бизни кечирмайди.

— Ҳм. Гар Ахурамаздининг ўзи экан... Майли. Лекин агар Тўмруз яна итоатдан бош тортса-чи?

— Бош тортса-чи? Нималар деяпсиз, олампаноҳ? Она бўла туриб-а... Ақлга сигмайди. Мен биламан бу оналарни. Тўмruz ўғлининг жонини сақлаб қолиш учун ўзини ҳам, халқини ҳам азобга дучор қилишга тайёр. Башарти кўнмаса — начора? Ўзига ёмон бўлади. Ахурамаздага шукрким, қандайдир икки ярим минг жоҳил талаф бўлгани билан қудратимиз пасайиб қолгани йўқ. Тўмруз яширинган жойни Фрада кўрсатиб беради. Топиб, ҳаммасини бўғизлаймиз, тамом-вассалом!

\* \* \*

Қаердадир ит узуқ-юлуқ инграб ҳуриди.

Спаргапа ҳушига келди. Итмиди? Йўқ. Унинг ўзи тушида инграганди.

«Худойим-эй! — ўйлади Спаргапа, жунжикиб. — Бошимдан қечмиш бу ҳодисалар чиндан ҳақиқатмикан? Шўрим курсин! Шўримга шўрва тўкилибди-ку».

Ҳар кун тонгда ўзига шу мудҳиш саволни берарди. Кўзини очар-очмас ўзини саволга тутарди. Киши гира-шира уйгониб бедор бўлган, бироқ кўзини очмай ётган пайтлари шундай қиласарди. Бандининг мияси мудҳиш йўқлиқдан машъум бедорликка кўчган пайтларда шундай бўларди.

Тутқун бўлганига Спаргапа ҳали ҳам ишонмасди. Менга шундай туюлмоқда, деб ўйларди у.

Йў-ўқ! Форслар уни ташлаган зиндандаги зулмат аниқ сезилиб турарди. Муз ўтиб кетган биқини билан лойда ётарди. Душманлар тошдек зил ёғоч кундага маҳкамлаб, бандининг оёғига урган йўғон биринч кишан занжирининг жаранглаши эшитилиб турарди. Симиллаган оғриқни, суюкларининг зирқирашини, кўнгли беҳузур бўлаётганини ҳис этарди.

Спаргала қўлга тушган биринчи кун анча енгил ўтганди. Шаробдан эсини йўқоттани учун ҳеч нарсани ҳис этмаган, ҳеч нарса эсида қолмаган, ҳеч нарсани тушунмас ва тушунишни ҳам истамасди. Ҳиссизлик ўтиб кетгач, аникроғи, чидаб бўлмас хумори тутгач, танаси билан қалби баравар чекаётган оғриқقا, азобга айланди.

Ё Худо! Онам... Онам нима дейди? Саклар нима дейишади?

Ўтган куни у зиндан бошида минғиллаб қўшиқ айттаётган соқчига бир кўза шароб келтиришни сўраб овоз берди. Яна тўйиб ичib олгиси келди. Бутунлай эсдан оғишни истади. Яна шу ярамас суюқликни ичib олиб, ҳеч нимани ўйламаса бўлгани. Ҳис этмаса, эсламаса бўлгани... Соқчи сўкинди.

— Биянинг пешобини келтира қолай? Бир қултум сасиган сувни ҳам кўрмайсан, кўплак!

Шунақа, на шароб, на сув берди. Банди зиндан тубидаги нам қумни сидириб олиб, шимишга мажбур бўлди.

«Сени нечун ўзим билан олиб келдим, биласанми? — Оқ отанинг гапларини эслади Спаргала. — Шуни тушуниб ол. Тушуниб олмасанг, хароб бўласан. Сўнгги гапим шу: Тўмрузнинг айтганини қил, Хугаванинг айтганига қулоқ сол...»

Спаргала ҳеч нарсани тушунишни истамасди.

У ҳеч кимга қулоқ солишини истамасди.

Ахир отаси ҳам, онаси ҳам, меҳрибон дўсти Хугава ҳам шунақанги сабр-тоқат билан, мулойимлик, ғамхўрлик билан уни йўлга солишаарди, чакки қадам ташлашдан асрашарди-я!

Олачипор ажал тозиларни парча-буруш қилиб ташлагани сингари, Куруш ҳам Спаргаланинг овсар жангчиларини тилкапора қилди... У тишини қаттиқ ғижирлатиб, бошини кундага урди-да, хушидан кетди.

Неча кун хушидан кетиб ётди экан?

Бир кундир. Эҳтимол, ўн кундир. Тепадан устига қуйиб юборилган совуқ сувдан ўзига келди. Сувга ғарқ қилишмоқчими? Йўқ. Банди инграб, қимирилаши биланоқ сув қуийш тўхтатилди.

Зиндон бошида ёруғликни түсіб, кимдир ўтиради. Сак қора үпқон томон әнгашган бу кишининг юзига соя тушиб турғани учун кўрмайтганди.

— Спаргапа! — зиндонда нотаниш, бироқ меҳр аралаш овоз бўғиқ эшитилди. — Менинг гапимни эшитайсанми, Тўмрузнинг ўғли?

— Эшитайпман, — шамоллаган овозда хириллаб деди Спар, уни йўтал тутди. Жазира мақалар авжига чиққанда ҳам чўлда баданни увшитирап даражада совуқ бўлади. Устига-устак зиндонда ўтириш — муз ичиди ўтириш билан тенг эди. Ундан ҳам баттар эди, чунки зах совуқдан хавфлироқ-да.

Юқоридаги одам банди йўталиб бўлгунча кутиб турди. Спаргапа балғам босган кўксини аранг тозалаб, жимиб қолди. Юқоридан яна овоз эшитилди:

— Сен билан шаҳаншоҳнинг маслаҳатчиси Гов-Барува гаплашмоқда. Мени эслайсанми? Биз Утана билан онангнинг ҳузурига борган эдик.

— Ёдимда! — бир сесканиб тушди Спаргапа. Кўп кунлик сукунатдан сўнг инсон овозини эшитиш унга хуш ёқаётганди. Соқчиларнинг қабиҳ сўкинишини инсоннинг гап-сўзи деб бўлмайди-ку.

— Мен сенга яхшиликтин истайман, дўстим. Ҳозир одамларимиз Тўмruz ҳузурига музокара олиб бориш учун жўнашади. Унга айтадиган бирон гапинг борми?

Спаргапа иргиб тушди, занжир жаранглади. Онам! Қай бир баҳтиёр унинг онасини кўрар экан-да. Унинг ёнида туради, у билан сұхбатлашади...

Онаси билан бирга бўлиш, унинг норозилик билан бўлсада, айтган гапларини эшитиш қанақанги баҳт бўлишини у авваллари тушуммаган экан. Талабчан қарашларининг қадрига етмаган экан.

Бир неча кун аввал ҳам Спарга онасининг олдида абадулабад шундай, уришқоқ жўжахўроздек чираниб юраверадигандек, у эса хормай-толмай, сабр-тоқат ва меҳр билан унинг-ла овора бўлиб, жону дилини юпатиб, кўнглини овлаб ўтираверадигандек туюлганди.

Бироқ атиги бир неча қунгина ўтиб, онаси ундан шунчалик йироқлашиб кетдики, уни яна қачонлардир кўриши мумкинлиги ҳақида ҳатто орзу қилишга ҳам умид боғламасди. У гўё ўлган-дек эди.

— Хўш? — шоширди Гов-Барува.

— Унга айтишсинки... айтишсинки... — Спаргапа урилган занжирдан оғирлашиб кетган қўлини қўксига олиб келиб, парвоз қилаётган шунқор тасвири ўйиб туширилган думалоқ туморини узди. — Унга менинг бу туморимни олиб бориб беришсан. Арқон туширсангиз, боғлаб чиқараман. Яна шундай дейишин: «Ёш шунқор — сичқоннинг инида. Онажон, қутқаринг». Эшитдингизми, Гов-Барува? «Ёш шунқор — сичқоннинг инида. Онажон, қутқаринг». Ёш шунқор... Кутқаринг! Кутқаринг, онажон!

— Яхши, дўстим. Яна озроқ сабр қилгин. Сенга сув ва гўшт беришларини тайинлайман.

Гов-Барува кетди. Янги азоблар бошланди. Онасига жуда кам гап айтиб юборгани учун Спаргапа ўзини ўзи лаънаттай бошлади. Аҳволи ёмонлигини айтиши керак эди. Ўғлини нима қилиб бўлса ҳам қутқариши зарурлигини айтиши даркор эди. Айтиши керак эдики... Эҳ, бўлар иш бўлди. Энди кеч.

— Қайтиб келишдими? — сўради у ярим соатдан кейин соқчидан.

— Ким?

— Тўмруз ҳузурига юборилганлар.

— Жинни бўлдингми? Улар ҳали кетишгани ҳам йўқ-ку.

Ундан овқат ўтмасди. Сув ҳам ўтмасди. Баланддаги, боши устидаги оч ложувард доира тўқ кўк ранг билан, тилларанг нуқта бўлиб кўринаётган юлдузлар билан, кейин яна оч ложувард ранг билан алмашди. Бундай алмашиш жуда кўп марта, эҳтимол, минг марта бўлгандир... Ёки бандига шундай туюлдимикан?

Эркинликда — кутиш мashaққат. Эрксизликда-чи? Эрксизликда кутиш — худди жонингни бирма-бир суғуриб олаётгандек, ўтқир қозиққа ўтқазгандаги азобдек қийноқли. Тутқун учун вақт — лаҳзадек қисқа, бироқ лаҳзалар — йиллар каби узун туюлади. Зинданда туйғулар бир-бири билан шунақа қовушмайди.

— Қайтишдими?

— Яқинда қайтиб келишади.

Юқорида бўлаётган нарсаларга Спаргапанинг қулоғи динг эди. Туёқ товуши эшитилса ҳам, отлар кишинаса ҳам, қароргоҳда нима учундир шовқин кўтарилса ҳам Спаргапа бир сесканиб тушар, ҳозиргина тутилган, ҳали ўрганмаган, қўндоққа боғланган шунқор мисол, кишанни жаранглатиб, қимирлаб қоларди.

— Қайтишдими?

— Бас қил, ҳайвон!

Йигитнинг кулогига ҳар нарса эшитила бошлади: баъзан йироқдан онасининг йифи аралаш овози эшитилгандаи бўларди:

— Спа-а-ар...

У бошини орқага ташлаб, бўри ўз уясидан қарагандек, ёруғ доирага жон-жаҳди билан кўз тикарди, ўзининг сабрсиз қатъяти билан соқчиларнинг жонига тегиб, соқчиларни жонидан безор қилиб, соқчиларнинг юрагини ўртаб сўрайверарди, сўрайверарди, тинмай сўрайверарди:

— Қайтишдими?

— Ўчир овозингни, тўнка, йўқса ўлдираман!

Ўлдиrolмайсан, эшакнинг қовурғаси. Спаргалани онаси кутқариб олади. Онагина-я! Ўғлини мушкул аҳволда қолдирамиди онагинаси?

Спарни болалигига от тепганди. Туёғи қоқ бурнига текканди, бурни қонга ботган бир бўлак гўштга айланганди. Ўшанда Тўмруз қанақанги дод соганини, сочини юлганини яхши эслайди. Ўғли бир умр бадбашара бўлиб қолишидан қўрққанга ўхшарди. Бола ёрилган бурун катаклари орқали нафас ололмас, оғзи эса ухлаганда ўз-ўзидан ёпилиб қоларди. Ўғлим бўғилиб ўлмасин деб, тунда тишлари орасига таёқча тиқиб қўярди. Жароҳатга шифобахш суртма сурар, шифобахш гиёҳлардан малҳам қўярди. Ахири муродига етди — бурни тўғриланди, фақат бурнининг чап бурчида ҳамда учиди чандиқ қолганди. Чандиқ сезилмайдиган даражада кичкина эди.

Йўқ, Спаргаланинг хароб бўлишига онаси йўл қўймайди!

\* \* \*

— Ўғлинг шаҳаншоҳнинг қўлида банди.

— У тирикми? — аёл элчига ўзини отиб, укаси мисол меҳр билан маҳкам бағрига босди. Сакларнинг оқсоқоллари бир-бirlари билан кўз уриштиришиди.

\* \* \*

Тўмрузнинг эси оғиб бораётганди. Кўчманчилар сардорлари унинг чодирдан чиқишини уч кечаю уч қундуз сабрсизлик билан кутишди. Шу дамларда сусткашлик қилиш ўлим билан тенг эди, бироқ кишилар ўз сардорларини безовта қилишга ботина

олишмасди. Тўртинчи кун Тўмруз чиқди-да, аравани бир оз тит-килаб, яна кўздан фойиб бўлди.

Сардорлар хавотирга тушиб қолишиди. Ёшгина ўлиб кетган Спарга одам ачинади, албатта. Бироқ ҳалок бўлган қолган етти юз нафар йигитнинг онаси, опа-синглиси, дўстлари йўқмидики? Бор. Лекин улар чодирларига биқиниб олишмаган-ку — фарёд қилишмоқда, йифи беришмоқда, аммо бу ишларни биргаликда қилишмоқда. Чодирга кириб ўтириб олган билан ўлганларни тирилтириб, ўлдирувчиларни эса даф этиб бўлмайди.

Оқсоқоллар Тўмруznинг жун чодирига дадил кириб бориши-ди-ю, донг қотиб қолишиди.

У чўкка тушиб, Спарнинг болаликда кийган кўйлагини юзи-га босиб, миқ этмай тебраниб ўтиради. Йиғламаёттанди у. Кўзини юмиб олиб, вақт ўтиши билан тўзиб, оҳори кетиб, сарғайиб ситилган матони ҳидларди.

Боланинг кўйлагидан қумда ўсадиган акас гулнинг иси кел-масди, албатта.

Она учун эса, қаранг-а, унинг ҳиди ёқимли ва азиз экан.

Сардорлар нима дейишни билмай, бош эгишди. Шу пайт форс Мехр-Бедод пайдо бўлди.

\* \* \*

— Ҳозирча... тирик, — хижолат бўлиб минғирлади Мехр-Бедод, дашт маликасининг қучоғидан шошиб-пишиб озод бўлар экан.

Йўқ, кекса сак аёлининг қучиши форсда жирканиш туйғуси-ни уйғотмади, аксинча, кўпдан бўён туғишганларидан йироқда бўлган йигит Тўмруznинг бағридан уфуриб турган оналарча илиқ-ликдан ҳайратга ҳам тушди. Бироқ ортида хос соқчилари туриби-ди, улар бўлган гапларни Курушга ҳамда Гов-Барувага оқиз-май-томизмай етказишади.

— Нечун «ҳозирча»? — Тўмruz ўзини орқага ташлади ва оси-либ кўксига тушиб турган мис тангани шаҳд билан узди.

— Менинг мунаvvар ҳукмдорим, — деб қовоқ уйиб эълон қилди Мехр-Бедод Тўмруznинг диққат билан тикилган нигоҳидан кўзи-ни айбдорларча олиб қочиб, — қуидаги сўзларни сенга еткази-шимни сўради: «Донишманд Тўмрузга дўстлик ва саломатлик тиловчи сўзлар билан сўнгги бор мурожаат этмоқдаман. Дарё бўйидаги қароргоҳимга маккорлик билан ҳужум қилган жангчи-ларингни қириб ташладим. Бироқ Спаргапани вақтинча тирик

сақлаб қолдим. Таслим бўл, итоатта кел, йўқса ўғлингни энди ҳеч қачон кўра олмайсан. Шундай қийноқлар азобида жон берадики, дунёга келмагани маъқулроқ бўларди». Мана, ол. — Мехр-Бедод аёлга туморни узатди. — Ўғлинг шундай деб етказишини ўтинди: «Ёш шунқор — сичқон инида. Онажон, қутқаринг». У зиндан тубида занжирбанд ўтирибди. На овқат беришади унга, на сув.

Сак сардорлари орасида ғовур-ғувур қўпди.

Барчалари Спаргапани енгилтаклиги ва ўзбошимчалиги учун бир оғиздан лаънатлашди, она сифатида ожизлиги учун, овсар ўслиринга беш юз кишининг ҳаётини ишониб топширгани учун Тўмрузга таъна қилишди. Уларнинг бунга ҳаққи бор эди. Сакларнинг устидан ҳукм чиқариш — сакларнинг ўз иши. Бироқ уларнинг сардорининг ўғлини таҳқирлашга форснинг қандай ҳадди сиғди?

— Ё Анахита!.. — Тўмruz туморни юлиб олиб, оқ кигизга چўқди. Боши осилиб кўкрагига тушди. Ерга юзтубан йиқилмаслик учун ўнг қўлини ерга тиради: туморни тутган сўл қўлини лабига босди.

Мехр-Бедод унинг олдида беун депсиниб турарди.

Сак сардорлари чурқ этиб товуш чиқаришмасди.

Чодирга кираверишда форслар, элчининг хос соқчилари жим ўтиришарди.

Олис-олисдан, қум барханлари ортидан адашган тойчоқнинг жарангдор, ғамгин ва дардчил кишнаши қулоққа чалинди. Шу ондаёқ чодир ёнида бия жон ҳолатда, бор овози, жон-жаҳди билан, хавотирли, қайгули ва чорловчи оҳангда кишнаб юборди.

Мехр-Бедод сесканиб тушди. Хос соқчилар чўчиб, бир-бири билан кўз уриштиришди. Сак сардорлари тишларини тишларига босишли. Тўмruz аста бошини кўтарди:

— Ҳордик чиқаринглар. Мен ўйлаб кўраман. Жавобини эртага оласизлар.

... Тун кирди. Ҳар доим шу пайтда, барханларга энди тун чўкканда, ой ҳали кўтарилимаган, юлдузлар тўлиқ нур таратмаётган лаҳзалаларда бўладигандек, чўл зим-зиё эди.

Мехр-Бедоднинг мулозимлари уйқуга кетишли. У чодир остановида ўтириб, ўйларди. Ҳаёт ҳақида, турли нарсалар ҳақида, ўзи ва Тўмruz тўғрисида ўйларди. Толеи паст аёл экан. У ўзининг онасини кўз олдига келтирди. Агар саклар Мехр-Бедодни зин-

донга ташлашса, унинг ҳоли нима кечарди?.. Саклар ҳам, форслар ҳам — барча одам. Жигаридан айрилиш ҳамма учун бирдек оғир. Нечун кишилар доим бир-бири билан ғажишишади экан-а?

Кум устига сариқ нур сочилди.

«Ой чиқмоқда», — фаҳмлади Мехр-Бедод.

Шу пайт ғалати товуш ёш элчининг қалбини қаттиқ тирнади.

Бу товуш аста чийиллашдан бошланди. Сўнг азобли хўрси-нишга ўхшаш бўғиқ ингрокқа айланди. Кейин секин-аста, равон, чўзиқ титроқ билан кучайиб бориб, секинлашди-да, бўшлиққа сингиб кетди.

Мехр-Бедод ўрнидан иргиб туриб, чодирдан нарига югуриб кетди.

Унинг олдида, дўнглик этагидаги кенг пастқамлиқда пиёда саклар тўдаси харсангтошлар уюмидек қорайиб кўринди, кўчманчилар қум устида калта найзаларини тепага қаратиб, бир-бирига тиқилиб, зич ўтиришарди. Улар гаплашишмасди ҳам, қимирлашмасди ҳам.

— Бу нима эди? — пичирлаб сўради Мехр-Бедод.

Саклардан бири қўли билан ёнбағирларини кум босган, яланг тепаси кунгурасимон тик дўнгликни кўрсатди.

Тепаликнинг қоқ устида, оч-яшил ёғду узра улкан, думалоқ, қон сачраган мис қалқондек қизил доф босган ой хунук кўтарилимоқда.

Ойнинг мис баркашида, қора рангда чизилгандек, қоядор тепалик ва ҳаракатсиз турган икки мавжудотнинг аниқ сурати яхлит қора соя бўлиб кўринди. Юқорида, қаддини букиб, тирсагини тиззасига тираб, юзини кафтлари орасига олиб сочи ёйилган аёл ўтиради. Тепалик ёнбағирнинг бироз қўйисида, аёлнинг оёқлари остида, бўйини узатиб ва бошини осмонга қаратиб, катта ит ётарди.

Мехр-Бедоднинг қулоғига чийиллаш ва бўғиқ ҳиқиллаш эши-тилди, шу ондаёқ бутун даштга ёйилган, энтикиб чиққан баланд фарёд осмонга ўрлади.

— Бу нима? — бошини чангллади Мехр-Бедод. — Нима?

— Секин, бақирма, — уни тўхтатди сак. Сўнг зарда билан тушунтирди: — Ит йиғламоқда.

— Ит? — Мехр-Бедод енгил нафас олди. — Нима учун... бунақа... ваҳимали?

— Боласини ўғирлаб кетиши.

— Ким?

— Олачипор ажал.

У мана шу ажал ҳақида яна эшитмоқда эди.

— Қанақа Олачипор ажал?

Сак индамай қолди-да, сўнг истар-истамас деди:

— «Қора ҳол». Даشت силовсини.

Душманлик, қотиллик, қон билан боғлиқ барча нарсани саклар Олачипор ажал дейишар экан-да, деб ўйга толди Мехр-Бедод.

Дашт узра яна энтиккан фарёд ёйилди.

Энди бу ўзи яратган жонзотдан маҳрум бўлган табиатнинг овози эди.

Энди бу олис асрлар қаъридан, ўрмондаги уялардан, фирасирига форлардан, қор босган жарликлардан, ибтидоий гулхандардан келаётган минг-минглаб оналарнинг — фарзандларига аза очган оналарнинг фарёди эди.

Онгли мавжудот — овоз чиқариб йифи берадиган аёлнинг фарёдидиа унинг тўрт оёқли, ёввойи ҳамшираларининг ҳайвоний ингроги жарангласса, ғам-ҳасратдан дили вайрон бўлган она итлар, она бўрилар ва чиябўриларнинг аламли фарёди чидаб бўлмас даражадаги инсоний дардга чулғанган бўлса, демак, оналарнинг мусибати даҳшатли бўлар экан-да.

Ит туни билан йиғлаб чиқди.

Сочи ёйилган аёл тепалик устида туни билан қимир этмай ўтириб чиқди.

Мехр-Бедод шишиб қизарган кўзларини туни билан юммади. У ўзини қўйгани жой тополмасди. Чодир томон кетар, тепалик этагига қайтиб келар, муштларини силкитган ҳолда барханлар узра югуради. Инграрди, сўкинарди, тепаликдаги ит сингари жон-жаҳди билан йиғларди.

Эсанкираган жониворнинг дам заифлашиб тўхтовчи, дам ақл бовар қилмас даражада кучавчи аламли фарёди миясини пармаларди. Юраги қаттиқ сиқилиб, тиззаси қалтирас, кафтини совуқ тер босарди.

Саклар индашмас, қимир этишмасди. Улар сабр билан кутишарди. Шунда Мехр-Бедод бу матонатли кишилар метин сабртоқат, куч ва чидамга эга эканликларини тушунди.

Йўқ, Гов-Барува бекор уринаяпти! Тўмруз аёллигига бориб, ўғли учун Курушга итоат этишга рози бўлса ҳам, Тўмрузнинг

урұғдошлари, мана бу оддий кишилар шақаншоқ олдида тиз чүкишни истамайдилар, душман қулига ҳеч маҳал тирик тушмайдилар.

Эрталаб ит жимиб қолди — у ўлганди.

Аёл эса... Аёл тирик қолди. Эрталаб сочи ёйилган аёл тепаликдан тушди-да, Мехр-Бедоднинг олдига келди.

Бу — қорамагиз, ориқ, буқчайган, сочидা битта ҳам қора тола йўқ, сокин кўзлари чўккан, лаблари қаттиқ қимтилган аёл эди.

Ҳайратга тушган Мехр-Бедод дашт маликаси Тўмрузни аранг таниди.

\* \* \*

Қишида музлаган замин, унинг қаърида ётган донлар, тугунаклар, илдизпоялар, илдизлар баҳор келишини интизор бўлиб, сабрсизлик билан кутарди, баҳордан эса хабар йўқ.

Оч-наҳор пода кўтонда қувноқ чўпонни интизорлик ва бето-қатлик билан кутарди, бироқ чўпондан ном-нишон йўқ.

Зинданда тўнгиг адой тамом бўлган банди қуёш чиқишини интизорлик билан зориқиб кутади, бироқ қуёшдан дарак йўқ.

Замин баҳорни, пода — чўпонни, банди — қуёшни тинкамадори қуриб, сабрсизлик билан кутганидек, зориқиб кутган одаминг кўпинча кўзингни йўлга интизорлик билан, тешилгудек бўлиб тикканингда эмас, балки кутишдан чарчаб, кўпдан бери кутмай қўйганингда келади.

Аслида баҳор ҳам, чўпон ҳам вақтида келади, қуёш ҳам вақтида чиқади, бироқ кутиш шундай ҳолатки, ўзингнинг сабрсизлигинги бирорнинг ҳаяллашидек туюлади.

Ёруғ дунёдан ҳафсаласи пир бўлган Спаргапани уйғотишига анча вақт кетди. У ёзги ёхуд қишки уйқудан олдин қумга кўмилиб олган тошбақанинг ҳолатига ўхшаш файришуурий бефарқликка тушиб қолганди. Спаргапа юқорида, соқчилар уни занжирбанд қилинган кундадан ажратиб олиб, зинданда арқонда тортиб чиқаришгандан кейингина ўзига келди.

Озиб-тўзиб, дармони қуриган, қуёш нуридан кўзи қамашган банди занжирни жаранглатиб, душман чодирлари оралаб, улар бошлаб кетаётган томонга гандираклаб бораради. Форслар сўкина-сўкина йигитни тирсагидан тутиб боришарди, акс ҳолда у беш қадам ҳам ташламаёқ ыйқиларди.

— Аҳ-ҳа. Ҳм. Мана шунақа экансан-да, — деган зардали товушни эшитиб, қовоқларини йириб очди.

У улкан оқ саропарда ичиде турарди.

Олдиди қирмизи гиламлар устида озода, кеккайган, серсокол форслар ўтиришарди. Спаргапа Гов-Барува ва Утанани дарров таниди. Бир чеккада яна қандайдир таниш чехра кўрингандай бўлди, лекин у кимлигини банди эслай олмади.

— Шароб беринглар унга, — деди Гов-Барува. — Йўқса оёқда туролмаяпти.

Спар бошини аста тебратди.

— Истамайсанми? — масхараомуз кулди Гов-Барува. — Ёқмадими? Ҳа-ҳа-ҳа. Унга сакларнинг ичимлигидан беринглар.

Спар косадаги қимизни ютоқиб ичди. Кўчманчининг кўзлари мөшдек очилди. Енгил нафас олиб, қаддини кўтарди. Курушнинг элчилари Тўмрузнинг ҳузуридан қайтиб келишган кўринади. Ҳозир Спаргапанинг тақдиди ҳал бўлади.

Ёш жангчи қоматини ростлади-да, Гов-Барувага дадил боқди. Онаси ўғлини хатарга ташлаб кўймайди!

— Жасур сак, сўзларимни тингла, — аста, салмоқлаб гап бошлиди Гов-Барува. — Тўмruz... сендан воз кечди. «Ёш шунқор сичқон инига ўзи интилди, энди ўша ерда умрбод қолаверсинг», — леб айтишни тайинлади. Мана, ол.

Шундай деб, маслаҳатчи Спаргапага туморининг ярмини отди. Иккига бўлинган думалоқ олтин энди у билан Тўмruz ўртасида қариндошлиқ ришталари узилганидан дарак берарди.

Спаргала саросимага тушди.

Ҳеч нарсани тушунолмай, оғзини очганча, атрофга аланглади, файришуурий ҳолатда хайриҳоҳ бир нигоҳни тутмоқчи бўлди. Бироқ форслар бадқовоқ, илтифотсиз, такаббур эди.

Йигит занжирни жаранглатиб эгилиб, яримта туморни олди, янги синдирилган жойдан синчиклаб бармоғини юритди. Сеҳрини йўқотган туморни терлаган кафти билан сиқди, жазирама туш пайтидаги касал совлик сингари бошини ҳам қилди.

— Кўймисан ёки одам? — ғазаб билан қичқирди Гов-Барува. — Нега дод солмаяпсан, тишиңгни ғижирлатмаяпсан? Туқкан онанг сен вабо ёки ўлатдек керак бўлганинг бир ҳовуч битлиқи уруфдошларингни деб, сендан воз кечди. Сен ўлсанг ўлавер, ўзлари омон қолишса бас уларга. Қанақадир Спаргапа улар учун нима ҳам бўларди? Форслар уни нимталааб-қиймаламайдими, сихга тортиб, кўрада пиширмайдими, пиёз қўшиб

еб юбормайдими — сакларга барибир. Мағрур Спаргападан кўра илма-тешик чодирлари қадрлироқ улар учун. Шундай эмасми?

... Мехр-Бедод думалоқ кўзларини босиб тушган қошлари оралаб Гов-Барувага ташвиш билан боқарди.

Гов-Барува Спаргапани алдамоқда эди.

Рост, Тўмруз, ҳатто, ўғлини қутқариш илинжида ҳам сакларнинг ерини, сакларнинг суви, подалари ва ўзини шаҳаншоҳга топширишга рози бўлмасди. Аммо Спардан воз кечишни ҳам ўйламаётганди. У Курушга Мехр-Бедод орқали мана бу гапларни айтиб юборганди:

— Эй, шафқатсиз, енгил ғалаба билан мақтанма! Сен менинг ўғлимни очиқ жангда енгмадинг — уни ўзларингизни ҳам ақлу ҳушдан айирадиган, бетамиз гапларни айтишга мажбур қиласдиган маккор ичимлик, узумнинг заҳаролуд шарбати билан енгдинг. Мен ҳам, Куруш, сенга эзгулик ва саломатлик сўзлари ила сўнгги марта мурожаат этаман. Шаҳаншоҳ, сўнгги бор ўтина-ман: биздан нари кет! Оқилона маслаҳатта кулоқ сол! Ўғлимни менга қайтар. Ўғлимни менга бергин-да, сакларнинг энг яхши ўғлонларини қириб ташлаганингдан мағрурланиб, ватанингга қайт. Қонга ташналигингни билдим. Ва унинг таъмини Қизилқўмда тотиб кўрмоқчилигинг ҳам маълум бўлди. Сакларнинг ҳомийси қўёшга қасамки, уйингга тинч қайтмасанг, сен очкўзни қонга тўйдираман...

Шундан сўнг Тўмruz шунқорли туморни икки бўлак қилиб, Спаргапага беришни ўтинди:

— Она билан ўғилнинг юраги бир. Ярми — менда, ярми — унда. Улар қайтадан бирлашмагунча мен тинчимайман.

Бироқ айёр Гов-Барува Тўмрузнинг шартли белгисини ўзича талқин қилди. Онасини алдай олмагач, ўғлини лақиллатмоқни ўйлади. Ёшгина Спаргапанинг бошига тушган мушкулдан фойдаланиб қолмоқчи бўлди.

Мехр-Бедоднинг виждони хаста жигардек азобда эди.

«Спаргапа, Гов-Барувага ишонма! У бевафо хотиндек ёлғон сўйламоқда», — деб қичқиришига бир баҳя қолди. Яхши ҳамки (ўзи учун) ўзини тўхтатиб қолгани. Бўлмаса, шу куннинг ўзидаёқ бошқа жойда бошқача бақиришга тўғри келарди.

— Сенинг ўрнингда бўлганимда, бунақа оқибатсиз уруғдошларнинг таъзирини берардим! — шовқин солди Гов-Барува. — Қароргоҳига босиб борардим-да, бундай садоқатсиз дўстларим-

нинг қонини тўкиб, бошига итнинг кунини солардим. Муртад онанинг бурнига буров солиб, гулханга отардим. Ойдек юзига лой чаплардим, қора бетига қоракуя суртардим, қари қирчанғига мингандек минардим. Қалин терисини ёриб, қоп-қора қонини ичган, суюкларини тишларим билан ғажиб ташлаган бўлардим. Ўйнаб-кулиб ўчоқлардаги оловни ўчирадим, хохолаб кулиб, кулинини кўкка совурадим, бор-будини майда-майда қилиб синдирган, тепкилаган бўлардим! Эй, кўппак боласи, она сути оғзидан кетмаган овсар! Икки оёқли ит. Ҳайвон. Бефаҳм ёввойи, ор-номус нима-ю, қасос нималигини тушунишга қодирмиди?

Гов-Барува нутқига атайлаб қўпол, ҳақоратомуз сўзларни қўшар, яширин мақсад билан Спаргапани қаттиқ ҳақорат қиласди. У бандининг иззати нафсини тилкаламоқчи, қатъиятсизлик ботқофидан тортиб чиқармоқчи бўларди.

Спаргапа эса боши хамлигича турарди. Лекин бўйни таранглашиб, қадди жаҳулланган барҳан мушугиники сингари йиртқичларча эгилди. Занжирбанд қўллари титради.

— Сен оқил ва жасур йигитсан, — юмшаб гапирди Гов-Барува. — Шаҳаншоҳнинг жангчиси бўлганингда, унинг ўнг ёнидан жой олган бўлардинг. Шундай эмасми, эй, мунаvvар шоҳим?

— Ҳа-да. Жой берардим.

— Сенинг қадрингга йиғлаймиз, дўстим. Бутун Турон Спаргапани мазах қилиб кулмоқда!

Тутқун илондек вишиллади. Ҳали ҳам кўзини ердан узмасдан тишини фижирлатиб, аламидан жингалак соч бошини тебратди. «Лашкар берсангиз, ўғлингиз нимага қодирлитини биласиз. Қасам ичиб айтаманки, биринчи жангдан кейиноқ Спаргапанинг номи бутун Туронда оғизга тушади». Чиндан ҳам, бутун Туроннинг оғизига тушдим... Оҳ, қандай шармандали!

— Ҳукмдоримиз сенга одамлардан берадилар, — давом эттириди Гов-Барува эҳтиёткорлик билан. — Бориб, душманни тор-мор қил, оқ кигиздан жойингни эгалла. Оқ кигиз — сенинг ҳаққинг — ахир, сен буюк сардорнинг ўғлисан-ку. Бутун Туроннинг эгаси бўласан! Ўйлаб кўр. Ҳўш, нега индамаяпсан? Мени лақиллатишяпти, деб қўрқмоқдамисан? Менга, ёт кишига ишонмасанг, ўзингнинг уруғдошинг, яқин кишингнинг гапини тингла!

Маслаҳатчи ўнг томонга қараб аста кўз қисди. Гиламга урилиб бўғилган пошна товуши эшитилди. Йигитнинг қулоғига таниш сас кирди:

— Оҳ, Спар! Ўғилгинам!

Банди бошини кескин кўтарди. Олдида мадларнинг ҳашамдор либосидаги киши турарди. У Тўмрузнинг ўғлига ачиниб бокарди.

Бу киши Фрада эди.

— Тирикмисиз? — ҳайратга тушди Спар.

— Оҳ, тирикман, қўёшга, тупроқса ва сувга шукрлар бўлсин!

Номи абадул-абад шон-шуҳратга буркантур мунаввар ҳукмдор менга ва менинг одамларимга раҳм қилди.

Спаргапа Райада отасининг бежо ўйнаётган кўзларига донг қотиб тикилди. Ахир форслар Фраданинг боши узра қилич кўтиришганини ўз кўзи билан кўрган эди-ку! Оқсоқол, эҳтимол, мастилик биланми, уларнинг бурни тагида қанақадир узукни силкитганди.

...Фрада ётларнинг ҳашаматли бўлса-да, рўдапо кийимини кийиб олганига қарамай, унинг қалбida сурур йўқ эди.

...Айраналиклар билан бекинмачоқ ўйнамоқчи, уларни лақиллатмоқчи эди, бироқ форслар айёрроқ бўлиб чиқишиди. Гов-Барува дарҳол: «Мен лақиллатиш мумкин бўлган одамлардан эмасман! Сен ё тулкилик қилмасдан, тану дилинг билан биз томонга ўтасан, ёки ҳозироқ терингни шилишади», — деб гапнинг пўскалласини айтди.

Фрада итоат этишга мажбур бўлди. Форсларнинг ғазабидан кўра, уруғдошлари — сакларнинг ғазабидан кўпроқ кўрқишига қарамай, шундай қилди. Босқон билан сандон ўртасида ўйнаб қолмоқчи эди, бўлмади. Қармоқса илинди. Шикаст еб қолди. «Муноғиқ ит бир кунмас-бир кун бўри галасига кўшилиб кетади», — деб бежиз айтилмаган экан.

— Оҳ, Спар, азизим, — шошиб-пишиб минғиллади Фрада, Гов-Баруванинг қаҳрли назарини илғар экан. — Бу кишига ишон. У — дўст. Тўмruz билан Хугавани нима қиласан? Хугаванинг кенгаш пайтида заҳарханда қилгани ёдингдами? Ўчингни ол! Давлатпаноҳдан кучли кўшин оласан. Менинг қирқ нафар кишим қолган. Гўё форслардан қочгандек, тўс-тўполон қилиб уйга елиб борамиз. Кўшинни барҳанлар ортида қолдиралимиз. Қайтиб борганимизга хурсанд бўлишади, зиёфат қилишади. Уруғ сардорларини зиёфатга чақиришади. Шунда тўсатдан ҳужум қилиб, сардорларни ўлдирамиз, шу орада форслар ҳам пистирмадан чиқиб, етиб келишади... Кўрқма, ҳамма саклар ҳам бизга қарши чиқишишмайди! Анчагина хонадонлар, бўғимлар ва уруғлар янги ҳукмдор тарафига ўтишади. Сен — Оқ отанинг ўғлисан. Буюк

одамнинг ўғлисан. Турун шоҳи бўласан, Спар! Туруннинг бутун бойлиги оёқларинг остида бўлади, Спар! Туруннинг энг яхши отлари сенини бўлади, Спар! Минглаб ёш канизакларинг бўлади, Спар! Ўн минглаб эркагу аёлларни оёқларингни ўпишга мажбур қиласан. Тоғ-тоғ олтинларинг бўлади, шуҳратинг жаҳонни тутади. Қирмизи либос оласан. Бирор финг деса, шаҳаншоҳ шу ондаёқ уни бир ёқли қиласди. Хўш, хўш! Гапга кўнсанг-чи! Нега индамай турибсан? Оҳ! Менда бўлганидами бу имконият.

Ўз нутқидан ҳаяжонланиб кетган Фрада сакларнинг қасосини ҳам унудиб қўйганди.

У ўзининг тубсиз очофатлиги сингари чуқур, оталик меҳри сингари қизғин алам билан баланд хўрсинди. Оқсоқолнинг кўзлари ёнарди. Омад ҳам аҳмоқона нарса-да! Излаган — унинг изини ҳам тополмайди, изламаган, ҳатто, излашни ҳам хоҳламаган олмосга дуч келади. Бу нима бало ўзи!

Бошига кўнай-кўнай деб турган баҳтни қўлдан чиқариб юборса-я... Каллаварам Спаргапа. Тўнка. Ландовур. Фрада билан шундай овора бўлишгандами! Оқсоқол Тўмрузнинг ўелидан нафратланиб ва жирканиб тескари қараб олди. Қаранг-а! Оғзига зўрлаб болтиқиша-ю, у кишим бўлса, ютишнинг ўрнига туфлаб ташласа. Палид.

Уҳ! Қани энди, табарзиннинг муҳраси билан хом калласига қараб айлантириб туширсангу майда-майда қилиб ташласанг. У бакувват муштини ғазаб билан тугди-да, шафқатсизлик билан зарба берди. Мушт билан эмас, сўз билан зарба берди.

— Кўнмасанг, гулханда ёнасану Райадани бошқа ҳеч қачон кўрмайсан.

Спаргапа бир сесканиб тушди. Шундай сесканники, занжир боғлами бир йўла узилиб, тош устига тушгандек ғижирлаб, қисқа жаранглади. Миясидан товонигача совуқ сув қўйгандек бўлди. Баданидаги тешикчалар бирдан очилиб кетгандай туюлди.

— Хўш, — шивирлади тутқун.

Спаргапа ҳали шу аҳволга тушиб қолдими?

Мана бу одамлар сени хиёнатга бошлаш мумкин, деб ўйлашаётган бўлса, демак, сен чиндан ҳам икки оёқли ит, ҳайвон, жирканч маҳлуқ экансан-да.

Виждонли одамга қабиҳлик қилишни таклиф этишмайди. Масалан, сенга уялмай айтган гапларидан биттасини ҳам Хугавага айтишга ботина олишмасди. У тинглаб ўтирмасди ҳам! Сен эса, бақалар вақиллаётган ботқоқлик бўйидаги эшак мисол, бу гапларга қулоқ солиб ўтирибсан.

Ҳаётим ўхшамади. «Начора! Инсон қадрдон хонадонига, жондош уругига ва қабиласига нафақат ҳаёти билан, балки ўлими билан ҳам хизмат қилиши шарт». О, Райада. Райада. Райада.

— Мен... розиман, — тундлик билан деди Спар.

Чодирдагилар қаттиқ чўл шамоли эсиб ўтгандай, енгил тин олишиди.

— Баракалла, ўғлим Спар! — шодон қичқирди Куруш.

Қолган форслар ҳам, хурсандлик билан шоҳнинг ортидан хитоб қилишиб:

— Баракалла!

Ҳаҳ, сени, Олачипор ажал.

— Кишанларни ечинг, — жилмайди Спар. «Инсон нафақат ҳаёти билан, балки ўлими билан ҳам...» О, Райада. Райада.

— Эй, кишанинни ечинглар! — қичқирди Гов-Барува.

Занжирлар жаранглаб Спарнинг оёқлари остига тушди.

— Ўғлим! — ҳўнгради Фрада, ёш сакнинг елкасига осилар экан.

«Инсон нафақат ҳаёти билан...»

О, Райада.

Тоғ такаси йиқилса, юксакликдан йиқилади.

Спаргапа Фраданинг калта шамширини суғуриб олди-да, уни хоиннинг қорнига дастасигача тиқиб юборди. Бир қадам орқага ташлаб, шамширни айлантириб, чаққонлик билан Фраданинг ичак-човофини ағдарди.

Соқчилар олдига югуриб етиб келиб улгурмасиданоқ, Спаргапа шамширнинг дастасини иккала қули билан қаттиқ қисиб, ўтқир тифни ўзининг кўксига бор кучи билан санчди.

Нишонга аниқ, бехато урмай кўймасди у!

У хато қила олмасди!

Юраги қаердалигини Спар жуда яхши биларди.

У манфур севгилиси Райадани биринчи бор кўрганидан бўён юраги тез-тез оғриб турарди...

Ёш сак бир лаҳзада жон берди.

Фрада эса анчагача азоб тортди. Форслар «итни» саропардан судраб олиб чиқиб, майдон четига улоқтиришди. У қонга ва нажасга ботиб, тиришиб-буришиб, бўғилиб инграб, тунгача ётди.

Тунда уни чиябўрилар еб кетишиди.

## Ё ҲАЁТ, Ё МАМОТ

Күёш қиздирар, Вайу шамоли<sup>1</sup> эсарди. Ой Говчitra нур та-ратарди. Даشتда чўл силовсини изғиб юрар, барханлар ортида қум мушуги пусиб ётарди. Қоқ қақшаб ётган илонизи сойда ўгринча юрган оқкуйруқларнинг туёқ товуши эшитиларди. Жароҳатдек кўзга ташланиб турган шўрхок ерда жайронлар елиб югуришади.

Парса қоплонлари Тўмруз устига босиб боришмоқда. Текислик. Белоён Қум. Қум. Қум. Аранха ортидаги мамлакатни кўрмаганларга қум чўлдаги энг даҳшатли нарсадек туюлади. Асло! Барханлар — гуллаган кум bog, қум гулзор, ҳаёт жўш уриб турган мўътабар жой.

Кум сувни дуруст шимади. Лой эса яхши шиммайди. Эриган қор ва ёмғирларнинг барханлар ичра ўтиб, қуйига сизган нами семиз лой қатлами устида тўпланади. Ана шу намлик ёзда ўсимликларнинг жонига ора киради.

Япроқсиз юлғунларнинг момиқ меваси зарғалдоқ, ол ёки сариқ рангла, акасларнинг гули эса тўқ бинафша рангла бўлади. Шамол эсса, юлғун тароқсимон панжасини силкитади, саксовул фижирлайди, буталар ёнбошлайди.

Бургут қурқурласа — тошбақа яширинади.

Бургут қурқурласа — гаройиб чипор илон турган жойида бир зумда қум ичига яширинади; унинг танаси шунақанги тез ва сезилмас даражада қимиirlайдики, мис сим жилдираб оқаётган сувга аста ботгандай, қум ичига кириб кетади.

Бургут қурқурласа — салқинда орқасини ерға бериб ётган эчкемар ўзини ўнглайди. Тўрт қулоч бўйини тиклаб, мешдек шишиб, орқасини тахтадек тўғрилаб, оғзини очиб, вишиллаб, думини у томондан бу томонга уради.

<sup>1</sup> Вайу шамоли — гармсел.

Эчкемарлар эчкilarни маза қилиб әмади.

«Эчкемарга тегма, — дейишади чүлда. — Эчкемарга теккан киши эрлик күчидан маҳрум бўлади».

Териси йўл-йўл, панжалари бесўнақай тарвақайлаган, қорни хунук, боши текис, ғалати қарашидаги мъянони ҳеч ким англай олмайдиган қора кўз бу улкан калтакесакнинг даққиёнусдан қолган қиёфасида кўхна, сирли, сокин ва хавфли чўл гавдаланган.

Эчкемар — Қизилқум ва Қорақумнинг совуқ рамзи, уларнинг мудҳиш сирлари, унутилган исмлар, ўлик ривоятлар ва барҳаёт иримларнинг холис сақловчиси, кўриқчиси.

Юқорида — тиканли буталар шохлари орасида тўда-тўда бўлиб ивирсиб юрадиган ҳар хил жонзотлар ҳам, қуйида — қумлар орасида, янада қуйида — инларда тимирскиланиб юрадиган гала-гала жонзотлар ҳам бархандан ўзига бошпана, шодлигу ғам-ташвиш топа оларди, насибасини топиб ерди.

Хос кўнғизлару катта бошли калтакесаклар, хўжасавдогару қум чумчуқлари; қорадум тентаккушу шалпангқулоқ типрати-канлар, панжаси ингичка юмронқозигу сертуқ қўшоёқлар, катта кўз геккону тароқсимон панжали гекконлар шунчалик кўпки, уларнинг дастидан оёқ босиб бўлмасди.

Бу ер ингичка, йўғон, калта, узун бўлса-да, бир хилда йиртқич: тўқлигига ланжу очлигига яшиндек учқур илонлар етиштириладиган жойга ўхшарди.

Бу ер — ёруғ боф, қуюқ ва салқин сояларсиз, ўсимликлар бир-биридан анча олисда жойлашган боф — бошидан охиригача қуёштифи остида ётувчи ёввойи текисликлардан иборат ноёб боф.

Силжувчи, сочилувчан кўчма қумда аҳвол чатоқ. Қумтепалар олис ўлик сайдералар каби унумсиз ва яланғоч. Одамнинг қумтепаларда юриши қийин — тиззасигача қайноқ қумга ботиб, икки юз қадам ташлайди-ю, фарқقا терга ботиб, қулайди.

Бир оз шамол эssa, қумтепаларни сариқ чанг оғушига олади. Улкан дўнгпешона қумтепалар зулматга чўмган чўлда сассиз из-ғиб юради. Даҳшатдан дами чиқмай қолган воҳаларни кетма-кет босиб, қалтираб турган буғдойзор ва пахтазорлар томон очкўзлик билан силжийди.

Кўчма бархан — қозиқ тиши, тирноғи, суяги ва илиги бўлмаган йиртқич. У — бефаросат, хўра ва бераҳм маҳлуқ. У оч арслондан ҳам хавфлироқ, чунки оғриқни сезмайди, найза ва ўқдан кўрқмайди.

Бироқ бир томчи бўлса-да, суви ва жасорати бор одам кўчма қумда ҳам буткул ёлғизлик, умидсизлик ҳамда чорасизлик ҳиссини енгиши мумкин.

Қалбни нима эзиб, нима ҳалок этади? Қалбни бир хиллик эзадию, бир хиллик ҳалок этади.

Кўчма қумда эса назар ташлаш мумкин бўлган нарса кўп.

Барханнинг шамол урадиган томонининг тақасимон қиёфаси. Яримой шаклда кесилган ўркачлар. Қимирлайдиган узун дум.

Кумтепа силжир экан, дўнг пешонасини олдинга чиқармайди, балки қадимги ҳайвон сингари орқага қараб кетади. Тепаликлар, жарликлар. Баландликлар, пастликлар. Ойдин кечада барханлар қортепалар сингари кўзни қамаштирас даражада оқариб кўринади. Шамол учирган қум шойидек шитирлаб айланиб, тўкилади, ер ўпиб эсадиган шамол олиб кетган қор чангидек, оёқ остига тўшалади.

Кумтепалар бир-бирига ўхшайди ҳам, ўхшамайди ҳам. Ҳар бир кумтепа кўринишидан денгиз тўлқинидек бетакрор. Кўчма қумларнинг шафқатсиз, зиёнкор, кишининг қон-қонини музлатувчи, ҳушни олувчи гўзаллиги шунда. Киши шўр денгизнинг чексиз юмалаб борувчи тўлқинларини ҳоргин, бироқ сўнмас қизиқиш билан кузатганидек, жойини ўзгартираётган кумтепалар сафига ҳам шу тарзда боқарди.

Дастурхон мисол текис ёзилган, заҳарли иси оёқ остида ётган ва бош устида айланиб юрган чангга ҳам сингиб кетган ложувард-кулранг ёвшан босган қоқ тупроқдан иборат чексиз майдонда одам ўзини ёмон ҳис этади.

Совуқ тунда музқотган, Турон қуёшининг оташин нурлари остида қизиган майда тош жазирама туш пайти қарсиллаб ёриладиган, ёнғиндан қолгандек қоп-қора биёбонда киши янада ёмон, жуда ёмон ҳис этади ўзини.

Бироқ пўрсилдоқ шўр ер, тузга бўккан, қумоқ-қумоқ намлой, товон тагида жирканч қирсиллаб чўқадиган, кўнгилни афдарувчи суюқлик чўлдаги энг ёмон жой эди.

Пўрсилдоқ шўр ер — чўлнинг сувочган темираткиси, фасод боғлаётган жароҳати, битмас яраси.

Бошинг узра — забонсиз осмон, остингда — ўлик тупроқ: оламда ўзингни ёлғиз ҳис этасан. Қалбингни умидсизлик тирнаб турган бўлса, ўн меш муздек сув ҳам сени кутқаролмайди.

Чўл улкан ва ранг-баранг: дам текис, дам сердўнг, дам қизил, дам олачипор, дам сариқ, дам йўл-йўл, дам сукунатли, дам кўповозли эди.

Шунга қарамай, шўрхоклар қабристони чўчита олмаган, санқи кумтепаларнинг илондай вишиллаши даҳшатга сололмаган одамлар бор экан. Улар беқарор чўлга довюраклик билан кириб боришли, дўнгликлар ва жарликларни обод қилишиди. Даشت уларнинг кенг, қадрдон ва суюкли уйига айланди.

Бу одамлар чўлнинг данданадор ўркачига дадил миниб, эҳтимол, шаҳарсозлар хизматидан кам бўлмаган жасорат намоён қилишгандир. Зотан, сувсиз қумликда жун чодир тиклаш ям-яшил далалар оралаб, илонизи бўлиб оқаётган дарёлар ёқасида қаср бино қилишдан осон эмасди. Улар чодир тикибгина қолмай, туғилгандаридан то ёруғ оламни тарк этгунларича шу ўтовга қаноат қилиб ўтишади.

Эрон қоплонлари ана шу сабр-бардошли кишиларнинг қирмизи қонига ташна бўлиб, уларнинг кенг, қадрдон ва суюкли хонадонини хонавайрон қилиш, босиб-янчиб ташлаш ва кулини кўкка совуриш иштиёқида, оғир наизалари ҳамда шамширларини маҳкам сикқанча келишмоқда.

Қўшинлар ора-орада қисқа вақт нафас ростлаб, туну кун йўл босишмоқда. Сак қўшинлари изини Фраданинг уруғдошларидан бўлган, унинг кутилмагандаги ўлимидан ҳаммадан кўп куйган уч йўл кўрсатувчи топганди. Уларни Курушнинг ўзи танлаб олди. қолганларини унинг амри билан кундалаб, сўл соҳилга жўнатиб юборишиди. Шуни маъқул топишиди. Булардан яхшилик кутиб бўлмасди.

— Эҳтиёт бўлинг, бундай жадал кетишда одамларнинг тинкамадори курийди, душманга бас келолмай қолишиди, — шаҳаншоҳнинг ҳовурини босмоқчи бўларди Гов-Барува.

Омадсизликдан ғазабга келган ахоманий эса энди унинг гапини қулоққа олмай қўйганди.

Энди фақат Крезга қулоқ соларди. Ҳукмдорни фақат Крезгини тушунар, унинг ҳаракатларини чин дилдан маъқулларди.

— Шу пайтгача нега ҳар хил чўтири, маллаларнинг аҳмоқона маслаҳатларига қулоқ солиб келдинг? Қанча вақтни қўлдан бой бердик. Давлатпаноҳ, Гов-Барува билан Утанани бирга қўшганди, сен ундақаларнинг юзтасидан-да донишмандроқсан. Шу бойисдан ҳам рўйи заминда қанақадир савдогар-павдогар ёки уруғ оқсоқоли эмас, айнан Куруш шаҳаншоҳ бўлди. Сени ҳумоюннинг ўзи қанотлари остига олган. Бинобарин, дадил бўл, маъбуллар белгилаб берган ишларни жасурлик билан рўёбга чиқар. Мен жуда қаридим, бетобман. Аллақачон омонатни топшири-

шим керак эди. Бироқ валинеъматим зафар билан қайтмагунча ўлмагайман.

Шу гапларни айтган Крез яна сўл соҳилда қолди.

«Замонни қаранг-а!» — ўлади бу гаплардан таъсирланган Куруш. — Ашаддий душманларни садоқатли дўстларга айлантиришга қодир. Крезни тирик олиб қолганим дуруст бўлган экан. Бечора шунақанги ёлгиз, шунақанги нотавонки. Йиллар ўтиб, менга — ўзини мағлуб этган кишига биродаридек боғланиб қолганига ажабланмаса ҳам бўлади».

Виштасп ҳам дарё бўйида қолишини истаганди. Саклар яна кўприкка ҳужум қилишлари мумкин. Шу боис бу ерда бир қаттиқўл киши қолмоғи даркор. Йўқ, азизим Виштасп. Ёш, ақдли, кучли ўғлинг борлигини унутма. Мени ёнимда бўлсанг, отасининг жонини ўғли учун ҳаммадан ҳам дурустроқ сақлай оламан. Менинг ёнимда бўласан, қадрдоним Виштасп.

Шаҳаншоҳ, Крезнинг маслаҳати билан янги манжаниқлар, зоғнулларни келтириш учун Марғ томонга енгил отлиқлардан иборат катта қўшинни юборди. Бошқа бир йирик қўшинни кўприкни кўриқлаш учун ажратди. Шўринг қургур Аршибарни қатл қилгач, кимни ушбу қўшин бошлиғи қилиб қолдирди, деб ўйлайсиз? Албатта, Крезни-да. Ўзи эса яна Қизилқум кўйнига кетди.

Уруш — аскиябозлик эмас. Уруш тилларнинг эмас, тифларнинг тўқнашуви. Оқибатини куч ҳал қиласди. Сафсатабозликка чек кўйиш лозим! Бир кун ҳам пайсалга солмаслик даркор. Олға! Фақат олға!

Куруш жанг аравада, йўлда бораётган қўшиннинг четида, у бошидан-бу бошига бориб келар, орқада қолаётганларни, имиллаётганларни шоширап, дангаса ва беғамларни сўйил билан қопқора қонига булғаб саваларди.

— Ўзининг ўлими томон бу қадар қайсарлик билан югуриб борадиган одамни ҳали учратмагандим, — деди Утана шаҳаншоҳнинг хос соқчиси Мехр-Бедодга. — «Ўлгиси келган сичқон мушук билан ўйнашар».

Яқиндан буён улар бир бўлиб олишганди.

Маъюс Мехр-Бедод доим нимадандир норози Утанага разм солиб юрар, фамгин Утана ҳам нимадандир кўнгли тўлмаётган Мехр-Бедодни кўз остига олиб қўйганди. Кечувнинг биринчи кунидан бошлабоқ, улар бир-бирига кўз қирини ташлаб қўйишар, сергаклик билан, эҳтиёт бўлиб бир-бирини кузатишар, турли тўдадан келган бўрилар монанд бир-бирини искагувдек бўлишарди.

Спаргала ўзига ўзи ханжар урганида форс йигит чидай олмади, дарё бўйига кетиб, чуқур, оғир ўйга ботиб ўтириди.

Унга бугун ўзининг биродарини ўз қўли билан ўлдиргандек туюлди, гёё. Тўмрузнинг шўрлик ўғли унга — Мехр-Бедодга нима ёмонлик қилди? Ҳеч нима. Уруш бўлмаганида, дунёнинг қаери-дадир, қанақадир Спаргала яшаб турганидан ҳам хабари бўлмасди. Билганида, учрашиб қолганида, балки, дўстлашиб ҳам кетишармиди.

Бечора Спар. У бир сиқим қумни деб ҳалок бўлмади. Кўприкни қўриқлаб турганларни қириб ташладими? Лекин у шу қўриқчилардан қўприк қуришни илтимос қилганми? Тўғри, нафси-ламрини айтганда, жангчиларда ҳам айб йўқ — уларни мажбур қилишди. Куруш мажбур қилганди. Эҳ, Куруш, Куруш!..

— Денгиз соҳилларидаги суряликлар — Тсур ва Сайдада<sup>1</sup> яшовчи финикияликларда мис буқа — маъбуд Баал бор, — деди Утана, унинг ёнига чўқар экан. Спаргапанинг ўлими савдогарнинг ҳам қалбини ларзага солганди. — Финикияликлар юз сандиқ неъмат эвазига Баалнинг қизиб, чўф бўлиб турган комига ўз болаларини ташлашади. Ахир, оловда қизиб турган ҳиссиз мис буқа одамларга нима ҳам бериши мумкин. Уруш мана шунаقا. У Баалга ўхшаб, доимо қонга ташна. Гулдек болаларни ямламай ютадида, ўрнига бир ҳовуч совуқ кул беради...

— Олачипор ажал, — деди Мехр-Бедод. — Саклар урушни шундай деб аташар экан.

Ўшандан бўён бадавлат Утана билан қашшоқ Мехр-Бедод дўстлашиб қолишиди...

Раносбат ёш улфатини шаробхўрлик қилиш, хаома чекиш учун ўз чодирига бир неча бор чорлади. Лекин Мехр-Бедод, дам бандлигини, дам чарчаганини рўкач қилиб, таклифни қабул қилишдан доим бош тортиб келди.

Ўша қабиҳ тунни эсласа, кўнгли ағдарилиб кетади. Аввалла-ри Мехр-Бедод юқори мартабали бошлиқнинг лутфан дўстлигини сифингудек бўлиб қадрлаганди. Ҳозир эса унинг бесўнақай ва жирканч қомати кўзга ташланганда бир сесканиб тушади.

Раносбат Мехр-Бедоддан гина қилди.

— Бераҳм ҳайвон! Ким одам қилганди бу ялангоёқни, Раносбат. Бу мочахарнинг боласи ким туфайли хос соқчи бўлиб юрибди? Раносбат туфайли. Унда нега мендан юз ўгиради? Димоғи шишиб қолибди. Эҳ, одамлар, одамлар!..

<sup>1</sup> *Tsур ва Сайдада* — Тир ва Сидон шаҳарлари.

Юришнинг етtingчи куни жануб шамоли яна ҳуштагини чалиб келиб қолди. Яна сакларнинг изини супуриб, кўздан йўқотди, текислаб, дазмол босгандай қилиб, суриб ташлади. Ҳеч қандай из бўлмагандек эди гўё.

— Ҳуштагини чалаверсин, гувиллайверсин, — деди Куруш. — Жанубдан эсмоқда, ёқимли шамол у. Кўзга эмас, орқага уради. Юришимизга кўмаклашади. Бу — илоҳий аломат. Изга келсан, энди унинг нима кераги бор? Тўмruz яширинган тоғни йўл кўрсатувчилар яхши билишади. Мана, тоғларнинг ўзи ҳам кўриниб қолди.

У шимолда кўкариброқ кўриниб турган, унча баланд бўлмаган тоғ тизмасига ишора қилди.

Кечкурун қўшин ўрмонга етиб борди.

Ўрмонни кўрган форслар турган жойларида қотиб қолишиди. Барчасини, чодир қозиқларидек, бир зарба билан сарғиш кумга қоққандек эди, гўё.

Ўлик ўрмон эди бу.

Куюқ бўлса-да, жуда ёруг, сокин ва бўм-бўш эди — соя-салқин бермайдиган, пастак, япроғи йўқ, меваси йўқ, аллақачон куриб битган бу дарахтлар орасида бирон-бир жонзот бир соат ҳам тоқат қилиб туролмасди.

Бу дарахтлар ўсиб турганида, уларни енгил шамол эмас, оғир тош босгандек, шоху бутоги эгилган, буришган эди. Тошдек қаттиқ, бироқ яхши пишитилмаган лойдек мўрт бу бўз шоху бутоқлар, нафас ололмаётгандек, даҳшатли куч билан чирапиб, бетартиб ёриқлар ва тақириларга тикилиб, ақл бовар қилмас ма-шаққат билан қатламларни кўчириб, азоб билан бош кўтариб, палахса-палахса кесаклар оралаб, секин ўрмалаб бораради. Ёруғ дунёга чиқиб олгач, мисли кўрилмаган талвасада тарвақайлаб, қотиб қоларди.

Шамол ағдарган саксовул тўплари куйган, қуёш нурида куриб, тараашси чиққан, думалаб ётган мурдалар уюмига ўхшарди.

Куриган, лекин тик турган бошқа дарахтлар осилган, нимтланган, қозиққа ўтқазилганларнинг қоқ суягига ўхшаб кетарди.

Қўшин анча орқага қайтиб қўнди.

Бугун қўналғада кам гапиришмоқда, одатда, кечкурунлари янграйдиган кулгу ҳам эшишилмасди. Ҳатто, бетоқат Куруш ҳам хаёлга толди. Ўлик ўрмон бир ой аввал бўлиб ўтган жанг майдонига жуда-жуда ўхшарди.

\* \* \*

Спаргаланинг ҳоли нима кечди экан? Тўмруз билмасди. Билмасди. Форс қўшинларидан бир нафас ҳам кўз узмай кузатиб келаётган айғоқчилар Спаргаланинг тақдири ҳақида бирон хабар тополмадилар.

Тўмruz ўзини бардам тутишга уринарди.

Зоҳиран скифларнинг тош ҳайкалидек хотиржам, индамас бу аёл урувлар сардорларига бош бўлиб, саклар қўшинлари қароргоҳини айланиб чиқди.

Ботинан эса... У ботинан мусибатдан адои тамом бўлганди. У ёш, соғлом, бақувват уруфдошларига қааркан, эртага буларнинг кўпчилиги ҳалок бўлиши ҳақида қайғу билан ўйларди.

Спар сингари, булар ҳам нобуд бўлишади.

Ҳар бир сак бамисоли унинг ўғли эди ва уларнинг ҳар бирига ўз ўғилек ачинарди. Саклар ҳам, ўз оналарига интилгандек, унга интилишарди, чунки унинг кучли меҳрию, ўта раҳмдилитини ҳис этиб туришарди.

— Кампирларни, болаларни ва эмизикли оналарни катта бўлмаса ҳам, яхши қуролланган қўриқчилар билан шимолга, Яксарт томонга жўнатдик, — деди Тўмruz Хоразм шоҳининг элчисига. — Подани ҳам ўша томонга ҳайдадик. Қолган минглаб йигитлар ва эркаклар найза ҳамда табарзинлар билан қуролланишган. Ҳар бир жангчидан иккитадан камон, тўртгадан садоқ, иккитадан захира от бор. Бақувват, эпчил қиз-жувонлардан юзта новакандоз учкур бўлинма туздим. Эрларига, ака-укаларига кўмаклашишади.

— Мен шаҳардан чиққанимда қўшинимиз Аранха бўйлаб ўнг соҳилдан юқорига қараб кетаётганди, — деди хоразмлик чопар. — Уч кундан сўнг бу ерга етиб келиши лозим.

— Бизнинг одамлар дарё бўйлаб солларда қўйига қараб келишмоқда. Индинга шу ерда бўлишади, — хабар берди Бақтра чопари.

— Донишманд Тўмruz! — деди суд чопар. — Суд жангчалири сизнинг тоғлардан бир ўтиш масофасида келишмоқда. Эртага хузурингда бўлишади.

— Дарё орти саклари ва тиграҳауда саклари аллақачон етиб келишди, — гуурланиб хабар беришди дарё орти ва тиграҳауда саклари чопарлари.

— Дуруст, — бош иргиди Тўмruz.

Бўзранг кум сичқони йўлдан шошиб, бироқ секин ўрмалаб ўтмоқда эди. Жароҳат олганмикан, ёки касалми? Тўмruz жирканниб тупурди. У майда, ўғри ва хуркак жониворларни кўргани кўзи йўқ эди.

Дривиклар қароргоҳи ёнида Тұмруз Райадага дуч келди.

Эркакларнинг чарм шимини ва қалин қалта жун камзул кийганды, елкасига садоқ итиб олтган Райада бошини солинтириб, икки қия құмтепа оралиғида, катта камонни құмда судраб кетиб борарди.

Жангчилар кийимида у рүдапо ва күлгили күринарди!

Камон құзи ҳайдайдыган хивич эмас-ку.

— Ха-ха-ха! — күлди бурундор хоразмлик. — Шунақа жангчилар билан Курушни енгіб бўлармиди?!

— Ўқ чиллага йўғон томонидан қўйиладими ёки ингичка томониданми — билармикан?

— Бунақа гўзалга ўқнинг нима кераги бор? — масхараомуз илжайди сүғд чопари. — Чиройли қўзини бир қадаса — форсларнинг бутун қўшини ҳуши бошидан учиб йиқилади.

Тұмрузни кўрган Райада хижолатомуз пичирлади:

— Тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Тұмруз индамай юзини тескари бурди. Йўқ, у Райадага бўлган нафратини босолмади! Фрада саклар эрки учун жангта кириб, мардларча ҳалок бўлган эса-да, барибир, у сакларга бегона эди. Қизи ҳам сакларга бегона.

Балки гап Фрадада эмас, Райаданинг ўзидадир? Садоқатли жуфтити ҳалол ва қаттиққўл бўлса-да, меҳрибон она бўлган Тұмруз аёлларнинг ялқовлигига, овсарлигига ва енгилтаклигига чидай олмасди.

Эркак ким ўзи?

Даҳшатли йиртқич, ситамгар, шафқатсиз золимми? Бўлмаган гап. Кўринишидан қаҳрли шерга ўшшаса ҳам, қалбан содда, ишонувчан катта бола. Аёлнинг иси бурнига кирса бас, ақлдан ҳам, кучкүватдан ҳам, гууридан ҳам мосуво бўлади! Аслида улар мағрурлиги, ботирлигини ким учун намоён этишади? Ким учун улар ўзини кўрсатмоқчи бўлишади? Аёл учун, аёлни деб шундай қилишади.

Ҳар қандай аёл ўзининг кучини билади — ақлан бўлмаса, қалби билан, савқи табиийси билан билади. Ўзингга ўзингни ҳаётдан панд еган қилиб кўрсатишингнинг ҳожати йўқ. Биз, аёллар, ўзимиз бўлганимизда, эркаклар гапимизни эшлишишмаётганда, ўзаро очик ва тўғридан-тўғри гаплаша оламиزمи? Ўзимизга ўзимиз ёлғон гапиришимиздан фойда йўқ. Табиат сенга эркаклар устидан ҳукм юритиш учун нималарни берганини жуда яхши биласан.

Ақлинг калталигидан мана шу ҳукмронликни эркак учун ёмонлик келтирадиган қилиб ишга солган бўлсанг, сени ер ютиб қўяқолсин!

Ёдингда тутгинким, аёлнинг эркак олдидағи бурчи эркакнинг аёл олдидағи бурчига қараганда уч баравар кўп. Чунки кўнгил ишида асосий томон аёл. Аёл қайнар булоқ бўлса, эркак — ташналаб йўловчи. Агар у ташналиқдан ўлса, айб булоқда бўлади.

Тўғри, ташналигини қондириб, булоқни ҳаром қилиб, сувини булғаб кетадиган йўловчилар ҳам учраб туради. Эркаклар орасида эшшакмонандлар ҳам бор. Бу ҳақда уларнинг ўзлари ўйлаб кўришлари, ўзаро фикрлашиб олишлари даркор. Ҳозир гап бошқа нарса — аёл эркак кишининг тақдиди учун жавобгарлиги ҳақида бормоқда.

Сен эса, Фраданинг қизи, малъун, ўғлимни ёмон йўлга бошлидинг.

\* \* \*

Ўлим муқаррарлигини инсон билади. Бироқ беному нишон йўқ бўлиб кетишни ҳам истамайди. Шу боис, ўзини овутмоқ учун, донолик, айёрлик билан ёлғон тўқиёди. Аранханинг куйи оқимидан келган, бошқа қариялар даврасида гулхан олдида ўтирган кекса массагет қийшиқ тирноғи остини кир босган серажин бармогини никтаб, ваъзхонлик қиласди:

— Удумларми?!

Удумларимиз нима дейди?

Ўз ўлими билан ҳаётдан кўз юмган киши — нопок, у нафратга лойиқ. Овда нобуд бўлган ёки жангда ҳалок бўлган одам — шон-шуҳратга бурканади, ана у ҳурматга лойиқ.

Нима учун?

Ҳар бир кишининг рухи бор. Шундай эмасми? Жон — кишининг ҳаётий қудрати. Ёшларда у — ёш, кексаларда — қари бўлади. Тўғрими? Соғлом одамда — соғлом, беморда — касал бўлади. Тўғрими? Кучлида — кучли, нимжонда — заиф бўлади. Тўғрими?

Инсон абадий эмас — рух боқий. Гулхан ўчса — тутуни осмонга учади. Инсон ўлса — рухи охират дунёга кўчади.

Инсон қариб, касалланиб, заифлашиб ўлса, йўқлик дунёсига рангпар соя бўлиб боради, унга тўрдан жой беришмайди, эҳтиром кўрсатишмайди. Ўзига — энг ёмон жойни, молига — энг хароб яйловни ажратишади, шўринг қурғурнинг бетига ҳамма тупуради, чунки заиф руҳда ўзини ҳимоя қилишга қодир куч бўлмайди.

Башарти одамини ўқ тешиб ўтган бўлса, ёки у йиртқичнинг чангалига тушиб, умри поёнига етган бўлса, бундай одам жаҳннам устидан чақёнлик билан, дод-фарёдсиз сакраб ўтади,

маъбуллар хузурида бардам, тетик, шодон ҳозир бўлади. Бу ерда баҳтни қандай сипқарган бўлса, арши аълодаги ҳаётида ҳам мешдан роҳат-фароғатни сипқаради.

Бу билан нима демоқчиман?

Руҳ охиратда ҳам бардам ва шодон бўлиши учун уни ёруғ дунёда тўзиб битишдан сақлаб, вақтида илғаб, бўлакча ҳаёт учун асраш керак, демоқчиман.

Агар сўйиб улгурилган бўлса, қари қўй ҳам овқатга ярайди. Ҳаром қотганни чиябўриларгина ейди. Тушунарлими?

Қанчалик тез ўлсанг, шунча яхши, демоқчи эмасман. Асло! Инсон қора чегаранинг у томонида эмас, бу томонида туғилади. Демак, ёруғ дунёning барча роҳат-фароғатидан баҳраманд бўлмоғи даркор.

Лекин ёруғ дунёда ҳаддан ортиқ қолиб кетиш ҳам — кечирилмас гуноҳ.

Ботқоқликларни макон тутган, илон еб кун кўрадиган дайди йиртқич одамлар, боқиши қийин бўлгани учун, кексаларни ўлдирадилар.

Бизларда, чўпонларда эса, Худо асрасин, ўлат келмаса ёки ер яхламаса, озиқ-овқат жуда ҳам мўл. Шунга қарамай, қартагиб, кучдан қолганлар бизга ҳам ёқмайди.

Нима учун?

Биянинг сути етарлича ачимаса, қимиз бўлмайди. Лекин у ҳаддан ташқари ачиб, қурт босган бўлса, ундан ҳам ёмон. Инсон ёруғ оламни эрта тарқ этса — ёмон. Бироқ у зулмат дунёсига лозим бўлган вақтдан кечикиб борса, янада ёмон.

Удумларимиз нима дейди?

Сўқмоқ дарё бўйига бориб тугайди. Дарё денгизга бориб тушиб тугайди. Инсон ҳаётининг чегараси — етмиш йил.

Баҳслашмайман — одам юз йил ҳам яшashi мумкин. Мумкин! Аммо... нима кераги бор?

Тўрттала оёғи оқсайдиган түянинг кимга кераги бор? Хаста, минғир-минғир, ақлдан озган, қариб-чуриган чолдан не наф? У янги туғилган чақалоқ мисол нотавон. Бироқ янги туғилган гўдакка кишилар меҳр билан боқишиша, бир чақирим жойдан чиркин ҳид таратадиган одам нафратдан бўлак нимага ҳам лойик?

Ер юзида ҳаддан зиёд узоқ вақт юрадиган киши ётлар учун ҳам, яқинлар учун ҳам дарди бедаво юк. Ўз хонадонидагиларда ҳам жирканиш ва нафрат уйғотади. Бу ерда ҳам ортиқча, у ерда ҳам, — массагет овозини пасайтириб, қўл силкитиб орқани кўрсатди. — Ҳатто, кетганлар асло қайтиб келмайдиган жойда ҳам ортиқча.

Шунинг учун ҳам чодирда қариб-чуриб, ҳолдан тойиб ўтиргандан кўра, жангда ҳалок бўлган афзал. Биродарлар, форсларга қарши жангга кирамиз!

— Жангга кирамиз!

\* \* \*

— Эй! — деди Хугава алам билан. У ҳикматли гапларни тинглаш учун қариялар ҳузурига келганди. — Ақдли-ю, бироқ аҳмоқ чол экан! «Рух, охират...» Мўйсафидлар душман билан жангга киришга қарор қилишгани дуруст. Бироқ руҳнинг бунга қандай алоқаси бор? Наҳот охиратда ёпилган кулчани деб ўлимга тик боришиша? Ана, Оқ ота соялар салтанатида биқиллаб қайнаб турган дошқозондаги овқатга кеч қолишдан кўрққанидан Олачи-пор ажал билан жанг қилмади-ку, ахир! У одамлар учун яшади ва шу йўлда ҳалок бўлди. «Инсон қадрдон хонадонига, жондош уруғига ва қабиласига нафақат ҳаёти билан, балки ўлими билан ҳам хизмат қилиши шарт». Хизмат қилмоғи лозим. Қадрдон оиласига. Қандайдир аҳмоқона руҳга эмас, балки қондош уруғи ва қабиласига хизмат қилмоғи даркор.

Хугава шаккокларча фикрлашдан, охират салтанати ҳукмдорларининг ғазаби ва ўқидан қўрқмасди.

У дунёда яхши яйловлар беришмайдими? Бермай қўяқолишин! Хугава камонидан бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам айро тушмайди. Камони қўлидами, бас, очдан ҳароб бўлмайди.

Ўша жойда бирон-бир күш ёки ҳайвоннинг сояси топилар, ахир?

Ўзи ҳам соя бўлгани учун, бир кунда иккита шаффоф қирговул отса бўлди-да.

Ҳозир Хугавани нариги дунёдаги бемаъни ғам-ташвишлар қийнамаяпти. Ёруғ оламдаги оғир қайфу-ҳасрат унинг оромини олган.

Тўмруз у билан гаплашмаётганди.

Хугава даставвал сардор фақат Спаргапанинг ўлими туфайли ғазабини сочмоқда, деб ўйлаганди. Шу боис унча қайғурмаётганди. «Сенинг ўғлингнинг энагасимидимки? Энди у улгайган. Тентак бўлса, айб мендами?» — деб ўйларди.

Спаргапа банди қилингани, лашкари қириб ташлангани ва Тўмруз ўғлидан жудо бўлса ҳам, Курушга итоат этишдан бош тортгани маълум бўлганидан буён Хугаванинг ичини ит тирнарди.

Олти юз эллик нафар уруғдоши ўлдирилган!

Уларнинг ўлими учун Спаргапанингина айблаб бўлмайди. Бунда Хугаванинг ҳам айби бор. Разил Фраданинг қилган ишига чида-

мади, аразлаб кетди, ёш болаларнинг ўзини қолдирди... Ўшанда ўзини-ўзи сўйиб ташлагани афзал бўларди! Балки дўстининг ўлимидан ларзага тушган Спар ўйлаб қолармиди? Эсини йиғиб олиб, Фрадага бўйсунмай қўярмиди? Дўстларини дарё бўйидан олиб кетармиди? Хугава ўлса ҳам, олти юз эллик нафар киши тирик қолармиди?

Олти юз эллик киши. Олти юз эллиг-а!

Уларнинг оналари Хугаванинг олдидан тизилишиб ўтишарди.

Аввалига Тўмруздан гина қилишган бўлса, энди у билан ярашишганди, чунки ўғлини азобга ташлаб, улар билан тенг бўлиб қолганди. Аввал Спаргалани қарғаган бўлишса, энди, истар-истамас, унга ҳам кўникишганди, чунки у ҳам ўғилларининг тақдирига шерик бўлганди.

Бироқ қилган иши учун Хугавадан рози эмасдилар.

Уларнинг қайгу тўла кўзлари мерганинг ўнгида ҳам, тушида ҳам таъқиб қиласди, маъюс овозлари ҳамма ёқда қулоғига киради:

- Ўғлим қани?
- Ўғлим қани?
- Ўғлим қани?

Хугавадан нафратланишга Тўмрузнинг ҳаққи бор эди.

Тўмruz нима деб ўйласи — ўйласин, нима деса — десин, лекин Хугава ҳозироқ унинг ҳузурига бориб, юз ийл бўлса ҳам, калтак еган итдек индамай оstonага ўтириб олади. Ҳа, у чиндан ҳам калтак еган, дайди, қўтириб! Аранха сакларининг меҳрибон онаси бўлмиш Тўмруздек аёлнинг олдида ҳурматини йўқотган икки оёқли ҳайвонни одам санаб бўлармиди?

\* \* \*

... Тўмruz айғоқчининг хабарини тингларди.

Олачипор ажал яқин келиб қолган. Форслар тунни ўлик ўрмон яқинида ўтказишли. Бугун тоғ этакларига келишли. Қаёққа бориши билмай, бир жойда туришибди. Чунки шамол саклар кўшинининг изини супуриб юборганди.

Эҳтимол, уларга ҳозир ҳужум қилиш керакдир?

— Шошмай тур, — айғоқчининг гапини бўлди аёл. — Ташқарида нима шовқин?

Чодирга қонга беланган сак кирди.

— Оҳ, онажонимиз! — у Тўмрузнинг оёқларига йиқилди. — Мен Фраданинг бўлимиданман. Мана, Хугава мени билади. Мен бандиликка тушиб қолгандим, бугун Курушдан қочиб келдим.

Фалокат рўй берди, онажон! Қабиҳ Фрада жонажон қабиласига хиёнат қилди. Уруғдошларимга кунда урилган...

— Фрада? — Тўмрузнинг кўзлари чақнаб кетди. У қочоқни бир тепиб нари кетказди. — Эҳ! Бошқача ҳам бўлиши мумкинми? Фрада кимлигини кўргандик-ку. Аллақачон қанотини кесиш керак эди. Йўқ, у билан куймаландик, таъна тошларини отдик, гапга кўндиримоқчи бўлдик. Бўри — бўрилигини қилади. Қанча боқмагин, бир кун чангизорга уриб кетади. Бу бизга сабоқ бўлмоғи даркор. Сизлар-чи, унинг уруғдошлари? Кўзингиз қаёқда эди? У манфурнинг кўл-оёғини нечун боғламадингиз?

— Қандай қилиб боғлаймиз? Оқсоқолимиз-ку, ахир.

— Нега унга қароргоҳни ташлаб кетишни қатъиян тақиқламадим? Пайқамай қолдим. Бепарволик қилдим. Тўс-тўполонда уни унугиб қўйдим. Доим шунаقا бўлади. Арзимас нарсани унутсанг кўргулигингни кўраверасан.

Тўмruz кафтларини кўзига босди-да, оғир ўйга чўмди. Савол бермоқчи бўлиб, бир неча бор оғиз жуфтлади, хўрсиниш билан: «А...» — деб бошламоқчи бўлди-ю, bemажол индамай қолди. Ниҳоят, саволини беришга қарор қилди. Қўлини туширди-да, ёмон хабарга аллақачон кўнишиб қолиб, яхши гапни кутмай қўйган одамдек паришонлик билан сўз қотди:

— Спар-чи?

Қочоқ бир сиқим қум олди-да, бошидан сочди.

— Бўзла, онажон, фарёд қил! Курушнинг элчиси Мехр-Бедод дарё бўйига қайттач, форслар Спаргапани ўз томонларига оғдиримоқчи бўлишди. Фрада ҳам уриниб кўрди. Онанг сендан воз кечган, деди.

— Хўш?

— Бўзла, онажон, бўзлагин! Мард Спар аввал Фрадани чавоқлаб ташлади, кейин эса қўли қалтирамай, шамширни ўзининг юрагига санчди. Жасади гулханда ёқилди. Фарёд қил, онажон, бўзла! Ўғлинг ўлди.

— О-о-оҳ!!! — бу Хугаванинг фарёди эди. Йўқ, Тўмruz эмас, Хугава дод солмоқда. Тўмruz эса... хотиржам. Бироқ янада буқчайиб, ерга тегай-тегай, деб қолди.

— Нега бўзлар эканман? Муносиб ўлим топибди-ку. Фахрланишим даркор. Шараф билан ўлган бир киши шарманда бўлиб яшаётган юз кишидан афзал. Ўғлим чинакам мардлардек ҳалок бўлибди. Мен қувончдан кулмоғим лозим.

Тўмruz қаддини машаққат билан ростлади-да, жилмайди. Қалбидаги оғриқ тарқаб, ҳаловат топганди. Лекин бу қанча давом этаркин?

Чодир яқинида бир бия қулоқни тешадиган даражада, бор овоzi билан аламли хавотир ва ҳасрат ила чорлаб, даҳшатли кишинади.

Шу ондаёқ яқингинадан тойчоқнинг хотиржам товуши эши-тилди.

Хугава Тўмрузга дадиллик билан яқинлашди:

— Мени тинглангиз, Она!

\* \* \*

Бир қанча вақт ўтгач, Хугава новакандоз аёллар орасидан хотини — ёш, гўзал, баланд бўйли, ўзи каби хушқомат Майра-ни излаб топди.

— Чеккага чиқайлик. — Хугава чўл буғдойи бошогини узиб олди, фадир-будур кафтлари билан, тегирмон тошидек ишқала-ди. — Мен... кетмоқдаман.

Хотинининг кўзига қатъият билан боқди.

Майра эрининг камонини қўлига олиб, ўзиники билан со-лишириб кўрди.

— Бир хилда экан. Қаёққа кетмоқдасиз?

— Йироққа.

— Качон қайтасиз?

— Билмайман.

Майра деярли товонига тушадиган, ёйилган малла сочининг қалин тутамини қўлига олди-да, эрининг нам тортмаслиги ва куруқшаб қолмаслиги учун мой суртилган камонига кўнган губор-ни меҳр билан артди, сўнг уни садоққа қайтиб солди.

— Агар мен... тезда қайтиб... келмасам, қизимга айтгинки... Ўзинг бирон гап ўйлаб топарсан.

— Майли. Ўйлаб топаман. Афсус, яна бир марта кўролма-дингиз-да. Ҳозир у олисда. Яксарт яқинида.

— Начора? Унга шундай, шундай, деб айттин. — У кафтидан буғдой қобигини пуфлаб учирди, оёқ учи билан ерда чукурча ков-лади-да, донни чукурчага тўкиб, устига авайлаб тупроқ тортди. — Алвидо.

Хотини индамай бош иргади.

Хугава кетди. Аёл тепалик ёнбағрида эри ковлаган чукурчага қараб анча ўтирди. Кафти билан уни силади. Бу донлар униб чиқармикан ёки унмай қуриб қолармикан?

Униб чиқиши лозим. Унга кўнгилда борини тўқди, йиглаб-йиглаб, кўз ёшлари билан сугорди. Наҳот униб чиқмаса?

\* \* \*

Йўл кўрсатувчилардан биттаси қочиб кетди. Иккинчиси қочиб кетишга уринганида ўлдирилди. Учинчиси эса куйиб-пишиб қўлларини ёярди:

— Мен афсунгармидимки? Тўмруз шу атрофда, тоғларда бўлиши керак, лекин, шаҳаншоҳим, айнан қаердалигини мен қайдан билай? Саклар бугун бу ерда бўлса, эртага — бошқа жойда. Балки Тўмruz аллақачон Яксартнинг ортига ўтиб кетгандир.

Куруш қутуриб бормоқда эди.

Қаерга даф бўлишди бу кўчманчилар? Келтириңг уларни! Айгоқчилар барча тепаликларни, жарликларни текшириб чиқишиди, бироқ ҳеч кимни топа олишмади. Нима, шаҳаншоҳ бу ерда уч йил ўсал бўлиб туриши керакми?..

Шу он мўъжиза рўй берди.

Баланд бўлмаган тепаликлар қўйнига кириб кетган жар ичидан форс қўшинининг кўзи олдида қора от минган қандайдир дайди сак чиқиб келди.

Тўппа-тўғри Курушнинг хос соқчилари олдида пайдо бўлди!

У қўрқувдан ва кутилмаган ҳолатдан саросимага тушиб, бир дам қотиб қолди, бироқ шу ондаёқ отнинг бошини бурди-да, келган томонига қараб ўқдек учиб кетди.

— Тутинглар уни-и-и! — Овда юргандек ўкирди Куруш. — Улу-лу-лу-лу!...

— Улу-лу-лу-лу! — увиллашди форслар ва уни қувиб кетишли.

Сак елиб бораётсиб, қайрилиб қаради-да, камон тутган сўл қўлини қувиб келаётганларга қаратиб чўзди. Бир тортиб қўйиб юборганди, ўқ тешиб ўтган форслардан бири отдан учиб кетди.

Форслар отни тўхтатиб, қўлларини камонга узатишли.

— Ўлдирилмасин! — Курушнинг овози гулдираб чиқди. — Тириклий қўлга олинсин! Ўлган сак йўл кўрсата олармиди? Яхшиси, отни нишонга олинглар.

Бироқ зулукдек қора от кўз олдиларида шунақанги қутуриб айланардики, ҳатто, Аҳриманнинг ўзи ҳам нишонга ололмаса керак уни.

Сак эса ўқни ёғдиргандан ёғдиради. Сўл қўли билан ҳам, ўнг қўли билан ҳам, елкаси оша ҳам, кўкрак томонидан ҳам, тўғри от чоптириб келиб ҳам, орқага қараб ҳам, ярим бурилиб ҳам ва, ҳатто, қарамай ҳам ўқ узарди. Умуман нишонга олмаётгани ҳакида гапирмаса ҳам бўларди. Шунчаки, бироз эриниб, ўқни жойларди-да, чилласини тортиб, қўйиб юборарди.

Шу ондаәқ форсларнинг яна бир жангчиси отдан қуларди.

Бобиллик саёқ масхарабоз таёкни бармоклари, күллари, бўйни, сонлари, оёғи атрофида асло тушириб юбормай қандай айлантира-са, сак ҳам камонини ўшанақа чақонлик билан ишлатарди.

— Нима деган гап бу? — фарёд қилди Куруш: — Йигирма минг одамим битта дашт итини тута олишмайдими? Олга!

Бир тўда жангчилар чувиллаб, абжир суворий устига ташла-нишиди.

Сак уларни кутиб ҳам турмади — отининг бошини яна бур-ди-да, дам ўтмай жар ичида кўздан фойиб бўлди. Форслар қўшини илонизи жар устига қора қуюндай ёпирилди.

Сак бирмунча олдинга от чоптириб кетиб яширинарди, бу-рилишдан чиқиб келган таъқибчиларни рўпарадан туриб отар-ди-да, яна кўздан фойиб бўларди. Тор жарда форслар новакан-дознинг орқасидан айланиб ўтиш учун на қайрила олишарди, на орқага қайта олишарди.

Қайтишни ҳеч ким ўйламасди ҳам: қувиб юрганлар қизишиб кетишган, юраклари тинчлик билмас, кўзлари қонга тўлганди — йўқ, сак, қутулиб бўпсан!

Кун бўйи қувишиди.

Форслар отларини тез-тез учқурларига алмаштиришар, уларни ҳолдан тойгунча ҳайдаб, яна алмаштиришарди, зулук от эса, ўтлоқда шўхлик қилаётган тойчоқ мисоли, енгил ва равон чо-парди.

— Отми бу? — тўнғиллашди форслар. — От эмас, жин. Устида ўтирган ҳам одам эмас, ўқ тегмас сахро иблиси. Қаранглар, сеҳрли ўқ ҳам олмайди уни! У бизларни тўғри жаҳаннамга бошлаб боради. Кеч бўлмасидан тўхташимиз даркор!

Олдиларидаги суворий Турондаги энг яхши отга минган энг яхши мерган эканлигини форслар қаёқдан ҳам билишсин. Саклар бу гаройиб отни «Қора чақмоқ» дейишарди.

Тўхтаймиз?

Куруш тўхташ деган сўзни эшитгиси ҳам келмасди. Олга! Жа-ҳаннамга бўлса — жаҳаннамга олга!

Оқшом яқинлашганда, «Қора чақмоқ» буткул ҳолдан тойиб, кучдан қолгачгина, «сеҳрли камон» жанговар захирасини сўнгти ўққача отиб тугатгачгина Хугавани қувиб етишиди.

Етиб олиб, устига ёпирилиб, шамширларни уришиди.

Сўнг, шоҳ «ит»ни тириклайн тутишни амр эттани эсларига тушиб, тўхтаб қолишиди. Бироқ кеч бўлганди — йигирма шамшир бир йўла санчилган Хугава жон берганди.

Булутсиз осмонда парвоз қилаётган түргай унга видолашув күшигини күйлар, илиқ шабада чаловларнинг оппоқ қўйруғини боши узра ёяди.

Чалов. Чалов. Чалов...

Чўлда сув бўлмаса ҳам, униб-ўсасан.

Эй, кўхна чалов, оқсоқ чалов, шамолда титраб турган чалов, жангда ҳалок бўлгандарнинг қонидан сув ичиб тирикмисан?

Қизишган Куруш сакка биринчи бўлиб етиб борган энг тез, энг чаққон, энг омадли беш нафар соқчисини болта билан чопиб ташлади. Улар мукофот оламиз, деб ҳаракат қилишганди — олишди ўша мукофотни. Энг донишманд маъбуд Аҳурамазда йўлида қилинганди бу иш. Омин!

— Қаерга келиб қолдик? — тўнғиллади Куруш қутуришдан тушиб, тинчлангач.

Форсларнинг қўшини икки ўрқачли ва бир ўрқачли чўккалаган туяларга ўхшаш яланғоч сертош тепаликлар билан ҳар томондан ўралган улкан товоқсойга тушиб қолган эди. Чукурликдан чиқадиган йўл битта — чўлдан тоғлар бағрига томон улкан илонизи бўлиб чўзилган торгина жарлик эди.

— Ўғруқ қани, озиқ-овқат, сув, ўқ ортилган аравалар қани? — сўради шоҳ. — Ортда қолищдими?..

Шунда кунботар мамлакатлардан учиб келган қора қузғунлар қуюшқондан чиқиб, қизиқ устида тўппа-тўғри тўрга тушганликларини, айёрлик билан қўйилган тузоқقا илингандарини англаб етишиди.

— Орқага, жарликка! — ҳайқирди Куруш.

Форслар орқага отилишди.

Бироқ жар тепасидан туриб уларнинг устига камон ўқлари шунақсанги қуюқ ёғилдики, чукурликдан чиқиши йўли шу ондаёқ отлар ва одамлар жасади билан тўсилиб қолди.

Чалинган сур товуши эшитилди.

Кескин, хирилдоқ овозда берилган буйруқ бўлимдан бўлимга ўта бошлади.

Пиёдалар чукурлик чеккасига қараб югуришди, ўнг тиззаси билан чўк тушиб, катта қалқонлар ила бошларини тўсиб, узун найзаларини олдинга чиқаришди. Чукурлик улар ҳосил қилган уч қатор ўтиб бўлмас ҳалқа билан ўраб олинди.

Ушбу зич доира ичиди шу ондаёқ сарпойчан ва яримяланғоч сопқончилар ҳамда пиёда новакандозлардан иборат янги доира ҳосил қилинди.

Шу тариқа, бир неча лаҳзада ҳалқалар ичдан бир-бирига ти-  
ралиб, қалқонбардорлар, енгил отлиқ новакандозлар, оғир отлиқ  
найзадорлар, мисга бурканиб олган табарзиндорлар — шаҳан-  
шоҳнинг хос соқчилари жангга шай бўлишди.

Энг ўртада, ўзи тўқиган тўрнинг ичида беркинган ўргимчак  
мисол, табл устига ўтириб олган Куруш яширинганди.

Қоронгилик чўқди. Дўнгликлар ўз данданалари ва чўққилари  
 билан тўқ ложувард осмон қозонини тутиб турган яхлит дума-  
лоқ қора шарнага айланди.

Саклар ҳужум қилишмади.

Сак ўқчиларига ўзларини кўрсатиб кўймаслик учун форслар  
гулхан ёқишмаганди, чуқурлик ер қаърига кириб, тўппа-тўғри  
нариги дунёга олиб борувчи совуқ ўрага, тубсиз зим-зиё жаҳан-  
намга ўхшаб қолди.

Шаҳаншоҳ ва унинг маслаҳатчилари учун тикилган саропарда-  
дагина катта машъял ёниб турарди. Ёруғлик ташқарига чиқмаслиги  
учун хос соқчилар кириш жойини эҳтиёткорлик билан тўсишди.

Сукунат.

Эндинга оғир йўлни босиб ўтиб келган ёт қабила нотаниш  
воҳада, хурмо дараҳтлари соясида нафасни ростлаш учун тўхта-  
ган, кўчманчилар оёқларига инган қизғиш чангни қоқиб, ҳордик  
чиқариш учун булоқ бошига келиб ўтирган илк лаҳзаларда шун-  
дай сукунат бўлади.

Улар ҳали сув томон ташланишгани йўқ. Сув қочиб кетмайди.  
Туялардан ҳам юкларни туширишмаяпти. Улгuriшади. Шунчаки,  
инدامай ўтиришибди. Олис йўл босиб ўтилди, деган фикрдан ҳор-  
гин кўзларда қониқиши, бир оз табассум ҳам бор. Ўша кўзлардан,  
воҳа аҳолиси қандай кутиб оларкин, деган хавотир ҳам сезилиб  
турарди. Чўл фарзандлари бу қадар олис жойга беҳуда келишмади-  
микан? Келган жойларида қолишса дуруст бўлмасмиди?

Лекин бу хавотирлик ҳали ноаник, шу боис кишилар, паشا  
қўригандек, уни ўзларига юқтиришмаяпти. Фишт қолипдан кўчди.  
Энди афсусланишнинг фойдаси йўқ. «Сув кўтарилиб, бурнингта  
кирдими, бас, у яна кўтариладими — йўқми, фарқи йўқ...»

Куруш шўхчан қўл силкиди, оёғини узатди ва ҳузур қилиб  
кўзини юмди.

Айнан қулоғи тагида эшитилган гумбурлаган товушдан ҳукм-  
дор сакраб туриб кетди. Оёғи кийимига ўралашиб, йўргакдаги  
эмизикли боладек, питирлади. Шармандали ҳолат. Шаҳаншоҳга  
номуносиб аҳвол!

— Қанақа ҳай-й-вон табл қоқмоқда? — бўкирди Куруш ўрни-  
дан тураётиб, қўрқув ва газабдан тили тутилиб.

Ранги күв оқариб кетган а耶ңлар шоҳга ва бир-бирларига қараб қолишиди. Табл? Уларнинг ҳеч бирининг қулида табл *йўқ* эди.

Яна табл товуши момогулдиракдек эшитилди!

Таранг тортилган эшак терисига қўш зарба туширилганди.

Дастлаб — бир йўла кафт қирраси ва ярим букилган бармоқлар билан қисқа, бўғиқ зарба тушди:

— Дунг-нг!

Шу оннинг ўзида қаттиқ қисилган мушт билан қучли, жарангдор гулдуратиб бир силтаб зарб берилди:

— Танин!

Бу товуш узоқ вақт акс-садо бериб, дўнгликлар устига бориб тинди:

— Гу-у-у...

Афтидан, чодир ташқарисида кимдир эрмак қилаётганга ўхшарди.

Шоҳ тупугини сачратиб, шайтонлай бошлади:

— Аблаҳни бу-у ерга келтиринг,.. терисини шилинг! Йўқ, ўзим... кекирдагини узаман.

У югуриб чодирдан чиқди, ортидан маслаҳатчилари ҳам ташқарига, зулмат қўйнига отилишиди.

— Қайси шоқол шовқин солмоқда? — қутуриб вишиллади Куруш.

— Билмадик, — чўчиб шивирлаб айтилган гап эшитилди. — Ўзимиз ҳайронмиз. Қаердадир гумбурляяпти-ю, қаердалигини тушуниб бўлмаяпти.

— Дунг-нг — тан-н-н! — чуқурликни қулоқни батанг қилувчи товуш қоплади. Дўнгликлар устига бориб ингранди: — Гу-у-у...

— Қанақа васваса бу? — бақириб юборди Куруш. — Чуқурликни айланиб кўринглар! Сочидан чанглаб, ерда судраб келтиринг эрмак топган у итваччани! Оғриқнинг зўридан бир дод десин.

Хос соқчилар барча жойни қараб чиқишиди, бироқ ҳеч қанақа «итвачча»ни топа олишмади.

Бошлари узра эшитилаётган даҳшатга солувчи гумбурлашдан жангчиларнинг ўзи бошлиқлардан кам ҳайратга тушишмаётганди.

Форслар ўнг томонга отилишса — табл товуши сўлдан эшитиларди.

Сўл томонга ташланишса — гумбур-гумбур ўнгдан эшитиларди.

Олдинга интилишса — табл орқа томонда тарақларди.

Орқага қайтишса — табл олдинда гумбурларди.

Бошларини юқорига күтаришса, оёқ осталарида гумбурларди.  
Ерга бағирларини беришса, тепадан аёвсиз эшитиларди.

— Дунг-танн! — Бориб тепаликлар устида йиғлагандек бўларди.

Бир маромдаги, хотиржам, бир хилда куч билан урилган зарблар баравар оралиқда бирин-кетин эшитиларди. «Дунг — танн! Гу-у-у... — Бир, икки, уч, тўрт, беш. — Дунг-танн! Гу-у-у. Бир, икки, уч, тўрт, беш. — Дунг-танн! Гу-у-у. Туни билан эшитилиб чиқди бу товуш.

— Бу чўл соҳиби, юзта кўзли жин! — шовқин солишли форслар. — У ҳалокатимиздан хабар бермоқда.

— Гулханлар ёқилсин! — амр қилди Куруш.

Чуқурликни кўплаб гулханлар ёритди, бу ер жаҳаннам руҳлари гуноҳкор соялар учун занжир ва илмоқлар ясайдиган дўзах чилангархонасига ўхшаб қолди.

Табл товуши тинмасди.

Гулханлар орасидан коҳинлар жой олиши. Тез орада мунгли гувиллаган, бир маромдаги гўлдирашга кўшилиб кетган, минглаб оғиздан чиққан, кўрқинч аралаш айтилаётган дуолар самога учди.

— О-ри-ри-ри, о-ри-ри-ри...

Табл гумбурлашда давом этди.

Афтидан, олисда, тоғлар қўйнида кўчманчилар жангга тайёрланиб, бонг уришаётганга ўхшайди. Ларзага солувчи гумбур-гумбур қайдан чиқмоқда? Оддий табл товушини бу қадар минг баравар кучайтираётган нима экан?

Чуқурликдаги ҳаддан ташқари қуюқлашган, ҳаракатсиз ҳаводанмикан бу?

Ёки кун бўйи тўпланган иссиқни йўқотаётган тош ва қум товушни кескин қайтараётганмикан?

Ёхуд дўнгликлардаги илиқ ҳаво билан чуқурлик тубидаги совуқ ҳаво ўртасидаги тафовутмикан?

Эҳтимол, четида ўйдим-чуқури кўп бўлган, ҳар томондан ўраб олган, гоҳ тик, гоҳ текис тепаликлар кўп бўлган товоқсойнинг ўзига хос тузилишиданмикан?

Балки, кўпайиб эшитиладиган акс садодир.

Ким ҳам билсин?

Табиатнинг жумбоги эди бу.

Улар тун бўйи мижжа қоқмай чиқиши. Форслар дуо ўқишидан, гулханга тикан қалашдан, гапиришдан, ўйлашдан ва, ҳатто, кўрқишидан толиқиши. Қуёш чиқишини гангиган, аламдийда, иблисона табл товушидан гаранг ҳолатда кутиб олиши.

Товоқсойнинг фарбий томонида, энг баланд жойида пуштиранг дөг ялт этиб аниқ кўринди. У аста-секин катталашиб, эгри учбурчак шаклига кирди, сўнг яна шаклини ўзгартирди. Ҳануз гира-шира ёнбагирлардаги ложувард соядан кескин фарқ қилувчи қизғиши-тилла ранг эгри-буғри ёруғлик чўққидан пастга қараб силжий бошлади. Товоқсой туби қирғовул қаноти рангига кирди.

Табл товуши пасая борди. Ниҳоят, у тинди. Шунда форслар қулоғига олисдан бошқа, чивин галаси ғингиллашига ўхшаш товуш аранг эшитилди.

У кучайиб, ҳуштак товушига, чийиллашга, наърага, довул гумбурлашига айланба борди; кўз очиб юмгунча дўнгликлар узра найзалардан иборат ўрмон пайдо бўлди; ўқлар товоқсой устига қора булутдек ёғилди.

... Дарё ортида, яп-яланғоч тепаликларда кўз кўриб, қулоқ эшиитмаган жанг бошланди.

Қизғин жанг, лашкарларнинг шиддатли тўқнашуви бошланиб кетди. Даҳшатли ур-ийқит бўлиб, шафқатсиз қон тўкилди. Кишилар жон-жаҳди билан жангта киришган эди. Найзалар санчилар, шамширлар сермаларди. Бу ҳаёт-мамот урушида мурдалар бирбирининг устига қалаши.

Аввалига саклар билан форслар уч юз қадамча масофадан туриб, бир-бирларини камондан ўққа тутишди: сон-саноқсиз ўқ тўлқин-тўлқин бўлиб учди.

Чуқурлик узра қизил, кўк, сариқ ва қора парли ўқлар шу қадар кўп учдики, улар ҳавода юзлаб бир-бири билан тўқнашиб, ерга ёмғирдек ёғилди. Куп-куруқ тупроққа, бир-бирининг ёнига санчилди, ер устини даҳшатли ажал гули қоплади.

Саклар тепадан туриб уришарди, қуйига қаратиб ўқ отиш қулай эди.

Форслар-чи? Улар бўйинларини чўзиб, камонни тепага қаратиб, пастдан ўқ ўзишарди. Камон тортиб кўллари толиқарди.

Сакларнинг ўқи кўп. Бор ўқни отгач, садоқни улоқтиришарди, шу ондаёқ аёллар ўқ тўла бошқа садоқни тутишарди.

Форслар-чи? Уларнинг ўқи тез тамом бўлди, ўғруқни кеча Тўмруз ўлжа қилиб олганди.

Саклар дўнгликлар ўрқачи панасига яшириниши мумкин.

Форслар-чи? Улар нафас ростлаш учун бош суқадиган жой ўйқ.

Уч ёшлигидан камон тортишга ўргатилган саклар нишонга тўппа-тўғри, бехато уришарди.

Ҳеч қачон мерғанлиги билан ажралиб турмаган форслар эса кўпроқ найза ҳамда табарзинга умид bogлашарди.

Саклар, ўртада талвасага тушиб тўлғанаётган ўргимчакка етиб бориш учун, форс ҳалқасини бирма-бир парчалаб, ўргимчак уясининг темир ипини узишарди. Саклар ҳайқирган кўйи, чукурлик ёнбағридан тобора пастлаб боришарди. Ўлдирилган ва ярадор қилингандан юзлаб саклар отдан учишар, сафдан чиққанларнинг ўрнини минглаб суворийлар эгаллашарди.

Улар сон-саноқсиз эди. Улар ўрага оқиб тушиб, тубини қоплаб, чеккаларини текислаб, оғзигача тўлдирадиган қум мисол эди.

Ўқ тугади. Саклар камонларини садоқларга солиб, шамширларини қиндан чиқаришди-да, отдан сакраб тушишди. Отдан туриб қилич чопиш ноқулай — шамшир калта, чопишдан кўра кўпроқ санчишга мўлжалланган. Боз устига, оёқни тираш, отда ёнбошлаш, осилиш ва пиёда душманга қилич солиш учун қулайлик яратадиган узанги ҳали ўйлаб топилмаганди.

Кўл жанг бошланди. Жанг минглаб яккама-якка олишувга айланиб кетди. Найзалар найзаларга, қалқонлар қалқонларга урилди, қиличлар бир-бирига тегиб, жаранглади, табарзин табарзинни чопди. Икки томоннинг ҳайқириғи кучайиб, чинқириқ, дод-фарёдга айланди.

Гурзилар ишга тушди, табарзинлар қоқ елкадан чопа бошлади. Жангчилар қоплондек сакраб ўмбалоқ ошишар, силтаниб, найзаларини қоринга тиқишишарди. Сўйишар, йиқитишишарди. Киришар, яксон қилишишарди. Чекинишар, ҳужум қилишишар, чўқмор зарбидан йиқилишишар, бармоқлар чопилар, суяклар мажақланар, сўнгаклар шашлар билан майдаланар, оғизлар найза билан ёриб ташланарди.

— Ахурамазда учун! — Виштаспнинг найзабардорлари олға отилишди.

Виштаспнинг киприклари, чаккаларидаги сочи тиккайди: яқинида туриб жанг қилаётган сакка оғир найзасини шунақанги санчдики, у чарм тортилган, тўқима қалқонни, қалин чарм сипарни, қалин намат кийимни юпқа бўйрани тешгандек тешиб ўтди, жигаридан ўтиб, ерга уч қарич санчилди. Сакнинг қовурғалари орасидаги жароҳатдан жайрон отнинг думи мисол потиллаб қон отилди.

Найзабардорлар найзаларини ишга солиб туришганида қалқонбардорлар уларни қалқон билан тўсиб, қилич билан ҳимоя қилишишарди. Форслар ёғий қалқонига илгакли найзани уриб, сопини оёғи билан босишарди, шу онда қалқон сакнинг қўли-

дан чиқиб кетар ва форс жангчи унинг кўксига шамширни суқарди.

Форслар кўли баланд келиб, сакларни кучдан қолдираётганди. Жайра сичқонлар галасига ҳужум қылганидек, найзабардорлар бўлими сак жангчилар қаторини ёриб кира бошлади. Ҳар томондан найзалар кўтарган бу бўлим саклар банд қилиб турган нишаб ёнбағрига понадек кириб келди. Унинг ортидан форс қўшинларининг бошқа бўлимлари босиб борди.

— Тўхтатилсан! — ҳайқирди Тўмруз.

— О-о, Митра, о-о! — белигача яланғоч бўлиб олган қариялар бир маромда кўшиқ айта бошлашди.

Улар форсларнинг найзаларидаги тўғри нариги дунёдаги гулханларга кўчиб ўтиш учун, тилда мадҳия, қўлда ханжар билан жангга киришганди. Ўлим уларнинг қалбига қувонч баҳш этмоқда эди. Улар кўшиб айтиб ва кула-кула найзаларни нари-бери суриб, қалқонларни тортиб олишар, ёғийни сочидан тутиб, ерга ийқитишар, бўғзига шамширни ўнгай санчишар ёки уни шуна-қанги босишардики, оғзи-бурнидан қора қон шариллаб оқарди.

Бу қарияларни битта кўймай чопиб ташлашди, бироқ улар ниятларига етишганди. Форс жангчилар қариялар билан андармон бўлиб туришганида Майранинг новакандозлари ғанимлар найзабардорларининг ён томонидан пусиб келиб, уларни ўқса тутишди. Форслар жангчилари қоп-қора қонга бўялиб, чукурлик томон қайтиб тушиб кетишли.

— Ахурамазда учун! — Раносбат бошини оғир эгиб, хириллаб ва ўкириб, саклар устига вазминлик билан босиб борди.

Ўрмон кесувчилар галаси тоғнинг хушбўй дараҳтзорларига кириб боргандек, Раносбат бўлими сак қўшинлари тўдасини ёриб ўтди.

Қоплон терисини ёпинган олачипор жангчилар олдинга эгилиб ҳамда табарзинларини елкага ташлаб, оёқларини буқканча аста кўтарилишарди; қозонсифат дубулғалар билан четига темир қопланган қалқонлар орасидаги тирқишидан кўзлари эҳтиёткорона ялтиллаб боқарди. Улар қўлларини кескин силтаб, табарзин билан сакнинг фақат кигиз қалпоқ тўсиб турган бошига тушириб қолишарди. Қалқонлар қарсиллаб қўлдан учарди. Елка-пўшлар йиртиларди. Кесилган бармоқлар тиканли ўтни жон ҳолатда чанглларди.

Раносбатнинг табарзиндорлари сак қўшинининг зич қаторини ёриб, кенг йўл очишли. Машаққатли иш эди бу. Форсларнинг бошидан тер шариллаб оқар, сипар остидан ҳарсиллаб нафас олаётгани эшитиларди.

Яна саклар устидан форсларнинг қўли баланд кела бошлади.

— Тўхтатилсин! — ҳайқирди Тўмруз.

— О-о, Митра, о-о! — Фрада уруғидан бўлган жангчилар куйлай бошлашди. Улар ўз оқсоқолининг саклар олдидағи гуноҳини қон билан ювишга аҳд қилишганди. Улар Раносбатта ёнбошдан ҳужум қилишди. Табарзинбардорлар юзларини бу жангчилар томон буришганида Майранинг новакандозлари отган ўқ уларнинг устига булатдек ёпирилди. Босиб чиқаётган форслар чукурликка қайтиб тушишга мажбур бўлишди.

Сакларнинг даҳшатли қуроли — узун ўқлардан омонлик йўқ.

Сакларнинг ўқидан пиёда қочиб қутуломайди — бир дамда етиб олади. Отга миниб қочиб кетиб бўлмайди — етиб олиб, отнинг орқасига михлаб кўяди. Советни тешиб ўтади. Қалқон билан кўксингни ҳимоя қилсанг, бошингдан уради, бошингни яширсанг, кўксингга келиб тегади.

Жангчиларнинг оёғи остида дўйнглик ларзага тушар, тошлар чидай олмай ёрилар, куриб-қақшаган ўт-ўлан чанг, кулга айланарди, даҳшатдан, ҳатто, қуёш ҳам қорайиб кетди, юзини самога кўтарилган тўзон булути остига яширди. Товоқсой туби қондан кўлоб бўлди. Қон суюқ лойдек пилчилларди. Куруш тиззасигача қонга ботди.

Утана шоҳ чодири ортида, қон сачратиб, ўзини ҳар ён урар, қалби бирён бўлиб, сочини юлиб, кўзини жон бераётганлардан узмай, бўғилиб:

— Не гуноҳи учун? Не гуноҳи учун? — деб тинмай такрорларди.

Жангда мадлар, варканлар, харайвалар ҳалок бўлишаётганди. Даҳлар билан партлар куролларини «орийлар»га қарши қаратиб олиб, уларни қақшата бошлашди, сўнг саклар томонга ўтиб кетишли. Минглаб форс жангчилар ҳаёт билан видолашибди. Жанг якунига етмоқда эди.

Куруш қолган энг бақувват жангчиларни саралаб олди-да, лаънатлаётгандек дуо билан:

— Аҳурамазда учун! — деб яратганга муножот қилди. Сўнг энли қиличини қиндан суғурди. Қилич шунақангги ялтирадики, унда шоҳни ихота қилган хос соқчиларнинг кўзи ва тиши кўзгудагидек акс этди; жилмайиб, қиличини ўпди, уни пайдор қўли билан қаттикроқ сиқиб, қадамини кенг ташлаб, нишабдан чақонлик билан юқорилай бошлади.

Саклар тўдаларини ёриб ўтиб, жодуланган ушбу товоқсойдан нари қочиш керак!

Деҳқон ўргини усталик билан ўйнатганидек, шаҳаншоҳ қиличини маҳорат билан ишлатарди, бир ўзи отдан тушган бир қанча кўчманчини жонидан жудо қилди, ўтдек ўрди, «уларни ер билан битта қилди».

Жанг маҳали Курушнинг сариқ кўзига назари тушган ва омон қолган киши улардаги ифодани бир умр эслаб қолади. Олачи-пор ажалнинг пирилламайдиган кўзини кўрган одам умрининг охиригача бу кўзларни ларзага тушиб хотирлади.

Курушга бир неча бор қаттиқ жароҳат етказиши, бироқ Айрана ҳукмдорини бу тўхтатолмади.

Ёнгинасида Раносбат билан Виштасп жанг қилишарди.

Ҳукмдорнинг ишидан ибрат олган хос соқчилар — «боқийлар» бўлими саклар, хуварлар, бақтрлар ва сүғдларни чопиб, анча илгарилаб кетиши. Тўмрузнинг чодирига деярли яқинлашиб бориши.

Форслар ғолиб келмоқда эди!

Шаҳаншоҳ дўнглик устига толмасдан, бардам кўтарилиб борар экан, сакларнинг қояга тақаб турилган оғир қалқонининг рўпарасидан чиқди.

Қаттиқ қоқилиб, қиличини қўлдан тушириб юборди.

Мункиб кетиб, нишабдан пастга томон думалади.

Думалаб бориб, кўтарилиб турган тошга урилди.

Боши ғалати қайрилиб, чап елкасининг остида қолди. Ёйилган оёқ-қули қалтираб, лабини қонли кўпик босди, кўзи косасидан отилиб чиқди.

Саклар «боқийлар» устига жон-жаҳдлари билан ташланиб, ўзлари ҳам учиб туштан ҳолда, уларни товоқсойга чекинишга мажбур этиши. Бу ҳол бутун жанг давомида такрорланди — форслар, оғзи тўсатдан очилиб кетган кўздан ташқарига чиқсан жинлар тўдларидек, тиришиб-тирмашиб товоқсойдан чиқмоқчи бўлишади, саклар эса уларни янада жадаллик билан улоқтирмоқчи, итариб туширмоқчи, кўзага қайта тиқиб қўймоқчи бўлишади.

Омон қолган бир ҳовуч форслар жар оғзига чиқиб олмоқчи бўлишар, у ерда бирон-бир нажот йўли бўлиши мумкинлигига умид боғлашарди.

Раносбат билан Гов-Барува ҳозирча тирик шаҳаншоҳ ёнида бирров тўхташди.

— Унга нима бўлди? — Ўлим уйқуси аралаш садоқатли Раносбатнинг товушини эшилди Куруш.

— Сакларнинг қалқонига урилиб, гарданини синдириб олди. Дунёнинг ярмини босиб ўтиб, қоқилмади. Бу ерда эса...

Ха, бу — дўсти Гов-Барува. Дўсти Гов-Барува. У ёрдам беради. Ҳукмдорнинг саклар оёғи остида топталиб ўлишига йўл қўймайди.

— Олиб кетамизми? — ботинмайроқ сўради Раносбат. — Нима бўлса ҳам, бурчимиз-ку!

— Эй! — Гов-Баруванинг жаҳли чиқди. — Ўлиб кетмайдими?! Энди биз... бир амаллаб жонимизни қутқариб қололсак ҳам.

Улар қочишиди.

— О, Куруш! — Виштасп ҳасрат билан жавраб, шоҳнинг олдидаги тиз чўкди. — Бечора жигарим, бадбаҳт ҳукмдорим...

Виштасп ўғринча алантглади.

Ҳеч ким қарамаяпти, ҳамма қочиб қолиш билан овора.

У қисқа ҳайқириб, қўлини кўтарди-да, қилични солига қадар шаҳаншоҳнинг орқасига санчди.

\* \* \*

Соҳибининг қамчисини хўп еган қари эшак узоқ йиллар ала-мини босиб, кучини йифиб келганди. Куни келиб, соҳиби жар ёқасига бориб қолганида эшак мўлжаллаб туриб, шунақангги тепдики, у дод-фарёд билан жарга қулади.

Саклардан қочиб, кечикка етиб кела олган яккаю ягона форснинг — минг-минг форслардан тирик қолган биттасининг гапларини эшишиб, Крез қорнини чанглаб, мазза қилиб, думалаб-думалаб кулди. У ўзини тута олмас, дам думалар, дам ўнг ёнбошига, дам сўл ёнбошига ташларди. Ахири шаҳаншоҳни тепдими?!

«Ношуд эшак бўйинни синдириб бўлса-да, соҳибига алам етказишга ҳозир».

Рақибининг — кучли йиртқичнинг ўлимидан шу тариқа овунарди бошқа бир йиртқич.

Ниҳоят, лидияликнинг миясига қон урди. Ўзига келгач, хириллади:

— Энди, дўстларим, мени оловга ташлашингиз мумкин. Ҳаха-ха!

Кечик яқинида шохли дубулға кийган ҳурпайған суворийлар тўдаси кўринди. Булар хоразмликлар эди. Форслар кўприкни вайрон этишиди, зоғнулларни ёқиб юбориши ва очун томон кетишиди.

Лидияликлар жон талвасасидаги Крезни шоҳ аравасида олиб кетишиди.

Курушнинг ўлими ҳақидаги хабар Крездан олдин, кўчма барханлар устидан каловланиб, бош эгиб кетаётган орий жангчи-

лардан олдин учеб борарди. Хабар Варканага, Виштаспнинг ўғли ёш Дарёвушга ҳам етиб борди. Дарёвуш оғир ўйга чўмди. Хабар Хагматанага, қутурган Камбужига ҳам етиб борди. Камбужининг кўзлари ёвуз ва шодон чақнади. «Помирнинг серчўққи тоғларидан ҳар томондан сув билан ўралган Қибрисгача минг-минглаб одамлар енгил нафас олишди».

\* \* \*

Меҳр-Бедод оёғидан яраланган эди.

Афтидан, жароҳат оғир эмасди (акс ҳолда у қонга беланган бўларди), лекин оғриқ шунақанги зўр эдикни, форс йигит қанча уринмасин, устида ётган жасадни тонггача ҳам устидан улоқтириб ташлай олмади.

Туни билан зулматда буки шалпангқулоқ сиртлонлар Меҳр-Бедоднинг кўзи олдидан у ёқдан-бу ёқса изғиб юришди. Улар олис жанубдан етиб келишганди. Сиртлонларнинг қорни қулдирашидан ва қулоқни батанг қилувчи чинқирифидан Меҳр-Бедоднинг кўнгли бехузур бўлди.

У ёқ-бу ёқдан даҳшатли ириллаш, чийиллаш, улиш, чапиллаш ва сўнгакларнинг қирсиллаши эшитиларди. Йиртқичлар базми жамшидни бошлаб юборганди.

Товоқсой чеккаларida машъала йилтиллаб кўринар, мунгли кўшиқ оҳиста эшитиларди. Сак аёллар эрларининг мурдаларини излаётган бўлишса керак.

«Мени эса..., — хўрсинди Меҳр-Бедод, — мени сиртлонлар гажийди. Фаризод йироқда. Кимга керакман, аҳмоқ Меҳр-Бедодни ким ҳам изларди?»

У заволга кетган ойга тикилиб, оғриқдан ва фуссадан йиғларди. Балки Фаризод ҳам ҳозир, ўғлини аллалаган кўйи, ойга тикилиб ўтиргандир. Мўмай ўлжа деб оиласини ташлаб кетган эрини қарғаётгандир.

Қарғама мени, Фаризод! Эрингни лақиллатиб, ифлос ишга ўргатганларни қарға. Курушни — Олачипор ажални шунақанги сўзлар билан қарғагинки, у дўзах ўтида уч минг йил ёнсин.

Йў-ўқ, хотин, мени ҳам қарғагин. Тўнка Меҳр-Бедод ўзини лақиллатишларига йўл кўйиб бергани учун қарғагин. Сўқир ва овсар бўлгани учун қарғагин.

Бе! Шу ерга келганда форс йигит қўл силтади. Айтайлик, кўзинг очиқ, ақлинг тиник, хўп, нима бўпти? Куруш сенинг «истамайман», деганингта қулоқ солармиди? Ўз истагинг билан

урушга бормасанг, қамчи билан ҳайдаб олиб бориб, урушга соларди. Шунақа.

Нега бу ёруғ оламда кишининг ихтиёри ўзида эмас?

Бу дунёда қанча ҳал этилмаган жумбокълар бор-а...

Афсуски, кишининг ҳақиқий ақли ўлимни олдидан киаркан. Илгари ўйлаб кўришга Мехр-Бедоднинг вақти каммиди? Ўйламаганди. Ўйлашга уринмаганди ҳам. Энди эса тентаклиги учун ҳаётдан жудо бўлмоқда.

Субҳда Турондаги қанотли қирғийтумшук, чангали зўр ман-фур жонзодларнинг бари: сор, тасқара, чўл бургутлари учеб келди. Уларнинг зотидан энг жирканчлари кузгуналар эди.

Кузгун — ўзини беозор макиён қилиб кўрсатадиган қуш. Юриши ҳам, ҳатто, бошидаги сийрак кокили ҳам макиённикига ўхшайди. Лекин кузгуннинг кўзи ўлаксага тушса, дарҳол йиртқичга айланади-қўяди: буқчайиб, бўйнини букиб олади, кўзини ялтиллатиб, ўлаксани зўр чангали билан тутиб, чириган гўштни қайрилма тумшуғи билан поралашга киришади.

— Биз ҳам Куруш билан шунақамиз, — истеҳзо ила аччиқ кулди Мехр-Бедод. — Ўзимизни одам ҳисоблаб келдик. Инсонлар либосини ҳам кийдик, одамлар тилида гапирдик ҳам. Аслида ким эдик? Кузгун эдик. Сасиган гўштни ейдиган жирканч маҳлуқлар эдик.

\* \* \*

... Бу ерда, чўлда ҳеч кимга керак эмасман, ҳеч ким изламайди, деб бекор ўйлаганди Мехр-Бедод.

Садоқатли хотинига керак бўлганидан-да кўпроқ бегона бир кишига керак эди у. Ўша бегона одам Мехр-Бедодни шунақанги тоқатсизлик билан излардики, балки Фаризод ҳам эрини бунчалик изламас.

«Тогнинг у томонида бир кишининг дилини оғритсанг, жазосини бу томонида оласан».

— Ҳа! Ниҳоят сени топдим, — кимнингдир таниш, бироқ унутилган овози Мехр-Бедоднинг қулоғига кирди. — Йиқилган жойингни кеча кўз остимга олиб кўйгандим, кетингдан кузатиб юрдим. Лекин ўлаксаларнинг бу уюми орасида адашиб қолиш ҳеч гапмас. Устига устак, ёғимдан яраланганман, шу боис, сенга етиб келиш учун, туни билан гоҳ эмаклашга, гоҳ оқсоқланиб юришга мажбур бўлдим. Ҳой, қўтири тую, мени танияпсанми?

Мехр-Бедоднинг устида найзага суюниб, заифликдан чайқалиб, ёвуз руҳ каби, қовоғи солиқ Гадат турарди.

— Хўш, форс, орий, форснинг ўғли! — Гадат тишини шунақанги фижирлатдики, сўйлоқ ва курак тишларини синдириб юборди. Гадат қўлини яланғочлади-да, елкасига яқин жойдаги қон аралаш йиринг сизиб турган ярани кўрсатди.

Унинг барча яширин ўйлари мана шу яра билан боғлиқ эди. Шафқатсиз қасос олиш тўғрисидаги ёвуз фикрлар билан заҳарланган, бутун томирларидан югуриб, миясидан ўтган қон оғуга айланниб, ярага етиб келганида чидаб бўлмас даражада оғриқ берарди.

— Вой жоним!.. — юзини буриштириди Гадат. — Сўзак киргандек шунақанги қаттиқ оғрийдики, чидаёлмайман! Сени ҳеч қачон унумтаган ҳам эдим. Даҳ Гадатни таёқ билан урдим, тумшуғига тепдим — бўлди, деб ўйлаганмидинг? Йў-ўқ! Даҳлар бекорга тепки еб, индамай кетаверадиганлардан эмас. Ўшандан бери, хаёлан бўлса-да, терингни шилмасам, уйқум келмасди. Сен эса шодон, мағрур йигит, букилган қоматинг ортидан қасос машъум соя бўлиб юрганидан бехабар эдинг! Ху, разил ҳайвон...

Гадат ғазабдан бўғилди, жимиб, титроқ қўли билан ранги ўчган, тер босган пешонасини артди.

— Ўзларинг қутурган итдан баттарсанлар... бошқаларни ҳам ўзларингга ўхшашга мажбур этасанлар. Тиз чўк, — деди у хўмрайиб.

Сўнг қиличини қиндан сугурди.

— Чўк тушолмайман. Яраланганим... яна, бироннинг жасади устимда босиб ётиди.

— Тиз чўк! — ўқирди Гадат йиртқичлардек.

У найзани кўтариб, сопи билан Мехр-Бедоднинг елкасига қаттиқ урди.

Мехр-Бедод бу зарбнинг оғриғи зўридан олдинги оғриқни унуди. Ларзага тушиб, бир чиранди-да, жасадни устидан улоқтириб ташлаб, тиз чўқди.

Гадат куларди. Узоқ айрилиқдан сўнг эри билан кўришган хотиндек, энтикиб ҳам йигларди, ҳам куларди. Лекин нигоҳи... нигоҳи аёлларникига ўхшамас, даҳ бўри каби боқарди.

— Хўш, орий? Ха-ха-ха! Афсусланаяпсанми, дейман? «Билганимда қорамни кўрсатмасдим», — деб ўйлаётгандирсан? Шундай эмасми? «Уриш у ёқда турсин, товонини ўпардим». Шунақами? Шунақа! Барчангиз шунақасиз, разиллар! Куч сиз томонда бўлганида, хаёлингизга нималар келмайди! Гўшт берма — таҳқирла бечорани. Оҳ, қўли орқасига боғланган ҳимоясиз бадбахтга азоб бериш қанчалар маза-я! Лаънати босқинчилар. Куч-қувват абадий берилмаганига, ҳокимият бугун бўлса, эртага қўлдан чиқи-

шига сиз ҳайвонларнинг ақлингиз етмайди. Томоғингиздан хиппа бўғишгандагина хато қилганингизни англайсизлар, аламдан бурнингизни тишлийсизлар. Бироқ кеч бўлади. Бировга чоҳ қазиган унга ўзи тушишини олдиндан билиш лозим эди. Киши кўнглини оғритмасанг — сенинг ҳам кўнглингни оғритишмайди. Мени калтаклаганингда нимани ўйловдинг, эй жасад? А? Абадул-абад орийларнинг йиртқич қонуни ҳимоясида бўламан, деб ўйлаганимидинг? А? Қани энди у, ўша қонун? Вақт-соати келиб, бирга-бир турибмиз. Қани, Раносбатни ва бошқаларни кутқариб олинг, деб чақириб кўр-чи?

Гадат Мехр-Бедоднинг бурнига тепди, у орқасига ағдарилди.

— Чўк туш! Кўлингни орқага қил! Ҳайвон, қачонлардир мени хўрлаганинг учун ачиняпсанми?

— Ачиняпман...

— Ҳа! Ачиняпсан-а! Бошингга қилич тушадиган бўлганда ачиняпсанми? Агар ҳозир сени қўйиб юборсам, уйингга қайтгач, бундан баттар қаҳр қилсанг керак, ҳойнахой!

— Йўқ, — Мехр-Бедод Гадатнинг фазабнок кўзига тик қарди. Даҳ ҳайратдан қошини чимириди. — Қачонлардир сенга озор берганим учун ачиняётганим ўлимдан қўрқаним учун эмас. Ўлимдан қўрқмайман. Кўп кўрдим ўлимни. — Форс жасадларга ишора қилди. — Аҳмоқ, чўчқадек аҳмоқ бўлиб, ёмон ишлар қилганим учун ачиняпман.

— Энди... ақлинг кириб қолдими? — Гадат Мехр-Бедоднинг кўзига ажабланиб қаради. Бу кўзларда айёрик, маккорлик, муғамбирилик кўринмасди. Одамларнидек, ҳалол, вижданон қарашиб эди у.

— Ақлим кирди, бироқ кеч кирганга ўҳшайди, — хўрсинди Мехр-Бедод.

— Ҳм... — Гадат аста қиличини туширди. — Негадир, йигит, бугун бошқачасан. Мен Ниссайядан биладиган форс эмассан.

Мехр-Бедод елкасини қисди.

— Шунақа бўлиб қолди.

— Бўлмаса, тингла... — Гадат биринч қиличининг уни билан бошини ўйчан қашиди, пешонаси тиришди, тез эгилди-да, қонга беланган оёғини силади. — Оҳ! Худди дайв чаққандек-а. Сен ҳам оёғингдан яраландингми? Қайси бири?

— Сўл оёғим.

— Кўряпсанми, менинг ўнг оёғим яраланган. — Даҳ кулди. — Иккаламизга, демак, иккита оёқ. Гапимни тингла, орий. Айтайлик... ўлмадинг... Тирик қолдинг. Қачондир одамларни хурмат қилишни, одамни эъзозлашни ўрганасанми?

Мехр-Бедод ғамгин жилмайиб, «ҳа» дегандек бошини сил-китди.

— Бундан буён ўзингни қутурган итдек тутмайсанми?

Мехр-Бедод ўша жилмайиш билан, «йўқ» дегандек, бошини сарак-сарак қилди.

— Тутмайсанми?

— Йўқ.

— Қутурган итдек тутмайсанми?

— Йўқ.

— Тутмайсан-а?

— Йўқ.

— Шундай бўлсин! — даҳ маза қилиб кулди-да, қиличини қинига солди. — Сени ўлдиргим келмай қолди. Негалигини ўзим ҳам билмайман. Бақириб кўнглимни бўшатдим, шекилли. Бўлмаса, юр, биродар, йиртқичларга ем бўлмасдан олдин бу ердан кетайлик.

Улар авайлаб, бир-бирларининг қўлтиқларидан олиб, жасаларни айланаб ўтиб, йиртқич кушлар ҳамда ҳайвоналарни қўйқириб ҳайдаб, қирмизи қонга ботган чуқурлик орқали йўлга тушишди. Тез-тез тўхтаб дам олиб боришли. Мехр-Бедод Гадатнинг ярасини боғлаб қўйди. Гадат эса Мехр-Бедоднинг жароҳатини боғлади. Кун заволга кеттандан кейин дўнгликларга етиб боришли.

— Мен даҳ Гадатман, подачи ва деҳқонман, — фурур билан деди Гадат, Тўмрузга рўбарў бўлар экан. — Бизнинг бўлим сиз томонга ўtdи. Уруғдошларимдан сўрасанг, Гадат кимлигини айтиб беришади. Мен сакларга душман эмас, дўстман. Сизлар билан бизнинг қонимиз бир. Лекин мен, ўз ихтиёrimга қарши, лъянати Курушнинг хизматида бўлдим. Тўғри, мен биронта сакни ўлдирмадим, ўқни ҳавога отдим. Аммо саклар томонига отдим. Демак, мен, барибир, олдингизда гуноҳкорман. Мана бу — бoshim учун тўлов.

Гадат Мехр-Бедодни олдинга туртиб чиқарди. Форс охирги учрашувлардан кейин озиб, кичрайиброқ қолган, қаҳри қат-тиқлашган Тўмрузга қўрқиб қараб турарди. Ўйлаб ўтирмаёқ ўлимга буюради, деб хаёлидан ўtkазdi.

Даҳ, сукут сақлаб туриб, хижолатпазлик билан деди:

— Бу тўловни қабул қилсанг,... уни ўлдирма. У... ёмон одам эмас.

— Биламан. — Тўмruz бош иргади. — Дуруст, Гадат. Тўловингни қабул қиламан. Дўстларингнинг олдига бор. — У уруғдошини қуриб шодон жилмайиб турган даҳлар тўдаси томон ишора қилди. — Мехр-Бедод, сен ҳам дўстларинг ёнига бор.

— Дўстларим? — Мехр-Бедод кум устида бошини қуи солиб ўтирган бир қанча форс асиirlар томон ажабланиб кўз ташлади.

— Вишасп. Раносбат. Анови ётган ким экан?

Форс йигит Утанага кўзи тушиб, иссиқ тупроққа аста қадам босиб, улар томон кетди ва савдогарнинг ёнига бориб ўтириди.

— Тирикмисан? — енгил нафас олди Утана. — Ўлдиришиди, деб ўйлагандим. Биз товоқсойдан чиқиб, ўлик ўрмонга етиб олдик, бироқ даҳлар етиб бориб, бизларни тутишди. Саклар эмас, даҳлар. Ишонасанми? Бизниклар, ниссайяликлар шундай қилишди. Куруш эса уларга ишонган эди... Ана, Гов-Баруванинг умуртқасини синдиришиди. — У ерда ётган киши томон қоши билан ишора қилди.

— Эй, форслар! Тингланглар! — деди Тўмруз. Бандилар чўчиб тушишди. — Мен жонингизни ўзингизга бағишиладим. Сизлар ҳам, бизлар ҳам кеча анча одамни ҳалок этганимиз етар. Уруш тугади. Бугун ҳордиқ чиқаринг. Эртага, — у заҳарханда қилди, — бизнинг ғалабамиз ва сизнинг мағлубиятингиз шарафига ўтказиладиган базмда бизлар билан бирга иштирок этасизлар. Сўнг уйларингизга кетасизлар. От, сув, озиқ беришни буораман. Жангчилар дарёгача кузатиб қўйишади, сўл соҳилга ўтишингизга кўмаклашишади. У ёига амаллаб етиб оларсизлар, Марғача олис эмас. Тушунарлими? Сизлар учун чодир тикишларини айтдим. Бориб, ҳордиқ чиқарингиз.

— О, марҳаматли малика! — шанғиллади Раносбат ўрнидан туриб.

— Мен малика эмасман, — унинг гапини чўрт кесди Тўмruz. — Мен саклар ўзларига хизматкор қилиб сайлаган оддий сак аёлман.

— Сен маъбудасан! — ҳайқирди форс.

Раносбат — жангчи. Урушни хоҳляяпсанми — урушавер. Асиirlар тушдингми — қитиққа тегма, асиirlарга хос тарзда сипо бўл. Бурч — бурчлигича қолади. «Эгилган бошни қилич кесмас», — деб айтишган-ку. Яна: «Чополмаганинг қўлни ўп», — дейишган.

Лашкарбоши қумга чўзилди ва итоаткорлик маъносида ғолибанинг оёқлари остидаги гиёҳни чайнай бошлади.

Шу он форслар барчаси Тўмruz оёғи остига ўзларини ташлаб, дағал, қаттиқ, сертикан чўл гиёҳини чайнай бошлашиди. Улар гиёҳни оч қолган қўйдек ютоқиб ейишарди. Титраб-қақшаб ютишарди. Чалп-чалп чайнашарди.

Мазали гиёҳ экан!

\* \* \*

— Биз ҳали бу ерга яна қайтамиз! — хириллаб деди Гов-Барува тунда.

Форслар мис дубулғаларини күздан бироз күтариб, масла-хатлашишарди. Сак қўриқчилари эшитиб қолмасин, деб паст овозда гаплашишарди.

— Худо хоҳласа, Марғга эсон-омон етиб олсак... — пиширлади Виштасп тупугини сачратиб.

— Шунақанги қўшин тайёрлаймизки, сакларнинг чангини чиқариб юборади, — хириллади Раносбат.

— Бу гал, Курушнинг аҳмоқона буйруқларига бўйсуниб, хотага йўл қўйдик. У ниятимизни барбод қилди! Энди эса...

Форслар қизишиб, бир-бирининг елкасига қоқиб, янги юришга қанча одам олинади-ю, Аранха томонга қайси йўл билан юрилади-ю, қаерда кўприк қурилади; сакларни қандай айланиб ўтишади, қандай қилиб зарба бериб, қандай қилиб қириб ташлашади — шулар ҳақида тўлиб-тошиб, энтикиб, сабрсизликдан бўғилиб фикр алмашишарди.

— Қанақа одамлар ўзи булар?! — ҳайратта тушди Мехр-Бедод. Улар Утана билан бир чеккада ўтириб, гапга аралашишмасди. — Умуман одамми-йўқми улар? Ахир, кечагина... кечагина...

У ғазаб билан бошини лиқиллатди.

О, Тўмруз! Мехрибон, олийжаноб аёлсан! Заҳарли илонни тирик қолдириб бўладими? Япалоқ боши билан илон нимани ҳам тушунарди. Оловдан қутқариб оламан, деган одамнинг ҳам қўлини чақади-ку у. Илон — илонлигини қилаверади.

Мехр-Бедод ўйга чўмди.

Янчидан ташланмаган бу чиябўриларнинг қабиҳ ниятларини Тўмрузга айтсамикан? Хўп, Тўмruz яна жуда хавфли бир нечта форс амалдорларини йўқ қилар. Бу билан нима ҳам бўларди? Гов-Барува, Раносбат, Виштасп сингарилар Айранада шунчалик кўпки, уларни қўшга қўшиб ер ҳайдасант бўлади.

Тахтга ақлдан озган Камбужи чиқади, у шунақанги кунингни кўрсатадики!

Мехр-Бедод — форс, унинг тақдири Парса билан чамбарчас боғлиқ. Уйга қайтмоқ даркор. Ўзингни ўша-ўша овсар Мехр-Бедод қилиб кўрсатгин-да, уйингга қайт. Халқингга янгича назар билан қара. Ўла. Ота юрtingда нималар бўлаётганини тушуниб ол.

— Ҳозир нималар ҳақида ўйлаётганимни биласанми? — деди Утана маъюс. — Одам ифлос ҳайвон экан. У ўша йўлбарс, бўри, сиртлон сингари йиртқич, фақат икки оёқда юради. Думи йўқ унинг. Бор-йўғи фарқ шу. Қотилликка ташналиқ — инсоннинг қалбиди. Терисини шилсанг ҳам, ҳамма тишини қоқиб олсанг ҳам, барча тирноқларини суфуриб олсанг ҳам икки оёқли йиртқични ўзгартира олмайсан, ақл-хушини кирита олмайсан! Мана сенга мисол. — У фитначилар томонга жирканиб қаради. — Бугундан бошлаб мен одамлардан воз кечаман. Уларни кўргани кўзим йўқ. Уйга қайтгач, бойликларимга ўт қўяман, уларни сувга гарқ қиласман, буткул тоқقا кетаман. Бир ўзим горни макон тутаман. Одам зотига лаънатлар бўлсин!

У жаҳд билан тупуриб, чодирдан чиқиб кетди.

Мехр-Бедод Утананинг аччиқ сўzlари мағзини узоқ чақди. Балки Утана ҳақдир? Йўқ. Инсон инсонлигича қолади. Уни Гов-Барувага ўхшаш инсон қиёфасини йўқотган разиллар билан чалкаштираслик даркор. Одамлар ўргасидаги ўзаро ғажишиш абадий ва тўхтамай давом этиши мумкин эмас.

Тинч-хотиржам яшаб турган чўпонлар, деҳқонларни қотиллик ва қон тўкишга мажбур этувчи икки оёқли йиртқичларнинг ақлини киритиб қўядиган бирон-бир чора наҳот топилмаса?

Наҳот топилмаса?

Бундай чора топилиши керак.

Топилиши даркор.

Қаерда у?

Мехр-Бедод ўзининг катта ғадир-будур кўлларига қаради. Эр-ракнинг қўли эди улар, заҳматкашнинг қўли. Оддий инсоннинг қўли.

\* \* \*

Ҳаммаёқни тутун босган.

Табаррук қозонлар остидан чиққан тутун дўнгликлар устида сузиб юрибди.

Тўмруз халқни доирасимон товоқсойда — форсларнинг қудрати адo бўлган товоқсойда эмас, бошқасида, ўртасида тоза булоқ отилиб турган, ям-яшил ўт-ўлан ва гул-чечакларга тўла товоқсойда тўплади.

Тўмруznинг сўл томонидан, нишаб ёнбағридан шохдор қалпоқ кийган массагетлар, хоразмликлар, думалоқ қалпоқ кийган сүғд-

лар ва бақтрлар, ўнг томонидан учли қалпоқ кийган дарёорти саклари ва титрахаядалар жой олишган. Товоқсой ёнбағрида, Тұмрузнинг олдидә ва унинг орқасида аранха саклари жойлашишган.

Булоқ ёнидаги майдончада йиртиқ-ямоқ бўлса-да, яхшилаб тозаланган кийимларда, гарданига итоатта келганликка ишора қилувчи белбоғ ташлаган форслар чўккалашди.

Форсларнинг байроқлари ёпилган қалқонлар, табарзинлар ва қиличлар устида ўтирган Тұмрузнинг ёнида Хугаванинг хушқомат хотини, қабр устидаги санамдек, бепарво турарди.

Ушбу икки индамас ва хотиржам аёлдан беш қадам нарида, форслар яқинида учинчи аёл кўз ёшлари билан юзини ювиб турарди. Бу — Фраданинг қизи Райада. Фраданинг уруғи, ўз оқсоқолининг гуноҳини ювиш учун, катта ёшли охирги эркаккача, катта ёшли охирги аёлгача — бари товоқсой ёнидаги даҳшатли жангда ҳалок бўлишганди. Кампирлар, оналар ва гўдаклар ҳали Яксарт соҳилларидан қайтиб келишмаган, шу боис Райада минглаб эркак ва аёл саклар орасида ёлғиз эди.

У, дўнгликлар ортига яшириниб олиб, соғ қолди.

Бу ерга нега олиб келишганини билмасди. Қўрқиб турарди. Нахот ўлдиришса? Райаданинг ҳеч қанақа айби йўқ. Қиз отаси учун жавоб бермайди. Отасининг айби нима эди? У қизини деб ўзини ўтга-чўққа урди — унга яхши бўлсин деди. Ота-оналар болаларини севишишса ёмонми? Форсларга ўқ узмадими? Нима бўлгти? Камоннинг чилласини тортишга кучи етмади. Заифгина сак аёли бўлса.

Тўмruz сўл томонга ишора қилди.

Тўрт нафар бақувват сак, инқилаб-синқиллаб, яйловга оқ шун-кор тасвири туширилган оғир қизил ҳалтани келтириб қўйишиди.

Райаданинг кўзлари тош бўлиб қотди-қолди.

У Спаргапанинг ҳалтасини таниди.

Саклар бу ҳалтани форсларнинг ўғруқидан топишганди.

— Райада! — деди Тўмruz. — Ялтироқ тақинчоқларни истабмидинг? Олақол.

Тўрт нафар сак ҳалтани Райаданинг олдига олиб келишиди, қийналиб кўтаришиди-да, ағдаришиди. Райаданинг устига олтин буюмлар жаранглаб тўкилди.

Билагузуклар. Узуклар. Сирғалар. Тўқалар. Спаргапа Курушнинг кўприк бошида ўлдирилган жангчиларидан ечиб олган занжирлар. Оғир тўқа пешонасини тилиб юборди, қон тизиллаб отилиб, лабларига оқиб тушди.

Олтинга кўмилган, унинг совуқ ялтирашидан кўзи қамашган, ҳасрат тўла жарангидан қулоги биттан Райада ўзини йўқотиб, қизиши оғзини очганича турарди.

Айтишларича, у ҳозир ҳам ўша товоқсойда шундай ўтирган эмиш. Тўмруз ўнгга ишора қилди.

Тўрт нафар бакувват сак унинг олдига қизил суюқлик тўлдирилган катта мешни келтирди.

— Айрана ўғлонлари! — деди Тўмруз. — Қаранглар-да, хотирангизда сақлаб қолинглар. У ёқда, ўз ватанингизда бугун кўрганларингизни айтиб беринглар. Эҳтимол, улар тушунишар...

Майра олачипор рўмолни очиб, кесилган бошни Тўмрузга узатди. Тўмруз хинага бўялган сочдан кўтариб, каллани силкитди.

Асир форсларни даҳшат чақмоқдек урди.

Бу Курушнинг боши эди.

Бир вақтлар Куруш, дашт бекасига уйланиш орзусида: «Афтидан, бу Тўмрузни деб бошимни йўқотадиганга ўхшайман», — деганди. Янглишмаган экан.

— Конга ташна эдингми? Тўйиб ич!

Шундай деб, Тўмруз Курушнинг бошини тутган қўлини қўлтиғигача форслар қони куйилган мешга тиқди.

— Шумиди? — қаҳ-қаҳ қилиб кулиб юборди Утана. — Эй Куруш, шуни деб бу қадар олис ерга саргардон бўлиб келганимидинг? Қанча жанжаллар, қанча баҳслар бўлди... Қанча одам бекор нобуд бўлди. Уйидан чиқмасдан ҳам гарданини узиш мумкин эди-ку. Жимгина, оворагарчиликсиз қилиш мумкин эди бу ишни. Ха-ха-ха!

Саклар ҳайқиришди. Уларнинг ҳайқириғида ҳалок бўлганлар учун мотам, тинчгина ҳаётини бузганларга нисбатан нафрат жаранглади. Зафардан фуурланиш, огоҳлантириш ҳам бор эди. Улар ҳорғин, бироқ мамнун ўтиришарди. Ҳаммаси ортда қолди. Оғир заҳмат тугади. Тўмруз кафтларини душман байроғига артиб, қўйнидан шунқор тасвири туширилган туморнинг ярмини чиқариб, лабига босди-да, йиғлаб юборди:

— Спаргапа, ўғлим. Бечора Спар. Қайдасан? Спаргапа, жоним... Қаердасан? Беором руҳинг қаерларда изғиб юрибди? Спар, азизим. Қартайган онангни кечир. Сени асраб қололмадим. Асраб қололмадим. Олачипор ажал олиб кетди сени. Асраб қололмадим...

У шамол чийраб ташлаган қароқчилар туғлари остидан ёвуз ялтираб турган душман табарзинлари ва қиличлари уюми устига

чиқди, бошини азот күтариб, күкрагини олдинга чиқарди, күлини шитоб билан учаётгандек орқага ташлади.

Қанотлари парвоздан жаранглайтган она бургут эди, гүё.

Жиноят содир этилган жойга шошаёттан қасос маъбудаси эди, гүё.

\* \* \*

Кулга санчилган пайконлар занглаб ётган машъум далалар, уйларнинг чанг босган харобалари, аллақачонлар чириб битган ўғлонлар қабрлари, янги туғилган ўғлонлар бешиклари узра она-ларнинг мунгли ва даҳшатли ноласи минг йиллардан бўён сўнмай жарангламоқда:

— Олачипор ажал! Қачон номинг ўчади? Одамлар, Олачипор ажалдан эҳтиёт бўлинг! Уни, албатта, маҳв этинг!

*Адабий-бадиий нашр*

**«Жаҳон адабиёти» кутубхонаси**

***Ёвдат Илёсов***

## **ОЛАЧИПОР АЖАЛ**

Мұхаррир *Л. Игамова*

Рассом-дизайнер *Б. Зуфаров*

Рассом *Ф. Исқандаров*

Техник мұхаррир *Т. Харитонова*

Кичик мұхаррир *Д. Холматова*

Мусаҳқиқ *Г. Азизова*

Компьютерда тайёрловчы *Ф. Чанишева*

Наширёт лицензияси АI №158, 14.08.09.

Босишига 2015 йил 23 марта рухсат этилди. «Газетная публика» қоғози.

Бичими 60×90<sup>1/16</sup>. Таймс гарнитурасида офсет усулида босилди.

Шартлы босма табоби 13,50. Нашр табоби 13,83. Адади 2000 нұсха.

Буюртма №15-47

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129, Тошкент, Навоий күчаси, 30

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: [uzbekistan iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan iptd-uzbekistan.uz)

[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)

11/300с

## Илёсов Ёвдат

И 88 Олачипор ажал / Ё. Илёсов; — Т.: O‘zbekiston, 2015. — 216 б. — (Жаҳон адабиёти кутубхонаси).

ISBN 978-9943-01-883-9

«Олачипор ажал» деб рамзий ном берилган ушбу қиссада бундан икки ярим минг йиллар аввал Амударёдан шимолда яшаган сак қабилялари иттифоқининг Кир II (асарда — Куруш) бошчилигидаги форс босқинчиларига қарши, ватан озодлиги ва эл эрки учун олиб борган кураши ҳақида ҳикоя қилинган. Олачипор ажал — тор маънода Кир II, унинг кўшини, кенг маънода эса — оламдаги мавжуд барча ёвузликлар. Шундан келиб чиқиб, асар марказига Тўмарис (асарда — Тўмруз) бошчилигига босқинчи душманларга, умуман ёвузликка қарши кураш қўйилган.

Асар кенг китобхонлар оммасини ватанпарварлик, миллий гоя ва истиқол мағкураси руҳида тарбиялашга хизмат қиласди, деб умид билдирамиз.

УЎК: 821.511.133-3  
КБК 84(5Ў)6

РАССЫЛКА

Ёвдат Илёсов

# ОЛАЧИПОР АЖАЛ

«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-01-8



9 789943 018839